

Таржимон  
Авазхон Умар

ФОТИХ ДУМАН

Азиз Махмуд Худойй  
ҚИССАСИ

Бас қил, эй нафс!

  
NASIM  
KUTUB

ФОТИХ ДУМАН

Азиз Маҳмуд Худойи Қиссаси

Мен

Бас қил, эй нафс!



Таржимон  
Авазхон Умар

## ИСТАНБУЛДАГИ БИР ЖОЙ. БУГУН

### СЕН

*Ҳар бир гўзаллик ортида машаққат борми?*

Аллоҳим, бунчалар узун бўлмаса бу йўл! Худди тугамайдиган-дек узун... Оёқларим эса ўзимга бўйсунмаяпти.

Истанбул аввалгидек орзу қилинадиган шаҳар эмас. Бўғилиб кетяпман, бош олиб қочиб кетгим келяпти бу шаҳардан. Аммо қочиш ҳам дардимга малҳам бўлмаслигини жуда яхши биламан.

Бир неча соатдан бери давом этаётган йўл азоби, тирбандлик, шовқин-сурон... Аммо буларнинг ҳеч биридан қочиб кета олмаяпман. Оёқларимда юришга мадор қолмади. Бир автобусдан бошқасига ўтаман, кейин яна пиёда юраман, юравераман. Манзилига ета олмаган қадамлар... Ўнгу сўлимга қарамай, атрофга қулоқ солмай давом этмоқдаман...



Ҳаётим тартибсиз, алғов-далғов. Ўзим севган ишни қила олмадим, истаган китобларимни ўқий олмадим, орзуларим

ушалмади... Ёлғизман. Ҳа, ёлғизман. Ҳеч кимим йўқ! Лекин мен мана шу ёлғизлигимни севаман. Аслида дунёда энг катта саодат – ёлғиз қола олганларнинг саодатидир... Эҳтимол, ёлғизлик – ёлғиз қола олмасликдир? Шу боис мен ёлғизлигимга шукр қиламан.

Истанбулнинг қайси бир еридаман, қаерда эканимни ўзим ҳам билмайман, эрталабдан бери кезиб юрибман. Инсонларнинг юзига қараб, дардан бошқа нарса кўрмадим, очиги. Балки шунданми, қочишга жой топа олмадим. Бу ерлардан кетгим келаверади. Ёлғиз қолиб, ўзим билан дардлашадиган, инсонлардан йироқ, сокин бир ер қидираман. Қанийди, ўзимни танҳолик ичига ота олсам...

Бир томондан фикру хаёлим мана шу ўйлар билан банд бўлди, бир томондан эса қаерга кетаётганимни билмай, ҳис қилмай айланиб юрдим. Бир неча тор кўчадан ўтиб, кенг майдондан чиқдим. Транспорт ҳаракати учун ёпиқ бўлган, бир-бирини танимайдиган, у ёқдан бу ёққа югуриб юрган одамлар билан гавжум майдон... Кўчанинг икки томонида ҳар хил дўконлар бор. Одамлар у дўкондан бу дўконга кириб-чиқиб юришибди. Кимдир бор овози билан кулади, яна кимдир у ёқдан бу ёққа ўтади, мен эса уларни кузатяпман. Кейин секин-секин юриб, атрофдаги дўконларнинг ойналарига қарадим. Бир дунё маъносиз-маъносиз расмлар ёпиштирилган. Ҳар хил майда-чуйда сотадиган қатор дўконлар. Одамлар қай бирига киришни билмай ҳалак. Буларнинг бари менга пулни беҳуда нарсага сарфлашдек туюлди. Ўзимни шундай деб овулган киши бўлдим. Ҳар қалай, ичимдан келган овоз шундай деб ҳайқирди. Мен эса ичимдаги овозга ишондим.

Бироз юргач, бир дўконга кириб қолибман. Дўкон жуда гавжум, лекин сокин эди. Бирдан кулоқларим остида най овози янгради. Атрофга ҳузур таралди. Кейин билсам, мен дўкон деб кирган жой китоб дўкони экан. Ўзимга ўзим кулиб

қўйдим. Ростдан ҳам, пул сарфлашни билмайман. Одам деган ҳам пул сарфлаш учун китоб дўконига кирадими?!

Шундай бўлса-да, дўкондан дарҳол чиқиб кетмадим. Жавонларга териб қўйилган китобларга бирма-бир қараб чиқдим. Қандай китоб эканига, муқовасида нима ёзилганига ҳам қараб ўтирмадим. Аслида хаёлим қулоқларимда қолиб кетган най овозида, уни ҳамон эшитиб турибман. Бу най деган чолғу асбобини ким ўйлаб топганини билмайман, аммо ким ижод қилган бўлса ҳам, ич-ичимдан унинг ҳаққига дуо қилдим.

Қўлимга бир нечта китоб олиб, ўзимча қараб чиққан киши бўлдим. Ахир бу ерга адашиб кириб қолганим билиниб қолмасин дейман-да! Мендан анча ёш, озгингина қиз шу дўконда ишлашини кўрсатиб турган кийими билан ёнимга келиб, «Бирор ёрдам керакми?» деди. «Ёрдам бера олмайсиз, яхши қиз» дегим келди-ю, лекин дея олмадим. Хиёлат бўлиб, қўлимдаги китоблардан бирини қизга узатдим. Қизгинанинг орқасидан кассага бориб, китобни сотиб олдим-у, ташқари чиқдим.

Қўлимдаги қандай китоблигига ҳам қараб қўймай, яна одамлар орасига кириб кетдим. Оломон орасидан бир амаллаб ўтиб, кўчанинг охиригача бордим. Йўлнинг охири денгиз соҳили эканини биламан. Денгизни томоша қилиш, уни тинглаш менга ҳузур бағишлашини сезиб турибман. Шунинг учун бўлса керак, денгизга олиб чиқувчи ҳар қандай йўлни яхши кўраман!

Соҳилга келгач, ҳеч ким йўқ, одамлардан узоқ жой қидира бошладим. Шунинг учун ошхона ёки кафеларга кирмадим. Соҳилнинг нариги учуда эски машинада орасига қотлет солинган нон, чой, сув каби майда-чуйдалар соғатган одамни кўрдим. Энг чеккадаги ёғоч ўриндиқлардан бирига ўтирдим. Мен ўтирган столга ҳеч ким келмаслиги учун стол

атрофидаги қолган учта ўриндикни олиб, бошқа жойга қўйдим. Қўлимдаги китобни стол устига тап этиб ташладим. Кўп ўтмай, ёнимга бир бола келди. Нимагадир бу кичкина болакайда маъсумлик кўрмадим. Ўзимга ўзим «Маъсум бўлмаган болалар ҳам бўлар экан-да», деб қўйдим. Нима учун бундай ғалати ўйга бордим, билмайман! У мендан нима кераклигини сўради. Гапиришга мажбур бўлдим. Ҳар ярим соатда битта финжон чой олиб келишини айтиб, уни ўзимдан узоқлаштирдим.

Кўзларимни денгиз тўлқинларидан уза олмайман. Хаёл суришни орзу қиляпман-у, аммо тайинли бир хаёл ҳам кела қолмаяпти. Икки тирсагимни столга қўйиб, бошимни эгиб, кўзларимни юмдим.. Нималарнидир ўйладим, лекин нимани ўзим ҳам билмайман. Менинг дардим бир неча соат аввал бўлган воқеалар эмас. Ора-сира ҳаммада бўлгани каби, бу ерлардан узоқлашиб, ёлғизликка кўмилишни истаяпман... Мана шу оломондан узоқлашиб, ўзимга яқинлашгим келяпти. «Нима учун? Кимдан? Қаерга? Қаердан?» каби саволларни бермай, бошим оққан томонга, узоқларга кетсам дейман. Вақтга, соатларга қараб ўтирмай, шунчаки кетишни истаяпман. Кўзларимни оча олмаяпман. Ўзим билан ўзим гаплашяпман. Ҳалиги болакайнинг чойни столга қўйиши билан кўзларим бирдан очилиб кетди, лекин бошимни кўтара олмадим. Кўзимни яна юммоқчи бўлдим, лекин хаёлларим тумтарақай тарқаб кетиб бўлган эди. Тўсатдан бироз аввал стол устига қўйган китобимга кўзим тушди. Аҳволимга кулиб қўйиб, китобга қарадим. Китобнинг сарлавҳаси ғалати эди. Маъносини тушунмадим. Аслида бу китобни нима учун олганимни ҳам билмайман. Муаллифнинг исмига қарадим, лекин ўлай агар, танимадим. Бу исмни аввал ҳам эшитмаган эканман. «Бекор сотиб олибман, пул увол бўлибди», деб қўйдим ичимда. Таваккал қилиб, ҳеч ким олмайдиган китобни олганим учун уялдим, тўғриси.

Сўнг китобни кўлимга олиб, яхшироқ қарадим. Мақсадсиз, шунчаки назар солдим. Китобнинг номи «Мен...» эди. Бу нима дегани бўлдикин, деб ўйлаб қолдим. Сарлавҳанинг тагига «Азиз Маҳмуд Худоий» деб ёзилган эди. Асар шу киши ҳақида бўлса керак-да. Китоб ҳеч диққатимни тортмади. Бир неча саҳифа ўқиганимдан кейин муаллифнинг сурати чиқди. Сурат тагида ёзувчи ҳақида бир неча жумлалар бор экан... У жуда ёш экан!

Бунинг учун отнинг калласидек юрак керак. «Бу ёшдаги одам нима ҳам ёзарди?» деб кўйдим ўзимча. Лекин тўғриси, мен қилмаган ишни қилгани, хаёл сура олгани учун «ҳасад» ҳам қилиб кўйдим. Чунки хаёл сура олган инсон – эркин инсондир.

Ёзувчида ҳам, менда ҳам бир хил вақт бор, унинг ҳам, менинг ҳам бир куним йигирма тўрт соатдан иборат. Лекин адиб мана шу соатларнинг ичида ёзишга вақт ажратганига ҳайратим ошиб кетди. Менга етмаётган вақт унга қандай қилиб етяпти экан-а?

Кейин китобнинг орқа муқовасига қарадим. У ерда ёзилган сатрлар диққатимни тортди:

«Мен сиз билан дардлашадиган ўша нафс ҳақида ҳикоя қилиб бераман. Шундай экан, бу китобни нафсингиз тилидан хитоб қилинадиган бир ҳикоя деб қабул қилгайсиз...

Аммо шуни билингки, қалбимизга мана шуларни васваса қилган ҳам нафсимиздир. Бизларни ишдан қолдирган, алдаб-сулдаган ҳам нафсдир. Ва ҳатто, ичингиздан бир овоз сизга «Бу китобни асло ўқима!» деяётган бўлса, билингки, бу ҳам ана ўша нафсининг овозидир.

«Ҳар бир китобнинг ўз эгаси бор», дейдилар. Ажаб эмаски, бу китоб фақатгина сиз учун ёзилган бўлса!

Бу китоб худди мен билан гаплашаётгандек эди. Бироз галати бўлдим. Юзимга севинч югурди. Китобдаги жумлалар

кўнглимни илитди. Ҳар ҳолда, бу ёзувчи гаплашишни эмас, ёзишни афзал кўрган бўлса керак. «Эҳтимол, мен кабилар учун гапириш эмас, ўқиш яхшироқдир», деб кўйдим. Кейин эса тузган жумлаларимнинг жўяли эканини ҳис қилиб, ичимдан севиниб ҳайратландим.

Яна китобнинг олд муқовасига кўз ташлаб, бу сафар унга диққат билан қараб чиқдим. Китобнинг номи, ёзувчининг исми... Ҳеч бири менга таниш эмас. «Ўзимдан анча ёш бу ёзувчининг менга айта оладиган, китобига қизиқтира оладиган нима гапи бўлиши мумкин?» деб ўйладим. Лекин китобнинг самимияти мени ўзига тортаверди. «Балки, ҳақиқатан ҳам, бу китоб мен учун ёзилган бўлса-чи? Балки бу китоб – менинг ички овозимдир» дея хаёлимдан ўтказдим! Ичимдан «Ўқи!» деган бир овоз янгради. Мен бу овозга дарҳол кулоқ солдим. Китобнинг муқовасида шундай деб ёзилган эди:

Азиз Маҳмуд Худойй

Мен

*Бас қил, эй нафс!*

Фотиҳ Думан

Китобни очиб, фақат вақт ўтишини ҳис қилиш учунгина ўқий бошладим...



## ҲАР ДОИМ

## НАФС

*Мен – сенман, нафсингман*

Эй инсон! Сен мени жуда яхши танийсан, биз ҳар доим биргамиз, лекин сен менинг кимлигимни билмайсан! Сен нафас олганинда мен ҳам нафас оламан, гапирганинда мен ҳам гапираман. Ҳатто сен мен билан гаплашасан ҳам, лекин кимлигимни билмайсан. Кел, унда мен сенга ўзимни таништирайин!

Ё тавба, аҳволингга бир қарасанг-чи! Мунча кўп куласан? Нега ҳар бир айбингни юзингдаги табассум билан беркитмоқчи бўляпсан? Табассум гуноҳларимни ўчиради, деб ўйлаяпсанми? Ахир айбни ёпадиган ранг, бўёқ йўқлигини билмайсанми? Бир кун келиб, ўша бўёқ ҳам оқиб тушади, қилмишларинг кундек равшан бўлади. Лекин унда кеч бўлади...

Ўтган кунларингни бир эслаб кўргин. Кўрган-кечирганларингни, эшитганларингни, билганларингни, айтганларингни, қилмишларингни, бошқалардан яширган ишларингни эслагин. Ҳаммадан яширдим деб ўйлаган хатоларингни...

Эсингга тушяптими?

Ҳали ҳеч кимга ошкор қилмаган, гуноҳлигини билсанг ҳам, барибир қилаверган ишларинг ҳақида ўйлайсанми? Биров кўрмаяпти деб қилган гуноҳларинг эсингга тушяптими? Ёлғиз қолганинда, ярим кечаси, кимса йўқ деб ўйлаган пайтингда ўша гуноҳларинг билан юзлаша олишга юрагинг дов берадими?

Қилмишларинг учун йиғлайсанми ҳеч? Гуноҳларингдан уялиб, кўзингга ёш келганми ўзи?

Йиғлаяпсан... Йиғлаяпсан, инсон. Йиғлаяпсанки, инсонсан, инсонсанки, йиғлаяпсан!

Лекин сен гофил, «Йиғласам, ҳаммаси ўтиб кетади», деб ўйлаяпсан. Йўқ, йиғи малҳам эмас, англаш малҳамдир! Сен эса англамаяпсан.

Гуноҳларингни бўйнингда кўтариб юрибсанми? Шунча гуноҳинг бўлса ҳам, яна гуноҳ қилишда давом этяпсанми? «Бўлди, йиғиштир, тўхта!» деб айта оласанми ўзингга? Йўқ, айтолмайсан.

Қилган ҳар бир хатоинг учун пушаймон бўласан, тавба қиласан, лекин ўзингни кейинги гуноҳга тайёрлайсан. Аслида янги гуноҳ учун эскисига тавба қиласан. Тавбаларингда самимий эмассан. Сенинг тавбанг ҳам, пушаймонлигинг ҳам сохта. Ҳали ҳам кулаётганингга қойилман!

Бу ишларни ҳеч ким кўрмаяпти, ҳеч ким билмайди деб ўйлаяпсан! Нақадар гофиллик, нақадар гафлат! Наҳотки гувоҳдан хабаринг йўқ бўлса!

Биламан, инсон, ҳаммасини біламан. Билганим учун ҳам сен буларни қиляпсан. Аввал хато қиласан, кейин гуноҳларга қўл урасан, кейин эса бир муддат пушаймон бўлиб, тавбага юзланасан! Бу ишлар ҳақида ҳеч кимга оғиз очмагансан, улардан кимсанинг хабари йўқ! Лекин мен буларнинг барини біламан, чунки мен ҳар доим сен биланман. Сен билан нафас олиб, сен билан нафас чиқараман ахир. Сен билан гаплашаман, сенга жуда яқинман. «Ҳеч ким кўрмади, демак,

хеч қандай гувоҳ йўқ», деб қилган амалларингнинг ҳаммасига мен гувоҳман. Ҳар хато қилганинда, ҳар гуноҳ қилганинда мен сенинг ёнингдаман, ёнгинангдаман. Сен мени биласан, лекин гуноҳларингнинг сабабчиси мен эканимни билмайсан. Мен сени жуда яхши танийман, лекин сен мени танимайсан. Мунча ҳам гофилсан!

Сен кимсан дейсанми?

Кимлигимни айтайми?

Ярим кечаси, ҳали тонг ёришмасдан, сен ҳали иссиққина кўрпангда ётганинда, азон овозини эшитиб, ўрнингдан турмоқчи бўлганинда «Тўхта, яна бироз ётсанг-чи, ҳали вақт бор-ку!» деган овоз эсингдами?

Йўлда бир тиланчини кўриб, чўнтагингни кавлаб, борингни бермоқчи бўлганинда «Ҳаммасини берма, кейин ўзингга нима қолади? Булар гадойликни касб қилиб олган, бермаслик керак» деб, кўлингни қайтарган, виждонингга қарши борган – менман.

Номахрамга кўзинг тушмаслиги учун кўзингни олиб қочганинда сени унга қарашга ундаган... Мени бирпас енгган бўлиб, қиблага юзланиб, намозга қўл боғлаганинда хаёлингга дунёвий нарсаларни олиб кириб, сени чалғитган – менман.

Моддий ёки обрў жиҳатдан ўзингдан салгина пастроқдаги одамни кўрганинда қалбингга кибр солиб, камтарликни унуттириб, нафрат отига миндириб, сендан шафқатни олиб кетган – менман.

Бу дунёга нега келганигни, бу дунёда яшашдан асл мақсадинг нималигини, ўлимни, бандалик вазифаларингни, ҳақиқат ва адолат туйғуларингни унуттирган ҳам ўзимман. Сени гуноҳга қизиқтирган, ўша гуноҳдан энди юз ўтирганинда «Яна озгина қилсанг нима бўпти, осмон узилиб ерга тушармиди?» деб, оёқ тираб олган ҳам менман.

Ҳар гуноҳ қилганинда нарироқда сени томоша қилган ҳам, кўлингга Куръон ёки бошқа фойдали китоб тушса, кўзларингга уйқу келтирган ҳам, уйқуга ётганинда виждонинг овозини ўчирган, кўзларингга ёш эмас, кулги келтирган, хайрли иш қилиш ўрнига гуноҳни тавсия қилган ҳам менман...

Мен сендан аввал ҳам бор бўлганман, сендан кейин ҳам бор бўламан.

Дунёдаги биринчи инсон – Одам Ато яратилганида ҳам мен унинг ёнида эдим. Ер юзидаги сўнгги инсон билан ҳам бирга бўламан.

Менга қарши жуда кўп одамлар курашди. Кўпларини енгдим, лекин енгилган пайтларим ҳам бўлди. Баъзилари овозини чиқармай, менга азият етказди, баъзилари эса «Эй нафс, сенга бўйин эгмайман» деб, менга қарши қаттиқ уруш очди. Яна кимдир «Эй нафс! Сени сен қилган менман, мени ҳам мен қилган сен бўласан! Ё менинг йўриғимга юрасан, ҳамроҳим бўласан, ёки йўлимдан қочасан, мен ҳақ йўлида давом этаман!» деб ҳайқирди. Лекин мен уларнинг орқасидан қолмадим, доим улар билан бирга бўлдим. Ҳозир эса сен биланман. Сени сендан ҳам яхши танийман, сендан ҳам яхши биламан. Сен ҳар бир айтганимни сўзсиз бажо келтирасан. Тўғри, гоҳида мени енгасан, лекин шунда ҳам менинг овозимни ўчира олмайсан.

Виждонинг тубидан келган овозни эшитганинда ёнида яна бир овозни эшитасан. Ўша – менинг овозимдир, эй инсон!

Сен ҳеч қачон мендан айрила олмагансан, айрила олмайсан ҳам. Кечалари ётоғингда ётганинда ҳам, ёлғиз қолганинда ҳам, ўзинг билан ўзинг гаплашганинда ҳам ичингдан келган овоз – менман. Бирор яхши ишга киришганинда ўша ишдан қайтарган, гапингни унуттирган ҳам менман.

Ҳозир ҳам менга мана шу жумлаларни сўзлатган муаллифнинг мақсадини яширяпман. Шундай бўлишини

истаяпман. Бу гапларни ёзмасин, тушунтирмасин, айтмасин деб, унинг фикрини чалгитяпман. Масалан, муаллиф сенга «Эй инсон» деб эмас, балки «Эй ўқувчи! Эй китобхон!» деб хитоб қилишимни истаяпти. Чунки бу – самимий, чин кўнгилдан айтилган сўзлардир. Лекин мен бунга қарши чиқяпман. Уни бу ниятидан қайтариш, ўрнидан турғизиш учун қулоғига пичирлаяпман, «Шунча одам кайфу сафо қилиб юрибди, сен ҳам ўзингни ўйласанг-чи! Нима қиласан бошингни қотириб! Ярим кечаси мазза қилиб ухлаш ўрнига, кўзингнинг нуруни кетказиб, ёзиб ўтирганинг нимаси?» деб, уни йўлдан оздиряпман.

Менга қулоқ солиши учун ёмон нарсаларни ҳам чиройли қилиб кўрсатяпман. Агар кўндира олмасам, йўлимга юргиза олмасам, яқинларига ёпишаман, уларнинг ақлини эгаллаб, қулоқларига пичирлайман, охири, барибир, уни ўз томонимга оғдириб оламан!

Мендан фақат дунёнинг ҳиди келиб туради. Менинг жисмим йўқ, лекин фақат ва фақат дунёни истайман. Шунинг учун бу муаллифнинг ҳарфлару сўзларни қоғозга туширишига, маъноларни баён қилишига қаттиқ қаршиман. Қанийди, ёзаётган бармоқлари синса-ю, ёзишдан тўхтаса! Ёзолмай қолса, бу китобни ёзиш ниятидан воз кечса!..

Эй инсон! Мени ҳали ҳам танимадингми? Сен менинг исмимнигина биласан, холос! Мен ҳақимда эшитгансан, лекин мени ҳис қилмайсан, мендан хабарсизсан. Мени танийман деб ўйлайсан, лекин мен шуни истаганим учунгина танийсан. Ичингда «Бу гапираётган ким?» деяпсан. Сен билан қанчалик кўп гаплашганимни, ҳамма сирларингдан хабардорлигимни билсанг эди... Ахир ҳеч кимга айтмаган сирларингни аллақачон менга айтиб қўйгансан. Ахир ҳар кун, ҳар кеча, ҳар он сен билан биргаман. Сен биринчиси эмассан, охиргиси ҳам бўлмайсан.

Сен кимсан дейсанми? Ҳалиям танимадингми? Ҳалиям гафлат уйқусидан уйғонмадингми? Майли, таний олмаган

бўлсанг, унда ўзим айта қоламан:

«Мен ҳар доим сен биланман, мен – сенман, сенинг нафсингман»



Мана, энди билиб олдинг! Айтдим-ку, «Мен сенинг ўзингман, сенинг нафсингман», деб. Энди исмимни ҳам, сен билан ким гаплашаётганини ҳам биласан.

Хуллас, таниган бўлсанг, яхши. Лекин унутмагинки, менинг мақсадим – сенга ўзимни англатиш эмас. Гап сен ҳақингда ҳам эмас. Сенга айтадиганларим бутунлай бошқа.

Мен сени ҳар доим мағлуб қилганман, сенга нима десам, қулоқларингга нима деб пичирласам, ўшани эътирозсиз бажаргансан, эсладингми?

«Йўғ-е, ростданми?» дейишга шошилма. Ахир иккимиз ҳам буни жуда яхши биламиз. Сенга айтганимдек, мен кўпинча голиб бўлдим, лекин мени енгганлар ҳам топилди. Мен орқага чекиндим. Менинг белимни синдиришди, овозимни ўчиришди, ичларида мени ўлдиришди ҳам. Мени енгиш учун кунини бир луқма овқат билан ўтказганлар, одамлар йўқ жойга кетиб, узлатда ўтирганлар, ойлаб бир оғиз гапирмаганлар бўлди.

Лекин билиб қўй, мен билан жанг қилиш осон эмас. Мени енгишинг учун энг аввало ўзингни енгишинг, мендан эмас, ўзингдан воз кечишинг керак. Узлатга чиқиб, одамлардан узоклашиб, кам еб, кам ухлаб, кам гапириб, ўз нафсини қийнаб, лекин аслида менинг адабимни бериб, мени машаққат чуқурига ташлаганлар ҳам бор. Уларнинг асари оғир ярадек, чандик бўлиб қолади. Аммо сен уларни билсанг, кўрсанг, ўқисанг ҳам, улардан ибрат олмайсан, чунки уларни унуттирган ҳам – менман.

Сенга ана шундай чандик қолдирганлардан бирини айтиб

бермоқчиман. У қандай қилиб бурнимни ерга ишқалаганини сўзлаб берай. Бу билан ўз оёғимга болта уриб, мени енгиш сирларини очиб ҳам қўйишим мумкин. Лекин билиб қўй, сен ҳам уларга ўхшаб, мени енгишга уринган пайтинг барибир сени йўлдан ураман!

У мени мағлуб қилганига анча бўлди. У менинг овозимни ўчириб, чекинишга мажбур қилган юзларча голиблардан биридир.

Балки бу китобни ўқишдан воз кечаётгандирсан, энг камида ичингда шундай ўйлайсан. Билгинки, сени бундан воз кечиртирган ҳам, ичингдаги васваса ва гулгула ҳам менман. Ахир айтдим-ку, **«Мен – сенман, сенинг нафсингман»**.

Сен менга доим қулоқ соласан, шунга ўхшаб, яна яхшилаб эшит: мен сенга нафси билан, яъни мен билан мужодала қилган – Азиз Маҳмуд Худойй ҳақида ҳикоя қилиб бераман...

## ИСТАНБУЛДАГИ БИР ЖОЙ. БУГУН

### СЕН

*Балки бу китоб айнан мен учун ёзилгандир?*

Бу ёзувчи нималар деяпти ўзи? Буни қандай қиляпти у? Сал ғалати-ку. Ўзи билан ўзи гаплашяпти. Ўзини ўзига тушунтиряпти. Ўзи билан ўзи баҳслашиб, ичидаги душмандан ўзи ҳақида сўраяпти. Жуда ажойиб нарсаларни қаламга олибди. Ҳеч кимни гапиртирмаяпти. Аслида жисми ҳам, бадани ҳам бўлмаган, гапира оладиган, лекин инсон бўлмаган нарса – нафс ҳақида гапиряпти! Инсоннинг ичидаги «мен» ҳақида сўз очибди! Тўғриси, муаллиф жуда ғалати экан...

Шу пайтгача бирорта ёзувчининг нафсни гапиртирганини кўрмаган эдим. Шунинг учун ҳам менга эриш туюляпти шекилли. Бунинг устига адиб ҳали жуда ёш экан! Қандай қилиб бундай нарсаларни ёзяпти, ҳайронман. Унинг хаёл кучига, тасаввур кучига ҳайратим ошяпти. Китобнинг бошидаги саҳифаларга қайтиб, ёзувчи ҳақида ёзилган гапларни бошқатдан ўқиб чиқдим-у, бошимни китобдан кўтардим.



Аслида китобдан бошини кўтармай, соатлаб ўқийдиганлардан эмасман. Китоб ўқидим дегунча ё юрагим сиқилади, ё уйқум келади. Лекин мана бу одам нафсга «Бу уйқуни ҳам мен олиб келяпман», дегизяпти... Нафсга қарши курашишим керак деб ўйлаб қоляпман. Тавба...

Нафс ростдан ҳам одам билан гаплашадими? Ичимдан келадиган овоз нафснинг овозими? Менга қилдирмоқчи бўлган ишларини худди ўзимдан чиққандек қилиб кўрсатадими? Бу китоб жуда ғалати, бутунлай бошқача китоб экан!

Бор-йўғи бир неча саҳифа ўқидим, лекин гуноҳларим ҳақида ўйлашга мажбур қиляпти! Ҳаммадан яширганларим, тавба қилганларим, ҳеч кимга айтмаганларим... ҳаммаси бирмабир эсимга тушыпти. Наҳотки уларни мендан бошқа яна кимдир билса?

Бирдан уялиб кетдим. Қандай қилиб бундай хаёлга борганимга ўзим ҳам ҳайрон бўлдим, тўғриси...

Тўғри, ичимдан келадиган овозлар бор, кўпинча ҳар хил бўлмағур, ёмон ишларни қил дейдиган овозлар. Ёзувчи эса уларни «Бу – нафснинг овози», деяпти, яна буларни айнан ўша нафснинг тилидан айттиряпти.

Ичимдан келган овозни эшитишга уриниб, айти пайтда ўзим нима истаётганимни ўйлаяпман. «Нима қиласан шу китобни ўқиб?», деяпти айёр нафс. «Мана, неча соатдан бери ўтирибсан, бўлди, уйингга борсанг-чи! Бориб, дам олгин. Ахир бу китобни ёзган одамни танимайсан ҳам-ку? Тажрибасиз, ёш бола экан-ку! Китобини ҳали ҳеч ким ўқимаган ҳам бўлса керак. Бу китобни шунчаки олган эдинг-ку? Вақтингни мана шу нотаниш китобга сарфлашинг шартми, шунга арзийдими у? Ахир вақт олтинга тенг-ку!...»

Ичимдан келган овоз айнан мана шундай деди. Ҳайрон қолдим. Энг қизиғи, мана шу ичимдан келган овозга кулок солгим, айтганларини қилгим келяпти.

Бошимни айлангириб юборди бу китоб. Тўғриси, китоб жуда қизиқ масала билан бошланган экан. Лекин мен ўзимга, ичимдаги овозга кулоқ соламан...

Ўрнимдан турдим. Боя чой олиб келган болакай ёнимга келди. Уч финжон чой ичибман. Шунча чойни қачон ичдим, эслолмадим. Болакайга чойнинг пулини бериб, соҳилдан нари кетдим. Лекин бу сафар у кўзимга маъсумгина кўринди. Нега бундай бўлди, ўзим ҳам тушунмадим. Яна қош қорайганда йўлга чиқдим. Олдинда яна узун йўл бор. Инсон кўп йўл юргандан кейин, барча йўллар унга шундай туюлаверса керак. Шунинг учун ҳам йўллар кўзимни кўрқитяпти.

Кетиш – ўлим. Ўлим ҳам барибир кетиш... Балки шунинг учун иккаласидан ҳам бироз кўрқаётгандирман?

Энг яқин бекатдан бир автобустга чиқиб, энг орқадаги ўриндиқлардан бирига ўтирдим. Бошимни қўйиб, бироз бўлса ҳам ухламоқчи бўлдим. Лекин негадир миямда китобдаги жумлалар кезиб юрибди. Китобнинг ёзувчисини руҳан ўзимга яқин ҳис қилдим, шекилли. Юракдан, самимий ёзибди. Ёки менга шундай туюлдими?

Масалан: «Балки бу китоб айнан мен учун ёзилгандир?» депти.

«Балки ўша одам мен бўлсам-чи?» деб ўйлаб қоляпман ичимдан. Демак, ёзувчининг бир дарди бор, ёзганлари биргина одамнинг юрагига етиб борса ҳам, унга шунинг ўзи кифоч. Мен шундай деб ўйлаяпман. Ўша одам мен бўлишим мумкинлиги эса китобга қизиқишимни орттиряпти. Яна ёзувчи нафсни гапиртириб, «Сен хайраи ишга киришганигда сени тўхтатган ҳам – менман» деб, иқроф қилдирибди. Ўйланиб қолдим. Қўлтигимга қистирилган китобимни яна қўлимга олдим. Ўқийми, ўқимайми деб, бироз иккиланиб турдим. Ичимдан келган овозга кулоқ соласам, у ҳам ўқишимни истади! Бу китоб мени сеҳраб қўйди, шекилли. Эшитмаган овозларни эшитгандай бўлаяпман.

Мен эшитдим деб ўйлаган овоз «Тўхта, нима қиласан ўқиб?»  
депти. Китобдаги нафсга ўхшаб... Мен буни бир ўйин деб  
қабул қилдим-у, ёзувчи истаганидек, у қўйган қоидалар  
бўйича китобни ўқишда давом эттирдим.

ИСТАНБУЛДАГИ БИР ЖОЙ. БУГУН

## ҚОЗИ МАҲМУД АҒАНДИ

Мен одамларни қайғуга туширмайман... Бировни хафа қилгим келмайди. Чунки инсоннинг бошига бирор дард келса, Аллоҳни ёдга олади. Буниси эса менга тўғри келмайди. Шунинг учун мен одамлар дунёнинг ташвишларига ўралашиб қолишини, нафси истаган нарсани қилишини хоҳлайман. Мансабга, мол-дунёга, шахватга берилишини истайман. Агар мен уларнинг фикру хаёлига мана шуларни киритсам, Аллоҳни ҳам унутиб юборишади. Мен халқ олдида обрў-эътиборга эга бўлган, халқни бошқара оладиган одамларни йўлдан оздиришга жон-жаҳдим билан киришдим, чунки уларни ногорамга ўйната олсам, қолгани осон... Балик бошидан, деб бекорга айтишмайди-ку. Масъулияти оғир бўлган одамнинг имтиҳони ҳам оғир бўлади. Мен ана шундай одамларни доим таъқиб қилдим, қулоғига пичирлаб, фитнаю васваса солдим.

Маҳмуд Фазлуллоҳ ўғлига, яъни қози Маҳмуд ағандига, кейинчалик эса бошқача ном – Азиз Маҳмуд Худой деб танилган зотга ҳам шу сабабли йўлиқдим.

Мен унинг ёқасига жуда қаттиқ ёпишган эдим. Лекин кимга ёпишганимни кейин билдим.

Бошида ҳаммаси кўнгилдагидек эди. Биз у билан шунақанги кўп гаплашар эдикки, барча тилакларим бемалол амалга ошар эди. У кўпинча менга қарши чиқмоқчи бўлар, лекин мен бир нарса қилиб, ҳар сафар унинг фикрини чалгитар эдим. Чунки қайси ёшда, қайси мавқеда бўлишидан қатъи назар, менга ёққан нарса инсон зотига ҳам ёқар эди.

Лекин Худойининг устози Назирзода Рамазон афанди вафот этди-ю, ҳаммаси ўзгариб кетди...

Маҳмуд Фазлуллоҳ ўғли Кўчҳисорда дунёга келди. Кейинчалик таҳсил олиш учун Савриҳисорда ҳам яшади. Тахминан йигирма ёшларида эса илм олиш ниятида Истанбулга йўл олди. Ўша пайтда Усманийлар салтанати тахтида буюк Қонуний Султон Сулаймон подшоҳ эди. Давлат қанчалик кучли бўлса, илм ва санъат, ижтимоий ҳаёт ҳам шунчалик яхши даражада бўлар экан. Бу даврда Истанбулнинг ҳар бир бурчаги илм ўчоғи, бир олимнинг кучоғи эди.

Маҳмуд Фазлуллоҳ ўғли ҳам Истанбулга келиб, кичик Лё София масжидининг мадрасасида яшаб, илмини зиёда қилди. Унинг бу ердаги устозларидан бири Назирзода Рамазон афанди эди. Илм олиш учун ватанини, оиласини ташлаб келган бу йигит Назирзода Рамазоннинг назарига тушди. Ўртада самимийлик пайдо бўлди, дўстлик, устоз-шоғирдлик муносабатлари зиёда бўлиб, ота-ўғилдек бўлиб кетишди. Назирзода Рамазон афанди гапирар, Маҳмуд эса уни жон қулоғи билан тинглаар эди. Ўша пайтларда ҳам Худойини чалгитишга уринганман. Туби кўринмайдиган бу илм кудугини ташлаб, она юртинга қайта қолсанг-чи деб, кўп марта қулоғига пичирлаганман. Лекин нима қилсам ҳам, уни илмдан қайтара олмадим... У ўз йўлидан воз кечмади.

Кейинчалик хонақоҳга борадиган бўлди. Шу пайтгача зехнини тарбиялаётган бўлса, энди хонақоҳда қлаббини тарбияламоқчи эди. Маҳмуд бу ниятини дилига тугзур тугмас, ундан воз кечирдим. «Сенга илм керак! Хонақоҳда

нима қиласан?» деган гапни тинмай миясига қуявердим. Хонақоҳга бормай, мадрасада қолишини истар эдим. Чунки хонақоҳ деган жойда қалб илми ўргатилади, мадрасада эса фақат ақлнинг илми берилади. Агар хонақоҳга борадиган бўлса, у ерда қалб илмни ўрганса, холимга вой, ўлганим шу!

Шунинг учун қачон хонақоҳга бориш эсига келса, шу захоти уни бошқа нарсалар билан чалгитавердим. Лекин бу чалгитиш бир неча ҳафтагина давом этди, холос. Чунки уни йўлдан оздиришга, фикридан қайтаришга минг ҳаракат қилганим билан, виждон ҳам бекор ўтирмади, менга қарши астойдил курашди. Тан олишим керак, виждон кўпинча мени енгиб қўяверар эди. Хуллас, бу сафар ҳам виждон мени енги – Маҳмуд хонақоҳга қатнай бошлади.

Маҳмуд дастлаб Ҳалватий хонақоҳида Муслиҳиддин афандининг дарсларига қатнай бошлади. Бу ёқда кичик Аё София мадрасасида Назирзода Рамазондан дарс олади, у ёқда – хонақоҳда Муслиҳиддин афандидан ваъзлар эшитиб, қалбини поклайди. Мен эса нима қилиб бўлса ҳам, унинг кўнглига дунё севгисини суқишим керак эди...

Истагимга эришиш учун кўп кутмадим. Чунки бир неча йил ўтгач, Назирзода Рамазон афанди Маҳмуднинг илми, ахлоқи туфайли севган талабасини ўзига ёрдамчи қилиб олди. Энди Маҳмуднинг вазифаси, иши бор эди, ойлик ҳам олар эди. Бу эса мен учун битмас-туганмас, олтинга тенг фурсат эди. «Бу пул жуда кам-ку» деб, кўнглига гулгула солишни бошладим. «Сен бундан ҳам олий мавқеларга лойиқсан. Бу иш сенга яраша бўлмади», деб васваса қилавердим. Кўнглига анчагина шубҳа солдим ҳам. Лекин у мана шундай пайтларда хонақоҳга бориб, мен кўнглига солган васвасаларни, гулгула оловларини устозининг ваъзалари билан сўндираверди. Мен ҳар сафар ишни яна бошидан бошлашга мажбур бўлар эдим. Бироқ Маҳмуд менинг бу йўлдан асло қайтмаслигимни билмас эди.

Бир куни у мадрасада дарс бераётган эди, бир хабар келди: устози Назирзода Рамазон афандини Эдирнадаги Салимия мадрасасига мударрис қилишибди. Бу хабарни эшитган Маҳмуд бироз кўрқди, кўнглида хавотир пайдо бўлди. Бу эса мен учун яна бир зўр фурсат эди. Инсон зоти борки, қайғуга тушган, кўрққан, иккиланган пайтида кимгадир суянгиси келади. Кўпинча ана шу суянадигани мен бўламан. «Устозинг Эдирнага кетадиган бўлса, сен ҳам бу ерларни ташлаб, қишлоғингга қайта қолгин» деб, кўнглига васваса солдим. Лекин устози уни ҳам ўзи билан олиб кетишини қаердан билай...

У кетди... Устози билан Эдирнага кетди. Мансаби ҳам янада кўтарилди. Демак, унинг кўнглига ин қуришим учун яна бир имконият пайдо бўлди. Лекин энди унинг кўнглига кириш, уни чалғитиш осон иш эмас эди, мен буни жуда яхши билар эдим. Чунки у сабр қилар, ниятидан, мақсадидан воз кечмас эди, шижоати жуда баланд эди. Мен яна бир йўлини топиб, уни мансаб билан йўлдан оздирмоқчи бўлдим. Чунки кундан-кунга унинг ҳурмат-эътибори ошиб, мартабаси улуғ бўлаверди.

Кейин эса устози билан Шомга, Мисрга йўл олди. Худди Назирзода Рамазон афанди уни мен билан ёлғиз қолдирмаслик учун, қаерга борса, ўзи билан бирга олиб кетаётгандек эди! Мен Маҳмуднинг қулоғига нимани пичирласам, шунинг тескарисини қилаверди. «Устозингдан узоқ бўлгин, у билан бирга юрмагин», дер эдим. Кучим битиб, у билан курашиш жуда қийин бўлиб қолди. Назирзода Рамазон афанди Маҳмудга ҳар доим «Менинг насиҳатларимга қулоқ тут, ҳар доим эсингда бўлсин...» деб, кўп насиҳатлар қилар эди. Устози энди унга Маҳмуд эмас, Маҳмуд афанди деб мурожаат қила бошлади. Маҳмуд ўзи ёлғиз қолганида ҳам устозининг ўгитларини хотирлаб, уни чалғитишимга фурсат қолдирмайдиган бўлиб олди.

Кўп ўтмай, устози билан бирга Бурсага келишди. Назирзода Рамазон афанди Бурсанинг энг катта қозиси, олими бўлди, Махмуд афанди эса Фарходия мадрасасига мударрис бўлди, яна Жомеъи Атиқ ноиби, яъни қози этиб тайинланди. Яна устози унинг кўнглига шифо, дардига даво бўлишда давом этди. Қанийди, устози ундан сал узоқлашса-ю, мен Махмуд афандининг кўнглига дунё севгисини суқсам...

Нихоят, мен уни дунё билан алдадим, мақсадимга эришдим. «Назирзода Рамазон афанди бу дунёдан кўз юмиб, кўчиб кетди, энди майдон меники бўлди», деб ўйладим. «Энди қози Махмуд афанди мен нимани истасам, шуни қилади», деб ўйладим.

Аммо адашган эканман...



Қози Махмуд афанди билан ҳақиқий курашимиз аслида мана шу ерда бошланди. Шу пайтгача мен билан Махмуд афанди ўртасидаги вазият ҳар бир инсон билан бўладиган муносабатимдек эди. Бошқа одамларга ўхшаб, у ҳам баъзида менга кулоқ солар, баъзида эса рад қиларди. Гоҳ мен унга хужум қилардим, гоҳ у менга.

Бундан кейин ҳам нимаики содир бўлса, орамиздаги курашнинг натижаси бўлади. Инсон менга, яъни нафсга қарши қанчалик қаттиқ курашса, мен ҳам унга қарши шунчалик қаттиқ курашаман. Мени тўхтатишга ҳаракат қилгани сари ҳийлаларим ортиб боради, синовлар қийинлашаверади.

Хуллас, менинг ҳикоям аслида мана энди бошланади. Ҳақиқий имтиҳон ҳали олдинда!



## ИСТАНБУЛДАГИ БИР ЖОЙ. БҮГҮН

### СЕН

*Гашрган ҳам, тинглаган ҳам ўзим...*

Кимдир елкамга қоқиб уйғотди. Аввалига нима бўлганини тушунмай турдим, кейин билсам, автобусда кетаётиб, ухлаб қолибман. Демак, китоб ўқиб кетаётиб, кўзим илминибди. Атрофга қараб, автобуснинг қаерга келганини, қаерда эканини англашга уриндим.

Автобуснинг охириги бекатига келиб қолибмиз. Шунчалик қаттиқ ухладимми, деб хайрон бўлдим. Шу пайт бирдан «Нахотки мени ухлатиб кўйган нафсим бўлса? Китобни ўқишимни истамай, мени ухлатиб кўйдимикин?» деган фикр хаёлимга келди. Билмадим. Ўзимга келишга уриндим. Кўзларимни очиб-юмдим. Кўларим билан кўзларимни ишқаладим. Кейин дарҳол ўриндикдан турдим. Автобусда мендан бошқа ҳеч ким қолмабди. Қачон, қандай ухлаб қолдим – хайронман. Қандайдир туш ҳам кўрдим, лекин эслай олмапман.

Автобусдан тушдим. Каллам говлаб кетяпти. Ўкидан сахифаларим учунми ёки уйкусираб турганим учунми, аник билаймайман. Бошим чидаб бўлмайдиган даражада отряпти. Корним очиб, ошқозоним таталай бошлади. Хаёлимда эса китобдан эсимда қолган жумлалар учиб юрибди. Яна юриб кетдим...

Қадам бостан сарим манзилimgа яқинлашиш ўрнига худди узоқлашгётгандаскман. Жуда чарчадим. Чарчаганимни унуттиш учун ўзимни бошқа нарсалар билан чағитяпман. Лекин нимани ўйласам ҳам, кўз ўнгимда ёзувчининг жумлалари гавдаланмоқда. Миямда ўрнашиб қолибди.

Ёзувчи нафсинг тилидан «Ғамга ботган одам Амлохни ёд олади», дебди. Мен ҳам «Ундай бўлса, ғам-ташвиш ўнчалик ҳам ёмон нарса эмас экан-да?» деб ўйлаб қолдим. Дарҳол ўзимни эста оладим. Энг кўп ғамгин, махзун бўлган пайтларимда Амлохни зикр қилганимни эсладим. Ёзувчи тўғри айтибди. Ростдан ҳам, инсон энг ғамгин пайтида, бошига бир мушқуу тушган пайтда кўлларини дуога очади. Бирор истаги амалга ошмай қолсагина Амлохга ёлвориб, илтижо қилади. Бошига баҳо келгандагина лаблари кимирай бошлайди.

Ундай бўлса, дарду балолар, ғам-ташвишлар ёмон нарса эмас экан-да?

Билмадим...

Мен бошида «Бу китоб Азиз Маҳмуд Хуаоий деган одамнинг хаёти хақида экан», деб ўйлаган эдим. Лекин у мени таъриф қилаётганга экан. Бу ёшгина ёзувчи худди айнан ўзи хақида гапириб беряпти. Мен эса нафс гапирганда худди ўзимнинг овозимни эшитаётгандаскман. Гапирган ҳам менман, тинглаган ҳам менман, тавба!

Хали ҳам юриб кетяпман. Лекин шунки хис қилдимки, тасодифан олган мана шу китобим мени мен билан

гаплаштырыпты. Автобустан тушганимдан бери ўзим билан гапашашиб кетяпман-ку ахир? Лекин буларнинг кайси ўзим гапашиб овози? Китобда нафс «Бирор хайрли иш бири нафсининг овози? Китобда сени мен айнишаман», дегипти. Ростдан қилмоқчи бўлганингда сени мен айнишаман», дегипти. Ростдан шунадайми? Тўтрими шу гап? Ичимда хар хил овозлар айланаиб юрибди...

Бошим говлаб, миям ачиб кетди, тўтриси. «Бу кимлиги номаълум ёш ёзувчи ўзича бир нарсаларни тўжибди, мен бўлса шунга бошимни котириб ўтирибман. Нималар қияпман ўзи?» дедим ўзимга-ўзим. Кейин бирдан ўйлаб қолдим: «Бу овоз нафсининг овозимикин? Китобни ўқишимни истамаяптимми? Мени китобдан айнитишга харакат қияптимми?»

Акким хиралашяпти, фикрларим таркок. Тушунмаяпман. Лекин ёзувчи бу китобни нима учун ёзган бўлса ҳам, максадига эришибди: китоб мени ўйлашга мажбур қилди.

Яна бошқа автобустга чикишга ҳеч қандай кучим, мадорим қолмади. Ҳам чарчадим, ҳам жуда қорним очди. Хаёлим эса хади ҳам таркок! Йўл четда турган таксилардан бирига ўтирадим. Таксинингичи мовий чирок нури билан қопланган. Хайдовчига борадиган манзилимни айтдим. Йўлга тушдик. Қулоқларим остда радио янграпты. Яна кўзим илина бошлади. Радиодаги жизиллаган овозлар бироздан кейин маъноли тус ола бошлади. Негадир бу найнинг овози эканини кейинрок билдим. Жилмайиб кўйдим. Чунки мен тасодиф деган нарсани ёктирмайман, сюрпризларни ўлгудек ёмон кўраман. Режаси тузилмаган ҳеч бир лажзани яшашни истамайман. Лекин буни карангки, бүгун бўлиб ўтган барча воқеалар тасодиф меваси эди! Биринчидан, жуда кеч қолдим. Иккинчидан, ҳеч истамаяган ҳолда мана шу китобни сотиб олдим. Китобни сохил бўйида, чой ичиб ўтирган жойида унуттиш ўрнига, уни истамай бўлса ҳам ўқий бошладим! Энди эса миямда китобдаги жумлалар ва найнинг овози айланаиб юрибди...

Яна нафс хакида ўйлаятман! Ростдан ҳам, нафс ёзувчи айтганидекмикин? Ёки бошқачами? Билмадим... Уйга бориб, яна ўйлаш керак. Агар ёзувчи айтган гаплар ёгон, хаёла бўлса, унда бу китобни бир чеккага суриб кўйиш керак. Чунки, агар шундай бўлса, бу китобга хожат қолмайди. Ичимдан шундай қарор чиқди...



Қош қорайганига бир соат ёки ундан кўтпроқ бўлди. Соатлаб пиёда юрганimgа, неча соатлардан бери кўчада эканимга ўзим ҳам ишона олмаятман!

Ва ниҳоят, уйimgа келдим!

Суарала-суарала зинадан чиқдим. Иккинчи қаватга кўтарилиб, уйимнинг эшиги олдида тўхтадим. Қалитни олиш учун кўлимни чўнтагимга солдим. Қалитни шу чўнтагимда деб ўйлаган эдим, йўқ экан! Бошқа чўнтагимга қарасам, у ерда ҳам йўқ. Қалит қурткамда ҳам, шимимнинг ҳеч қайси чўнтағида ҳам йўқ эди. Сумкамдадир деб, унга ҳам қарадим. Энг кичкина чўнтағигача қарадим – қалит йўқ эди... Топа олмаганим сари асабийлаша бошладим. Сумкамнинг ичидогиларни шартта ерга ағдариб, битта-битта қараб чиқдим. Қалит йўқ эди... Кунни билан бўлиб ўтган кутимлаган, тасодиф воқеаларга яна биттаси кўшилди.

Захирада яна битта қалитим бўлмаганига, кўшнилардан бирортасига ҳам бериб кўймаганимга жуда пушаймон бўлдим! Берадиган ишончли одамим йўқлигини ўйлаб эса, баттар ғамгин бўлдим. Лекин бошқа чорам ҳам йўқ.

Ноилож, чилангарга кўнгирок қилдим. Бир соатдан кейин келар экан. Кутга бошладим.

Сумкадан тўжкан нарсаларимни йиғиштира бошладим. Хаммасини жой-жойига кўйдим. Кейин зинага ўтириб, деворга суяндим. Одам шунчалик ҳам бўладими? Ўзимга-ўзим

жаҳа килдим. Бирдан китоб эсимга тушди. Аслида умуман китоб ўқигим келмаётган эди, лекин киладиган бошка ишим ҳам йўқ-ку! Барибир чилангарни кутишим керак-ку!

Истамайгина китобни кўлимга олиб, ўзимни ўзим ўқишга мажбурлай бошладим. Китоб нима ҳақида эканига кизикяпсанми, десангиз, абабта, кизикяпман. Лекин барибир китобни мажбуран, вақт ўтказиш учун ўқиётганим ёқмапти.

Хуллас, китобни яна ўқий бошладим...

БИРИНЧИ МАРТАБА



# НАФСИ АММОРА\*

ЁМОНЛИКНИ АМР КИЛУВЧИ

---

\* Юсуф сураси, 53-оят.



*«Батахүң, нафс ёмонликка буюради»\**

Ёмонликка буюрадиган, гунох ишни қилишга тапвик  
қиладиган нарса – нафсаир. Бу нафснинг энг тубан  
мартабасидир. Аслида мушрикларнинг, кофирларнинг,  
фосикарнинг нафси шундай бўлади. Лекин барибир, нафси  
аммора барчада озми-кўтми, абаатга бўлади. У инсон энг  
кучсиз, энг ёлғиз пайтда унинг ёқасига ёпишади. Кибр,  
нафрат, хасислик, кин, шахват, ёлгон каби хислар унинг  
асосий қурроли, очикдан-очик таҳдидидир.

---

\* Юсуф сураси, 53-оят.

БҮРСА, 1576

## КОЗИ МАХМУДА АФАНДИ

*Эй насфим, сен кимсан ўзи?*

Махмуд афандининг устози Назирзода Рамазон афанди вафот этди-ю, кози Махмуд афанди махзуналик дарёсига шўнгиди. У ўша дард дарёсида канчалик сикилаётган, изтироб чекаётган бўлса, мени ҳам шунчалик оғир саволларга тутди.

Кайгу инсонни Амлохга яқинлаштиришини билар эдим. Шунинг учун инсоннинг қабрига дард тушса, бир амлааб уни чағгитардим, ўша мунгли холатдан чикиб кетишини истар эдим, охири унга ўша ғамни унуттирар эдим. Ҳозир ҳам шундай қилпман. Кайгуни унуттиши учун Махмуд афандининг кўнглига дунёвий нарсаларни суқишга уринпман. Ҳатто устозининг жанозасида икк хамлани қилишга ҳам уағурдим. Менинг ногорамга ўйнамаслигини билсам ҳам, омадимни синаб кўрдим. Секингина унинг қабрига «Нима учун бунча кайгуга тушдинг? Бўлди, устозинг бу дунёдан ўтди. Амлох уни Ўз марҳамати билан сийласин. Энди у кайтиб келмайди. Лекин сен тириксан, бу дунёдасан.



Энди Бурсада энг эьтиборли, энг хурматга сазовор киши сенсан! Ўлган одам билан бирга ўлиб кетиш шартмас-ку ахир! Устозингнинг хақкига дуо кил, бўлди-да! Ўлим фалокат эмас-ку. Агар билсанг, аслида бу ўлим сенга омад, муваффакият эшиқларини очитти!» деб, менга яхши кўринган, менга ёққан нарсаларга васваса килиб кўрам. Бошида бу гапларим унга ёқди, лекин кейин уялиб, баттар юраги сикилди. Хаёлидан ўтказган фикрлари учун тушаймон бўлиб, астойдил тавба килди. Майли, мен шунчаки ўзимни синаб кўрган эдим, холос. Лекин халберли хамери унинг ёқасини кўйиб юбормайман. Ростдан хам, энди у Бурсанинг энг таникаи, эьтиборли олимига айланди. Қозаскар (шайхулислом) даражасига етишига бир қадам қолди. Мен энди унинг кўнглини мана шу билан чагитмоқчиман. Ахир менда тузоқлар жуда кўп, оғайни!

Шундай қилдим хам. Бабзи хийла-тузоқларим иш берди. Чунки энди қозининг ойлик маоши ортди. Хаёти фаровон, мўл-кўнчилиқда яшай бошлади. Халқ олинда хам мартабаси жуда кўтарилди. Йўлда, бозорда, кўчада кўрган хар бир инсон унга тавзим қилдиган бўлди. Инсон зоти хар қандай нарсага «Керак эмас» дея олиши мумкин, лекин пул, шахват, шон-шухратни рад қилиши жуда қийин. Бу нарсаларни хамма хам қайтара олмайди.

Қози Махмуд афанди — шухрати кундан-кунга ортиб бораётган, устига-устак, хаали жуда ёш, навқирон одам. Менинг эса ёшлардан умидим катта, чунки уларни йўлдан уриш осонроқ. Асосий «овим» шуларга каратилган. Қози Махмуд афандининг мартабаси кўтарилган сари моддий имконияти хам яхшиланиб борди, яъни дунёвий дара-ташвиши қолмади. Менга мана шу керак, чунки инсоннинг дараи бўлмаса, уни осонлиқча йўлимга сола оламан.

Аввалига мен унга «Бундан бу ёғига мартабангга, илмингга яраша муомада қилгин, чунки бу атрофда энг хурматли зот

сенсан», дэб уктиравераим. Шунга яраша кийингин, юриш-туришинг хам башанг бўлсин дэб, кулогига пичирайвердим. Бу гапим унга маъқул келди, менга кулоқ сола бошлади. Устига зарбоф тўн ташлади. Бошига катта, кўркам салла кийди. Бозорда доим ёнида киратлар билан юрадиган, халк орасига хам камида уч-тўрт навкар билан чикадиган бўлди. Одамлар хурмат юзасидан унинг ёнида кўла ковултириб турар, бу эса унга жуда ёқар эди.

Тан олишим керакки, у даолатдан, тўғри йўлдан асло олмади. Лекин хар холда мартабасидан хурсанда эди: Бурсанинг энг дангиллама уйда яшар, мадрасада мударрислик, махкамада эса козиллик килар эди. Хужм сўраб келган хар бир одам ундан даолат истар, ҳамма унинг оғзидан чикадиган хужмга интизор. Бундан ортик яна нима керак ахир? Хамма орзу киладиган мансабда ўтирибди. Мухими, козининг ўзи бундан фахрланади, мамнун. Мен истаган нарса мана шу бўлган. Ахир гурур деган иллатни унинг кулогига пичираган менман-ку!

Хулмас, унинг атрофини бу дунёнинг ташвишлари билан ўраб ташладим. Халк ичида хулшбичим, кимматбахо либослари билан юрганида унга кўшилиб, ўзим хам севиниб кетаман.

Мен унга охиратни умуман эслатмай кўйдим. Чунки у охиратни эсласа, мен уни тарк этишим керак бўлиб қолади. Менинг дунём – бу дунё, охиратда эса мен йўкман. Дунё менман, мен эса дунёман. Мен уни дунёга кўмиб, кўзига парда, сўзигаю йўлига тўсик бўйдим, чунки калбига душман эдим.

Биз у билан бир муддат бўлса-да, келишиб яшадик. Хаммаси яхшидек эди. Негаки у хали ёш, бой-бадавлат, мансабдор, обрўси баланд, машхур зот эди.

Мен ўзи бошқаларга караганда ёш, кони кайнок одамларнинг ёқасига ёпишаман, кўтпрок шуларни йўлдан оздираман.

Шунинг учун ҳам кози Махмудни бир лахза бўлса-да асма ёлғиз қолдирмадим. Кечалари бир ўзи эканида ҳам унга гам-қайғуни эслатмадим. Қандайдир дарди бўлса, унуттира-вердим. У ўзим билан ўзим гаплашдим деб ўйлаган пайтларда асмида у билан мен гаплашдим.

Ҳаммаси ўша тушдан бошланди.

Канийди, у ўша кечаси ўша тушни кўрмаган бўлса...

Канийди, ўша тушни кўрмаган бўлса-ю, ўтган барча ишларга шубҳа қолмаган бўлса...

Устози Назирзода Рамазон афандининг вафот этганига бир неча ой бўлган эди. Бир кунни кози Махмуд афанди туш кўрди. Ўша кунни кози Махмуд кечки пайт уйига ниҳоятда чарчаган ахволда кириб келди. Мен ҳам энди ётоғига боради-ю, донг қотиб ухлаб қолади деб ўйлаб турган эдим. Лекин мен ўйлагандек бўлмади. У тўғри бориб, тахорат қилди, кейин келиб, тўшакка ўтириб, ёнида турган кичик лавҳни олдига тортди. Доим лавҳнинг устида туррадиган Куръони Каримни очди. Мен дарҳол унинг зехнига сингиб кириб, шивирлай бошладим: «Вақт алламаҳал бўлди, шу маҳалда китоб ўқишга бало борми? Эрталаб туриб ўқирсан? Бугун роса чарчадинг ахир! Шартга ётиб, маза қилиб ухласанг-чи»... Йўк, қулоқ солмади. Мақсадидан қайтара олмадим. Мусхафдан тўғри келган бир саҳифани очиб, ўқий бошлади. Мен унинг кўзларига уйқу пардасини тортишга урина бошладим. У эса уйқусини ўчиришга, ўқишга ҳаракат қилмаверди. Ўн беш дажика, ярим соат роса тортишдик... У Куръон ўқиган сари менинг кўксимга ўқлар санчилгандек бўлаверар, ўзим эса заифлашиб, қолдан тойиб бораётган эдим. Лекин шунда ҳам уни чалғитишда давом этдим.

Қози Махмуд афанди ўқиётган оятлар охираг ҳақида эди. У эса охираг ҳақида ўйлаган сари мени унуттади, сўзларимга қулоқ сомай кўяди.

Асқин барибир охирида мен ютдим: унинг кўзлари юмилди бошлади.

Мен бироз хотиржам бўлиб, енгил нафас олдим. У эса мусхафни ёпиб, охиргги ўқиган оятини такрорлади:

«Аллохта берган аҳду паймонини, касамини сарик чакага сотиб юборадиган кимсалар учун охиратда ҳеч қандай насиба йўқ. Киёмат кўни Аллох уларга сўз ҳам қотмайди, насиба ҳам қилмайди, гуноҳардан ҳам покламайди, уларга назар ҳам қилмайди, гуноҳардан ҳам покламайди, уларга аламан азоб бор»<sup>\*</sup>

Нихоят, у ухааб қолди. Аммо ўша уйқусида бир туш кўрди. Бу шундай туш эдики, у ўзига ўзи жуда оғир саволлар бера бошлади: «Мен бу дунёга нега келганман? Дунёга келиб, нима амаллар қилдим?»

Бу — кейинчалик қози Махмуд афандини бутунлай ўзгартириб юборадиган, уни мутлақо бошқа одамга айлантириб кўядиган туш эди...

Тушида сур чалиниб, Киёмат қоим бўлган эмиш. Ҳамма ўйиб, яна қайта тирилган эмиш. Кейин эса ҳар қимнинг амал дафтари ҳисоб-китоб тарозусига кўйилган эмиш. Заррача яхши, заррача ёмон амал қолмай, ҳар бири бўйича савол-жавоб қилинибди. Гуноҳкорларнинг ҳолига маймуналар йилғармиш, соғих амал қилганлар эса Кавсар булоғи ёнида роҳат-фароғатда эмиш. Ҳар бир банда қилган амалларига яраша жаннатга ёки жаҳаннамга юборилаётган эмиш...

Қози Махмуд афанди буларнинг барчасини бир чеккада туриб томоша қилди. Инсонларнинг дод-фарёдидини, йиғи-сигисини, пушаймондан ёнганини ҳам, шод-хуррам бўлиб, қабри севинчга тўлганини, нажот тошганини ҳам ўз кўзлари билан кўрди. Шу пайт тушида устоз Назирзода Рамазон афанди пайдо бўлди. Қози Махмуд уни кўриб, бироз

\* Оамос, зумрад қабри қимматбаҳо тошларни тортишда ишлатиладиган 0,20 граммлик ўячов бирилиги.

хотиржам бўлди, чунки устозини жаннат ахлидан асб билаар эди. Устозининг асло гуноҳ ишга кўла урмаганини, нафсига (яъни менга) асло енгилмаган асб билаар эди. Шунинг учун ҳам ичиди «Албатта, устозим мана шу бахтиёр инсонлар орасида бўлсалар керак», асб хаёл қилди.

Бирок караса, устози Назирзода Рамазон афанди кўларини кўксига уриб, зор йиглапти, фарёд қилпти! Унинг жони азобда эди, афсус-надоматда, пушаймонда эди, ахволи паришон, кўзлари мунгли, ғамгин эди. Кози Махмуа афанди аввалига нима бўлганини тушунмай, хайрон қолди! Нахотки устози жаханнам ахли билан бўлса? Унинг хайратдан тили тутилиб, устозидан кўзини узолмай қолди. Қалби вайрон бўлди, тили тутилиб, нафас олиши оғирлашди. Худди ўзи ҳам жаханнам ахли орасига тушиб қолгандек бўлди. Ўзини жаннатдан сургун қилиниб, азобга дучор бўлгандек хис қилди.

Кози Махмудининг кўзлари ҳамон устозиди, у киприк кока олмас эди. Устозининг ҳолига қарашга мадори йўқ, юраги дош бермас, аммо барибир кўзи унда эди. Кози Махмуа афандининг қароқларидан тушида ҳам, ўнгида ҳам шашкатор ёшлар оқди.

Устози ерга чўкка тушиб олиб, кўларини тиззасига ураар эди. Кейин эса бошини кўтариб, кози Махмуа афанди турган тарафга юзланди-ю, шу захоти кўз кўзга тушди. Устозининг лаблари кимиради. Устоз биргина бўғинди сўз айтди. Кози Махмуа афанди нима деганини англай олмади. Нима асди? «Сас» асдимми? Ё «нафас» асдимми? Ёки «нафс»ми? Кози Махмуа устозининг сўзини яхши илғай олмади. У дахшатадан, хайратдан тиграб-қакшаган ахволида жуда каттик чўчиб уйғонди. Унинг уст-боши тердан жикка хўла бўлиб кетган эди.

Кози уйғонганида ҳамон дахшатадан қалт-қалт тиграб, пешонасидан терлар оқар, кўзлари тўда ёш эди. У зўрға ўрнидан туриб, уй ичиди у ёқдан бу ёққа мақсадсиз бориб

кеча бошлади. Юраи, ўйлади, ўйлади, юраи. У кўзларини ҳеч юммас эди, чунки юмар-юммас устозининг боғи ахволи ярк этиб пайдо бўлаверарди. «Бўлиши мумкинмас! Канадай қилиб ахир?» дەر эди у ўзига ўзи. «Шунча йил бирга юриб, устозимнинг бирон маҳал намозни қолдирганини, тоат-ибодатни тарк қилганини, шайтонга мойил бўлганини кўрмаганман. Унда бу канаканги туш бўлди?!» пичирлар эди у. Мен эса дарҳол унинг виждонига ёпишиб, уни сўроқка тутишни тўхтатишга киришдим. Чунки бу саволлар мен учун жуда хавфли эди. Қози Махмуд афандининг қулоғига «Э, тушга нималар кирмайди ахир, оодий туш-ку! Нега бу тушга шунчалик ишонапсан? Эътибор бермасанг-чи!» деб пичирлайвердим, лекин у мени тинглайдиган ахволда эмас эди, асло қулоқ солмади.

Қози бирпас боғтидек уйнинг ичида нари бориб, бери келиб, айланиб юраверди. Кейин бориб, тахорат қилди. Яна келиб, кўрпачага ўтириб, лавҳ устида турган Куръони Каримга қаради. Унга бирпас қараб тураи-ю, лекин ўқимади. Кейин эса уни очиб, бир неча саҳифа varaқлаб, тўхтади. Сўнг ўша саҳифани ўқиди, ўқийверди, яна varaқлаб, қайта-қайта яна ўқийверди. У ниманидир қидираётган эди. Қайсидир саҳифага келгач, қидираётган нарсасини топгандек бўлди. Бошини кўтарди, унинг факатгина лаблари қимирлаётган эди. Қимир унинг ёнида бўлса ҳам, нима деяётганини эшитмас эди, лекин мен эшитяпман. Ахир мен унинг ичида айтгандарини ҳам эшитаман-ку! Ахир мен хар он у биланман, унинг нафаси кабиман. Чунки мен унинг нафсиман, унинг ўзиман.

Менинг ишим уни йўлдан оздириш, ёмон йўлга бошлаш эди. Лекин ҳатто МЕН ҳам қози ўқиган бу оятни эшитгач, титраб кетдим! Чунки қози бу оятни ўқигач, мени таний бошлаган эди! Ахир энг ёмон душман — танимаган душманнингдир. Қози шу пайтгача мени билмас, танимас эди.

Бу оят эса унга мен ҳақимда хитоб қилди. Қозининг лабларидан шундай сўзлар чиқмоқда эди:

*«Номаи аъмолингни ўқи! Бу кун ўз нафсинг ўзингга қарши  
етарли ҳисобчидир»*

Қози бирпас шу сўзларни такрорлаб тургач, кўзларидан ёшлар тўкилди. Кейин эса лабларидан учта сўз отилиб чиқди: «Эй нафсим! Сен кимсан?» деди.



Шу кундан бошлаб унинг мана шундай саволлари кўпайди. У тинмай ўзини ўзи сўроққа тутиб, саволига жавоб топишга, ҳақиқатни билишга ҳаракат қиларди. Лекин унга йўл кўрсатадиган, йўлбошчилик қиладиган ҳеч ким йўқ эди, бу эса, табиийки, менинг фойдамга эди. Ахир «Устози йўқнинг устози шайтон», деб бекорга айтишмаган-ку. Энди унинг шайхи МЕН бўлишим керак. Шунинг учун унинг ўзини ўзи ҳадеб сўроққа тутавериши менга ёқмай қолди.

У сал ёлғиз қолди дегунча МЕН ҳақимда, яъни нафси ҳақида ўйлар, менга қулоқ солганлари, менинг йўлимга юрган пайтларини эслаб, қаттиқ пушаймон бўлар эди. Қози буларнинг барчасига астойдил тавба қилди. Лекин шундай бўлса ҳам, ҳали ҳам мен уни алдаб, тузоққа торта оляпман. Чунки у менинг исмимнигина билади. Қуруқ билишнинг ўзи эса ҳеч нарсани ҳал қилмайди.

Кунлар ўтиб, ўшанда кўрган тушини деярли унуттирдим. Ўша тушни иккинчи эсламасин деб, миясини яна дунё ташвиши билан тўлдирдим. Шунинг учун орамизда жиддий кураш, тортишув йўқ эди. Яна ҳар доимгидек уни дунёвий, бекорчи, ёмон ишларга ташвиқ қилавердим. Менинг бу ишимни одамлар «нафси аммора», яъни гуноҳга буюрувчи нафс дейишади... Ёмон амални чиройли кўрсатувчи, уни қилишинг учун орзу-ҳавас, кибр, нафрат кўзгатувчи нафс...

Мен қози Маҳмуд афандининг ҳам мана шундай иллатларга аралашишини истар эдим. У мен қиладиган васвасаларнинг кўпига амал қилмайди, мен унга тўғридан-тўғри, очикдан-очик яқинлаша олмайман. Фақат бирор гуноҳни безатиб, чиройли кўрсатибгина яқинлаша оламан.

У халқ орасига чиққанида гурурлантиравердим, кибрлантиравердим, «Ҳар қанча фахрлансанг, гурурлансанг арзийди. Гурурланишга ҳаққинг бор. Чунки бу ишга энг муносиб одам сенсан. Ахир сени танибманки, эртаю кеч, тинмай илм оласан. Булар саводсиз, авом халқ, аслида улар сенга таъзим қилиши керак. Улар сенга эмас, сендаги илмга таъзим қилишяпти, илмнинг ҳурмат-иззати бор-ку ахир!» деб пичирлайвердим, васваса қилавердим. Яна унга «Аслида бу мансабинг ҳам сенга муносиб эмас, сен бундан ҳам юксакроқ мақомга ўтишинг керак, шайхулислом бўлишинг керак!» дер эдим. Тўғриси, унинг ўзи ҳам буни истар эди, чунки мен унга буларнинг барчасини жуда чиройли қилиб кўрсатган эдим.

Ўша даҳшатли туш бизнинг орамизни бузган, бир-биримиздан анча узоқлаштириб қўйган бўлса ҳам, мен унга янада яқинлашишнинг йўлларини, унинг ожиз томонларини билар эдим, инсон қалбининг энг нозик нуқталарини сезар, унинг қонига сингиб кира олар эдим.

Лекин барибир у ҳам баъзан мени енгиб қўяр эди. Мени мағлуб қилган пайтларида тилида яна ўша савол айланиб, «**Эй нафсим! Сен кимсан ўзи?**» дер эди. Менимча, у мени узоқларда деб ўйлар эди. Ҳолбуки, мен унинг энг яқинида, унинг ичида, ўзида эдим. У эса тинмай ўзидан «**Эй нафсим! Сен кимсан?!**» деб сўрар эди.



БУРСА, 1576

## БАКР АФАНДИ

*«Иложги йўқ дема, ҳамма нарсанинг иложги бор».*

*«Эҳ, умрим! Нақадар беҳуда ўтдинг сен!*

*Бу дунёда мақсадсиз юрибсан! Бу омонат дунёда ҳам анча яшаб қўйдинг. Ёшингни яшаб, ошингни ошаб қўйдинг! Қанчадан-қанча ёзу қиш, баҳору кузларни кўрдинг. Лекин ҳали ҳам бирорта мақсадингга эришмадинг. Бир марта бўлса ҳам бориб, қўлинг билан Равзани\* силамадинг...*

*Эҳ, умрим...*

*Бир марта бўлса ҳам ҳажга бориш насиб қилмади сенга.*

*Борсам нима бўларди ахир? Қанийди, мен ҳам Каъба олдида тиз чўкиб, Аллоҳга муножот қилсам...»*

---

\* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадинаи Мунавварадаги қабрлари.

Мен – Бакр афандиман. Бурсанинг бир гарибиман. На молим бор, на мулким. Ўтган кунимга шукр қиладиган одамман. Аёлимдан бошқа ҳеч кимим, ҳеч вақоим йўқ менинг. Бир бурда нонга етадиган пулимдан бошқа бойлигим йўқ. Пул билан ишим йўқ, умримнинг ярмини яшаб бўлганман. Бу дунёдан умидим қолмади. Бирорта дунёвий истагим, орзум ҳам йўқ. Лекин биргина тилагим бор – умримнинг охирида бир марта бўлса ҳам Макка тупроқларини кўзимга суртсам, юзимни Каъбанинг деворларига сурсам, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг остоналарида ўлсам...

Уч йилдан бери ҳар ҳаж мавсумида мана шу истагимга етишишни кўзимда ёш билан кутаман. Ҳасрат дарди билан ёняпман. Қанийди, бор-йўғимни берсам-у, ўша муборак тупроқларга борсам... Лекин бир иложини қилиб, ҳажга кетсам, аёлим нима қилади? Менсиз қандай кун кечиради? Бир лўқма таомни унга ким олиб келади?

Шундай ўйлар юрагимни кемирса-да, Аллоҳга дуо қилиб, Ўзидан мадад кутавердим.

Ҳаж мавсуми ҳам келди...

Ҳажга борадиганлар тайёргарликларини бошлади. Улар ҳаяжонланган сари мен ҳам ҳаяжонланавердим. Уларга қараб, «Юртингизни кўрмайдиган, сиз яшаган заминга бора олмайдиган биргина менманми, ё Расулуллоҳ!» деб йиғлайман...

Ох, мен бечора нима қилай ахир! Дардимни кимга айтай, қаерга борай! Мадорим қолмади, умрим ўтмоқда... Йўқ, нима қилиб бўлса ҳам мен бу йил ҳаж зиёратига бораман!



– Оҳларим осмонларга етяпти, онаси! Қара, ҳажга отланаётганлар видолашишяпти. Неча йиллардан бери муборак тупроқларга, ҳажга бориш учун кеча-кундуз дуо

қилиб йиглайман, ҳаракатдаман. Лекин нима қилай ахир,  
кучим қолмади...

- Кўп куйинманг, дадаси! Сизнинг ниятингиз холис.  
Боришни истаяпсиз, доимо ҳаракатдасиз, лекин имкон  
бўлмаяпти. Сиз қўлингиздан келганини қиляпсиз. Бунчалик  
гамга ботманг. Бора олмасангиз ҳам, Аллоҳ қалбингиздагини  
билиб турибди-ку?

- Ундай дема, онаси! Менинг шавқимни пасайтирма. Керак  
бўлса, бу йўлда жонимни бераман. Ният бошқа, амал бошқа!

- Нега ундай дейсиз, дадаси? У Зот аҳволингизни билиб  
турибди-ку... Балки ҳажга бориш сизга фарз ҳам эмасдир ҳали?

- Ҳой!!! Бу нима деганинг, хотин?! Менинг ичимдаги  
дардимни билмас экансан-ку! Йўқ, мен, албатта, бораман!  
Фарзмас деганинг нимаси? Жаҳлимни чиқарма! Ишқим  
оловини сўндирмасанг-чи...

- Мен-чи? Менинг ҳолим нима кечади, бегим? Ҳаж гурухлари  
кетишига тўрт-беш кун бор. Ҳаж сафари фақат мол-мулки,  
имкони бўлганларга фарз эмасми? Бизнинг ҳолимиз ўзимизга  
маълум-ку. Бугун қорнимиз тўйса, эртага очмиз. Бу аҳволда  
ҳаж сизга фарз бўлмаса керак...

- Нималар деяпсан, хотин? Мен ҳажга бораман! Аллоҳга  
қасам бўлсинки, бора олмасам, бошинг очик! Аллоҳга қасам  
бўлсинки, бора олмасам, бошинг очик!! Аллоҳга қасам  
бўлсинки, бора олмасам, бошинг очик!!!

- Вой шўрим...



Нима қилиб қўйдим? Нега бундай қасам ичдим? Жаҳл устида  
уч марта энг ёмон сўзни айтиб юбордим! Энди бора олмасам  
нима қиламан? Хотиним билан ажрашаманми?

Дардимга дард қўшилди. Оёқ-қўлим бўшашиб, нима  
қиларимни билмай қолдим. Бағрим ёнди...

Эрта тонгда уйдан чиқдим. Чор-атрофдан азон эшитила бошлади. Йиғламсираганча боряпман. Ўз оёғимдан ўзим чалдим. Тез-тез юриб, масжидга бордим. Жамики дарду аламларимни, орзу-армонларимни бутун оламларнинг Роббига, ўзимнинг Роббимга – Аллоҳга ёлвориш учун шошар эдим.

Намоздан кейин ҳам тезда чиқиб кетгим келмади. Ҳажга бора олмаслигимнинг қайғуси устига жаҳл устида айтиб юборган сўзларим ҳам кўшилди. Нима қиларимни билмай, дуч келган бир кўчага кирдим. Кўча худди менинг кўнглимдек, бўм-бўш эди. Бирорта тирик жон кўринмайди. Ҳеч ким йўқ. Бир булоқ ёнидаги харсангтошга ўтирдим. Хўнг-хўнг йиғладим. Йиғлайвериб, кўз ёшларим сел бўлди. Кўзларимдан сув эмас, қон тўкилаётгандек эди гўё... Ҳажга боришни чин кўнгиладан истайман. Ҳаётимнинг ягона мақсади шу, лекин бунга имконим, кучим етмаяпти. Йўқчилик қурсин, йўқчилик!.. Бунинг устига қасам ҳам ичиб қўйдим. Гуноҳга ботдим. Бечора хотиним нима бўлади энди? Усиз ўзимнинг куним қандай ўтади энди? Шунча дард бошқа одамда бўлса, у ҳам, албатта, менчалик фарёд солиб йиғлаган бўлар эди.

Ўтирган жойимда тинмай йиғлайвердим...

Орадан анча вақт ўтди. Бирдан бир қўл елкамни қоқди. Чўчиб тушдим. Йиғлаганимни биров кўрганини ўйлаб, уялиб кетдим. Дарҳол кўз ёшларимни артиб, турмоқчи бўлдим, лекин кучим етмади. Бошимни буриб, қўли елкамда турган кишига юзландим. Соқоллари қордек оппоқ бир нуроний одам экан. Уни юзи танишдек туюлди. Ҳа, мен уни танидим! Авваллари ҳам кўрганман. Бозорда эски-туски нарсаларни сотиб олиб, таъмир қилиб, тузатиб, кейин сотар эди. Эскифуруш Маҳмуд ота-ку!

Нима қилиб юрибди экан бу ерда?

Мен унинг юзига ҳайрон бўлиб қараганча жим туравердим. Нимадир демоқчи эдим, гапиртирмади:

– Қайгурма, Аллоҳ хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади.

Мен унинг нима деганини тушунмай, жавоб бермоқчи эдим, яна гапиртирмади:

– Қўлимдан ушла. Кўзларингни юм. Мен оч демагунимча очма!

Бу нима дегани экан? Нима қилмоқчи ўзи?

Нима бўлаётганини тушунмадим, лекин эътироз ҳам қила олмадим. Нуроний чол нима деса, шуни қилдим. Ўнг қўлим билан унинг ўнг қўлини маҳкам ушлаб, кўзларимни юмдим.

Бирдан бошим айланиб, баданим титрай бошлади. Лекин негадир кўзларимни очмадим, унинг қўлларини яна ҳам каттиқроқ ушлаб олдим.

Кейин эса қандайдир овоз эшитдим. Бу овоз узоқдан келаётган эди.

– Энди кўзларингни оч! – деди Маҳмуд ота.

– Ё Аллоҳ! Ё Парвардигор!

Мен шундай дедим-у, ерга тиз чўкдим. Бўлиши мумкин эмас! Кўзларимдан севинч ёшлари томчилай бошлади. Мен тинмай йиғлар эдим, чунки орзуимга эришган эдим – олдимда улуғвор, муҳташам, муаззам Каъба виқор тўкиб турарди...

БУРСА, 1576

## ҚОЗИ МАҲМУД АФАНДИ

*Аллоҳга осийлик қилган шайтоннинг  
ҳар ишни қила олишига ишонасан-у,  
Аллоҳнинг бир дўстига нима учун ишонмайсан?*

Қози Маҳмуд афанди мени тергамай кўйди. Тўғри-да, нафсни, яъни мени тергайвериш осон иш эмас. Устига-устак, атрофида мени унуттирадиган жуда кўп машмашалар бор. Давлат ишлари, мадраса иши... Шунча ташвиши бор экан, унга яқинлашишим жуда осон.

Қози Маҳмуд афанди мен осонлик билан ҳужум қиладиган барча нарсаларга эга одамга айланган эди. Мол-мулк десангиз – бор, шон-шуҳрат десангиз – бор. Мен қиладиган ягона иш эса унга мана шуларни севдириш, чиройли қилиб кўрсатиш эди, холос.

У мадрасада дарс берар, билганларини толиби илмларга ўргатар эди. Бундан эса менга ҳеч қандай зарар йўқ, чунки мен ҳар бир инсон зотининг ичидаман. Ўша талабаларнинг ичида ҳам мен борман. Хоҳласам, улар ўрганган ўша илмни ёмон мақсадда ҳам ишлаттира оламан.

Қози Маҳмуд адолат билан ҳукм чиқарадиган такводор, одил қози эди.

Бемалол, марҳамат! Адолат улашувчи бўлаверсин! Бу нарса мени асло ўйлантирмайди. Чунки мен у ҳукм қилаётган гуноҳкору жиноятчиларнинг қонига аллақачон кириб бўлганман.

Ҳар куни унинг ҳузурига адолат истаб ўнлаб одамлар келади. Қози Маҳмуд афанди эса халқнинг дардини ўзининг дардидан устун тутаяди. Бутун қалби билан уларнинг дардини тинглайди. Ақли эса МЕНИ тинглайди...

Бир куни унинг ҳузурига бир аёл келди. У уялиб, тортинибгина қози Маҳмуд афандининг хонасига кирди. Аёл ичкари кирганида қози ҳам ўз жойида, зарбоф тўн кийиб, виқор билан ўтирарди. Ўзи ҳам бу ҳолидан жуда мамнун, кибрга мойил бўлиб турибди.

Аёл аста юриб келиб, унинг рўпарасига ўтирди-ю, бошини эгиб, ерга қараб тураверди. Орага жимлик чўкиб, бир муддат вақт ўтди. Демак, ўзини тутишни биладиган, ахлоқу арконидан хабари бор аёл экан. У қозининг сўз бошлашини кутаётган эди.

– Келинг, қандай шикоятингиз бор? – сўради қози Маҳмуд афанди.

Аёл бошини кўтармасдан гап бошлади:

– Қози афанди! Мен... эримдан шикоят қилиб келдим, – деди аёл.

– Эрингиз ким бўладилар? У кишидан қандай шикоятингиз бор?

– Қози афанди! Эримнинг исми... Бакр, Бакр афанди дейишади. Фарзандимиз йўқ, ҳеч кимимиз йўқ. Топиш-тутишимиз яхши эмас. Бугун қорнимиз тўйса, эртага нима қиламиз деб ўйланиб қоламиз. Бакр афанди бир неча йилдан бери кўнглига бир нарсани тугиб қўйган – у

ҳажга бормоқчи. Ҳар йили ҳаж гуруҳи йўлга тайёрланса, Аллоҳдан сўраб, тинмай дуо қилади, лекин қўли калталиқ қиляпти. Уч йилдан бери ҳажга бораман дейди, лекин бора олмайди. Бу йил ҳам ҳар доимгидек ният қилди. Мен у кишига «Бизнинг шароитимиз маълум, қотган нон билан кун кўряпмиз, балки сизга фарз эмасдир», дебман. У кишининг жаҳллари чиқиб кетди. Хуллас, бир окшом хоҷам «Бораман» деди, мен «Бормайсиз» дедим, бир маҳал жаҳл устида қаттиқ қасам ичиб юборди...

Аёлнинг овози титраб, кўзлари жикқа ёшга тўлди.

– Нима деб қасам ичди? – сўради қози Маҳмуд афанди.

– Аллоҳга қасамки, ... агар ҳажга бора олмасам... бошинг очик... деб юбордилар. Уч марта айтдилар...

Аёл йиғлаб юборди. Қози лабларини тишлаб, бир муддат ўйланиб қолди.

– Кейин нима бўлди?

– Кеча уйга келмадилар. Кеча кечаси ҳаж карвони йўлга чиқадиган эди. Кейинги кун ҳам келмади, ундан кейин ҳам... Менга жаҳл қилибми, ёки айтган қасамига пушаймон бўлибми... бу ерлардан бош олиб кетдимикин... Бошида шундай деб ўйладим. Кейин эса хаёлимга ёмон гаплар кела бошлади. Ваҳимага тушдим. Бирор жойда мазаси бўлмай қолиб... балки кимдир кўргандир деб...

– Кейин-чи? – сўради қози Маҳмуд афанди.

– Худога шукр, бир неча кундан кейин кечки пайт кириб келдилар. «Қаерда эдингиз?» десам, «Тўхта! Жим! Мен ҳажга бориб келдим!» дедилар. Қанақасига... бундай бўлиши мумкин ахир? Бўлиши мумкинмас-ку! Бу ердан Маккага бориб келиш ойлаб йўл юриш керак-ку. Шунинг учун ўзимга-ўзим «Хоҷам ичиб қўйган қасамига пушаймон бўлиб, уйда мен билан бирга яшаш учун ёлгон гапиряпти. Ҳажга борган бўлиши мумкин эмас!» деб ўйлаяпман...



Қози Маҳмуд афанди узун қора соқолларини силади. Аёлнинг айтган гапларини ўйлади, аслида нима бўлганини англашга уринди. Ҳақиқатан ҳам, бош қотирадиган масала экан.

– Ҳмм... Кейин нима бўлди?

– Нима бўларди, қози афанди! Уйга киритмадим. Ҳайдаб солдим. Ахир биз ажрашганмиз-ку! Айтган гаплари қип-қизил ёлгон-ку! Ҳажга бора олмасам, бошинг очик деб уч марта қасам ичган. Энди биз эр-хотин эмасмиз...

Аёл хўнграб йиглаб юборди.

– Тўғри! – деди қози Маҳмуд афанди унинг йиғисини босгандек бўлиб.

Қози шундай дейишга деди, лекин кўнгли таскин топмай, иккиланиб қолди.

– Гапингиз тўғри, лекин нима бўлганда ҳам, эрингизни ҳам эшитиб кўришим керак, – кўшиб кўйди у. Сўнг ўша ердаги миршаблардан бирига Бакр афандини келтиришни буюрди. Орадан анча вақт ўтгач, миршаб Бакр афандини олиб келди. Бакр афанди қозини кўриб, анграйиб қолди. Қўллари титради, кўзлари безовта бўлди. Қўрқиб кетгани шундоққина билиниб турарди. Шундан кейингина сал нарида ўтирган хотинига кўзи тушди. Аввалига уни бу ерда кўриб, ҳайрон бўлди, тушунмай қолди, кейин эса нима гаплигини англагандек, бироз хотиржам тортди. Ниҳоят, ўзини бироз босиб олиб, бош эгиб, қози Маҳмуд афандига салом берди.

– Яқинроқ келинг, Бакр афанди! – деди қози.

Бакр афанди бир-икки қадам яқинлашди.

– Аёлингиз сиздан шикоят қилиб келибдилар. Бу кишининг айтишича, сиз ҳажга боришга ният қилибсиз, лекин «Агар бора олмасам, бошинг очик!» деб қасам ичган эмишсиз?

– Тўғри, жаҳл устида оғзимдан чиқиб кетди. Қасам ичиб юбордим...

– Кейин эса бир неча кун йўк бўлиб кетиб, кейин келиб, «Хажга бориб келдим» деган эминсиз. Бу воқеаларнинг ҳаммаси бир неча кун ичида содир бўлибди. Лекин Бурсадан Мақкага бориш икки ойлик йўл-ку?

– Аёлим тўғри айтибди, кози афанди. Худди шундай дедим. Лекин мен ҳам рост айтятиман, хажга бориб келдим.

Қози Махмуд афанди жаҳл устида сапчиб ўрнидан турди. У газаб отига минган эди. Биласизки, бу нарса менга жуда ёкиб тушди. Зеро, инсон газабланганида ожиз бўлиб қолади, бундай пайтда мен осонгина унинг бўйнига миниб оламан.

– Бас қилинг! – деди кози. – Кап-катта одам, ёлгон гапиришга уялмайсизми? Икки ойлик йўлга қандай қилиб бир неча кунда бориб келдингиз?

Бакр афандининг ранги оқариб кетган, кўркқанидан япроқдек титраб турарди. У қулт этиб ютиниб, зўрга гапирди:

– Худо ҳақки, хажга бордим мен! Гувоҳларим ҳам бор...

– Тутуруксиз одам экансиз! Сиз айтган гаплар ақлгаям, мантиққаям тўғри келмайди! Уялмасдан, «Гувоҳларим ҳам бор» дейсиз-а! Ким экан ўша гувоҳларингиз? Қанақанги гувоҳ экан, хўш?

– Қози афанди, – деди Бакр. – Воқеа бундай бўлди: мен жаҳл устида қасам ичиб кўйиб, тонг сахар, ҳали азон айтилмасидан масжидга келдим. Намоздан чиқиб, бир кўчага кирсам, булоқ бор экан, ўшанинг ёнида турган тошга ўтирдим. Қилган хатоимдан, хажга бора олмаслигимдан қайғуга ботиб, йиглаб ўтирсам, кимдир келиб, елкамни қоқди, «Асло хафа бўлма! Аллох ирода қилса, бўлмайдиган ишнинг ўзи йўк», деди. Кейин эса «Кўлимдан ушла! Кўзларингни юм, мен оч демагунимча очма», деди. Негадир унинг айтганларини қилдим. Кўлларидан тутиб, кўзларимни юмдим. «Энди оч!» деганида кўзларимни очсам, рўпарамда Каъбаи муаззама турибди...

Бу сафар титраш навбати қози Маҳмуд афандига етиб келди. У ҳам билинар-билинмас титрай бошлади. Унинг кўзларида хайрат аломатлари билиниб турар, Бакрнинг гапларини эшитиб, қотиб қолган эди. МЕН, яъни нафс дарҳол қози Маҳмуд афандининг қалбига васваса солиб, «Унга асло ишонма! Ёлғон гапиряпти!» дедим.

– Қандай қилиб? Бўлиши мумкин эмас-ку! – деди қози Маҳмуд афанди бироз бўшашиб. – Қўлингиздан тутиб, етаклаган одам ким эди?

– Аввалига ўзим ҳам ишонмадим. Лекин ҳаммаси рост. У одамни сиз ҳам биларсиз балки, мана шу Бурса бозорида эски-туски нарсаларни сотиб юрадиган Маҳмуд ота бор-ку, ана шу одам...

Қози афанди яна миршаблардан бирига ишора қилди. Бироздан кейин оппоқ соқолли кекса одамни олиб келишди. Бу нуроний чол ўша эски-туски сотувчи Маҳмуд ота эди. Мен уни дарҳол танидим...

Мен уни бир неча бор йўлдан оздиришга уринганман. Лекин у мени қайтиб ёпишмайдиган, ўзига яқинлашмайдиган қилиб, ҳайдаб солган. Оппоқ саллали, қадди-қомати тик, ҳайбатли инсон. Унинг кимлигини бошқа одамлар ҳам жуда яхши билишади.

Қози Маҳмуд афанди отахонни бошдан-оёқ кузатди. Ҳайбатидан бироз хуркди ҳам. Мен дарҳол қози Маҳмуднинг қулоғига пичирлаб, «Одобсиз чол экан! Қозининг ҳузурига кириб келди-ю, на салом бор, на алик бор...», дедим. Бунақанги васвасалар дарров иш беради: қози Маҳмуд мен айтган гапларни айнан такрорлади:

– Кирган одам қозига салом бермайдими?

Эскифуруш Маҳмуд ота табассум қилди. Кўзларини қози Маҳмуд афандининг кўзларига тикди. У худди қозига эмас, менга тик қараётгандек туюлди. Чол бу васвасаларни

қози Маҳмуд афандининг қалбига айнан мен солганимни  
билаётгандек эди. Тўғриси айтсам, ўзим ҳам бу отахондан  
чўчидим.

Лекин барибир Маҳмуд ота билинар-билимас бошини  
эгади.

– Эскифуруш Маҳмуд афанди сизмисиз? – деди қози Маҳмуд  
афанди.

– Шундай, менман, – деди чол.

– Ундай бўлса, мана бу одамни танисангиз керак? – деди қози  
Маҳмуд афанди кўзлари билан Бакр афандини кўрсатиб.

– Ҳа, танийман, – деди Маҳмуд ота.

– Бу одам «Ҳажга бориб келдим», деяпти. Бир неча кунда  
Бурсадан ҳажга бориб келганмиш. Қизиғи шундаки, у сизни  
гувоҳ қилиб кўрсатяпти. Бунга нима дейсиз?

– Тўппа-тўғри. Рост айтибди.

– Нима?! Сиз бу кишининг ҳажга бориб келганига  
гувоҳмисиз?

– Ҳа, гувоҳман.

– Қандай қилиб гувоҳ бўласиз? Ахир бундай бўлиши мумкин  
эмас-ку! Қандай қилиб ҳажга бордингиз? Бу қанақанги сеҳр  
бўлди? Бу имконсиз ҳодисага қандай қилиб ишонайин?

– Бу менинг ишим эмас, тақсир. Ҳаммаси шайхимнинг  
каромати. У кишининг ҳимматлари билан шундай бўлди.

– Шайхингиз ким?

– Менинг шайхим – Уфтода ҳазратлари!

Бу исмни эшитар-эшитмас, мени қаттиқ тер босди. Қалтирай  
бошладим. Мени худди иситмалаётган одамдек безгак тута  
бошлади.

Бир пайтлар мен ўша Уфтода ҳазратларининг нафси бўлиб,  
унга зарар бермоқчи бўлганман, лекин у менинг ўзимга зарар  
етказиб қўйган. Исмини эшитганимнинг ўзида қалтираб

қоладиган бўлганман. Тезда қози Маҳмуд афандининг қалбига васваса солдим, «Уфтода бир дарвеш-ку, қандай қилиб бу ишни қилади? Сен катта қозисан, бунақанги гапларга ишонма!» дедим. Қози Маҳмуд менга қулоқ солди:

– У оддий бир дарвеш бўлса, қандай қилиб бу ишни қилади? Ақли етармикан бунга? Йўқ, у бунга қодир эмас! Қандай қилиб бир одамни бир диёрдан бошқа диёрга бир онда олиб боради?

Маҳмуд ота кўзларини яна қози Маҳмуд афандига ўқдек қадади. Билиб турибман, у қозига эмас, аниқ менга қараётган эди. Чол бундай гаплар қозидан эмас, МЕНдан, яъни нафсдан чиқишини яхши билар эди.

– Қози афанди... – у шундай деб, бироз сукут қилди, қози афандига ачиниш аралаш қаради. Айтмоқчи бўлган гапларини айтайми, айтмайми дегандек, бироз иккиланди. Кейин шундай деди:

– Аллоҳга осий бўлган шайтон ҳар ишни қила олишига ишонасан-у, Аллоҳнинг изни билан Аллоҳнинг бир дўсти қила оладиган ишга нима учун ишонмайсан?

Чол шундай деди-ю, индамай ортига ўгирилиб, чиқиб кетди...

Қози Маҳмуд афанди бошидан бир челақ муздек сув куйиб юборилгандек сесканиб кетди.

Чол айтган охирги гап уни ларзага солгани аниқ эди. Бу қанақаси? Бу қандай ҳол ўзи?

Қози секин ўрнидан турди. Уни қаттиқ титроқ босган эди. Лаблари титради, кўзлари катта-катта бўлди, у худди ҳар томондан олов билан ўраб олингандек аҳволда эди. Қанчалик куйиб-ёниб, «Ишонма, ҳаммаси ғирт ёлғон!» десам ҳам, менга қулоқ солмади.

Бир мунча вақтдан кейин қози бироз ўзига келиб олгач, Бакр афандига юзланди:

– Яна бошқа гувоҳингиз борми?

– Бор, – деди Бакр афанди. – Маккада Бурсадан келган хожиларни кўрган эдим. Улар билан суҳбатлашдим, хатто баъзи омонатларимни Бурсага борганда оламан деб, уларга берганман...

Қози Маҳмуд гўё унинг сўзларини эшитмаётгандек эди, у ҳамон Маҳмуд отадан эшитган даккининг таъсиридан чиқиб кета олмаётган эди. Қўллари ҳали ҳам титраяпти.

– Яхши, унда гап тамом. Ҳожиларнинг келишини кутамиз. Бу даъвони ўшанда яна бошқатдан кўриб чиқамиз! – қози шундай деб, ҳаммага рухсат берди.

Хона бўшагач, қозининг тиззалари бўшашиб, ерга ўтириб қолди. Кўзлари қонталаш бўлиб кетганди. Энди у титрамас, лекин ғалати тебранар эди. Шундагина унинг нимадир деб пичирлаётганини қўрдим. У Маҳмуд ота айтган охириги жумлани такрорлар эди:

*Аллоҳга осий бўлган шайтон ҳар ишни қила олишига ишонасан-у, Аллоҳнинг изни билан Ўзининг дўсти қила оладиган ишга нима учун ишонмайсан?*



Ўша кечаси қози Маҳмуд афандининг кўзига уйқу келмади. У ўзига ўзи тинмай савол берар эди:

«Бўлиши мумкинмас! Қандай қилиб ахир? Агар бу гап рост бўлса, қанақасига икки одам Бурсадан Маккага бориб қолди?»

Кеча-кундуз, ҳар он унинг зеҳнида фақат мана шу саволлар айланаверди.

Бечора кулмай ҳам кўйди, бир он бўлса ҳам вақтини бекор ўтказмади. Унинг ақлини бошқа нарсалар билан банд қилишга ҳарчанд уринмайин, яна ўша саволларни қайтараверди:

«Бўлиши мумкинмас! Қандай қилиб? Қандай қилиб ахир? Нима учун мен Аллоҳга осий бўлган шайтоннинг ҳар ишни қила олишига ишониб, Аллоҳнинг ёрдами билан Ўзининг дўсти қила оладиган ишга ишонмадим?»

Аллоҳнинг дўсти бу ишни қандай қилиб қилди ахир? Аллоҳнинг дўсти бўлиш учун нима қилиш керак? Ўша Уфтода оддий бир дарвеш, камбағал одам эмасми?»

Мен мени тергаган, сўроққа тутган одамни ёмон кўраман. «Инсон зоти мени сўроққа тутмасин-да», дейман. Айниқса «Менга умуман эътироз билдирмасин», дейман. Чунки инсон зоти борки, менга, албатта, қулоқ солади. Қози Маҳмуд афанди ҳам менга қулоқ солиши керак. Лекин баъзида унинг саволларини кечиктиришга, бостиришга асло кучим етмай қоляпти. Бир нима қилиб, бунинг бир чорасини топдим. Унинг зехнига шубҳа-гумон деган нарсаларни суқдим. Чунки Бакр афандининг даъвоси ҳали тутамади! Балки Маҳмуд ота ёлғончидир? Сеҳргардир? Даъвони кўриб чиқиш ҳожилар келгунига қадар қолдирилди-ку? Демак, ҳали имконият, фурсат бор!

Хўш, ҳожилар келганда Бакр афандининг омонатлари уларда бўлмаса-чи?

Буларнинг ҳаммасини қози Маҳмуд афандининг зехнига бирма-бир суқдим. Шубҳа ҳар доим иш берадиган усул эди, бу сафар ҳам иш берди. Мен берган шубҳа унинг оловдек сўроқларини сувдек ўчирди-қўйди.

«Тўғри, – деди у ўзига ўзи. – Ҳа, ҳали ҳожилар келишмади. Хўп, келди ҳам дейлик, ўшанда уларнинг ёнида бу чолнинг омонати бўлмаса-чи? Ростдан ҳам, буларнинг ҳаммаси ёлғон, уйдирма бўлса-чи?»

Қози шундай деб, иккилана бошлади. Қарабсизки, бироз бўлса-да, виждони бераётган саволларнинг овозини ўчирди. Шу баҳона мен ҳам бироз енгил нафас олдим.

Бу саволлар – қалбнинг саволлари эди. Қалб бир нарсани сўроққа тутса, ақл унга эргашади, мен эса лом-лим дея олмай қоламан.

Қалб ақлга эргашадиган бўлса, унда менга байрам бўлади. Менинг буйруқларим сўзсиз бажарилади. Лекин қалб устун бўлса, унда мен йўқдай бўлиб қоламан. Ўз саройида занжирбанд қилинган, ҳукми йўқ подшоҳга айланиб қоламан. Номим бор, ўзим йўқ бўламан. Чунки қалб менга асло қулоқ солмайди. Тилсиз амир, кўр йўлбошловчининг кимга нима фойдаси бор?

Аслида мен инсонларнинг кўзига парда тортаман. Шунда инсон атрофга қараса ҳам, ҳеч нарсани кўрмайди. Қулоқларини кар қилиб қўяман – эшитади, лекин тинглай олмайди. Тилларини лол қилиб қўяман – билади, лекин гапира олмайди. Лекин қалб ақлдан устун келса, бу айтганларимнинг бирортасини қилишга кучим етмай қолади.

Ҳозир ҳам қози Маҳмудга қалбидан келган туйғуга эмас, ақлга қулоқ солишни буюряпман. Ақлга сиғмайдиган ишга ишониш керакмаслигини уқтиряпман.

Афсуски, мен уни бир неча кун чалғитиб тура олдим. Қози ҳожилар келадиган кунгача индамай турди. Уни шунчалик ишонтирган эдимки, «Ҳожиларда ҳеч қандай омонат йўқ», деб ишонди-қўйди. Бу гапга ўзим ҳам ишонар эдим, ҳеч қандай омонат йўқ деб билар эдим.

Бир неча кундан кейин ҳожилардан хабар келди. Улар бир неча соатлик масофада экан. Миршаб бу хабарни олиб келганида қози Маҳмуд афанди хонасида ўтирган эди. Бироз ўйланиб қолди. Кейин энди чиқиб кетаётган миршабга буюрди:

– Тезбориб, ҳожиларнинг йўлини пойла. Бакр афанди омонат бердим деган ҳожиларни ҳеч ким билан кўришмасидан тўғри ҳузуримга олиб кел. Эсингдан чиқмасин, ҳожилар сендан олдин ҳеч ким билан кўришмасин!



Миршаб шу заҳоти йўлга тушди. Қози Маҳмуд афанди ҳаяжонда эди. Ахир неча кунлардан бери ақлини тешиб юборган саволларга бироз кейин жавоб олади-да! У ўзини қўярга жой топа олмай, хонасида у ёқдан бу ёққа бориб келарди. Вақт худди қалин арқон билан боғлаб қўйилгандек, ҳаракатсиз тўхтаб қолгандек эди.

Бироз вақт ўтгач, миршаб оппоқ яктаклар кийиб олган, қўлларида бир неча тугун кўтариб олган уч киши билан бирга кириб келди. Ҳожилар бу ердаги гаплардан беҳабар эдилар. Уларнинг ҳаж сафарининг сурури билан, юрт соғинчи билан тўлган қалблари ватанга қайтар-қайтмас, қозининг қаршисида туришдан қўрқувда, хавотирда эди. Улар ҳеч нарсани тушунмай, бир-бирларига ҳайрон қараб турардилар.

– Яқинроқ келинглар, – деди қози Маҳмуд афанди.

Уч киши ажабланган ҳолда олдинга қадам босди.

Қози Маҳмуд чуқур нафас олиб, ўтирган жойида бир қўлини тиззасига, бир қўлини ўриндикнинг ён тарафига қўйиб, гап бошлади:

– Аллоҳ ҳаж зиёратингизни қабул қилсин!

– Омин! – жавоб беришди ҳаммалари бир оғиздан.

Лекин улар ҳали ҳам ҳеч нарсани тушунганлари йўқ.

– Хавотир олманглар! – деди қози афанди. – Ташвишга ҳеч қандай ўрин йўқ. Сизларга баъзи саволларим бор, холос. Шунинг учун хузуримга чақиртирдим, бунинг учун узр сўрайман.

– Иншааллоҳ, яхшиликкадир, – дейишди ҳожилар яна бир оғиздан.

– Менга айтинглар-чи, бозорда майда-чуйда ишлар қилиб кун кечирадиган Бакр афанди деган киши бор экан. Ўша кишини танийсизларми?

– Таниймиз, – дейишди хожилар.

– Хўш, Бакр афандини охирги марта қаерда кўрдингиз?

– Ҳажда кўрдик, – деди учови яна баравар.

Қози Маҳмуд афанди ўтирган жойида чуқур нафас олди. Бир хўрсиниб қўйиб, шундай деди:

– Яхшилаб ўйлаб кўринглар. Адашмаяписизларми?

– Албатта, рост. У киши билан бирга суҳбатлашдик, бирга ўтирдик. Мана, бизга омонатлар ҳам берди. Нима берган бўлса, ҳаммасини олиб келдик, бирорта омонатига қўл теккизмадик. Агар омонатлар учун чақиртирган бўлсангиз, мана, ҳаммаси шу ерда.

Ҳожилар шундай деб, тугунларидан бир нечта нарса чиқариб беришди.

Қози Маҳмуд афанди бу сўзларни эшитиб, мутлақо ўзгариб қолди. Қўлларини олдида турган столи чертиб, кўзларини бир ерга тикканча чуқур ўйга ботди. Ниҳоят, ҳамма унга қараб тургани эсига келиб, шоша-пиша тилга кирди:

– Бўлди, раҳмат. Узр. Сизларга рухсат, чиқаверинглар.

Ҳожилар яна таажжуб билан бир-бирларига қараб, нима бўлганини тушунмай, қозининг ҳузуридан чиқиб кетишди.

Улар чиқиб кетгандан кейин ҳам қози Маҳмуд афанди ўша алфозда, кўзларини бир нуқтага тикиб, ҳайкалдек қотиб ўтираверди.

Ниҳоят, бошидан салласини ечди. Икки қўли билан бошини чангаллаб, тез-тез нафас ола бошлади.

«Бўлиши мумкин эмас», деди қози ўзига ўзи.

У билмаса ҳам, мен ҳаммасидан хабардор эдим: қози Маҳмуд афандининг қалби ақлидан устун келаётган эди. Эшитганлари имконсиз ишлар бўлса ҳам, мантиққа тўғри келмаса ҳам, қалби бунга ишонди. Мен учун энг хавфли қалб эса иймон келтирган қалбдир.

Қози менга илк зарбани ана шундай шаклда урани.  
Қалбимдаги илк чандиқни мана шу воқеа туфайли қолдирди.  
Буни ҳали ўзи билмайди. Лекин шу нарса аниқки, мен уни  
чалгитишдан, адаштиришдан ҳеч қачон тўхтамайман, ўз  
билганимдан қолмайман...

## ИСТАНБУЛДАГИ БИР ЖОЙ. БУГУН

### СЕН

*Тавба, нафсим мен билан гаплашяптими?!*

Вожаб! Инсон шунча масофага қандай қилиб бориб қолиши мумкин? Ахир бунинг иложи йўқ-ку! Бўлиши мумкин эмас-ку!

Тўғри, китобдаги бу гаплар одамга роса ёқади, лекин муаллиф сал ошириб юборибди: кўз очиб юмганчалик бир лаҳзада шунча жойга қандай қилиб бориб қолиш мумкин! Бўлиши мумкин эмас!

Лекин агар ростдан ҳам шундай бўлган бўлса-чи?

*«Аллоҳга осий бўлган шайтон ҳар ишни қила олишига ишонасан-у, Аллоҳнинг изни билан Аллоҳнинг бир дўсти қила оладиган ишга нима учун ишонмайсан?»* дебди муаллиф.

Ёки ишонишим керакми? Ё Худо, нималар деб алжираяпман ўзи? Ахир бу бир китоб бўлса... Оддий китоб... Унга шунчалик эътибор беришим гирт аҳмоқлик-ку! Кейин, китобда ёзилган ҳар бир нарсага ишониш керакми? Азиз

Маҳмуд Худойнинг хаётида ҳақиқатан ҳам шундай воқеа юз берганмикин? Ёки буларнинг ҳаммаси ёзувчининг хаёлий тўқимасимикин?

Мен олдин мана шу саволларга жавоб топишим керак. Менимча, нима бўлганда ҳам, ёзувчи сал ошириб юборган. Шуларни ўйлаб ўтириб, баданимдан совуқ ўтиб кетди. Чилангардан эса дарак йўқ. Унга яна бир марта қўнғирок қилай деб, телефонимни қўлимга олган эдим ҳамки, зинадан оёқ товушлари эшитилди. Ўрнимдан турдим. Худога шукр, қадам товушлари чилангарники экан. Кеч қолганини билиб турибди. Тўғриси, мен китоб ўқиб ўтириб, вақт қандай ўтганини билмай қолибман, лекин у куттиргани учун хижолатда эди.

Ёшроқ одам экан. Зинада уни кутиб турганимни кўриб, баттар хижолат бўлди. Лекин унга муҳтожлигимни билгани учун, «узр» сўзини айтмасдан узр сўрашга уринди:

– Ўзингиздан қолар гап йўқ, Истанбулнинг ҳар доимги тирбандлиги... олдиндан билиб бўлмайди. Қанийди, керак жойимизга кўз очиб юмгунгача бориб қолсак? Нима ҳам қилардик, бунинг иложи йўқ... – деди у бироз кулимсираб.

– Нима дедингиз?

– Одам кўз очиб юмгунча истаган жойига бориб қолса, зўр бўларди, дейман-да...

Жавоб бера олмадим. Нима дейишимни билмай, маъносиз жилмайиб қўйдим-у, ҳайрон бўлиб унга тикилиб қолдим. Нега у бундай деди? Бироз чўчигандек бўлдим.

Чилангар кўлидаги асбоб-ускуна солинган чамадонини ерга қўйиб, эшикни очишга киришиб кетди. Мен эса ҳамма нарсани унутиб қўйган эдим, эшик билан ишим ҳам бўлмай қолган эди.

Устага ҳайрат кўзлари билан қараб қўйдим. Унинг нима учун бундай деганини билмайман, лекин буни тасодиф ҳам дея олмадим. Ўзи мен тасодифларга ишонмайман.

Кўлларимни қаерга қўйишни билмай, чўнтагимга солдим.  
Хаёлларим гужгон ўйнайди.

Кўз очиб юмгунча, бир лаҳзада узоқларда бўлиб қолиш...  
Йўқ, бунинг иложи йўқ.

Ё чиндан ҳам шундай бўлганмикин?

Ўйлайвериб, бошим говлаб, оғриб кетди. Бироздан кейин  
чўнтагимда турган ўнг қўлимга нимадир тегди. Аввалига  
нималигини сезмадим. Кейин қўлимни чўнтагимдан  
чиқардим. Калит! Эшикнинг калити...

Бу қанақаси? Боя шунча қидирганимда йўқ эди-ку? Лекин  
мана – кафтимда турибди. Одам деган шунчалик ҳам аҳмоқ  
бўладими? Калитим чўнтагимда туриб, бир соатдан бери  
зинапояда ўтирган эканман. Бир кулгим келди, бир йиғлагим  
келди. Бу аҳволимдан эсанкираб қолдим.

Уста ҳали эшикка тегмасидан, уни тўхтатдим.

– Менга қаранг, бўлди, тегмай қўяверинг. Калит топилди.  
Ҳамёнимда экан...

Уста хахолаб кулиб юборди. Тўғри-да, кулишга ҳаққи бор-  
да! Балки у ҳам менинг аҳмоқлигимдан кулаётгандир.

– Ҳа, бўптуради бунақасиям... Баъзан қидирган  
нарсангиз топилмайди. Шундоққина кўзининг олдида  
турган бўлади-ю, лекин кўрмайди. Хижолат бўлманг, –  
деди у.

Бу гапларни билиб туриб, атайлаб айтяптими-йўқми,  
билмадим, лекин жуда зўр гаплар айтди! Ростдан ҳам,  
инсоннинг кўзи узоқдаги нарсани кўришга уринавергани  
учун ёнгинасидаги нарсани кўра олмайди!

Устага раҳмат айтиб, бироз чойчақа бермоқчи бўлган эдим,  
олмади, қўлимни қайтарди.

У кетгач, яна ўз ҳолимга ачиндим. Ҳайрат ичида қолдим.  
Калит билан эшикни очдим. Ичимда эса кимдир «Балки  
булар ҳам тасодиф эмасдир?» деяётгандек.

Ёзувчи китобда савол берувчилар ҳақида гапиряпти. Мен ҳам саволларга кўмилиб қоляпман. Бу саволлар ҳам калитга ўхшаган бўлса-чи? Билмадим...

Ичимдаги овоз яна тилга кириб, «Ҳаммаси бўлмаган гаплар. Уларга кулоқ солма», деди. Билмадим, билмадим...

Тўхта, бу гапни ким айтади ҳозир? Нафсимми...? Йўғ-е... Балки ростдан ҳам...

Нималар деб алжираяпман ўзи?

Лекин рост бўлса-чи! Бўлиши мумкин-ку ахир!

Тавба, нафсим мен билан гаплашяптими?!  
◆

Ичкарига кирар-кирмас, музлатгичдан сув олиб ичдим. Бошим қотган, фикру хаёлим китобда, айниқса нафсда эди. Китобда айтилган гаплар зехнимни алғов-далғов қилиб ташлади. Ичимдаги овоз ҳам тингани йўқ. Мен эса китобнинг давоми қандай экан деб, сабрсизланяпман. Эскифуруш Махмуа ота деган одам ким? У бу ишни қандай қилади? Қандай қилиб инсон бир жойдан бошқа жойга бир зумда бориб қолади?

Яна бир нарса: ростдан ҳам нафс одам билан гаплашадими? Тўғриси, билгим келганидан ичим ёниб кетяпти. Тезрок жавобини билсам дейман!

Лекин ичимдаги бир овоз шартга бориб, ётишни, дам олишни, ухлашни тавсия қияпти. Тўғрисини айтсам, ўша овознинг мана шу таклифи ўзимга жуда ёқиб тушди.

Хонамга кирдим. Китоб билан сумкамни ётоғимнинг ёнгинасидаги стулчанинг устига қўйдим. Бир нарсани хохлаш билан ўша ишни қилиш бошқа-бошқа нарса эканини тушуниб турибман. Китобнинг давомини роса ўқигим келяпти, чунки у ёғи нима бўлар экан деб қизиқиб ётибман, лекин уни шарт қўлимга олиб, ўқиб кета олмапман. Нимадир қўл-оёғимдан ушлаб тургандек ҳис қияпман.

Тавба, мени тўхтатиб турган, йўлимни тўсган ўша мени қайдам...

Нафсимкан? Қайдам...  
Ўзимни ётоққа отдим. Ўзи одатада осонликча кўзимга уйқу кечалари алламахалгача телевизор кўриб илинмайди, бировлар билан гаплашаман, компьютер титкилаб чиқаман, лекин ҳозир нега кўзларим юмилиб, уйқум келиб ўтираман. Лекин ҳам тушунмай қолдим...

Кетяпти? Ўзим ҳам тушунмай қолдим...  
Ётоғимга яхшилаб ўрнашиб олиб, ухламоқчи бўлдим. Лекин хозиргина келиб турган нарса энди ўчиб кетган эди. Ундан дарак йўқ. Ярим соатча шифтга тикилиб ётдим. Ухлайман деб ўзимни мажбурласам ҳам, кўзларим очик, уйқум келмади. Бироздан кейин барибир китобни қўлимга олдим. «Ухлай олмаганга яраша ўқийман-да», деб ўйладим. Китобни очдим-у, эсноқ тутди, кўзларим юмилиб кета бошлади. Худди кимдир бу асарни ўқимаслигимни хохлаб, устимдан кулаётгандек эди.

Ё Аллоҳ! Бу қанақаси бўлди энди? Китобни қўлга олган захотим уйқум келяпти, қўйсам, ухлай олаяпман. Ҳеч бўлмаганда ўжарлигим тутиб, ўқишга киришдим. Ҳеч бўлмаганда ўзимни мажбурлаб ўқийман деб, иродамни синаб кўрмоқчи бўлдим. Агар шуларнинг ҳаммаси нафсинг иши бўлса, кўрайлик-чи, муаллиф айтганидек, мен зўрми ёки нафсимми? Тўхтаган жойимдан давом эттирайим, кўзларим юмилай деб турса ҳам, нафсга қарши курашда давом этадим.



БУРСА, 1576

## ЭСКИФУРУШ МАХМУД ОТА

«Эҳ телба кўнгил, нима қилар эдинг сирни айтиб! Қанийди,  
ўша қози чақирганда бормаган, ҳеч нарса айтмаган бўлсанг...  
Ўзи сени нима учун чақиртиганини билар эдинг. Ҳаммаси  
бир яхши кетаётган эди, худди харобага кўмилган хазинадек  
эдинг. Сени ҳеч ким танимас эди, лекин сен аввало  
нафсингни, кейин ўзингни, кейин Уни, Аллоҳни танир  
эдинг. Энди эса мана, сиринг ошқор бўлди. Майли, балки  
бунда ҳам сен билмайдиган бир ҳикмат бордир...»

Мен – Маҳмуд отаман. Илгари беқарор бир кимса эдим.  
Нафсининг чизган чизигидан чиқмайдиган, харобаларда  
ётиб юрадиган бир шўрпешона эдим. Нафсининг измида,  
унинг йўлида юрган гуноҳкор, ўзига ўзи зулм қилган  
золим эдим.

Аммо уни таниган кунимдан бошлаб харобаларим гулистон  
бўлди; уни тинглаганимда жаҳаннам жаннатга айланди,  
Маҳмуднинг қалбида нафси тиклаган бут-санамлар ер  
билан яқсон бўлди. Ҳаётимни гулистон қилган зот – Уфтода  
ҳазратлари бўлдилар.

Мен – Махмуд отаман. Ҳеч кимим йўқ. Бурсанинг мана шу эски бозорида, хароба кулбада одамларнинг эски-тускисини олиб, тузатиб, ўшаларни сотиб тирикчилик қиламан. Бу ишларни тирикчилик учун қиламан, лекин ҳеч қачон бундан ортигини истамаганман. Олтмиш ёшида энди юришни ўрганган одамга ўхшайман. Ҳозирги ҳолимга севинаман, ўтмишимни эслаб, қайғуга ботаман. Нафсим туфайли қилган гуноҳларим учун тавба қилсам, ундан ортиб, нафас олишга ҳам фурсатим қолмайди.

Лекин бир неча кун олдин бўлиб ўтган бир воқеа қалбимдаги денгизларни жўштиради. Бир бечора одам Пайгамбар алайҳиссалом яшаган диёрларга бора олмадим деб, ғамдан нима қилишини билмаётган экан. Қандай қилиб унга эътибор бермаслигим мумкин эди? Унинг дардига малҳам бўлдим, албатта. У ёғи ўзингизга маълум... Аллоҳнинг иродаси экан, шундай ишлар бўлди. Мен сирни ошқор қилдим. Бу ишларнинг ҳеч бири ҳикматсиз эмас, тасодиф эмас.

Ҳозир эса мана шу вайрона кулбада шунчаки кутиб ўтирибман. Ҳам дардимга куйиняпман, ҳам қози афандини кутяпман. Биладан – у келади, лекин ҳали ўзи бунни билмайди. Ўзи учун янги йўл бошланаётганидан хабари йўқ.

◆  
Мен – Махмуд отаман. Эскирган, занг босган кўнгилни олиб, уни таъмир қила олмайман, лекин ўша кўнгилнинг эгасини унинг дардига малҳам бўла оладиган устага юбора оламан. Мен уни мана шунинг учун кутиб ўтирибман.

БУРСА, 1576

## ҚОЗИ МАХМУД АФАНДИ

*«Сенинг насибанг биздан эмас, Уфтода ҳазратларидан...»*

Қози Махмуд афандига нимадир бўлаётган эди. Энди менга камрок қулоқ соляпти. Бунинг сабабини энг яхши биладиган менман. Чунки нафс инсонни жуда яхши танийди, лекин инсон нафсини яхши танимайди. У мени яхши танимаса ҳам, энди тез-тез ўзини саволга тутяпти, илгаригидек менга қулоқ солмаяпти.

Бакр афандининг ҳажга бориш воқеасидан кейин қози Махмуд афанди кескин ўзгарди. Аввалги ҳашаматли ҳаётидан узоқлашяпти. Халқ орасида, оадий одамлар билан гаплашганда уёқ-буёқ қабориб келганида ҳам, гапираётганида ҳамма уни тинглаб турган пайтда ҳам ҳаёлидан ўша бўлиб ўтган воқеалар кетмади. Унинг ақли-хуши ўша ҳаж билан банд бўлиб қолади. Тўғри, мен ҳам қараб турганим йўқ, лекин «бу гапларга мутлақо ишонма!» деганларимнинг фойдаси бўлмади. Чунки у бу гапга ишониб бўлган эди. Шундай бўлса ҳам, мен унга бошқа нарсалар асдим: «Келиб-келиб,

эски-туски сотадиган одамга ишонасанми? Ўша чол сендек олий мақомли одамнинг бошини қотирыптимми? Бундан сенга нима фойда ўзи? Сен ўз вазифанг билан шугуллансанг-чи. Қара, яқинда шайхулислом бўласан ахир! Бир неча қадам қолди. Ўша нарса учун жиддий курашгин».

Лекин у қулоқ солмади. Мени тингламади ҳам.

Қози одамлар орасига кам чиқадиган, кам гапирадиган бўлиб қолди. Миясида тинмай саволлар айланиб турадиган бўлди: «Оаддий инсон бунга қандай қилди? Аллоҳ бир бандасини шунчалик қаттиқ севибдики, бу ишларни қилдирибди. Менинг ҳам обрў-эътиборим, илмим, шухратим бунга етадими? Йўқ, етмайди. Демак, бир одамнинг бир дийрдан бошқа дийрга бир лаҳзада боришига сабаб бўлган одам, яъни ўша Аллоҳ севаган банда мендан анча устун экан-да, шундайми?»

Қози отига миниб, тоғ этақларига борар, ўзи билан ўзи гаплашар, тафаккур қилар, қалб овозини, виждонини эшитар, баъзан ҳатто йиғлар эди. Инсон одамлардан узоқлашиб, тафаккур қилиш учун ёлғиз қолса, Аллоҳга яқинлашади. Мен эса бундай бўлишни истамайман, чунки инсон Аллоҳга яқинлашган сари мендан узоқлашади!

У ҳаммадан узоқдаман, ёлғизман деб ўйлайди, лекин билмайдикки, мен доим у билан биргаман. Шунга ҳам биладманки, агар у қалби, виждони билан бир лаҳза ёлғиз қолса ҳам, мени оёқлари остида эзиб ташлайди. Шунинг учун, мени оёқости қилмасин, мендан нари кетмасин, мени доғда қолдирмасин, тарк қилмасин деб, у билан доим гаплашишга уринаман, қулоғига фитналаримни пичирлайман.

Қозининг ўзига ўзи тинмай бераётган саволлари унинг зехнини тилиб, илма-тешик қилиб юборди, мени эса оёқлари остида эзиб ташлади. Бир жойда турмай, чайқалгани чайқалган. «Намунча ўзингни қийнамасанг? Бўлди, бошқа ўйлама! Мол-мулкинг етарли, ҳеч бир гаминг йўқ. Уйингга бориб, мазза қилиб дамнингни олсанг-чи! Халқнинг олдига

чиқиб, шуҳратинг гаштини сурсанг бўлмайдами?» дейман,  
аммо қулоқ солмайди.

Ўзини ўзи саволга тутиб, одамлардан узоқлашиб, Аллоҳга  
яқинлашган сари менинг попутим пасайиб борапти. Менга  
ҳар томондан қаттиқ зарбалар бериб, тинка-мадоримни  
қуритиб юборди.

Мен ҳолсизланган, кучдан қолган пайтимда эса виждоннинг  
сўзи устун келди.

Қози отига миниб, эски чорсуга, бозор томонга отланди.  
Уни қайтариш учун нималарнидир гапирдим, лекин овозим  
чиқмади, унга эшитилмади. Бу виждон ўлгур бир лаҳза  
бўлса ҳам тек турмай, менинг ишимга халақит беряпти.  
Қанийди, виждоннинг овози ўчса-ю, мен Қози Маҳмудни  
йўлдан қайтарсам! Отини тўхтатсам, кетаётган манзилига  
бордирмасам... Керак бўлса, оти қоқилиб кетса-ю, отдан  
йиқилиб, отга мина олмайдиган бўлиб қолса... йўлдан қайтса.

Мен бунни жуда-жуда истадим. Чунки билиб турибман: у  
Маҳмуд отанинг қулбасига кетяпти.

У ҳеч қандай иккиланишсиз отини елдек учуриб кетди. Бир  
марта бўлса ҳам ортига қайрилиб қарамади. Менинг бирорта  
сўзимни эшитмади, чунки у виждони билан гаплашишдан  
асло тўхтамади...

Бозор оралаб бироз юргач, қози тўхтаб, отидан тушди. Бир  
неча қадам юриб, бир хароба қулбанинг олаида тўхтади.  
Қанийди, менинг ҳам жисмим, баданим бўлса-ю, оёқларига  
йиқилиб, маҳкам ёпишиб, қадам босишига қўймасам... Аммо  
бунга ожизман, чунки у қалбининг, виждонининг овозига  
қулоқ бериб бўлди. Дарҳол ақлига ёпишиб, уни тўхтатишга  
киришдим. Бу ҳам бўлмади. Чунки ақлининг устидан қалби  
ҳукмрон бўлиб бўлган эди...

Қози хароба қулбанинг эшиги ёнига келди, очиш учун  
эшикнинг халқасини ушлади. «Чиқмаган жондан умид» дсб,

бор овозим билан «Тўхта!» деб хайқирадим. Бу сафар у мени эшитди, қўлини эшик ҳалқасидан тортди. «Сен бу юртнинг энг улуғ қозисан! Бу ерда нима ишинг бор? Шу хароба кулдада яшайдиган факирдан нима ёрдам кутяпсан? Сенинг жойинг шу ерми ахир?» дедим. Айтдим-ку, мени эшитяпти деб. Қози иккиланиб, бир неча қадам орқага тисарилди. Бунни қарангки, менинг айтганим бўлаётган эди, у кулбага кирмаётган эди! Орқага қайтиб кетармикан? Бу ердан узоқлашармикан? Ишқилиб кетсин-да! Кетиши керак! Қозининг орқага қараб қадам босган оёқлари бирдан тўхтади. У шарт ўтирилиб, яна олдинга шахдам қадам ташлади. Шаҳд билан эшикни очиб, ичкари кирди. Мен уни ушлаб қола олмадим. Эҳ виждон... эҳ виждон-а! У қозига тўхтамай, тинмай гапирар эди...

Қози ичкарига киргач, ерга солинган кигизнинг устига ўтириб олиб қўлидаги пойабзални каноп ип билан тикаётган Маҳмуд отани кўрди. Чол қози Маҳмуд афандини анчадан бери кутаётгандек, унинг келишини билгандек хотиржам эди. Унинг келганига ажабланмади ҳам, бошини эгганича қилаётган ишида давом этиб, унга қарамади ҳам.

Бироздан кейин бошини кўтармасдан, «Кел, қози афанди, кел!» деди.

Қози афанди ёш боладек мўлтираб, у томон қадам ташлади. Қарасам, Маҳмуд отанинг ёнига келиб, чўккаламоқчи. Мен унга «Ахир сен Бурсанинг машҳур қозиси Маҳмуд афандисан! Аҳволингга қара! Мана шу эскифурушнинг ёнига ёш боладек тиз чўкиб ўтирасанми?» дедим. Қози шу захоти тўхтади. Ўтирмай, оёғида тик туриб қолди. Қошлари чимирилди. Кибри бутун баданига сачради. Қандай яхши! Менинг истагим ҳам шу эди.

– Ҳов, эскифуруш! – деди қози. – Бир неча кундан бери фикру хаёлимни банд қилдинг. Бу қанақаси? Сен айтган воқеа қандай қилиб содир бўлиши мумкин? Бу қандай сехр?

Қимсан қози Махмуа афанди мана шуларнинг сабабини билиш учун пойингга келиб турибди!

Махмуа ота бирдан бошини кўтарди. Унинг кўзларида газаб олови ёнар эди:

– Менга қара, Махмуа! Аввал анави нафсингнинг овозини ўчир! Бўлмаса сенга ҳеч қандай нажот йўли йўқ...

Махмуа афанди турган жойида қоққан қозикдек қотиб қолди. Мен ҳам хайратдан нима дейишимни билмай қолдим. Махмуа ота мен айтган гапларни эшитяпти экан, бу гапларнинг ортида мен, яъни нафс турганини билиб турибди экан! Қози Махмуа афанди лом-лим демай, Махмуа отанинг ёнига ўтирди.

– Мана энди гапир, – деди Махмуа ота. – Нима дейсан?

– Қанақасига? – деди қози. – Бу ишлар қандай қилиб бўлди?

– Ўша кунийёқ айтдим-ку, Аллоҳ истаса, ҳамма нарса бўлади.

– Унда менга ҳам ўргатинг, мен ҳам билайин...

Махмуа ота кулимсиради, олдаида турган пойабзалга қаради:

– Мен кимманки, сенга бирон нарсани ўргатсам? Сенга бирон нарса ўргатадиган илмим йўқ-ку ахир?

– Ўргатинг! – қози Махмуа афанди Махмуа отанинг кўларини маҳкам сиқди.

– Махмуа афанди, вақтинги бекор кетказма! Сенинг насибанг биздан эмас, Уфтода хазратларидан. Дардингнинг давоси ўша кишида. Сен унинг хузурига бор.

Чол шундай деб, қўли билан эшикка ишора қилди.

Мен бу ҳолатдан ниҳоятда аламзада бўлдим. Қози Махмуа афандини тўхтатиб қола олмаганимдан қаттиқ пушаймон едим. Биладан, қози унинг олдаида боради. Барибир боради. Майли, ҳали менинг хийлаларим талайгина. Нима қилиб бўлса ҳам уни бу йўлдан уришим керак! Махмуа афанди ўрнидан туриб, оғир қадамлар билан Махмуа отанинг кулбасидан чиқди.

Махмуа афанди ичкарида ўтириб, бир нарсани сезмади,  
ҳис қилмади: эски оёқ кийимни тикаётган Махмуа отанинг  
тешиқдан ўтказаетган ҳар бир ипи менинг бўйнимни бўғди,  
ҳар бир тешиқка киритган бигизи менинг кўксимга санчилади!  
Яна бунинг ҳаммасини билиб туриб қилади, Махмуа афанди у  
ердан чиқар-чиқмас, қўлидаги пойабзални жойига қўйди. У  
фақат менинг жонимни қийнашни истайди, холос....



## ИСТАНБУЛДАГИ БИР ЖОЙ. БУГУН

### СЕН

*Сиз яшаяпман деб ўйлаган бу ҳаёт туш бўлса-чи?*

Демак, мен ростдан ҳам кучсиз эканман. Нафсни енга олмас эканман. Яна ухлаб қолибман. Қўлимдаги китоб кўксимда ётибди. Шу ҳолатда ухлаб қолибман. Бўлмаса, китобни ўқийман деб, нафсим билан роса ўчакишган эдим. Охири барибир нафсим ғолиб келибди.

Лекин бир туш кўрибман. Бу қандай туш бўлди, сабаби нима, нимага ишора қиляпти? Тўғриси, билмайман. Бу китоб мени сеҳрлаб қўйган, шекилли, шунинг учун шунақа туш кўргандирман. Мен билан гаплашаётган, мени яхши ишлардан тўхтатиб, ёмон ишларга ундаётган нафсим бўлса, асмак, у тушда инсонни йўлдан ура олмас экан-да? Менимча, шундай.

Энди эса тушимни айтиб берай:

Тушимда Махмуа отани кўрибман. Китобда ёзилганидек, Махмуа афанди кулбадан чиққач, ичкарига мен кирган эмишман. Қаерда, қайси замонда, кимнинг хузурида эканимни, рўпарамдаги инсон Махмуа ота эканини жуаа яхши билиб турибман.

Ота чўккалаб ўтириб, ҳали ҳам қўлидаги игнага ип ўтказиб, бир нарса тикаётган эди. Лекин бу сафар қўлидаги нарса пойабзал эмас экан. Умуман бошқа нарса эди, аммо мен нималигини илғай олмадим. Кулбанинг ичи қоронги, ҳеч нарса аниқ-тиниқ кўринмайди. Бироз нарироқда ўчоқда олов бор, унинг ёғдуси ичкарини бироз ёритиб турибди. Махмуд отага қараб, бир-икки одим ташладим. Кўркмадим, чунки билмайман. Инсон одата билмаган нарсасидан кўрқади. Менда эса бу хис йўқ. Нима учун, била олмадим. Унинг ёнига яқинлашдим.

– Сиз китобда ёзилган эскифуруш Махмуд отамисиз? – дедим.

Чол саволимга савол билан жавоб берди:

– Сен эса ўша китобни ўқиган гофилмисан?

– Ие, сиз мени танийсизми?! Мен китобни ўқийганимда сиз ҳам мени кўриб, хис қилиб турасизми?

– Балки ҳа, балки йўқ, – жавоб берди чол.

Мен ҳайратда қолдим. Ота буларни айтаётиб, қилаётган ишидан бошини кўтармади. Қўлида нимадир бор, лекин мен уни кўра олмадим. Тикяптим, қўлида ушлаб турибдими, хуллас, эсимда йўқ.

– Мен... – шундай деб, энди гап бошлаган эдим, гапимни бўлди.

– Мен, дема, – деди.

Мен жим бўлиб қолдим. Жавоб бера олмадим.

– Нафсинг ҳақида қизиқяпсан, у ҳақда савол бермоқчисан. Лекин нега бундан сўраяпсан? Ахир у ҳар доим сен билан-ку! Унинг кимлигини ўзингдан сўра!

Ота шундай деб, ўтирган жойидан туриб, қўлидаги нарсани олиб бориб, ўчоқдаги оловга улоқтирди. Барибир унинг нималигини кўра олмадим.

– Оловга ташлаган нарсангиз нима? – сўрадим мен.

– Ұзимни, «мен»ни оловга улоқтирдим, – деди у.  
Ұлай агар, ҳеч нарса тушунмадим. Тушунишни истаяпман,  
лекин сўрай олаяпман.  
– Бу тушми ўзи? – дедим.  
– Бу кўрганларинг ҳақиқат. Лекин сен яшаётган ҳаёт тушдан  
иборат бўлса-чи?  
Махмуа ота шундай деди-ю, мен уйқудан йиғи, кичкирик  
билан уйғониб кетдим.  
Ҳозир эса шунчаки чўзилиб ётибман. Нима бўлганини  
тушунмай, кўзларимни шифтга тикиб ётибман. Ё Худойим,  
бу қандай китоб ўзи? Шунчалик таъсирланибманки,  
тушларимга кириб чиқяпти. Туш ҳам шунақа ғалати  
бўладими? Ҳали ҳам англаб етмадим. Кўксимда турган  
китобни олиб, унга яна бир қараб кўйдим. Нимадандир  
ҳадиксираяпман. Кўрган тушимдан безовталана  
бошладим. Шундай бўлса ҳам ўқидим, чўчидим, тушимдан  
таажжубландим.  
Шуни аниқ биламанки, энди – бу тушдан кейин – нима  
бўлган тақдирда ҳам бу китобни, албатта, ўқийман.



Китоб ажойиб туш билан бошланган эди. Худойи кўрган  
туши туфайли ўзига саволлар бера бошлади. Мен ҳам  
шундан таъсирландиммикан? Ёки бу мен учун бир дубочами?  
Қайдам... Мен ҳеч қачон бундай таъсирли, ажойиб туш  
кўрмаган эдим. Туш ичида туш...  
Ғалати туш... Ростдан ҳам, китоб ўқилганда китобнинг  
ичидаги қаҳрамонлар ўқувчини ҳис қилиши мумкинми?  
Тавба, нималар дед алжираяпман-а?  
Нафс нима ўзи? Шу пайтгача у ҳақда кўп мулоҳаза қилдим,  
лекин уни биргина сўз билан ифода қилдим. Ростдан ҳам,  
нафс мана шу китобда ҳам айтилганидек, инсоннинг ичида  
туриб, мунтазам гапириб, ҳаракатланиб турадиган нарсами?

Хайрли ишга киришганимда оёғимдан чалган ўша нафсми? Виждонимнинг овозини ўчирган ҳам шуми? Ё Худо, бу нафс нима ўзи? Ичимдаги бошқа «мен»ми? Ё бу нафс менинг шайтонга ҳамроҳ томонимми? Тушуна олмаяпман. Аслида бир китобни деб тинмай ўйлаётганимдан, миямда саволлар айланаётганидан хайратдаман. Лекин кўрган тушим ичимни титратади, менга қаттиқ таъсир қилди. Бу воқеаларни хуади туш эмас, ҳақиқий ҳаётда кўргандекман. Махмуа ота тушимда менга нима деганди-я? Ҳа, эсладим, шундай деди:

*– Нафсинг ҳақида қизиқясан, у ҳақда савол бермоқчисан. Лекин нега бундан сўраясан? Ахир у ҳар доим сен билан-ку! Унинг кимлигини ўзингдан сўра!*

Ўзимдан-ку, сўрашга сўраяпман. Лекин мен қаердан билай? Била олмаяпман ахир! Бошим гаранг... Кўрган тушимдан бироз чўчигандекман.

Китобни яна стол устига қўйдим... Кейин ётоқдан туриб, дераза томон юрдим. Юрагим сиқилиб кетгани учун пардаларни очмоқчи бўладим. Кўзимни юмдим дегунча, тушимдаги Махмуа отанинг юзини кўряпман. Ошпоқ соқоллари бўйнигача тушиб турибди, бошида салла, қўллари эса билмадим, ё тасбех ўтирганидан ёки доим бир хил иш билан шуғулланганидан бўлса керак, қадоқ эди. Кўзлари эса қоп-қора...

Секин пардани очдим, хонамга қуёш туша бошлади. Ёруғлик жуаа яхши нарсаси, лекин мени бўғиб кўяди. Мен ҳали ҳам зулматда яшаяпман, кечаларни, қишни севаман. Парда оралаб ташқарига қарайман. Ташқарида галати сукунат. Ҳеч ким йўқ. Қандайдир бошқача ҳолат. Бирдан сесканиб кетадим. «Яна туш кўряпманми?» деб ўйлаб қоладим. Атрофга қарадим. Йўқ, бу туш эмас эди. Соатимга қарасам, етти бўляпти. Очиғи, бунчалик эрта турганимга хайрон қоладим. Бироздан кейин тўғримдаги бинонинг деразасидан менга қараб турган бир болакайга кўзим тушди. Уни кўриб, юзимга табассум югуради...

У дераза ортидан кўлларини ойнага кўйиб, менга караб, маъсумгина кулиб турибди. Нега бундай қиялпти, билмайман. Кейин онаси келиб – мен онаси деб ўйладим – болани ойнанинг олдидан олиб кетди. Яна ёлғиз қолдим.

Ёзувчининг ёзганларидан қаттиқ таъсирланганга ўхшайман. Ўзи ким бу ёзувчи? Танимайман ҳам. «Буларнинг ҳаммаси тўқима бўлса керак, мен бўлса ишониб ўтирибман», деди ичимдаги овоз. Ошхонага кирдим. Аввал газга чой кўйдим, кейин бир кишилик столимга ўтириб, ноутбугимни очдим. Бу ёзувчи ким экан деб, исмини интернет саҳифасига ёзиб кўрдим.

Фотих Думан...

Бирдан ўйлаб қолдим. Ахир менга асарнинг муаллифи ким экани қизик ҳам эмас-ку? Менга китоб ичидаги фикрлар, тушунчалар муҳим. Масалан, Маҳмуд ота ҳақиқатан ҳам ҳаётда яшаган одамми? Ёки тушимга кирган бу инсон ҳаёл маҳсулими? Худой ким? Нафс нима?

Интернетга ёзганларимни ўчириб, ўрнига *Маҳмуд ота* деб ёздим. Биринчи очилган саҳифага кирдим. Ҳа, бу одамлар – ҳаёлий образлар.

Йўқ, тушимга кирган одам тарихда яшаб ўтган экан. Бу жуда ғалати бўлса ҳам, бир томондан ўзимда йўқ севиндим.

Очилган интернет саҳифасида шундай гаплар бор эди:

«...Онадўлида яшаган валий зотлардан бири. Ўн олтинчи асрнинг охири, ўн еттинчи асрнинг бошларида яшаб ўтган. Эски матоҳлар олди-бердиси билан шугуллангани учун эскифуруш Маҳмуд ота номи билан танилган. Аслида амасялик бўлиб, 1619 йилда Бурсада вафот этган. Қабри Абдулмўмин афанди масжидининг ховлисида...»

Ўзимга бошқача табассум югурди. Сабабини билмадим-у, лекин бу ўқиغانларим мени ниҳоятда хурсанд қилди. Лекин иккинчи томоним: «Бекорчи ишлар билан шугулланяпсан», дейиш билан овора. Агар бу овоз нафснинг овози бўлса, уни

асло эшитгим келмаяпти. Лекин истар-истамас, барибир эшитиб турибман...

Мониторда кўришиб турган матни тўлик ўкиб чиқдим. Худди аввалдан танийдиган кишим ҳақида ўқигандек марок билан ўқидим. Тўтри, бошқа пайт ҳам тушлар менга таъсир қилар эди. Лекин бу галги туш бошқача бўлди. Гаройиб туш.

Бу ҳақидаги маълумотларни ўқиган сарим яна ҳам яхшироқ англаяпман. Махмуд отанинг хузуридан чиққан Худой кейин нималар қилганини билишга янада қизиқиб кетяпман.

Тўтри бориб, китобни олиб, яна ошхонага келдим. Чойни дамлаб, яхшилаб ўтириб олдим. Келган жойимдан ўқий бошладим. Худой хазратлари қаерга кетаётган бўлса, у зотнинг ортидан эргашиб кетяпман гўё...

## ИККИНЧИ МАРТАБА

# НАФСИ ЛАВВОМА – ЎЗ-ЎЗИНИ АЙБЛАШ

*«Ўзини ўзи айблаган нафс билан қасамки...»\**

Одамлар баъзан виждонига қулоқ тутиб, унинг овозини ҳис қилиб, гафлат уйқусидан уйғонадилар. Қилган амаллари гуноҳлигини тушуниб етиб, тавба қиладилар. Қилмишлари ҳақида тез-тез ўзларини сўроққа тутиб, пушаймон бўлиб, ўзларини айблайдилар.

Лаввома нафс эгалари – билса ҳам билмаганлардир. Аммо фарқига борадиганлар тоифасидандир. Улар қингир йўлларга ташвиқ қилувчи нарса нафс эканини билиб турадилар. Шунга қарамай, ҳар сафар нафснинг тузоқларига илиниб қолаверадилар, жаннат неъматлари ёки жаҳаннам кўрқинчи учун, яъни нафслари учун ибодат қиладилар.

\* Қиёмат сураси, 2-оят.

БУРСА, 1576

## МУҲАММАД МУҲЎИДДИН УФТОДА

Мен – Муҳаммад Муҳйиддин Уфтодаман. Бутун умрим бир рақибга қарши жанг билан, кураш билан ўтди. Бу ҳаётда ҳар бир инсоннинг бир кураши бор. Менинг курашим эса нафсимга қарши бўлди. Энг буюк, катта душман нафс эканини англаб етдим. У ҳар доим сен билан, лекин у сенга душман... Уни енгилш учун умримни бердим. У қанчалик оёқ тираб, мени йўлдан оздиришга уринса, мен ҳам шунчалик сабру сабот кўрсатадим. У ҳам асло енгилмади, қўлини силтаб, курашни ташлаб кетмади. Охирги нафасимда ҳам у билан жанг ҳолатида эдим. Шунни жуда яхши билар эдимки, мен ўлмагунча у ҳам ўлмайди.

Мен маняслик\* Маҳмуа Афандининг ўгли Муҳаммад Муҳйиддинман. Илгари исмим шундай эди. Кейинроқ ўзимни Уфтода деб атадим. Чунки овозим чиройли бўлгани учун Улуғ Жомеъ масжидида менга азон айттиришар эди. Кейин эса бу вазифам учун менга маош берадиган бўлишди.

\* Туркиянинг Баликесир вилоятида, Бандирма туманида жойлашган қишлоқ.



Ўша пулни олган куним кечаси тушимда бир овоз янгради:  
«Мақомингдан тушдинг (уфтода бўлдинг)».

Шундан кейин ҳеч қаердан ҳеч қандай маош, пул олмадим.  
Исмимни ҳам ўша кундан бошлаб Уфтода деб ўзгартирдим.  
Талабаларимга ҳам шуни тавсия қилдим, бошқа жойдан  
маош олмасинлар деб, уларга кунига тўрт ақча берадиган  
бўлдим.

Устозим Хизр отадан саккиз йил сабоқ олдим. Тушларни  
таъбир қилишни у зотдан ўргандим. Кейин эса ям-яшил  
Бурсанинг одамлардан узок бир чўққисида, тоғ ёнбағрида  
қалбимни Аллоҳга ҳавола қилдим. Ўша кундан бери халқни,  
дунёни, мақом-мансабни тарк қилдим.



Мен – Мухаммад Мухйиидин Уфтодаман. Даргоҳимда бир  
қалбни тарбия қилиш учун кутиб ўтирибман. Бу – Махмуа  
афандининг қалбидир... Унга нафсининг тузоқлари ҳақида  
гапириш учун кутмоқдаман. Биламан, у, албатта, келади.  
Аммо бошида унга «Кет!» дейман, уни қабул қилмайман.  
Зеро, нафсдан воз кечиш инсонга осон бўлмайди, унга азоб  
беради. Агар кетадиган бўлса, азобланган мен бўламан,  
лекин қолса, дардига малҳам бўламан.

Мен – Мухаммад Мухйиидин Уфтодаман. Мен қалбимни  
қалбинга бераман, сени ўз фарзандимдек кўраман,  
нафсимни ўз кўлларим билан кўмаман. Махмуа афандини  
интизорлик билан кутмоқдаман.

БУРСА, 1577

## ҚОЗИ МАХМУД АФАНДИ

*Бу ер – йўқлик эшигидир. Сен эса тўқликдан келмоқдасан.*

Бўлар иш бўлди. Уни аввалроқ тўхтатишим керак эди. Энг кучли тузоғим бўлган шахватни бошига солишим ёки кўнглига мансаб, амал хирсини солишим керак эди. Шундай қилсамгина уни йўлдан оздирган бўлар эдим балки...

Махмуд отанинг хузурига боришдан ушлаб қолган бўлар эдим. Лекин у Уфтоданинг олдига боришни кўнглига тугиб қўйган экан. Мен уни нима қилиб бўлса ҳам бу ниятидан қайтаришим керак. Акс ҳолда, у мендан воз кечиб кетади, мен эса битмас-туганмас азоблар ичида қоламан. Бунини жуада яхши билиб турибман. Уфтода исми билан танилган Мухаммад Мухйиддинни жуада яхши танийман. У мен билан, яъни нафси билан анчадан бери душман. Ундан кўрган кўргиликларимни фақатгина ўзим биламан.

Одам ҳам ўзига «Уфтода» деган тахаллус оладими? У мана шу лақабни ҳам мендан қутулиш учун олган. Уфтода – «бечора, хароб бўлган» дегани. Шунинг учун қози Махмуд афандини

нима қилиб бўлса ҳам ушлаб қолишим керак эди. Уфтода билан кўришишини, унинг насиҳатларини эшитишини, унинг кўрсатган йўлида юришини асло истамайман. Бунга йўл қўймаслигим керак.

Бир муддат барча овозларни, барча пичирлашларни тўхтатдим. Бошига бало ҳам бўлмадим, дара ҳам бўлмадим. Кечалари уйкусини, кундузлари хузурини буздим. Виждонидан чиқаётган ҳар қандай саволни унуттирдим, фақат биргина саволни унуттира олмадим: «Қандай қилиб Аллоҳга дўст бўлиш мумкин?»

Қози бу саволни ўзига ўзи тинмай берар эди. Фақатгина шу саволни унуттира олмадим. Ваҳоланки, унинг юрагидан айнан мана шу нарсани ўчиришим керак эди.

Баҳорнинг сўлим кечаларидан бири эди. Қози Махмуд афанди узук-юлук бир туш кўрди. Аниқ фалон воқеани ёки фалон одамни кўрди дейдиган даражада тиниқ туш эмас эди. Лекин бир овоз қулоқлари остида янграйверди: «Яна нимани кутиб ўтирибсан?»

Бу овоз барча хатти-ҳаракатларимни, меҳнатларимни, гайратимни ер билан яқсон қилди, барча режаларимни чиппақка чиқарди.

Уйғонар-уйғонмас тушида эшитган ўша жумласини такрорлади: «Яна нимани кутиб ўтирибсан?»

Балки бошқа одамга бу савол маъносиздек туюлар, аммо қози Махмуд афанди ҳаммасини тушуниб, билиб турибди. Ўша куни ҳеч кимни қабул қилмади. Ҳеч қаерга чиқмади, бир оғиз гапирмади. Фақатгина тафаккур қилди. «Нима учун кутиб, чўзиб ўтирибман?» деди, «Борсам нима бўлади? Уфтода менинг қандай насибам бор? Унинг менга берадиган нимаси бор экан?» деб соатларча ўйга толди.

Уни бу йўлдан қайтаришга кўп уриндим. Лекин қатъий азму қарор қилган экан, шунга яраша ҳаракат қилди. «Мен ўладиган нарсани эмас, ўлмайдиган, бокий нарсани, тугайдиган нарсани эмас, ҳеч қачон тугамайдиган нарсани

истаяпман. Мен Аллоҳга ҳабиб бўлишни истайман, Унга дўст бўлишни орзу қиляпман», деди-ю, аламзада ҳолда хонасидан чиқди. Отига миниб, уни ўқдек учириб кетди. Сезиб турибман, у шахар ташқарисига, Уфтоданинг тоғ этагидаги даргоҳига йўл олган эди. «Борма! Тўхта!» деб шунча айтсам ҳам, гапларим ҳавода қолди. Деворга гапиргандек бўлдим. Мени тингламади. Тинглата олмадим. Отини елдек учириб кетаверди...

Тўсатдан отига нимадир бўлди. Худди такалари ерга ёпишиб қолгандек. Қози Махмуд афанди отининг устида туриб, оёқлари билан узангини тепса ҳам, от жойидан қимирламади, бир қадам ҳам олдинга юрмади. Отни тўхтатган мен эмас эдим, бу менинг имкониятим доирасидаги иш эмас. Шу заҳоти бу кимнинг иши эканини билиб, кайфиятим кўтарилади: бу – шайтоннинг иши эди. У азалдан менинг устозим. Айни керакли пайтда менга ёрдамга келиб, отнинг оёқларини тупроққа ботирибди. Қози Махмуд афанди ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, от турган жойидан силжимади. Қози аввалига нима бўлаётганини англамай турди, лекин англаганидан кейин ҳам, барибир, мақсадидан қайтмади, отни қамчилаб, ниқтайверди. Энди уни ҳеч қандай куч тўхтата олмас эди.

Ниҳоят, қози чарчади. Қараса, оти юрмайдиган, маҳкам оёқ тираб олган. Қози вақтни бекорга кетказиб ўтирмади, отидан тушди-ю, манзили томон пиёда йўл олади. Унинг қалбида шундай буюк орзу бор эдики, уни эшитишга менинг бараошим чидамайди. У энди қозиликни ҳам, шайхулисломликни ҳам, мол-мулк, шону шуҳрат, ҳатто мансабни ҳам истамаяпти. У фақатгина Аллоҳга ҳабиб бўлишни, дўст бўлишни орзу қиляпти. Ўзи аслида У Зотнинг розилиги учун бу йўлларга тушди. Менга асло қулоқ тутмади, орқасига қарамай, манзили томон кетаверди.

Бир пайт узоқдан Уфтоданинг хонақоҳи кўринди. Қанийди, унинг хонақоҳига бора олмай, шу ерларда

қотиб қолса, бирор тошга қоқилиб, ерга йиқилса, отига ўхшаб, оёғи тупроққа ботиб қолса... Қанийди, уни олтинлар билан тўхтатиб қолишнинг имкони бўлса-ю, олдини олтин уюмлари билан тўлдириб ташласам, уни бу хонақоҳга боришдан ушлаб қолсам! Йўқ, мен бунга ожиз қолдим, уни бу йўлдан қайтара олмадим.

Қози хонақоҳнинг боғ эшигидан ичкари кирди. Ичкари каттагина боғ, сал нарироқда эса бир қаватли хонақоҳнинг асосий биноси турибди. Қози Махмуа афандининг эғнида самур\* юнгидан қилинган мўйнали камзул, бошида салласи бор эди.

Қози афанди боғ эшиқдан кириши билан қўлида тешача, куракча, кетмон билан гимир-гимир иш қилаётган одамларни кўрди. Лекин қози афандининг кўзлари бошқа одамни, бутунлай бошқа инсонни қидирарди. У дарҳол сал нарироқда, ерга чўкиб олиб, бир ниҳолнинг тагини чопаетган қари одамга яқинлашди:

– Уфтода... Шайхинг Уфтода хазратлари қаердалар?

Ҳалиги одам унга жавоб бермади, ҳатто ўгирилиб ҳам қарамади.

Қози Махмуа афанди яна сўради. Яна орага жимжитлик чўқди, яна савол жавобсиз қолди.

– Ҳой, менга қара! Мен – Бурса қозиси Махмуа афанди бўламан. Эшитяпсанми? Сенга гапиряпман, Уфтода хазратлари қаердалар?

У яна орқасига қарамайди, яна жавоб бермайди деб ўйлаган эдим, лекин бу сафар ортига қаради. Чўккалаб ўтирган жойидан турмасдан, гавдаси билан эмас, фақатгина боши билан қайрилиб қаради. Шу захоти мен ҳам, қози Махмуа ҳам бу одамни танидик. Менинг танишлигим кўксимдаги яраларимдан эди. Уни кўрар-кўрмас, бошимдан бир челақ совуқ сув қуйилганаск бўлди. Тилим тутилиб қолди. Қочишга жой топа олмади қолдим.

\* Самур – сувсар, Сибирь сувсари.

Қанийди, қоча олсам, бу ерда бир он ҳам турмасам... Лекин бу кўлимдан келмайди. Дардимга дара кўшилади.

Мен уни тарк қилганимга ҳам анча бўлибди. Соқолларига оқ тушибди. Устида ҳамон камтарона кийим, бугун ҳам одмигина кийиниб олибди. Шу ерда, ҳовлида ишлаётган оддий халқдан фарқи йўқ. Унинг мана шу камтарлиги, тавозеси мени азоблади, оловларда ёндирди. Нима қилсам ҳам фойдаси бўлмади. Йўлимдан асло воз кечмади. Мана, мени мағлуб қилган Уфтода қаршимда турибди. Ранг-рўйида ҳеч қандай ўзгариш йўқ

– Келинг, қози афанди. Уфтода мен бўламан, – деди у хотиржамлик билан.

Қози Махмуд афанди уялиб кетди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлса, у ҳам уялиб, ерга кириб кетган бўлар эди. Чунки Уфтодада тавозега бурканган алланечук хайбат, виқор бор эди. Тавозе ҳар қандай жойда кибрнинг белини синдиради... Уфтоданинг хайбати мени яна кўрkitди.

– Лутфан мени афв қилинг! Билмабман... – каловланиб қолди қози афанди.

– Билсанг ҳам билмайсан, – деди Уфтода.

Қози афанди сукунатга чўмди. Бироз мажбуриятдан шундай бўлди.

– Қози афанди, сизни қайси шамол учирай? Дарингиз нима? Бирор айб қилдикмики, шу ергача келибсиз? – деди Уфтода. Мен эса қалт-қалт титрай бошладим.

– Мен... – қози Махмуд афанди шундай деди-ю, томоғи қуриб қолгандек ютинди, сўнг аудақланиб гапира бошлади.

– Мен... Аллоҳнинг дўсти бўлишни, илм олишни, агар қабул қилсангиз, талабангиз бўлишни хоҳлайман...

– Йўқ, бўлмайди, – деди Уфтода. – Сизни қабул қилмайман... Бирдан ўзимга келдим. Уфтода қози афандини рад қилса-я? Ахир менинг ҳам истагим шу эди-ку! Нахотки орзум амалга ошса!

Уфтода гапида давом этади:

– Бу ер – йўқлик эшиги. Бу ерга тўқлик, борлик билан келганлар қабул қилинмайди! Бу ер – ҳечлик даргоҳидир, мўлик билан келганлар қабул қилинмайди. Бу ер – танглик эшигидир, кенгликдан келганлар қабул қилинмайди. Сиз эса тўқликдан, мўл-кўлчиликдан, кенглик, фаровонликдан келмоқдасиз. Бу ер – сиз вақт ўтказадиган маскан эмас...

Мен мушкул деб ўйлаган ишларим хамирдан қил суғургандек осонлик билан ҳал бўлганга ўхшаяпти. Маҳмуд афандини мен эмас, Уфтоданинг ўзи рад қиляпти! У «Бўлмайди, қабул қилмайман», деган сари менинг ичимда байрам бошланаётган эди. Ошиғим олчи бўладиганга ўхшайди!

– Илтимос, мени даргоҳингизга қабул қилинг! Менга эшигингизни очинг! – ялинишда давом этади қози.

– Эгнингиздаги самур мўйнасини, бошингизда кўтариб юрган мақомингизни қаранг! Бунинг устига отингиз ҳам бу ерга келишни истамай, оёқ тираб олди-ку! Оёқлари тупроққа ботмадимми?

Қози Маҳмуд афанди яна бир бор хайратдан ёқасини ушлади... аммо Уфтодага талаба бўлиш иштиёқи яна-да ортади. Бу қанақаси ахир? Отининг тўхтаб қолганини қаердан эшита қолади? Ахир атрофда биздан бошқа ҳеч ким йўқ эди-ку! Кимсасиз тоғ этаги эди-ку! Лекин Уфтода буларни билапти. Ёки билдириляпти...

– Мен... – қози яна гапирмоқчи бўлди, аммо гапини давом эттира олмади, Уфтода унинг сўзини кесди:

– Қози афанди! Сизнинг мол-мулкингиз, мақомингиз, шон-шуҳратингиз бор, бизнинг эса фақатгина Аллоҳимиз бор. Бу ер сизга муносиб эмас. Сизга бу даргоҳ торлик қилади, сиз бу ерларга сигмайсиз...

Маҳмуд афанди турган жойида қотиб қолади. Аммо вижадини ҳеч тўхтамай, тинмай: «Бор, ноумид бўлма, кўлларига маҳкам ёпиш!» деб пичирлайверди. Қози афандининг иштиёқи

баланд. Уфтоданинг кўлларига ёпишиб, ёлворишга тайёр турибди. Мен ҳам бирор чора кўришим, қулогига фитнамни пичирлашим керак. Вазиятни дарҳол ўз томонимга оғдириш пайига тушиб, қулоқларига пичирладим: «Ҳали ҳам кўл силтаб, қайтиб кетмадингми? Сени ҳайдагандан ҳам баттар қилди-ку, кўрмаяпсанми? Сен шунча ихлос билан йўл босиб келдинг, у бўлса сени ҳайдаб солди. Кўлингдан келганини қилдинг. У бўлса сендек улуғ қозини итдек қопяпти-я! Нимани кутиб турибсан? Шартга кўлингни силтаб, қайтиб кет!» деб васваса қилдим-у, натижани кута бошладим.

Қози Махмуд афанди бир муддат жим бўлиб қолди. Биламан, тафаккур қиялпти, ўйлаяпти. Хаёли кетиш ёки қолиш, сабот ёки умидсизлик, жаннат ёки жаҳаннам орасида турибди.

Қози иккиланиб, анча турди. Сўнг бирдан яна олдинга ташланди. Уфтоданинг кўлларига ёпишди. Йиғлаяптими? Фарёда соляптими? Яна бир марта Уфтоданинг олдида мағлуб бўладимми?

– Ҳазратим! – асади қози афанди. – Қурбонингиз бўлай, мени қабул қилинг! Нима истасангиз қиламан, оғзингиздан чиққан ишни бажараман, қаерга юборсангиз бораман. Илтимос, мени хонақоҳингизга қабул қилинг...

– Қози афанди! Бу ер – йўқлик даргоҳи, бу ерга тўқлик билан қира олмайсиз! Бу ер – тарк қилиш диёридир, қабул қилиш билан қира олмайсиз, – қўшимча қилди Уфтода.

– Ҳазрат, майли, ҳамма нарсамни тарк қиламан, воз кечаман! Ўтиниб сўрайман, мени қабул қилинг...

Уфтода бошини кўтариб, қози афандининг кўзларига боқди. Кейин шундай асади:

– Нафсинг-чи, нафсинг нима бўлади? Уни ҳам тарк қиласанми?

Ўладим! Мени ўлдиришди. Уфтода мен билан боғлиқ бўлган ришталарни бошиданок кесиб ташлашмоқчи. Нима қиларимни билмай, типирчилаб қолдим. Бу сафар овозим



борича фарёд қилиб, қози афандига «Йўқ ас, қабул қилма!» деб хайқирдим. Лекин ундай бўлмади.

– Нафсимдан ҳам воз кечаман, – деди қози.

Мен оғир азобда қолиб, инграб юбордим.

– Ундай бўлса, ростакамига воз кечиб, нафсингга азоб берасан. Сендан уч истагим бор. Мана шу эшикдан бу хонакоҳга киришинг учун уч нарсадан воз кечасан. Биринчиси – мол-мулкингдан воз кечасан! Чунки мол-мулк сенга берилган имтиҳондир. Мол-дунё севгиси билан Аллоҳ севгиси бир қалбада асло жамланмайди. Иккинчиси – мақом-мартабадан, шухратингдан воз кечасан! Чунки шухрат оғули ўққа ўхшайди. Шон-шухратнинг лаззатини бир марта тотиб кўргандан кейин бутун дунё меники деб ўйлайсан. Учтинчиси – нафсингни оёқларинг остига олиб, эзасан. Чунки инсоннинг энг буюк душмани нафсдир, у хар доим сен биландир, аммо ўзини сенга сездирмайди. Модомики бу даргоҳга киришни истар экансан, биринчи имтиҳонинг шундай бўлади: ҳозир бориб, эгнингдаги мана шу мўйинани ҳам счмасдан, елканга оқ сурп ташлаб, бозорада, одамлар орасида юриб, жигар сотасан! Шу бугундан бошлаб қози эмас, жигарфуруш бўласан.

Уфтода шундай деб, гапини тутатади. Шундан бошқа ҳеч нарса асмади.

Мен эса ўлгандан ҳам баттар бўлдим. Чунки Уфтода мени жуда яхши танийди. У мени қандай қийнашни, қандай ўлдиришни билади, бу борада тажрибаси жуда катта. Қолаверса, қози Махмуа афанди ҳам қаттиқ ихлос қилиб, унга ишонди. Ўша ички овоз, виждонининг овози мени оёқлари остида эзишга аҳд қилди. Ҳаммасини англаб турибман...

## ИСТАНБУЛДАГИ БИР ЖОЙ. БУГУН

# СЕН

*Тайи макон дерлар унга...*

Телефон кўнгироғидан ўзимга келдим. Китобдан чиқиб кета олмаётган эдим. Уни кўлимдан қўйгим келмасди, лекин мажбуран кўзимни уздим. Худди хаёл олаמידан ҳақиқий ҳаётга қайтгандек бўлдим... Ҳикоя энг қизик, энг ҳаяжонли жойида узилиб қолади. Маза қилиб кино кўраётганингизда, энг қизик жойига келганда электр ўчиб қолгандек гап...

Қайта-қайта жиринглаётган телефонимни очдим. Кўнгирок қилаётган дўстимнинг овози бироз титроқли, нимадандир хавотирланаётгандек туюлди. Мен ҳали ҳам китобнинг таъсиридан тўлиқ чиқмаган эдим.

– Яхшимисан? – аҳвол сўради у.

– Яхшиман, раҳмат. Ўзинг тузукмисан?

У бўлса саволимга жавоб ҳам бермай, «Яхшилигинг аниқми ишқилиб?» асди.

– Ҳа, яхшиман. Тинчликми?

– Тушимга кирибсан. Жуда ғалати туш кўрадим. Роса балана

жойдан ерга қулаётганмишсан. Мен сени ушлаб қолишга уриндим, лекин қўлимдан келмади. Сен... Ўлаётганмишсан. Жуда кўрқинчли туш кўрибман, хуллас...

– Худо сақласин, яхшиликкадир? Хавотир олма, яхшиман.

– Ҳа, бўпти. Яхши бўлсанг бўлади. Жуда галати бўладим-да уйғонгандан кейин. Бугун бирор жойда кўришайлик? Вақтинг борми? – сўради у.

– Майли, кўришамиз, – дедим.

Икки соатдан кейин кўришадиган бўлиб, телефонни ўчирадим.

Ҳали ҳам фикру хаёлим китобда. Бўлиб ўтган воқеалар зехнимни емира бошлади. «Нахотки инсон бир шайхга мурид бўламан деб, мол-мулкидан, мансабидан, шон-шухратидан воз кеча олса?» дея ўйлар эдим. Уфтода деган одам ким ўзи? Исми танишдек туюлса ҳам, ҳеч эслай олмадим. «Бу даргоҳ – йўқлик эшигидир, бу ерга тўқлик, борлик билан қирилмайди», дейилган эди китобда. Хўш, ўша эшик нима? Йўқлик нима, тўқлик нима? Ҳеч англай олмадим. Бу қандай истак бўладики, бир инсонга ҳамма нарсасидан воз кечишни буюрса! Ундан шулар талаб қилинди ҳам дейлик. Хўш, у булардан воз кечадими? Нима учун қози Махмуа афанди Уфтодага бунчалик кўп ёлворди? Ахир у кимсан Бурсанинг қозиси бўлса! Нима учун ҳамма нарсасидан воз кечишга тайёр? Буларнинг сабаби «Аллоҳга дўст бўлиш», дегпти. Қандай бўлади бундай дўст бўлиш?

Қози Махмуа афандининг ўрнига ўзимни қўйиб кўрадим. Унинг ўрнида мен бўлсам, бу хонақоҳнинг эшигига ҳам бора олмас эдим деб ўйладим. Борсам ҳам, ҳамма нарсамдан воз кечишни талаб қилса, воз кеча олмаган бўлардим. Қози Махмуа афанди-ку, бой-бадавлат, хурмат-эътиборли одам бўлган экан. Мен бўлса шу ҳолим билан ҳам ҳеч нарсамдан воз кеча олмайман...

Қози афанди нима қиларкин-а? Шунча нарсадан воз кечармикан? Менимча, кеча олмайди! Инсонийилар давомида мисқоллаб тўплаган обрў-эътиборидан, мансабидан бир лаҳзада, бир оғиз гап билан воз кеча олмайди-ку. Ёки воз кеча оладими?

Қитобда ёзилган гаплар бироз бўлса ҳам ҳақиқат бўлса, инсонга мол-мулкни, шон-шухратни, дунё матоҳини севдирган нарса нафсми? Бу нафс деган нарса инсоннинг қулоғига фитналарни пичирлай оладими? Шундай бўлиши мумкинми?

Мен нафсни бундай деб ўйламаган эдим, яъни у ҳам тирик бир инсондек гапирадиган, одамни яхши ишдан қайтарадиган, ёмонликка ундайдиган нарса деб ўйламаган эдим. Балки ундай эмасдир, лекин мана шу шаклда ифода қилиниши жуда яхши, фикр қилишга ундовчи ҳолат экан.

Хўп, нафс деган нарса мана шу қитобда айтилганидек ҳам дейлик. Ундай бўлса, ҳозир менинг нафсим қай ҳолатда? У менинг қулоғимга нималар деб пичирляпти? Мендан нима талаб қиляпти? Қитобда Уфтода ҳазратлари айтган нарсаларни айтяптими?

*«Нафс доим сен билан бирга, у сени доим эшитиб турадиган, сенга фитналарни пичирлаб турадиган энг катта душмандир. У сенга жуда яқин, лекин сен уни сезмайсан, у ўзини ошкор қилмайди».*

Шунинг учун мен уни сезмайманми?

Мен нималар деяпман ўзи! Бу қандай фикрлаш бўлади? Қайси замонда яшаяпман ўзи? Қитобда айтилган гаплар бугунги куннинг одамларига тўғри келмайди. Булар жуда эски гаплар! Ҳозирги замонда бўлса қандай бўлар эди? Масалан, шаҳарда жуда катта эътиборга эга бўлган, ниҳоятда бой-бадавлат бир раҳбар, дейлик, ҳоким барча нарсасидан воз кечиб, бозорда жигар сотишга рози бўлармиди? Йўқ, бунга ақл бовар қилмайди!

Бирдан ўзим ҳам «Айтгандай, буларни менга нафсим айтяптими?» деб қолдим. Ахир нафс китобнинг бошида «Мен сенга ўзингни унуттираман», деган эди. Менга сездирмасдан, кулоқларимга мана шуларни пичирляптими? Нима бўлаётганини англамаяпман, лекин энди ичимдан келадиган овозлар ҳақида ўйлай бошладим. Улар ҳақида чуқур ўйга толдим. Булар яхши нарсаларми? Ёки мен бекордан-бекорга ваҳима қиялманми? Очиғи, билмай қолдим.

Ҳаммадан ҳам қози афанди бор-бўдидан воз кечадими ёки йўқми, шунга қизиқиб кетяпман! Қозиликни ташлаб, энди жигарфурушлик қиладими? Устидан кулишларига руҳсат бериб кўядими? Ўзини оммага калака қилдирадими? Буни билиб туриб, шундай қилиш инсоннинг мизожига тескари нарса-ку! Бўлиши мумкин эмас! Наҳотки ҳамма нарсадан воз кеча олса?



Бир финжон чой ичдимми, йўқми, лекин бутун фикри-зикрим яна китобда. Бу китоб мени менга, ўзимни ўзимга англагани учун шунчалар ўзига тортяпти, шекилли. Яна билмадим... Нима биландир банда бўлиш, у ҳақда фикр қилиш менга ҳар доим малҳам бўлган. Яширмайман: гуноҳларим жуда кўп, тавбаларимдан кўнглим тўлмаган пайтлар кўп...

Сир қилиб сақлаганларимнинг ҳақди ҳисоби йўқ, уларни ўзим ҳам унутганман. Хўш, буларни биладиган мендан бошқа яна кимдир борми? Ўша менинг нафсимми?

Яна бир муадаат шуларни ўйлаб ўтирдим, кейин аўстим билан учрашишга бориш учун тайёрланиб, уйдан чиқдим. Китобни ҳам олиб кетдим. Нимага олдим, ўзим ҳам билмайман! Қизикқанимдан олдимми ёки ташлаб кетишни истамаганим учунми?

Ўзим яшайдиган кўп қаватли бинонинг тик зиналаридан

тушяпман. Бинонинг эшигидан чиқар-чиқмас юзимга тушган куёш мени бироз ўзимга келтирди. Кўча унчалик ҳам гавжум эмас. Бир-иккита одам, машиналар... Бугун якшанба. Балки шунинг учун ҳам одам камдир. Истанбулни ҳеч қачон бунчалик кимсасиз кўрмаган эдим. Шу ҳақда ўйлаб қолдим. Истанбулнинг қадрини у ерда яшаганлар эмас, усиз яшаганлар яхши билади. Ташқаридан қараганлар унинг гўзаллигини тушуниб етади. Менга ўхшаб, Истанбулда яшаганлар – аслида Истанбулни ҳис қилмаган инсонлардир. Мен ҳам бу ёлғиз қолган шаҳарнинг гаштини сурмоқчиман. Ҳеч ҳам шошмаяпман, ҳеч бир уловга минмаяпман. Тош йўллардан секин, шопилмай юриб кетяпман.

Қадим замонларни хаёл қилиб кетяпман. Жуда қадим замонларни... Ўшанда одамлар нималар билан банд бўлган? Вақтларини қандай ўтказишган? Кўнгил чоғлиги учун нималар қилишган? Биз ҳаётни шунчалик тез яшаб, ҳеч нарсага улгурмаяпмиз, улар ҳамма нарсага қандай улгуришган экан? Истанбул бу саволларнинг жавобини билади. Чунки у барчасига гувоҳ бўлган. Бу қадар узок яшаганидан бахтиёрми ёки севганларининг ўлимидан ичи тўлиб кетганми? Буларнинг барчасидан зерикканмикин? Билмасам...

Хаёлимда ҳали ҳам қози Махмуа афанди турибди. Уни бугуннинг одамлари билан солиштиришга уриняпман, лекин бўлмаяпти. Кейин яна ўша Бакр афандининг бир зумда Маккага бориб қолганини ўйладим. Агар бу ҳақиқат бўлса – мен ҳақиқат эканига ишоняпман – бу ишни ҳозирги замоннинг технологияси билан ҳам қилиб бўлмайди-ку! Унда қандай қилиб амалга ошди? Инсон дунёга эга бўлиш учун хирсланган, интилган пайтадан бери бу нарсалар уларга хаёлдек туюла бошлаган!

Орадаги фарқни тушунгандекман. Биз билан жуда қадим замонларда яшаган инсонларнинг фарқини ҳис

қилгандекман. Улар дунёни қўлга киритишга уринмас эдилар, балки шунинг учун ҳам ҳаётлари биздан кўра гўзал, хузурли бўлган. Ўша даврларни тасаввур қилиш ҳам бугунги куннинг одамларига завқ беради. Қайдам...

Шуларни ўйлаб, тор кўчалардан ўтиб боряпман. Боязид даҳасидан Сиркачига қараб тушяпман. Кўчанинг икки томонидаги дўконлар энди-энди очиляпти. Туристлар кўп. Меҳмонхоналарнинг эшиклари ланг очиқ. Хаёлимдан «Қадимда Истанбулга ўлиш учун келар эдилар, энди эса кўриш учун», деган фикр ўтади. Кўчанинг ўнг томонида қад ростлаб турган кўм-кўк меҳмонхона диққатимни тортади. Меҳмонхона эшиги олдада бир ёш йигит китоб ўқиб ўтирибди. Ундан бошқа ҳеч ким йўқ. Хайрон қолдим. Худди бу ерда эмас, бошқа дунёда кезиб юргандек, китоб саҳифаларига тикилиб ўтирибди. Уни бу қадар ўзига ром қилган китобнинг номини билгим келди. Тўғриси, бу китоб мени ҳам қизиқтириб қўйди. Қадамларимни секинлатиб, китобнинг сарлавҳасини ўқишга уриндим. Бир неча арабча ҳарфларни кўра олдим. Ҳарфларни бирлаштириб ҳам маъно чиқара олмадим, «айн», «шин» ва «қоф...» экан. Кейин эса меҳмонхона ёнбошига илиб қўйилган пештахтага кўзим тушди: «Мовий Истанбул меҳмонхонаси» деб ёзиб қўйилган. Ичимда «Жуда чиройли ном экан» деб қўйдим-у, йўлимда давом этадим...

Мукасидан кетиб ўқиётган йигитни кўриб, китобим эсимга тушди. Мен ҳам ўша асар билан бошқа оламларга саёҳат қила оламанми? Чунки ўқиш баъзан менга вақтни беҳуда ўтказишдек туюлади. Бир дунё юмушнинг ичида мутолаа ҳам малол келади гоҳида. Лекин ҳозир вақтим бор.

Сиркачига олиб борадиган қиялик охирида трамвай йўли бўйлаб юриб кетяпман. Одамлар ҳам секин-секин кўпайиб қолади. Қимир-қимир қилиб, қаерлардандир чиқиб келишяпти. Ёки мен одам кўп жойга келиб қолдим, шекилли. Тўғрисини айтсам, оломонни ёқтирмайман...

Бир неча ўн қадамдан кейин дўстим айтган жойда бўламан.

Жуда чиройли, шинамгина кафеда... Кафега кирмасдан бир неча қадам аввал уни кўрдим. Ташқарида бир жойга ўтириб олиб, буруқсатиб сигарет чекяпти. Мени кўриши билан ўрнидан турди, мен ҳам яна ҳам тезлашиб, у томон кетяпман. Кафеда биздан бошқа ҳеч ким йўқ экан.

Салом-алиқдан кейин, у ёқ-бу ёқдан ярим соатча гаплашдик. Бироздан кейин, балки гаплашишга бошқа мавзу қолмаганиданми, дўстимга «Бир китоб ўқияпман», дедим.

– Ростданми? Кимнинг китоби экан? – деди у.

– Менимча, танимайсан, – дедим.

Унга танимайсан деяпман-у, лекин ўзим ҳам муаллифининг исмини эслай олмадим.

– Нима ҳақида экан? – сўради дўстим.

– Аслида Азиз Маҳмуд Худой ҳазратлари ҳақида. Эшитганмисан бу одамни? Ускударда мақбараси ҳам бор... Лекин ёзувчи китобда ҳеч бир инсонни гапиртирмади.

– Қанақасига? Кимни гапиртирибди унда?

– Ҳикояларни нафс айтиб беряпти. Инсоннинг нафси... Ҳамма нарса нафс тилидан ҳикоя қилинган экан.

– Ғалати экан-ку, – деб қўйди дўстим хайронлигини яширмай.

Бироздан кейин официант патнисда иккита турк қахваси келтириб, стол устига қўйди.

– Ҳа, ростдан ҳам ғалати, – дедим. – Лекин аслида мантиқсиз ҳам эмас. Нафс деган нарса нималигини том маънода билмайман, лекин китобда нафснинг инсонга айтган гаплари ўринли, мантиқли экан. Бизнинг ичимизда бир овоз бор, бир-бир хайрли ишга қўл урганимизда бизни тўхтатади, оёғимиздан чалади. Масалан, нафс шундай дейди: «Намоз ўқиётганимда хаёлингга ҳар хил дунёвий нарсаларни олиб келган ҳам, бирор китобни ўқимоқчи бўлганимда кўзингга уйқуни келтирган ҳам, дунё матоҳини севдирган ҳам – менман».

Мен китобни сумкамдан чиқариб, столнинг устига қўйдим.



- Масалан, мен Азиз Махмуд Худойнинг фақатгина исмини эшитган эдим, лекин бу китоб кутганимдан ҳам кўпроқ нарсалар ҳақида гапириб берапти. Бир жойдан бошқа жойга бир лаҳзада борган киши бор экан. Бунини фақат Аллоҳнинг севган бандалари, Аллоҳнинг ҳабиблари қила олар экан.
- Мен ҳам эшитганман бунини. Бунини тайини макон дейдилар.
- Тайини макон? Нима дегани у?
- Аллоҳнинг севган бандалари ёки авлийё, валий зотлари бир онда бир жойдан бошқа жойга бориши. Бу ҳақда кўп ривоятлар бор. Ана ўша нарсани тайини макон дейилади.
- Ҳмм... Билмас эканман. Ҳа, майли, хуллас, Уфтода деган зот Махмуд Худойга Аллоҳнинг дўсти бўлиши учун ҳамма нарсадан: шон-шухратидан, мол-дунёсидан воз кечиб, нафсини оёқлари остига олиши учун бозорда жигар сотишни таклиф қилади. Нафси эса уни бу йўлдан тўхтатишга уринади... Худой энди Уфтоданинг таклифини қабул қилади деб, сал қолса ўзини парча-парча қилиб ташлайди...
- Хўш, қабул қиладими кейин? – сўради дўстим.
- Билмайман, ҳали у ерига келмадим. Худойи ўша жойда тўхтаган эдим. Энди ўқийман, – дедим.
- У ҳам қизиққанидан китобни қўлига олди, бир неча саҳифасига кўз югуртириб чиқди. Бироз ўқиди ҳам. Кейин китобни узатди:
- Озгина ўқиб бер-чи, мен ҳам эшитай. Тўғриси, қизиқтириб қўйдинг.
- Бироз хайрон бўлиб қолдим. Чунки ҳеч кимга китоб ўқиб бермаган эдим, яна Истанбулнинг қок ўртасидаги бир кафедра...
- Ўқиб бер дейсанми? Ҳазиллашяпсанми? – дедим хайратимни яшира олмай.
- Беҳазил, – деди у. – Нима бўпти? Кафеда биздан бошқа ҳеч ким йўқ-ку, – қўшиб қўйди у.
- Бўпти, ўқисам ўқийвераман.

Китобдан келган саҳифамни топиб, очдим-да, овозимни  
чиқариб ўқий бошладим...

БУРСА, 1577

## ҚОЗИ МАҲМУД АФАНДИ

*«Қози афанди ақлдан озибди!»*

Бу нимаси бўлди энди? Нималар бўляпти ўзи? Туппа-тузук одам шундай аҳволга келишига қандай қўйиб бердим-а? Ахир менинг исмим нафс бўлса! Мен истаган одамимни йўлимга юргиза оламан-ку! Ох, қандай шармандалик! Уни аллақачон тўхтатишим керак эди. Маҳмуд отанинг олдига боришга ният қилганидаёқ ушлаб қолишим керак эди. Лекин нима қилай, кўлимдан келмади... Бу гап Уфтоданинг хонақоҳигача боришини қаёқдан билибман? Билсам тўсқинлик қилмасмидим? Бор тузоқларимни ишга солмасмидим?

Энди эса бўлар иш бўлди...

Ичим олов бўлиб ёняпти, чунки қози Маҳмуд афанди икки йўлдан бирини танлаши керак. Ё мендан воз кечиб, виждонига қулоқ солади, ё мен уни яна йўлдан уриб, ўз

домимга тортаман. Ё қозилиқдан воз кечиб, мансабию мола-  
давлатини оёқлари остида эзиб, Уфтоданинг хонақоҳида  
дарвеш бўлади, ёки йўқлик эшикларини парчалаб, яна  
тўқлик эшиги бўлган аввалги ҳашаматли ҳаётига қайтади.  
Лекин у йўқлик оламини танлади. Шунинг учун энди ўз  
ёғимга қовурилиб ўтирибман.

Мана энди кимсан қози Махмуд афанди елкасига оқ чит  
ташлаб, унинг учига жигарларни тугиб олиб, бозордан бир  
неча қадам берирокда тўхтаб турибди. Ҳали ҳам ўйлаяпти.  
Балки иккиланаётгандир? Аслида у мендан осонликча воз  
кеча олмай турибди. Обрў-эътиборини оёқлари остига  
ташлай олмаяпти. Бу ишни қилиш унга шунчалар оғир  
туюляптики... Пешонасидан маржон-маржон терлар оқяпти,  
юзи докадек оқариб кетган, бадани титраяпти.

«Сен ақлдан оздингми?» дедим зехнини кўлларим билан  
махкам сиқиб. «Бу нима ахвол? Нималар қилиб юрибсан?  
Ахир сен донғи кетган қози бўлсанг, бозорда жигар сотиб  
юриш сенга ярашадими? Бу қилмишинг оқил одамнинг  
иши эмас! Ҳеч кимдан уялмасанг ҳам, ўзингдан уялсанг-  
чи! Сенга бу ишни таклиф қилган, сени бу синовга  
мажбур қилган Уфтода ҳам ақлдан озган одам экан. Қап-  
катта қозидан шундай нарса ҳам талаб қиладими? Майли,  
бу ишни қилдинг ҳам дейлик, одамлар нима дейди? Сен  
ҳақингда қандай фикрга боришади? Ўзингга ярашадиган,  
бўладиган ишни қилсанг-чи! Ташла шу елкангааги  
читни, жигарларни! Бор, мақомингга қайт! Аҳмоқлик  
қилма!» дедим. Қози Махмуд афанди ўзида эмас. Унинг  
титраши қаттиқ чайқалишга айланади. Турган жойига  
чўкиб олади. Уфтоданинг шартини қилиш-қилмаслик  
орасида иккиланиб, тарадууда қолади. Мен унга яна  
бир бор хайқирадим: «Сен қозисан ахир! Хурматинг бор.  
Елкангдагиларни улоқтир, эс-хушинг жойида эмас!»  
дедим.

Шу пайт бир болакай ўтиб қолди. Қози афанди болакайга юзланди: «Болам, менга қарагин», деди.

Болакай аввалига қозини бу ахволда кўриб, ҳайрон қолди. Қози бир чеккага қисилиб олган, юзи оқариб кетган, пешонасидан терлар оқиб турибди. Елкасида эса оқ газламага ўралган жигарлар бор эди...

– Лаббай, қози афанди? – деди бола яқинроқ келиб.

Болакайни бироз кўркув босиб, титраб кетди.

– Манавиларни олсанг-чи, – деди қози Махмуд афанди елкасидаги жигар солинган оқ читни болага бериб.

Ҳеч нарсадан хабари йўқ бола анграйиб қолди.

– Ма, ол. Нега қараб турибсан? Олсанг-чи, – қози болани бироз койиб ҳам қўйди.

Бола ҳам ноилож жигарлардан биттасини олди. Сал бўлса ҳам ичимдаги азоб оловига сув сепилиб, бироз енгил тин олдим. «Ана энди воз кечади, ўзи аввалроқ шундай қилиши керак эди», дедим ўзимга. Ростдан ҳам, қилаётган иши аҳмоқликнинг ўзгинаси эди.

Болакай қози афандидан жигар солинган читни олиб, бир неча қадам юрган эди ҳамки, қози уни яна чақирди. Унинг эсига Уфтода тушган эди. Яна Аллоҳга дўст бўлиш ғояси ҳақидаги гапни эслади... «Мен Уфтода ҳазратларига ваъда берайм-ку?» деди у ичида. «Ваъдага вафо қилмай, воз кечсам, нима деган одам бўламан?» ўйланиб қолди қози.

– Болам, уни менга берақол, – у шундай дед, берган нарсасини қайтариб олди.

Нимага бундай қилди? Нега фикридан қайтди? Чунки чорасиз эди. Нима қилишини билмай қолган эди. Қози афанди жигарларни кўлига қайта олганда ер ёрилмади-ю, мен кириб кетмадим... Қози афанди кўлидаги жигарларни сотиш учун, йўқ-йўқ – мени, нафсни сотиш учун қадам-бақадам мақсади сари илгарилади, мен ҳам уни йўлдан уришдан воз

кечмадим. Мен васваса қилавердим, қози Махмуа афанди эса яна бошқатдан ҳаракат қилиб, борган сари олга қадам ташлаб кетаверди. Қарасам, бозорга кетяпти. Орамиздаги бу тортишув бир неча марта такрорланди. У мен билан курашганида қанча машаққат чекса, мен ҳам шунча азоб чекдим. Чунки у билан жанг қилиш қийин эди. Агар мени ташлаб кетса, жуда катта жароҳат қолдириб кетади. Мени мағлуб қилиб, нафсининг устидан кўли баланд келади. Бунга йўл кўймаслигим керак. У мендан воз кечмасин...

– Сени аҳмоққа чиқаришади, – пичирладим унинг кулоқларига. – Эси оғиб қолибди, – дейишади. Одамларнинг назидидаги обрўинг бир тийин бўлади. Сени ҳеч ким менсимай кўяди. Сенга шу керакми? Сен мана шу аҳволга тушиш учун шунча йил меҳнат қилдингми? Қайт бу йўлингдан! Ўз оёғингга болта урма! Бир девонанинг гапига кириб, тарки дунё қилма!»

Қози афандининг кўзларидан пашқатор ёшлар оқди. Борса бора олмай, қайтса қайта олмай, яна бироз туради. Менинг таъсир доирам, тузоқларим қаттиқ, аммо виждон ҳам кучли эди. Виждон уни мендан тўсиб, химоя қиялпти. Энди ҳам бор кучим билан уни яна ўзимга қайтаришим керак. «Сен Бурсанинг қозисисан... «Мана шуларни қил» деб, кимдир сенга шарт кўядиган бўлса, аҳмоқ дейсан-ку уни. Лекин Уфтоданинг айтганларини қиялпсан. Уфтода мол-мулкинган ҳам воз кечасан деяпти. Дўст бўлса, дўстига шундай талаб кўядими? У сенга очикдан-очик душман экан-ку! Унга асло кулоқ солма. Сендек машхур қози бир дарवेशнинг гапига кулоқ соладими? Нима учун бундай қиялпсан?»

Қози бирдан сесканди. «Мен девона бўлиб қолдимми? Нималар қиялпман ахир! Бу мансабга келиш учун бутун ҳаётимни илмга бағишладим. Кечани кеча, кундузни кундуз асмадим, игна билан қудук қазидим. Ростдан ҳам ақлаан озим, шекилли? Бу қанақаси. Ўзингни кўлга ол, Махмуа!»

Эс-хушингни йиғ!» деди у ўзига ўзи.

Менга кулоқ солади деб ўйлаб, бор кучим, тузоқларим билан уни йўлдан оздиришга уриндим. У ҳам менга эргашаётгандек туюлди.

Кейин эса бошқа нарсаларни айта бошлади: «Аллоҳга дўст бўлиш қандай яхши... Мен бу дунёга қаттиқ боғланиб қолганим учун ҳам ундан воз кеча олмаяпман. Кўнглимдаги мансаб, мақом севгисига қўл силтай олмаяпман. Аллоҳ севгиси олдада дунёга кўнгли кўйиш нима бўпти? «Одамлар нима дейди?» деган гапларга, ғийбатларга ўралашиб юрибман. Одамлар нима деса деявермайдимми! Ҳақиқий севги ўрнига мажозий севгини танлабман. Энди эса ўзимча ҳақиқий деб ўйлаб юрган ўша мажозий севгимдан кеча олмаяпман. Ё Аллоҳ! Бу қандай мушкул иш! Кўлимдан келмаяпти. Аслида Сенга дўст бўлиш олдада, Сенинг севгинг олдада бу дунё севгиси қум заррасича ҳам бўла олмайди. Мен буни билиб турибман, лекин жасорат қилиб, Сенга кела олмаяпман. Аллоҳим, менга Ўзинг ёрдам бер! Мени кўлла!»

Қози шундай деб, яна бозор томон юрди. Шу томонга бир-икки қадам ташлаган эди, яна дарҳол хужумга ўтдим. Яна мақом-мансабини эслатдим, кўнглига ғуғула солдим. Лекин у йўлида давом этади. Қози олдинга қадам босган сари типирчилаб, бошимни қайси деворга уришни билмай қолавердим. Уни тўхтатиб бўлмади, ташлаган ҳар бир қадами устимга осмонларни йикитаётгандек эди...! Ҳар бир қадамни «Аллоҳ» деб босди. Мен билан курашишга, ўчакишишга қаердан куч тўплай оляпти, ҳайрон эдим. Мени ер билан битта қилиб, ўлгандан баттар ҳолга солди.

Маҳмуд олдинга қараб жадал кетяпти, мен эса орқадан ожизларча қараб турибман. У мени тарк этияпти! Энди у билан бирга юришининг имкони йўқ, сўзларимга асло кулоқ солмаяпти. Узоқлардан унга овозимни етказа олмадим. Бошимга тош отиб, бўйнимга занжир боғлаб, мени ерларда

суараб, азоб беряпти. Барибир уни тўхтата олмадим.

Кетаверди, кетаверди... Бозорнинг ўртасига келди. Елкасига чит ташлаган, учларига жигар тугиб олинган, эгнида қимматбаҳо самур юнгидан қилинган камзул, бошида қозилар киядиган шохона салла... Бозор бирдан жимжит бўлиб қолди... Одамлар хайрат ичида тилини тишлаб олган, ҳамманинг кўзи қози Махмуд афандида эди. Одамлар бири-бирига анграйиб қараб, нималар бўлаётганини тушунмай қолишди. Хайратдан ёқаларини ушлашди! Халқ қози Махмуд афандидан кўз уза олмай турарди.

Қози Махмуд афанди ерга эгиб турган бошини аста-секин кўтарди. Кўзлари юмук, аммо лаблари бир исмини такрорламоқда:

«Аллоҳ... Аллоҳ... Аллоҳ...»

Кўзини очиб, ўзига қараб турган оломонга юзланди. Барчанинг нигоҳи унда. Бошини бир ўнг томонга, бир чап томонга буриб, атрофдаги одамларга қараб кўйди. Кечагина хузурида кўлларини қовуштириб, таъзим қилиб турган одамларни, дўстларини, уни таниган барчани кўриб турибди. Оломон лом-лим демай, сукунат ичида турибди. Ҳамма хайрон, нима бўлганини тушунмай қараб қолишган.

Қози Махмуд афанди чуқур нафас олди. Кўзларини юмди, кўзларини юмар-юммас, ёшлар оқа бошлади. Бир неча марта ютиниб кўйди. Барча нигоҳлар яна унга қадалди. Қози яна бир бор «Аллоҳ» деди-ю, елкасидаги жигар солинган чигтни маҳкам ушлади. Бошини кўтарди. Тили билан куриб қолган аудоқларини хўллади. Яна бироз кўзларини юмди. Барча овозлар, сас-садолар тўхтаб қолгандек, барча кўзлар унга тикилгандек эди. У секин-секин кўзларини очди-ю, овози борича бақирди:

- Жигарчи... Жигарчи келди! Кеп қолинг, оп қолинг...

Мен қози Махмуд афандининг ёнига ҳам йўлай олмадим.

Турган жойимда типирчиладим, дамим ичимга тушиб, инградим. Ўзимни ўтга-чўкка урсам ҳам, фойдаси бўлмади. Халқ хайрат ичида, кўзларига ишонмай, қози Махмуд афандига қараб турибди. Ҳамма жим! Бурса бозорида биргина овоз янграмоқда – қози Махмуд афандининг овози:

– Жигарлар бор!... Кеп қолинг, оп қолинг! Жигарчи...

Қози шундай деб, бозорнинг ўртасида айланиб юрибди. Худди Бироздан кейин одамлар ўзига кела бошлашди. Худди уйқудан уйғонгандек, ҳамма бир-бирига қараб, қози Махмуд афандини кўрсатиб, нималардир деб пичирлай бошлади. Оломон орасида бир одамнинг тилидан ҳамманинг кўнглидаги гап, ҳамма тасдиқлашга мажбур бўлган бир гап чиқди:

– Қози афанди ақлдан озибди...



БУРСА, 1577

## МАХМУД АФАНДИ

*Бас қил, эй нафс!*

Ұша кундан кейин қози Махмуа афанди мансабидан, мол-давлатидан, бор-бүадидан воз кечди. Энди у Бурсанинг қозиси эмас эди, умуман ҳеч қандай қози эмас эди. Энди унинг уйи, хонадони, ватани Уфтоданинг хонақоҳи бўлди. Мансабини, қозилигини ташлади. Бурса халқи ҳам бунга кўникади. Энди унинг бозорда жигар сотиб юрганини кўрганлар ҳайратланмай кўйишди, ҳатто бориб, ундан жигар сотиб ола бошлашди. Халқ қози афандига ачиниб қарар, ростдан ҳам эс-хушидан айрилади деб ўйлар эди. Бу гап маълум маънода тўғри эди. Сен Бурсанинг қозиси бўлсанг-да, ҳамма нарсага бир кунда қўл силтаб, бозорда жигар сотсанг – ахир бу ақли расо одамнинг иши эмас эди. Илгари унинг ортидан миршаблар, хизматчилар бирга юришарди, ҳозир эса атрофида жигар пойлаб турган мушуклар бор, холос. Ярамас болалар уни ақлдан озган деб ўйлаб, тошлар отишди. Кичкина болақайлар ҳам унинг бу иши аҳмоқона эканини англаб туришибди, лекин қози афанди бунинг фарқиға

БУРСА, 1577

## МАҲМУД АФАНДИ

*Бас қил, эй нафс!*

Үша кундан кейин қози Маҳмуд афанди мансабидан, мол-давлатидан, бор-будидан воз кечди. Энди у Бурсанинг қозиси эмас эди, умуман ҳеч қандай қози эмас эди. Энди унинг уйи, хонадони, ватани Уфтоданинг хонақоҳи бўлди. Мансабини, қозилигини ташлади. Бурса халқи ҳам бунга кўникди. Энди унинг бозорда жигар сотиб юрганини кўрганлар ҳайратланмай кўйишди, ҳатто бориб, ундан жигар сотиб ола бошлашди. Халқ қози афандига ачиниб қарар, ростдан ҳам эс-хушидан айрилди деб ўйлар эди. Бу гап маълум маънода тўғри эди. Сен Бурсанинг қозиси бўлсанг-да, ҳамма нарсага бир кунда кўл силтаб, бозорда жигар сотсанг – ахир бу ақли расо одамнинг иши эмас эди. Илгари унинг ортидан миршаблар, хизматчилар бирга юришарди, ҳозир эса атрофида жигар пойлаб турган мушуклар бор, холос. Ярамас болалар уни ақлдан озган деб ўйлаб, тошлар отишди. Кичкина болакайлар ҳам унинг бу иши аҳмоқона эканини англаб туришибди, лекин қози афанди бунинг фарқига

бормаяпти. У эрта тонгдан туриб, бозорда жигар сотар, оқшомлари эса Уфтоданинг илмий суҳбатларига қатнашар эди. Кечалари тонггача тавба қилиб, Аллоҳдан афв тилаб чиқар, ҳамма ухлаган пайтда у ибодат билан машғул эди.

Қози учойча елкасида жигар кўтариб юриб, сотувчилик қилди. Унинг бу холи оёқ-қўлимни боғлаб қўйди. Унга яқинлашиш тугул, гаплаша олмадим ҳам. Унинг тилидан «Аллоҳ» деган зикр асло тушмади. У худди ўзидан кечиб, худди алахсираётгандек юрар эди. Кечалари ҳам лаблари тинмай қимирлаб, «Аллоҳ» деб чиқадиған бўлди. Аслида буларнинг бари мени енгиш, эзгилаш учун эди. У мен билан жанг қилар эди, чунки у бозорда жигар сота бошлагандан бир неча кун кейин, бир кечаси мен уни хонақоҳдан деярли ҳайдаёзган эдим. Сал қолса у ердан қочаётган, аввалги дабабали ҳаётига қайтаёзган эди. Уни яна тузоғимга туширишимга озгина қолган эди. Лекин ўзига ажратилган хонадан чиқиб кетаётганида рўпарасида тоғдек турган Уфтодага йўлиқди. Қози Махмуддан олдин мен чўчиб, сесканиб кетдим.

– Болам, бирор ёкка кетяпсанми? Тинчликми? – деди Уфтода. Қози афандининг ранги оқариб, тили айланмай қолди. Бироз жим тургач, тилга кирди:

– Жуда қийин бўляпти! Ҳар кун, ҳар сония ўзим билан жанг қилиш жуда мушкул экан, билсангиз...

– Сен ўзинг билан эмас, нафсинг билан жанг қиляпсан, – деди Уфтода. Сўнг кўшиб қўйди:

– Биладан, жуда қийин.

Албатта, у билар эди. Мен у билан қанчалик кўп жанг қилганимни эслайман. Нафс билан жанг қилиш қандайлигини Уфтода билмай, яна ким билсин? Ҳали жуда ёш пайтидаёқ «Овози чиройли экан, азонни яхши айтган» деб, Уфтодани Улуғ Жомеъга муаззин қилиб тайинлашган эди. Орадан бироз вақт ўтгач, муаззинлик қиляпти-ку деб,

унга маош ҳам бера бошлашди. Уфтода ўша ақчаларни олган кунни кечаси бир туш кўрди. Тушида «Сен биз берган нарса учун пул олдинг, ундай бўлса, сени мартабангдан туширадик», деган овоз эшитди. Уйғонар-уйғонмас олган ақчаларини оловга ташлади. Шундан кейин асло ойлик олмади. Ўша кундан бошлаб «Уфтода», яъни туширилган асган тахаллусни танлади. Бу ишдан кейин мен уни дашаймон қилиш учун анча уриндим, азобладим. Лекин у бир марта бўлса ҳам менга мойиллик қилмади. Шунинг учун ҳам ҳозир Маҳмуднинг қанчалик қийналаётганини билиб, тушуниб турибди.

- Нафсимни қандай қилиб ўлдираман? Унинг алангасини қандай ўчираман? - деди Маҳмуд афанди.

Бир томондан мен гапиряпман, бир томондан Уфтода. У кимга қулоқ солади, кимга эргашади? Олдинги пайт бўлганида, ишонч билан «Менга эргашади, истагимни бажо келтиради», деган бўлар эдим. Аммо афсуски, бу Уфтода мени жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам унинг кўли баланд келиб, овози кескинроқ, дадилроқ чиқди.

- Бўтам, нафс деган нарса асло ўлмайди. Уни ўлдириб бўлмайди. Сен уни бегуноҳ, беозор деб ўйлайсан. Ичингдан келган овозларни ўзингники деб биласан. Лекин бу - нафснинг овози. Нима қилсанг ҳам у ўлмайди. Уни ўлди деб ўйлаган пайтингда бирданига сенга ташланиб қолади. Яратганга омонатингни топширмагунингча у ҳам тирик бўлади.

- Ундай бўлса, мен нима қилишим керак? - деди Маҳмуд афанди.

- Нафсингга бундан ҳам қаттиқ жазо берасан. Унинг йўлига юрмайсан, айтганларини асло қилмайсан. Қаттиқ зарбалар берасан энди...

- Қандай қилиб? - деди Маҳмуд.

- Бўлади, энди бозорда жигар сотмайсан. Сен бу имтиҳондан ўтиб бўлдинг. Лекин билгинки, кейинги синов бундан ҳам

огир, огрикми бўлади. Хўш, бу синовларни, бу гам-анлухуни кўтариш ниятинг борми?

– Ҳа, албатта, – боши билан тасдиқлади Махмуа.

– Унда бутундан бошлаб таҳоратхоналарни тозалайсан. Бу сенинг янги вазифанг, бўтам...

Қози «Йўк, таксир, бу иш менга тўғри келмайди» деб, Уфтоданинг хонақоҳини тарқ қилсин деб нималар қилмадим-а? Лекин у мени тингламади.

«Йўк!!! Асло қабул қилма!» деб хайқирдим унга. Унинг ичини фарёдим тутиб кетди. Кўзларини юмиб, тишларини қаттиқ сиқди. Кўзлари қондек қизарди, лабларини тишлади. Менга қарши қурашаётган, мени – нафсини қийнаётган эди. Ахир у мен билан жанг қиялпти. Мен «Қабул қилма! Бўлмайди! Асло!» асеввердим. У эса бирдан: «Бас қил, эй нафс!» деб хайқирди. Мен хайрат ичида қолдим. Чунки шу пайтгача мен у билан гаплашар эдим, энди эса у менга гапирди. Мен ҳеч нарса дея олмадим. Тилдан қолдим.

Ўша кечаси бомдоа намозига азон айтилунича суҳбат қилиб ўтиришди. Кўрпачага қарама-қарши тиззалаб ўтириб олиб, даралашиди. Уларнинг ёнида мен ҳам бор эдим, чунки қозини Уфтода билан ёлғиз қолдиришга кўнглим чопмади. Мен уни яхши танийман, агар уларни ёлғиз қўйсам, мени бутунлай тарқ қилади, унутади. Унга яқинлаша олмадим. Нима десам ҳам, нима деб фитна қилсам ҳам, Уфтода шунинг тескарисини айтиб, ўғитлар бераверди. Худди қози афандининг қулогига юрагига қилаётган васвасаларимни эшитаётгандек эди.

Бир бурчақда мойчирик ёниб турар, ерда бир неча тўшакча бор эди... Мойчирикдан таралаётган сарик нур деворларни бўйб қўйгандек эди... Атроф қол-қоронги, ҳамма ўйкула... Улар эса қарама-қарши ўтириб олиб гаплашишар, бир бирининг юзини кўра оялғими, йўқми, билмас эдим. Мойчирикнинг нури пирпираб, оловланган сари худди бутун хонақоҳ титраётгандек эди.

Ташқаридаан қушларнинг сайраши эшитилди. Қушлар ҳам бир-бири билан гаплаша бошлашди, Уфтода билан Махмуа индамай ўтиришибди. Ўртада ажиб сукунат бор.

Эса индамай ўтиришди. Қуш овозидан бошқа овоз Бироз мана шундай ўтиришди. Мен учун асло яхшилиқ аломати эмас, йўқ. Бу сукунат мен учун асло яхшилиқ аломати эмас,

аксинча, ҳузуримни бузувчи сукунат эди бу...  
Сукунат энг катта душманларимдан бири эканини, инсон сукутга толиб, тафаккур қилганда ҳақиқий инсонга айланишини биламан. Шундай бўлса ҳам, хайрли ишларни гаплашгандан кўра, жим ўтиришгани яхшироқ. Шуниси тинчроқ.

– Ўғлим! Сен нафсингга илк зарбани бердинг. Лекин у сени асло тинч қўймайди. Ўз йўлига тортиш учун қўлидан келганини қилади. Сен уни эзган, азоблаган саринг, яраланган ҳайвондек сенга ҳужум қилади. Эс-ҳушингни ўғирлашга, сени яна чалғитишга уринади, буни жуда яхши биламан. Аммо сен ўша куни ҳамма нарсадан воз кечиб, нафсингни оёқларинг остига олиб, бозорда жигар сотдинг, унинг гапига қулоқ солмадинг, орқага, ҳашаматли ҳаётингга қайтмадинг, ўша кундан бери нафсинг сени ўзига душман деб эълон қилади. Ҳали сенга алоҳида тайёрланиб келиб, қаттиқ зарбалар беради. Ана шунда сен асло бўшашма! Нафсингни қийнашда, эзишда давом эт. Унинг қаршисида тоғдек мустаҳкам, тик тур. Сен йўқлик диёрини танладинг, кўнгли илмини талаб қилдинг. Бу ерда эса нафсга ўрин йўқ, энг аввал унинг овозини ўчиришинг керак. Душманингни яхшилаб таниб ол!

Бундан кейин «Мен» асмагин, «мен» асган сўзни, менликни унутгин, бўтам. Фақатгина «У бор» асгин, «мен эмас, У» асгин... Алоҳни қанчалик кўп зикр қилсанг, «мен»ни шунчалик кўп унутасан...

Нафсингнинг овозини ўчириш учун жонингни қийнашинг, кам еб, кам ухлашинг керак, кам гапиришинг керак. Шундай

қилсанг, нафсингнинг гурурини топтаган, бурнини ерга ишқаган бўласан. Билгинки, биз азоб чекаётганимизда ўзимизга эмас, нафсимизга зулм қиламиз. Ташқаридан қараганда баданимизга азоб бераётгандек бўлсак ҳам, аслида ўзимизга яхшилик қилган бўламиз. Нафсинг овози фақатгина шу йўл билан ўчирилади. Акс ҳолда, сен унинг қулига айланиб қоласан.

Билгинки, нафсинг овози фақат Аллоҳнинг зикри билан ўчади, хою ҳавасга қарши мустаҳкам турилади, шу йўл билан душманлар ўлдирилади...

Қани, энди мана бу мойчирокни ўчир. Бу кечани бедор ўтказ, ибодат қил, илтижолар қил. Рўза тут, нафсинг сенга нима деса ҳам, уни асло тинглама...

Махмуд бир оғиз гап айтмади. Сўзлай олмади. Ўтироз ҳам қилмади. Уфтоданинг ўғитларига қарши чиқади деб умид ҳам қилмадим. Лекин мен ниятимдан қайтмайман, воз кечмайман, уни асло ўз ҳолига ташлаб қўймайман!

## ИСТАНБУЛДАГИ БИР ЖОЙ. БУГУН

### СЕН

*Нафсим, шу ердансан?*

Шу қисмни тугатиб, бошимни китобдан кўтардим. Қарасам, аўстим кўзларини юмиб олибди. Кўзи мен ўқий бошлаганимдан бери юмуқми? Қачон юмди, билмайман. У ҳам китобга қизиқиб қолганга ўхшайди. Мен ўқишни тўхтатгач, кўзларини очди:

– Нега тўхтадинг, ўқимайсанми?

– Куни билан шу ерда ўтирволиб, китоб ўқимаймиз-ку! Қара, одамлар ҳам кўпайиб кетибди. Ғалати қараши мумкин, – дедим.

– Нима бўлти ўқисак? Овоз чиқариб китоб ўқиш айбми? Одамлар жамоат жойларда нималар қилмайди, уялмайди ҳам-ку! Нега биз китоб ўқиганимиз учун уялишимиз керак? Сен бу ўқиганларингни тушундингми ўзи? Эътибор берсанг-чи, у ерда бировларнинг гапига, нима деб ўйлашига диққат қилмаслик керак, дейляпти. «Қиладиган ишингдан



ВИЖАНИНГ хотиржам бўлса, нега ундан воз кечининг керра?  
Улар тирноқ ичидан кир қидирувчилар-ку» асягги бу китоб  
— асаи дўстим.

Ўзимга табассум югурди. Тўғриси, дўстимга хавас қилмиш  
нега шу фикрлар менинг миямга келмади деб «хасал» ҳам  
қилиб кўйдим.

Ха, китоб айнан шундай асяпти. Одамлар сени айблаб  
жиннига чиқариб кўйса ҳам, ҳақ деб билган йўлингдан воз  
кечма, асяпти. Дўстимнинг асар ҳақидаги тушунчаларига  
қизиқиб қолдим. Мен ўқиган сатрлардан у ҳам  
таъсирландими? Нималарни ўйлаяпти экан-а? У ҳам мендек  
таъсирландимикан? Нафс деган нарсани у ҳам ўйладимикан?  
Билмайман...

— Майли, бутунча етар. Китобни ўқиб бўлиб, сенга бериб  
тураман, ўқиб оласан. Лекин ҳозир бир нарса сўрайман.  
Китоб ҳақида қандай фикрласан?

— Бу китоб ҳақида кўп нарса айта олмайман, чунки бошини  
ўқимадим. Лекин ҳозир сен ўқиган жойлари роса қизик,  
таъсирли экан. Нафснинг одамлар билан гаплашишини  
бунчалик очик-ойдин тушунтиргани менга ёқди. Очигини  
айтсам, хайрон қолдим. Лекин ростдан ҳам шундайми,  
бунди билмайман. Китобда айтилганидек, нафс биз билан  
фаол мулоқот қиладими? Ғалати, лекин бир томондан жуда  
қизик... Тўғриси, таъсирландим. Махму афандининг бир  
лахзада барча дунёвий нарсалардан воз кечиб, нафсига  
қарши келишига, бошидан ўтказган қийинчиликларига  
қойил қолдим. Сен ўқиётганинга ўзимни унинг ўрнига  
кўйиб кўрадим. Агар ўша мақом, мансаб, обрў-эътибор  
менда бўлганида, мен ҳам ҳаммасини ташлаб, бозорда  
жигар сота олармидим, деб ўйлаб кўраим. Меннинг  
бундай қила олмас эдим. «Одамлар нима асйди, шарманда  
бўламан», деб ўйлаган бўлар эдим. Лекин қози Махму  
афанди бозорга келмасидан аввал бир бурчақда нафси

билан курашаётган пайтда, гўё мен ҳам ўша ерла эдим. У билан бирга мен ҳам терладим, мен ҳам азоб чекдим. Нафснинг унга пичирлаганларини мен ҳам эшитдим. Кейин ўйлаб қолдим: бунчалик мол-мулки, шону шавкати, мансаби бор одам нафсини тарбия қилиш учун, албатта, мана шундай ишлар қилиши керакми? Айниқса, уфтоданинг кейинги таклифини бир ўйлаб кўргин! Қози, яъни ҳозирги замонда бир шаҳарнинг раҳбарини тасаввур қилгин; вилоят ёки шаҳар ҳокими ёки бир маҳалланинг бошлиғи бўлса-да, бориб бозорда жигар сотса ёки бу ҳам етмагандек, ҳожатхона тозаласа... Бир одамнинг гапи билан шундай ишларни қилиш мумкинми? Йўк, асло мумкин эмас! Бўлиши мумкин эмас...

– Ундай бўлса, биз яшаётган даврда одамларни нафс бошқаряпти экан-да? Нафс уларни қул қилиб олган экан-да? У ҳамманинг – бойнинг ҳам, фақирнинг ҳам, катта-кичикнинг ҳам устидан ҳукмрон бўлиб олган. Агар китобдаги гаплар ҳақиқат бўлса, мен шундай хулосага келдим...

– Яна билмадим. Китобда айтилган гаплар ҳақиқатан содир бўлган бўлса ёки шундай эҳтимол бўлса ҳам, ўша қадимги вақтларда бўлган бўлиши мумкин. Ҳозирги замондаги одамларнинг қулоғи қардек, миямизни банд қилган нарсалар шу қадар кўпки, нафсимизнинг овозини ҳам эшитмаймиз. Эшита олмаимиз! Аксинча, нафснинг қулоқларимизга пичирлаб, бизни йўлдан уришига ҳожат ҳам қолмади. Атрофимизда нафснинг қулоғимизга айта олмаган гапларини одамларнинг ўзи бемалол, ҳеч нарса бўлмагандек айтиб, қилиб, кўрсатиб юрибди...

– Тўғри, ҳақ гапни айтяпсан, лекин китобдаги гапларда ҳам жон борга ўхшайди. Мен индамай турсам ҳам, ичимда бир овоз тинмай гапириб туради. Мен бунини синаб ҳам кўрадим. Ичимда кимдир яшайди. Истасанг, сен ҳам бир синаб кўр! Жим турган пайтингда ҳам ичингда сўзлар, гаплар айланиб

юради. Уни қулоғинг билан эшита олмайсан, лекин <sup>пунда</sup> кимдир гапириб аниқ. Қандай қилиб? Агар <sup>ичимда</sup> кимдир гапириб турса, мен уни эшита оламасам, у <sup>лекин</sup> холла <sup>ҳақ</sup> қиламанми? Қандай нарса бу ўзи? Ўша гапирётган ким унда?

– Тўғриси, бош котирадиган, галати нарсалар экан. Лекин бошқа томондан, сенга ўкиб берган жойимдан келиб <sup>чиқиб</sup> айтадиган бўлсак, инсон ҳам нафси билан гаплашар экан. Қози Махму афанда нафсига «Бас кил, эй нафс!» демадими? Нафси ҳам уни эшитмадими? Нахотки хар бир <sup>инсон</sup> ўзининг нафси билан гаплашишга кодир бўлса? Менимча, энг қизик жойи мана шу.

Бироз ўйланиб қолдим. Ростдан ҳам, агар мен гапирсам, нафсим мени эшитармикан? У билан суҳбат қила оламанми? Гапирিশдан тўхтаб, жим турган пайтимда ҳам ичимдан келган овоз мени у ерда кимдир гапирётганига ишонтирди. Нафснинг борлигига ишончим комил бўлди. Чунки ичимдаги овознинг эгаси мен эмасман. Чунки унинг овозини хар қанча ўчирмоқчи бўлсам ҳам, ўчмаяпти. Яна ўша савол: мен у билан гаплаша оламанми?

Иккимиз ҳам чуқур ўйга толдик. Иккимиз ҳам бир хил нарса ҳақида ўйляпмизми, йўқми, билмайман, лекин булар ҳақида ўйлаш мени жуда чарчатади. Ҳатто умуман ўйлагим келмаяпти. Балки нафсим бунга йўл қўймаётгандир?

Сукунатни дўстим бузди:

– Бу саволларнинг барчасига жавоб бера оладиган бир одамни танийман. Дадам у киши билан тез-тез кўришиш туради, нурли одам, деб макгайди доим. Мени ҳам жуда яхши кўради. Хоҳласанг, унинг хузурига бирга борамиз, суҳбатини оламиз. Нафс ҳақида билмаганларимизни сўраб, ўрганамиз.

– Майли, – дедим.

Лекин бориш-бормасликни истаяпманми ёки <sup>йўқми,</sup> ўзим ҳам билмайман. «Агар борсам, нафс <sup>ҳақидаги</sup>

қизиқишларимга, саволларимга жавоб оламан, душманнимни ҳам яхшилаб таниб олган бўламан», деб айтаман ич-ичимдан. Шу пайт ичкаридан «Кўйсанг-ўйладим кўра китобни ўқийвергин», деган овоз келди. Буларни ўйлашга мажбур қилган нарса нафсиммиди? Шундай деб ўйладим-у, нафсимга ўчакишиб, дўстимнинг таклифини қабул қилдим...

Кечки пайт яна кўришиб, дўстим айтган кишининг хузурига боришга келишиб олдик. Иккимиз ҳам уй-уйимизга кетдик. Бир мудаат ўзим билан қолдим. Секин юриб кетяпман. Зехним кейинги бир йил ичида ниҳоятда остин-устун бўлиб кетди, лекин нимагалигини ўзим ҳам билмайман. Ҳаётимда мазмун йўқдек. Отамнинг вафотидан кейин нима қилсам ҳам, ҳаётимни тартибга сола олмадим. Баъзи ҳолларда бандалик қилиб, исён ҳам қилдим. Отасиз ўтаётган умримнинг мазаси йўқдек. Отаси ўлган одамдан ҳам ёлғиз одам борми, деган пайтларим кўп бўлди. Ҳа, майли, нима ҳам асрадим...

Ўртоғим билан хайрлашгандан кейин уйга бормадим. Ҳали ҳам яёв кетяпман. Дўстим билан гаплашган, ўқиган ҳамма нарсани унутдим, эсимдан чиқди. Фақатгина бир нарса ҳақида ўйлаяпман: мен ҳам ичимдаги ҳеч тинмайдиган, гапиришдан тўхтамайдиган нафс билан гаплаша оламанми? Жинни бўлиб қолмадимми? Ўзим билан гаплашаманми? Шундай бўлса ҳам синаб кўрадим.

– Ҳой нафсим, мени эшитяпсанми? Шу ердямисан?

Ақдан озиб қолганга ўхшайман...



Сиркачидан пастроққа тушдим, соҳил бўйлаб Айюб томонга қараб кетяпман. Айюб тумани Истанбулнинг юраги... Одам гавжум жойлардан ўтиб, Айюбга қараб кетяпман. Истанбулнинг барча гўзалликларидан кечиб, асла гўзаллик бўлган Айюб томон кетмоқдаман. Илгариги

одамлар Истанбулга келганда ҳам, Истанбулдан кетишда ҳам, албатта, Айюб туманига киришар экан. Айюб Истанбулнинг калитидир...

Шошиламай, секин, огир қадамлар билан соҳил бўйлаб кетяпман. Бу кетишда қасргача боришим, у ерда нима қилишим, қандай қилиб қайтиш ҳақида ўйламаяпман ҳам.

Анча юргандан кейин чарчаганимни ҳис қилиб, биринчи учраган боғнинг ичкарисига кирдим. Атрофи темир панжаралар билан ўраб чиқилган дарахтзор... унчалик катта эмас экан, лекин шунисига ҳам шукр. Ўриндиклардан бирини эгалламокчи эдим, бўши йўқ экан. Сал нарироқда қаригина кампир бир ўзи ўтирибди. Секин бориб, ёнига ўтирдим. Йўқ, жуда ёнига ҳам эмас. Чунки ким бўлишидан қатъи назар, одам кўрқади. Одамлар бир-биридан чўчийдиган бўлиб қолган. Ғалати-а?

Кампирнинг оппок юзини ажинлар босган, бошида эса ранги ўнгиб кетган рўмол, ёноқлари оч пушти ранг... Жуда диққат билан қарамаган бўлсам ҳам, бир қарашда кўзимга мана шулар кўринди. Уни онамга ўхшатиб юбордим. Ўзи барча оналар бир-бирига ўхшаб кетади. Ҳеч қандай сабабсиз бу онахонга нисбатан ичимда илиқлик пайдо бўлди, аммо буни билдирмадим. Ичимда «Аллоҳим, оналаримизга ўхшаган аёллар соғ бўлишсин!» дедим...

Онахон, яъни ёнимда ўтирган кампир менга ҳеч қарамапти. Балки хижолат бўлаётгандир, балки ҳадиксираётгандир. Ҳеч кими йўқ бўлса керак, деб ўйладим. Қизи ёки ўғли, умуман фарзандлари бўлганида бунақанги чўчиб турмас эди. Яна билмадим... Ким билади дейсиз... Балки турмуш ўртоғи ҳам йўқдир, ёлғиздир. Қайдам...

Ўриндикнинг бир четига ўтирибман. Онахонга қарамаяман. Сумкамдан китобни оладим. Истанбулнинг барча ғала-ғовур, шовкин-суронига қарамай, қалбим ва қулогимни унга бердим...

БУРСА, 1578

## МАҲМУД АФАНДИ

*Эй нафсим! Сенга таслим бўлмайман!*

Бўлиб ўтган воқеаларга асло ишонгим келмаяпти. Ахир сен Бурсанинг қозиси, ҳар қандай одам ҳавас қиладиган мақом эгаси, Шаҳарнинг энг мартабали зотисан... Ҳамма нарсангни бир оғиз гап билан ташлаб, бир дарвешнинг йўлига эргашдинг. Бунга ишониш қийин. Лекин энди бўладиган воқеалар ундан ҳам ўтиб тушади, шекилли. Бир инсон ҳашаматли, роҳат-фароғатга тўла ҳаётини ташлаб, таҳоратхона тозалаб юришга қандай қилиб рози бўлиши мумкин? Бунга ақлга сиғдириб бўладими? Бўлмайди. Аммо қози Маҳмуд бунга ҳам қилди. Бу ишни мендан, нафсидан қутулиш учун қилди.

Ўша кечанинг тонгидан риёзат, машаққат ҳаётини бошлади. У ҳар куни рўза тутар, гапириш ўрнига сукут қилар, кечалари аёяқли ухламас эди. Тилидан Аллоҳнинг зикри тушмас, кечаси билан инграб чиқар эди. Катта дараи бор эди. Аввал

хам айтганимаск, мен дарди бор оламни ёқтирмайдиман  
Чунки дарди бор инсон мени унутиб, Аллохни ёлга олади  
Қози Махмудининг бу холи мени азоб денгизига тапшлади (бу  
қолиб, ўзини қийнаса хам, аслида менга зарба бераверди)  
Рўза тутган инсон – нафсининг занжирини кўлига олган, уни  
бошқара оладиган, унга таслим бўлмаган инсондир. Махму  
афанди хам худди шундай қилди. Аскин у факатгина бадани  
билан эмас, тили билан хам рўза тутар, еб-ичишдан ташқари  
уйқуни хам камайтирар эди.

Мен азият чекдим, қораландим. Инсон мени яхши таниса,  
ёмон ишларга ташвикотчи эканимни билса, мендан, албатта,  
ўч олади, оёқлари остида эзиб, жонимни қийнайди. Махму  
афанди хам ичидан эшитиладиган, уни хар доим йўлдан уриб  
турадиган овоз мен эканимни англаб етган эди. Шунинг  
учун хам менга қарши жанг бошлади. Ичидан келаётган  
хар бир овозни англашга уринди. Мен айтган гапларга  
қарши қаттик кураш бошлади. Биламан, ўзи хам мендан  
кам азият чекмаяпти. Менинг бу ахволимни «қораланган  
нафс» асйдилар. Бу вазиятда мен инсонларга эмас, улар  
менга ҳужум қилишади. Махму алақачон мени таниб  
бўлиб, қулогига пичирланаётган гапларнинг қай бирини мен  
айтаётганимни дарҳол англаб оляпти.

Махму афанди менинг тузогимга тушмасликка ҳаракат  
қилаётган эди. Аскин бу ҳолат икки томони хам ўткир  
пичоққа ўхшайди, пичоқ урганнинг хам, пичоқ урилаганини  
хам кўлини кесиб, қонатиб юборади. Мен хам, Махму  
афанди хам яраландик. Шунда хам у асло воз кечмади  
мақсаддан қайтмади.

Махму афанди айнан шу нуқтада турибди. Энди мени  
тингламаяпти. Агар мени тинглашга мажбур қила олганимдан  
унга рўза туттирмас, кам гапиришига, кам ухлашига йўл  
қўймас эдим. Менга қулоқ солса, унга ҳожатхона тозалаттириб  
қўярмидим? Юмшоқона ўриндикдан, ётоғидан, кўрник

тўшагидан айириб, тошдай қаттиқ ёғочга ўтиргизмас, ётқизмас эдим, одамлар орасида жиннига чиқармас, қозилик унвони оёқости бўлишига қараб турмас эдим.

Менга қулоқ солса, оёгининг остига мол-дунёни сочиб қўймасмидим?

Лекин бу қайсар менга қулоқ солмади, эшитса ҳам, парво қилмади. Чунки Уфтода уни менинг йўлимдан қайтариб, ўзининг йўлига сафарбар қилди. Қози ўша Уфтоданинг сўзидан чиқсагина мени тинглаши мумкин. Менинг эса бунга кучим етмаяпти.

Қози тонг сахарлаб туриб, таҳоратхоналарни тозалар, энг қора ишларни қилар эди. Буларнинг бари юрагимга найза санчар, азобларимга азоб қўшар эди. Қўлидаги чўлтоқ супурги билан ерларни супурса, худди менинг кўзимни ўяётгандек бўларди. Қози борган сари мендан узоқлашиб, менинг эмас, Уфтоданинг рангига кираётган эди.

Таҳоратхоналарни тозалаб бўлгач, бир чеккага ўтиб, соатлаб зикр билан машғул бўлар эди. Тилидан Аллоҳнинг зикри тушмас, ҳеч ким билан гаплашмас, очликдан ошқозони таталаб кетса ҳам бир лукма емас, рўзасини очмас, мени асло тингламас, ҳеч кимга қарамай, кўзларини юмиб ўтирар эди. Нима ҳам қила олардим? Жуда қийин аҳволда қолдим.

Аср намозига азон ўқилишидан аввал бориб, ҳожатхоналарни тозаларди. Шу ифлос ишни чин дилдан, ихлос билан бажарарди. Уфтода бир четда туриб, уни кузатар эди, мен ҳам кўриб турар эдим. Билардимки, Маҳмуданинг бу аҳволи Уфтодани хурсанд қиляпти, мени эса исқанжага, азоб-уқубатга соляпти. Тезда Маҳмудани бу йўлдан қайтаришим керак. Акс ҳолда, у мени ҳалок қилиши аниқ...

Бир тўхтамга келдим. Энди мен унга яхшиликлар билан яқинлашаман. Яхшиликка чорлаётгандек бўламан. Балки шунда мени тинглар, балки шунда яна менинг йўлимга қайтар...



Қарасам, ишини тугатиб, бир чеккада ўтирибди. Шом намозининг азониغا озгина қолган. Оғзини очиб, ифтор қилиб олса, кўлимга тушиши осонлашади. Мен рўзадор одамга яқинлаша олмайман. Рўза менинг оёқ-кўлимга боғланган кишан. Мени ҳаракатсиз, қувватсиз, чорасиз қилиб кўяди. Инсон очликка чидай олмайди, барибир кун ботгач, рўзасини очади. Шом намозига бир неча дақиқа қолганда писмиқларча ёнига яқинлашиб, пичирладим:

– Менга қара, Махмуд! Қойилман, нафсинга қарши ҳақиқий жиҳод қиялсан! Бу жангда сен сўзсиз ютиб чиқдинг. Қайси инсон фарзанди сен қилган ишни қила олади, ўзинг айтгин? Ким шунча машаққатга сабр қила олади, қайси одам ўзидаги шунча нозу неъматдан, молу мансабдан бирданига воз кеча олади? Сен иложи бўлмаган ишни қилдинг! Ҳамма нарсангдан воз кечдинг-а!

Билиб турибман, мени диққат билан эшитиб турибди. Лекин ҳали ҳам ҳеч қандай жавоб бермади, бирор ҳаракат қилмади. Ўзини эшитмасликка олиб туради, бу тузоқларимга тушмади. Лекин мен кўнглимни чўктирмадим, давом этдим:

– Бўлди, Уфтоданинг имтиҳонидан ўтдинг. Лекин ўзинг ҳам адоий тамом бўлдинг. Ахир бу иш ҳамманинг ҳам кўлидан келмайди, бунга ҳамманинг ҳам сабр-тоқати, кучи етмайди! Сен Аллоҳнинг дўстига, бошқа одамга айландинг. Бўлди, энди ўзингни ҳадеб захматга солаверма, – деб пичирладим. Йўқ, мени эшитадиган нияти йўқ. Яна бир чеккага ўтириб олиб кўзларини юмиб, лабларини қимирлатяпти. Аниқки, Аллоҳни зикр қиялпти. Бироз кейин шом намозига азон айтилади. Қози қадини бироз ростлаб, чўккалади. Азон тугагунга кутиб туради. Лекин бирор марта ҳам кўзини очмади.

Азон айтиб бўлингач, мен яна унга хужум қилишга тушадим: – Ана, азон ҳам айтилади. Ифтор вақти бўлди. Оғиз очар вақти бўлди!

Бу сафар у мени тинглагандек бўлди. Юмиб олган кўзлари бирдан очилди, кўлини дуога кўтарди. Чопонининг чўнтагидан бир дона олма чиқарди. Ифторга фақатгина шунни смоқчимми? Биттагина олма нима бўлади? Тўғриси, устимдан қайноқ сув тўкилгандек бўлди. Қози афандининг бу холини кўриб, ерга қулаб тушгандек бўлдим. Шунча ноз-неъматлардан воз кечиб, кунинг шу битта олмага қолдимми? Бу одам ростдан ҳам ақлдан озибди! Ахир бу ахлоқлик-ку! Мен уни бу ахволдан қутқариб, аввалги ҳашаматли ҳаётига қайтаришга қаса қилдим.

Қози кўлидаги олмага бир қараб кўйди. Мен дарҳол: «Бўлақол, ифтор вақти бўлди, олмангни егин-да, одамларга ўхшаб, ифторлик қил, қорнингни тўйдир!» деб шошилтирдим. Боя айтганимдек, одамлар рўза тутган пайтда уларга яқинлаша олмайман. Лекин ифтор вақти киргач, кўп иш кўлимдан келади. Ҳозир ҳам тезроқ олмани еса-ю, рўза туфайли атрофида уни ўраб, мендан ҳимоя қилиб турган деворлар қуласа-да, мен унга қаттиқроқ хужум қилсам...

Кўлидаги олмани оғзига олиб борди. Шу олмани тезроқ ея қолса, рўзадорликдан қутқарилса-да, тезроқ унинг ёқасидан тутсам. Бироз ичим ёришди, менга сал бўлса ҳам қулоқ сояпти, менинг айтганимни қилаётгандек бўляпти. Демак, мендан батамом воз кечмабди!

Инсон мендан воз кечиши мумкин, лекин мен инсонни ҳеч қачон тарк этмайман.

Қози олмадан бир тишлади. Йўқ, тишлари энди олмага тегай деганда бирдан тўхтаб қолди. Йўқ, ундай қилма! «Ифторингни қилсанг-чи! Ахир ҳалол-ку! Ея қолсанг-чи шу зормандани!» деб доа солдим. Йўқ. Қози яна кўзларини юмди, чуқур нафас олди. Кўлидаги олмани ҳидлади, холос. У олмани емай, менинг сабримни синаётган эди. Бу синоваа ўз ёғимга ковурилдим.

– Есанг-чи шу олмани, ея қолсанг-чи!

Барибир олмани емади, бироз хишлаб, яна чўнтагига солиб кўйди. Бу қандай инсон бўлди-а? Умримда бунақасини кўрмаган эдим! Яна «Ея қолсанг-чи!» деб хайқирдим. У мени эшитиб турибди, лекин ўзини эшитмасликка соляпти.

Қози бирдан кўзларини очди. Қарасам, жаҳли чиқиб, кўзларидан олов сачраяпти! Қошлари чимирилган, газаб отига минган эди. Биламан, буларнинг бари менга қилинган ўжарлик...

– Эй нафс! Мен сенга таслим бўлмайман!

У шундай дегач, мен такқа тўхтадим, тилим тутилиб, гапира олмай қолдим.

Олмани биргина хишлаш билан рўзасини очди! Бу тузоғимни олиндан хис қилган экан. Қозининг оғзидан шу сўзлар чиқди:

«Аллоҳим! Сенинг розилигинг учун эртанги куннинг рўзасини тутишга ният қилдим...»



Қозининг кунлари фақат ёлғизлик, нафсини қийнаш билан ўтаяпти. Бошидаги қимматбаҳо салласини ҳам ечиб, ўрнига оадий яшил дастор ўраб олган. Одамлар энди уни дарвеш деб ўйлашади. Қимматбаҳо самур юнгидан қилинган тўн ўрнига оадий яшил чопон кийиб олган. Энди бозорда халқ уни қози афанди эмас, дарвеш деб чақиряпти. Лекин у ўшаларнинг орасида ҳам улар билан эмасдек гўё. Жисми ўша ерда бўлгани билан, ўзи узок-узоқларда... Ўликми, тирикми, яшаяптими ёки йўқми – билиб бўлмайди.

Кунлардан бир кун яна бозорда айланиб юрган эди, қозилик пайтидан бери яхши таниш бўлган бир аўсти уни узоқдан кўриб қолди. Қози афандими ёки бошқасими, деб иккиланиб туради. Танигач, аввалига кўзларига ишонмади, кейин эса ниҳоятда хайратланди. Ёнида турган сотувчидан сўради:

– Ҳов анави турган қози афанди эмасми?

Сотувчи истеҳзоли кулиб кўйди:

- Ҳа, ўша. Лекин қозилиқдан асар ҳам қолмади унда. Акдан бор-будини фақир-фуқароларга тарқатиб юбориб, ўзини Уфтоданинг хонақоҳига отди. Эҳ аттанг, Бурсанинг қозиси шу аҳволга тушиб қолса-я?! Эссиз...

Қозининг дўсти хайрон қолди. Кўзларига ишонмади. Ўзини бир дақиқа ҳам тутиб тура олмай, тўғри Маҳмуд афанининг олдига борди. У келганида Маҳмуд афанди хонақоҳга керак бўлган нарсалар олиш учун бир дўкон растасининг ёнида турган эди. Дўсти унга яна бир марта қараб, кўзларига ишонмади. Ниҳоят, ўша эканига ишонч ҳосил қилгач, чақиради:

- Маҳмуд! Қози Маҳмуд?

Маҳмуд афанди бунни эшитиб, бироз таажжубланди. Чунки анчадан бери ҳеч ким уни қози деб чақирмаган эди. Қозилиқдан воз кечганига ҳам бир йилдан ошибди... Энди ҳақ уни «Девона қози», «Дарвеш қози» ёки одийгина қилиб, «Маҳмуд афанди», аер эди.

Маҳмуд ўша таажжубли кўзлари билан ортига ўгирилиб, дўстининг юзига қаради. Унга узоқ қараб тургач, кўзларини ярим юмиб, уни эслашга, танишга уринди. Уни танишини билиб турса ҳам, эслай олмади.

- Маҳмуд афанди, мени танимадингми?

- Айбга буюрмайсиз, таний олмадим, - асади қози Маҳмуд.

- Хусайнман... Али ўғли Хусайнман ахир! Истанбулда мадрасада бирга ўқиган эдик-ку!

Қози эслашга астойдил ҳаракат қилди, лекин хотирасида бу кишига, бу исмга доир ҳеч қандай из, сурат йўқ эди. У аввалги ҳаётини унутган эди.

- Эслай олмадим, узр, - асади қози.

- Қандай қилиб мени унутасан, а? Наҳотки! - асади дўсти.

— Биродар, мен хатто ўзимни ҳам унутдим, сени қандай эслайин? Мени кечирасан, барибир эслай олмадим, — қоти шундай дэб, нари кетди.

Хусайн турган жойида қотиб қолди. Бир томондан уялди ҳам... Ҳаммасидан ҳам Махмуа афандининг ҳолига ачиниб, юраги гаш бўлди, сескингина «Бечора», дэди.

Хусайн қози афандининг ортидан қараб қолди, сўнг «Бечора, ақладан озгани рост экан», дэб қўйди.

Ҳолбуки, бу дўст Махмуа афанди ақладан озмаганини, эс-хуши жойида эканини, фақатгина мендан юз ўтирганини билмас эди. Қози афанди мени унутиш учун аввало ўзини унутиши керак эди. Мен билан жанг қилиш, мени енгтиш учун унутишни ҳам унутиши керак эди.



Кундан-кунга унга яқинлашиш қийинлашаётгандек туюляпти. Ўзи ҳам мендан борган сари узоклашяпти, мени ҳам ўзидан тобора узоклаштиряпти. У аввалги ҳаётига оид бирон нарсани эслашни истамас, уларадан ўзини олиб қочар, бир нафас бўлса ҳам Аллоҳнинг исмини тилидан туширмас эди. Шунинг учун мен унга яқинлаша олмаётган эдим. У жуада яхши билади: бир он бўлса ҳам зикрдан тўхтаса, шу заҳоти унга хужум қиламан!

Кундан-кунга қозининг Уфтодага садоқати ортиб боряпти, уни ўз отасидек яхши кўриб қолган. Уфтода нима дэсса ҳам қози бунни ҳеч қандай иккиланмай адо қилар, даргоҳдаги бошқа дарвешлардан шуниси билан ажралиб турар эди. Фақир одамга, қўли калта одамга дарвеш бўлиш осон, асқин хашаматли, фаровон ҳаётдан келиб, мана шундай хонақоҳда дарвеш бўлиш жуада мушкул, оғир иш эди. Қози йўқчиликда юриб, йўқликни тарк этмади, балки тўқчиликда юриб, тўқликни тарк этди. Бу иккисининг ўртасида нақадар катта фарк бор!

Баъзи дарвешлар Махмуа илгари қози бўлгани учун унга хурмат-эътибор кўрсатишар, ҳатто «Қози афанди» деб ҳам қўйишар эди. Қози эса у кунларни эсламаслик учун ҳеч ким билан гаплашмас, дилидаги сўзларини фақат устози, шайхи, отасидек кўргани Уфтодага айтар эди. У энди эътибор, хурмат, мол-мулк, мансабни истамас, фақатгина Аллохни истар эди. Йўқлик дарёсига йўқлик билан эмас, бор-йўгилдан воз кечган ҳолда кириб келган эди.

Қунлар шу зайлда бирма-бир ўтиб бораверди. Мен эса қўлайроқ фурсат қидира бошладим. Қанийди, бирор воқеа бўлса-ю, бир онлик фурсат топиб, унга ёпишсам...

Мен унинг нафсиман, у мени бутунлай йўқ қила олмайди. Лекин ҳудди мен йўқдек яшашга урина олади. Мени тингламасликка, эшитиб туриб эшитмасликка олади. Менга эса фақат борлигимни унга эслатувчи кичкинагина белги керак эди, холос. Бўлмаса, ҳамма нарсани унутгани каби, мени ҳам унутиб юборади!

Бир кун қози яна таҳоратхоналарни тозалаётган эди, қандайдир овоз эшитди. Аввалига эшитилган овозлар унинг диққатини тортмади. Балки нималигини англамагандир. Қўлидаги супурги билан ерни худди кавлагандек супурди, муҳим бир топшириқни бажараётгандек бажарди. Бу ишларни ниҳоятда сидқидилдан, меҳр билан, ихлос билан қилгани учун ташқаридан келаётган овознинг моҳиятини англай олмади. Инсон ҳожатхона, таҳоратхонани ҳам шунчалик меҳр билан тозалайдими? Ҳа, тозалар экан. Мана, Махмуа афанди шундай қилади. Чунки Махмуа бунинг бир имтиҳон эканини биларди, шунинг учун қулоғига бу ишдан бошқаси кирмас, эшитса ҳам англамас эди.

Мен эса овозни эшитган захотим мен кутган фурсат келганини сездим. Ташқаридан келган овоз – қарнай-сурнай садоси эди. Одамлар Бурсага келган янги қозини тантанали равишда кутиб олиш учун тўплаанишган эди.

Қози Махмуднинг ўрнига келган янги қози... Бу айнан мен кутган имконият! Ҳасада, қизганиш, кўра олмаслик каби энг зўр қуролларимни, энг синалган тузоқларимни ишга солиш вақти келади. Инсон зоти менинг ҳар бир найрангимга сабр қилади, уларни кўрмасликка олади, эшитмайди, лекин ҳасада ундай эмас. Ҳасада аввал эгасининг ичига ўт ёқиб, ўзига зарар беради. Энг кучли қуролларимдан бири – мана шу ҳасада. Ҳасада олови инсонга бир марта тегдими, туташган жойини ёндириб, кул қилади, қалбни фитна тўри билан ўраб олади. Мен унга бир мудаат тегмай турдим. Бир мунча вақт ғалабамдан роҳатландим. Зеро, «Ҳасада ўқига қарши кела оладиган инсон йўқ» десам, муболага қилмаган бўламан. Қайси ёшда, қайси мақомда, қайси даврау қайси маконда бўлишдан қатъи назар, инсон ҳасада захарига даво топа олмайди. Махмуа афанди ҳам энди кўлимга тушади! У оёқларим остига ўзи келади – уни ҳасада олови олиб келади. Ана шунда у дарвешлик ҳаётини тарк қилиб, мени, яъни нафсни қайтадан севиб қолади!

Қози Махмуа эса ҳали ҳам ҳеч нарсани англамаган, кўлида супурги билан ерларни супуряпти. Мен унга охишта пичирладим: «Анави овозларни эшитяпсанми?» Бошида бироз ўжарлик қилди, кейин эса ноилож, беихтиёр қулоқ солди, карнай-сурнай овози эканини фаҳмлади. Аммо ҳали ҳам таҳоратхонани тозалашда давом этяпти. Мен унинг миясига қармоқ ташлаб кўйиб, илинишини кутиб ўтирадим: – Қара! Сен шундай улуғ мансабингни, шону шуҳратингни ташлаб, мана бу ерда фаррошлик қиялпсан, ифлос хожатхоналарни тозалаяпсан. Лекин анави ташқаридан келаётган овоз нималигини биласанми?

Махмуднинг ақли баттар чалкашиб кетади. Мен эса хурсандлигимдан аўлпимни осмонга отаим. У кўлидаги супургини ерга ташлаб, келаётган овозларга қулоқ тутайди. Бу хурсандчиликнинг сабаби нималигини англашга уринмайди.

– Эшитяпсанми, карнай-сурнай чалиняпти. Негалигини биласанми? Халк сенинг ўрнингга келган янги қозини тантанали кутиб олишга чиқибди. Сен бўлсанг бу ерда сулур-сидир қилиб ўтирибсан.

Бирдан қозининг кўзлари мошдек очилди. Ичимдаги азоб оловига совуқ сувлар сепилгандек, бироз хузурлангандек бўладим. Унинг кўзларида қизарган нарса – ҳасада алангаси эди. Ловиллаб ёниб турибди.

– Янги қози келяптими? – деди у ўзига ўзи. – Эх девона Махмуд! Сен шундай олий мақомни, ҳашаматни ташлаб келиб, бу ерда фаррошлик қиялпсан!

«Ана, истагим амалга ошди! Қози Махмуд менга, нафсига қарши тура олмади! Унинг кўнглини ҳасада олови эгаллади. Мана энди у мен томон яна бир қадам ташлайди», деб ўйладим. Қандай бахтиёрман! Севинчим ичимга сиғмаяпти. Қози яна мен томон қайтаётган, мени танлаётган эди.

Бироздан сўнг қози бошини чангаллади. Кейин кўзларидан дув-дув ёш оқди. Фарёдлар қилди. Мен эса яна жим бўлиб қолдим. Овозим чиқмади. Унга шунчалик яқинлашганимда бирданига нима бўлди? Қози тишларини маҳкам сиқди, йиғидан соқоллари хўл бўлди.

– Эй нафсим! Нега ҳеч бас қилмайсан?

Нега бас қилмас эканман? Бас қилдим. Чунки гапиришга кучим йўқ эди. Қози буларнинг барчаси менинг тузоғим эканини билиб бўлган эди. Ҳасада ўқларига сабр қалқонлари билан қарши чиққан эди. У буларни қасрдан билди? Қандай билди? қарши чиққан эди. У буларни қасрдан билди? Қандай билди?

– Эй нафсим! Шу пайтгача менинг бўйнимдан ип ўтказиб олган эдинг, қаерга истасанг ўша ерга суарадинг, эсингдами? Энди эса мен ўша арқонни сенинг бўйнингга ўтказаман, сенинг бурнингни ерга ишқалайман! Модомики овозингни ўчирмас, тузоқ кўйишингни бас қилмас экансан, энди ўзингдан кўр, сени қаттиқ азоблайман... Шошмай тур хали, мени тарк қилиш учун ялиниб-ёлворасан!



Қози шундай деб, ўзини тахоратхонанинг кесакларига отди.  
Нима қилаётганини тушунмай қолдим. Қози хўнграб йиғлар,  
орада «Бас қил, эй нафс, бас қил!» деб ҳам қўяр эди.  
Мен ноилож ҳеч нарса дея олмадим. Бу кунимдан ўлганим яхши  
эди. Энди мақсадимга эришаман деганимда нима бўлди ўзи?  
Аламдан ёняпман! Худди осмон қулаб, бошимга тушгандек  
бўлди. Бир ўлиб-тирилдим. Махмуа афанди бутун бадани  
билан ерда ётар, соқомлари билан ерларни супураар эди.  
Нихоят, мен таслим бўлдим...

## УЧИНЧИ МАРТАБА

# НАФСИ МУЛҲИМА\*

*Нафсини (гуноҳлардан) поклаган нажот тоғур.  
Уни (гуноҳ билан) кўмган эса ноумид бўғур.\*\**

Нафси мулҳима – илҳом олғувчи нафсаир, яъни Аллоҳнинг аҳли илмларга берган нафсидир. Илҳом – қалбга Аллоҳдан келган маънодир. Мулҳима, яъни илҳом берувчи нафсга эришган кишида илм, тўғрилиқ, тавозе, жўмардлик, сабр ва шукр каби ҳоллар намоён бўлади. «Бундай нафс эгалари ким?» деган саволга «Олим мўминларнинг нафси», деб жавоб берилган экан.

Мулҳима нафс – нафснинг шивир-шивирлари, васвасаларидан нажот топишнинг чегарасида жойлашган. Шунинг учун ҳам бу ҳолатдаги инсоннинг нафси лаввомага тушиб қолиш таҳлиқаси бордир.

---

\* Тасаввуфда нафснинг етти мартабасидан учинчиси. Бу мартабада инсон Аллоҳдан илҳом оладиган даражага етган бўлади.

\*\* Шамс сураси, 9-10-оятлар.

БУРСА, 1578

## МАХМУД АФАНДИ

*Аллоҳ учун қилган ишингизнинг охири хайрдир,  
нафс учун қилганингиз эса фалокатдир...*

Ўша куни Махмуд афанди таҳоратхонада бурнимни тупрокка ишкади, мени ер билан битта қилди. Жонимни шу қадар оғритган, шу қадар азоб берган эдики, гўё товушимни бир умрга ўчириб кўйди. Ерга ётиб олиб, соқоллари билан ерларни сулурди, гўё мени мағлуб қилиш, жонимни оғритиш учун у ердан ҳеч қачон турмайдигандек эди... Лекин шу пайт Уфтода пайдо бўлди-ю, Махмуд афанди таҳоратхонанинг кесаклари устида ястаниб, соқоли билан ерларни супураётганини кўрди. Дарҳол бориб, кўлларидан ушлаб тургизди. Махмуд афанди ўзида эмас эди. У тинмай ўша сўзларни такрорлар эди: «*Бас қил, эй нафс... Бас қил, бас!...*»

Оғзидан чиқётган сўзлар фақатгина менинг овозимни ўчириш учун янграётган эди.

Мен таслим бўладим, унга яқинлашиш, у билан гаплашиш жонимни азоблади. Энди у мендан эмас, мен ундан

қочадиган бўлдим. Уфтода келиб, ердан тургизмаса, балки мени ўлдирмагунча туриш нияти йўқ эди.

Уфтода унинг кўлларидаан маҳкам ушлаб, тургизди, «Болам, бўлди! Ўзингни бос энди!» деди.

Махмуд афанди жавоб бермади. Мен аламдан азоб чекар эдим, Махмуд эса мени ўлдирмай туриб ўрнидан турадиган эмас эди.

– Ўғлим! – деди Уфтода сал қаттиқроқ оҳангда. Сўнг елкасидан ушлаб, ўзига келтирмоқчи бўлиб, қозини силкитди.

Махмуд бироз ўзига келгандек бўлди.

– Бўтам! Сокол – муборак нарса. Бўлди, турақол энди. Сен бу имтихондан ҳам ўтиб бўлдинг. Бўлди, нафсинг занжирбанд қилинди, сен унинг кўл-оёғини кишанладинг. Бундан кейин сенга яқинлашишга кўрқади, журъати етмайди. Унга бу ишинг шундай дарс бўлдики, ҳеч қачон унутмайди. Бундан кейин ҳам нафсингга нисбатан иродали, кучли бўл! Қани, бўла қол! Ўзингга келиб ол!

Махмуд ёмон туш кўриб, чўчиб уйғонган, кейин эса уйқусираб турган одамдек бир муддат Уфтодага маъносиз, тушунарсиз боқиб турди. Бўлиб ўтган воқеалар уни ҳам анча чарчатибди. Лекин барибир сабр қилди, менга эргашмади. Сабрсизлик қилиб, сал бўшашса, албатта, жойи менинг ёнимда бўларди. Мен билан курашиш машаққат талаб қилади. Шундай бўлса ҳам, бу сафар яраланган мен бўлдим. Уфтода айтганидек, энди Махмуд афандининг ёнига йўлашга ҳам кўрқиб қолдим.

Қози кўзларини Уфтоданинг қора кўзларидан уза олмас, ёш боладек йиғламсираб турарди. Менга азоб бергани билан ўзининг ҳам жони огрияпти. Қози Уфтоданинг кўзларига нимадир кутаётгандек бўлиб қаради, аммо нималигини ўзи ҳам билмаяпти.

– Бўтам, юр мен билан, – Уфтода шундай дед, уни стаклади. Махмуд афанди шайхининг орқасидан

Хонақоҳнинг ола тарафидаги бир дарахтнинг эргашди. Ҳеч ким йўқ, атроф жимжит. Уфтода ёнига келишди. Бироз атрофга қараган бўлди. Қуёш тепадан тўхтади. Иккисининг сояси тупроқда кўринар, нур сочиб турибди, шаббода тебратиб силар эди. Махмуд соқолларининг пешонасидан совуқ тер оқди.

афандининг Мана шу тупроқда ўсиб-униб, ям-яшил бўлиб

- Махмуд! Мана шу тупроқда ўсиб-униб, ям-яшил бўлиб

турган набототни кўряпсанми?  
Махмуд афанди жавоб бермай, кўзларини пири кўрсатган томонга тикди.

-Қара, шу ўсимликлар сенинг каби тупроқнинг остидаги бир уруғ эди. Яшаш учун аввало устларидаги тупроқдан қутулиб, уни ёриб чиқишлари керак эди. Бўлмаса, ер остида чириб, нобуа бўлишар эди. Қора тупроқни тешиб чиқишлари учун эса сув керак эди.

Махмуд афанди гулларга аввалгидан диққатлироқ қарай бошлади. У ҳали ҳам ўзига келмаган, ичида оловлар ёнмоқда эди.

- Махмуд болам, - деди Уфтода. - Сен ҳам қора тупроқнинг остидаги бир уруғ эдинг. Устингдаги тупроқ эса нафсинг эди. Шунинг учун сен ҳам аввал тупроқни ёриб чиқишинг керак эди. Мен сенга керак бўлган нарсани бердим, холос. Устингдаги тупроқни олиб ташлаш, ёриб чиқиш учун сабот кўрсатдинг. Сенда самимият, сабр ва фидоркорлик бор... Мана, энди сен нафс тупроғини устингдан олдинг, қуёш юзини кўриб, ойдинликка қовушдинг...

Яна Махмуд афандининг кўзлари ёшга тўлди. Нималардир димоқчи бўлди, лекин сўзлари тилига келмай, бир муаат каловланиб қолди. Аммо кейин чидаб тура олмай, Уфтоданинг қўлларига эгилади, кўз ёшлари устозининг қўлларини хўл қилди. Уфтода Махмуд афандининг бошини силади, худди ўз фарзандининг бошини силагандек силади...

- Лекин унутмагинки, тупроқдан қандай чиққан бўлсанг, тупроқ сенга қандай жон ато қилган бўлса, бир кун мана шу

қора тупроқ мазоринг бўлади. Демокриманки, нафсга қарши жанг ҳали тугамади. Унутма, токи ажалинг келмагунича ўлик ҳисобланмайсан. Нафс эса сени ҳеч қачон ташлаб қўймайди. Шунинг учун токи тирик экансан, ҳар лаҳза унинг овозини ўчиришинг, хушёр туришинг керак. Дунёда нима қилаётган бўлсанг, билки, бу иш ё Аллоҳ учун, ё нафсинг учун қилинаётган бўлади. «Мен ким учун амал қияпман?» деб яхшилаб ўйлаб, амаларингни ақл тарозисида тортиб кўр. Зеро, Аллоҳ учун қилган ишингнинг охири яхшиликдир, нафс учун қилганинг эса фалокатдир... Бу имтиҳон ҳам тугади. Бундан кейин ҳар доим кўзимнинг ўнгида, ёнимда бўлишингни иштаймаман. Ёнимдаги хонада яшайсан. Бундан кейин сен менинг фарзандимсан...

Махмуд афандининг кўзларидан ёш эмас, сел оқаётгандек бўлди. Энди азобим тинди деганимда танамда бошқа, каттарок дара пайдо бўлди. У мендан қоча олмаётганидек, мен ҳам ундан узоқлаша олмаяпман. Энди у ҳар доим пирининг ёнида бўлар экан!...

Мен – нафсман ахир! Инсонларга истаган нарсамни қилдириб, ортимдан эргаштираман. Лекин бундан бу ёғига азият чекадиган, бурни ерга ишқаланадиган ўзим бўламан, шекилли. Чунки бундан буён Махмуд афанди Уфтоданинг ёнида бўлади. Мен учун ҳақиқий азоб энди бошланади.

БУРСА, 1579

## МАҲМУД АФАНДИ

*Нафсингга машаққат берган ҳар бир нарса сен учун хайрлидир.*

Маҳмуд афанди энди мендан кучли! Тўғри, у ҳали менга ҳукм қила олмайди, лекин мен ҳам энди унга ҳукмимни ўтказа олмайман. Аммо шунинг ўзи унинг мендан устунлигига далолатдир. Ёлғиз қолганида заиф жойини топсам-у, бор кучим билан унга ҳужум қилсам, ўз йўлимга тортсам, ўзимга дўст қилиб олсам дейман-у, бунинг иложи қайда? У нима амал қилса ҳам, фақат Аллоҳ розилиги учун қилади. Бу эса мени хор қилади, холос.

Қози кечалари ухламай, гуноҳкор одамдек бурчак-бурчакларга тикилиб олар, бошини ердан кўтармай, гуноҳу хатолари учун тавба қилаверди. Тинмай ўзини айблайверди. Ҳар қандай ҳолатдан ҳам мендан устун эди, чунки ёлғиз қолган заҳоти «Аллоҳим!» дер эди:

– Аллоҳим! Бугунгача мен ўзимга зулм қилган эканман, нафсимнинг йўлида юрган эканман, амалларимни Сен

учун эмас, нафс учун қилган эканман. Тавба қилдим, тавба қилдим. Ҳаммасига, билиб-билмай қилган гуноҳларимнинг ҳамма-ҳаммасига тавба қилдим...

Кейин эса ҳар доимгидек ҳали азон айтилмасидан ўрнидан турар, ҳовлининг ўртасидаги ўчоққа ўтин қалаб, олов ёқиб, шайхига таҳорат учун сув иситар эди. Устози уйғонгач, унинг қўлларига сув қуйиб турар эди.

Шайхи Уфтода қаерга борса, у билан бирга борар, боғчада биргаликда меҳнат қилишар, бирга Қуръон ўқишар, намоз ўқишар, қалбларига қулоқ солишар эди. Уфтода унга отадек, Маҳмуд эса ўғилдек эди. Уфтода Маҳмуд афандини бир лаҳза бўлса ҳам кўз ўнгидан узоқлаштирмади. Маҳмуднинг ўзи ҳам буни истамас эди.

Мен-чи? Мен энди уларга бегона эдим, улардан узоқда эдим. Бу менга берилган энг оғир жазо-ку! Инсоннинг ичида бўла туриб, ундан узоқ бўлиш... қанчалик оғир дардлигини билсангиз эди...

Мен ҳеч қачон индамай, қўл қовуштириб, жим қараб тура олмайман. Мизожимда бундай нарса йўқ. Ахир ҳар бир инсоннинг ичида «мен» борман-ку! Уларни ҳам йўлдан ураман-ку.

Аламимдан хонақоҳдаги бошқа дарвешларга ҳам хужум қила бошладим:

– Тўғри, бу Маҳмуд деганлари Уфтоданинг эшигига қозилигини, мол-давлатини ташлаб келди. Лекин унинг сизлардан нима фарқи бор, нима учун Уфтода уни сизлардан кўпроқ севади? Ёки Маҳмуднинг сизлардан ортиқ жойи борми? Нима учун Уфтода уни бир лаҳза бўлса ҳам ёнидан узоқлаштирмайди?

Мен шундай деб, уларнинг кўнглига ғулгула солдим. Улар эса менинг тузоғимга лаққа тушиб, чиппа-чин ишонишди. Баъзиларининг кўнглида Маҳмудга нисбатан ҳасад пайдо бўлди.



Куйканаклик қилиб, ичлари ёниб кетди. Чекка-чеккада йигилиб олиб, бир-бири билан пичирлашиб, Махмуднинг гийбатини қиладиган бўлишди, унга қилаётган ҳасадларини очикдан-очик тилга оладиган бўлишди. Тўғри, баъзилари менга кулоқ солмади, лекин барибир тузоққа тушганлар анчагина эди. Ана ўша тузоғимга илинганларнинг ўзи менга етади.

Бир куни кечқурун барча дарвешлар хонақоҳнинг масжидида тўпланиб, Уфтоданинг оғзидан чиқадиган бир жуфт каломни интиқлик билан кутиб ўтиришган эди. Қиш пайти, Бурса қорлар билан бурканган. Осмондан оппоқ қор учқунлаб турибди. Дарвешлар хонақоҳнинг кичкина ойнасидан ташқарига қараб ўтиришибди. Қорни кўриб, ҳамманинг ичига совуқ югурди. Бир бурчакда ўчоқ ёняпти, атрофида мойчироқлар нур таратади. Узун қиш кечасида дарвешлар вақтини хайру савоб билан ўтказиш учун чўккалаганча кутиб ўтиришибди.

Уфтода ҳафтада бир неча кун дарвешларини тўплаб, суҳбатлар қилади. Зикр қилиш, суҳбатлашиш қанчалик лаззатли эканини, қалблар учун хотиржамлик, хузур эканини, бундан дарвешларнинг кўнгли шифо топишини жуда яхши билади.

Ўша оқшом ҳам Уфтода уларнинг кўнглига хузур бағишлаш, қалбларини маънавий озиклантириш учун кўнглидагиларини тилига чиқарди:

- Болаларим! Бу дунё – йўқлик оламидир. Бор деб билганларингиз ҳам, йўқ деб билганларингиз ҳам аслида йўқдир. Лекин инсон хато ўйлайди, ҳатто ҳамма нарсани ўзиники деб билади. «Эга бўлган нарсаларимни тарк қилсам, дунё ҳам тугайди, ҳаммаси тамом бўлади», деб ўйлайди. Васвасага тушиб қолиб, мол-дунёсидан воз кеча олмайди, мулкини сота олмайди, шуҳратини оёқ остига олиб, эза олмайди. Ғалати нарса, а? Ҳолбуки, бу дунё тушга ўхшайди. Тушингизда кўрган нарсаларингизни уйғонганингизда

топа оласизми? Ёки тушингизда эга бўлган мол-давлатни уйғонганингизда кўрмасангиз хафа бўласизми? Гам-ташвиш чекасизми? Йўқ, албатта. Айтмоқчиманки, бу дунё ҳам бир тушдир. Бу туш дунёсида сизники бўлган нарсалар аслида сизники эмас. Инсон уларга нисбатан эгалик ҳам қила олмайди. Ҳатто ўзи ҳам ўзиники эмас-ку! Ўзига эга бўлмаган инсон бошқа нарсаларга қандай қилиб эгалик қилсин?

Масалан, мана шу кишга назар солинглар, у гўё баҳорни ўлдириш учун келганга ўхшайди. Уруғ янгитдан униб чиқиш учун тупроққа қадалади. Дарахтлар яна яшил кийимга бурканиш учун япроқларини тўқади. Шу биз кўриб турган қор учкунлари уларни нобуд қилиш учун эмас, балки уларга янги ҳаёт бахш қилиш учун ёғмоқда. Сиз воз кечган нарсалар сизни кучсиз, заиф қилмайди, аксинча, буларнинг бари қайта тирилишингиз, яна ҳам кучли бўлишингиз учундир.

Бизнинг вазифамиз – эгалик қилиш эмас, зеро, соҳиб Зот – ягона Аллоҳдир. Биз бу дунёга гувоҳ бўлиш учун келдик, биз имтиҳон диёридамиз, туш оламидамиз. Тушингизда нимага эга бўлсангиз ҳам, ҳатто бутун дунё сизники бўлса ҳам, уйғонганингизда гойиб бўлади. Чунки аслида ҳеч нарса сизники эмас. Бу имтиҳондаги саволлар ҳам, жавоблар ҳам бизники эмас. У ҳолда бизни дунёга қаттиқ боғлаб қўйган нарса нима? Дунё деб номланган бу туш оламида кўрганларимиздан, қўлга киритган нарсаларимиздан воз кечишга бизга нима тўсқинлик қиляпти?

Уфтода гапдан тўхтади... Хонага сукунат чўмди.. Худди дарвешлар Уфтоданинг насихатларини тафаккур қилиб, фикр қилиб олсин деган маънодаги сукунат эди бу. Бутун хонақоҳни сукунат эгаллаб олди. Дарвешларнинг барчаси кўзларини юмганча Уфтодани эшитаётган, хаёлларидан «воз кечиш» деган имтиҳон ўйлари кечаётган эди. Аммо энг кўп ёнаётган, алам чекаётган Маҳмуднинг қалби эди. Чунки у тарк қилишнинг аччиқ ҳақиқатларини, азоб-укубатларини

жуда яхши англайди. Махмуд тўқлик оламида юриб, кейин йўқликни танлаган эди, бу эса имтиҳонларнинг энг оғиридир. Зеро, қанча кўп нарсага эга бўлсанг, улардан воз кечишинг ҳам шунча қийин бўлади. Нафс ўлароқ мен буни жуда яхши биламан.

Бутун хонақоҳни эгаллаган сукунатни Уфтоданинг ўзи бузди, саволига ўзи жавоб берди:

– Бизни хайрли йўлдан тўсган, ўткинчи дунё матоҳларини тарк қилишимизга йўл қўймаётган нарса – нафсимиздир. Ҳамма нарсанинг эгаси ўзимиз бўлишини, бу дунё хаёлидан воз кечмаслигимизни истаган ҳам нафсимиздир. Айтиб қўяй, тарк қилиш осон иш эмас. Воз кечиш азоб-уқубатсиз, машаққатсиз бўлмайди. Ўзингда бор нарсаларни тарк қилиш нафсга машаққат туғдиради. Инсон бор деб ишонган нарсасидан осонликча воз кеча олмайди. Аммо сизларга Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан бир хабар берайин...

У зот алайҳиссалом айтадилар: «Нафсингиз учун машаққатли бўлган, уни қийноққа солган нарсаларнинг охирида, албатта, хайр ва омонлик бордир. Бирор нарса нафсингизга оғир келаётган бўлса, билингки, унда яхшилик бор».

Ўлчов мана шудир. Мезонни шунга қараб тўғрилаб олинглар. Майли, жонимиз ачисин, нафсимиз азоб чексин, лекин охиروқибат мол-дунёга қарши жангда голиб томон сиз бўлинг. Кўзингизни кўрқитган, мушкул бўлиб кўринган ишни, ичингиздаги овоз «Асло бундай қилма», деган ишни қилинг ва билингки, мана шу ишда хайр бордир.

Хонақоҳга яна сукунат чўмди.

Уфтоданинг сукунатга берилиб, дарвешларнинг кўзларига нигоҳ қадашининг ўзи ҳам унинг ўғитлари каби таъсирли бўлар эди. Уфтода бу сукунат билан дарвешларнинг бироз тафаккур қилишини, ўзлари билан ёлғиз қолиб гаплашишини истар эди. Бир мунча вақт сассиз-садосиз

ўтиришди. Уфтода бир режаси бордек, дарвешларнинг кўзларига қаради. Уфтода дарвешларнинг Махмудга хасал қилаётганини ҳам аллақачон сезиб бўлган. Унинг нимадир қилмоқчи экани кўриниб турибди.

Шу пайт Уфтода бирдан ғалати гап айтиб қолди:

– Қанийди, ҳозир бир шингил узум бўлса, маза қилиб ер эдик. Қандай мазза бўлар эди...

Дарвешларнинг кўзлари бирданига мошдек очилди. Ахир қиш фасли бўлса, дала-дашт, тоғу қир қор билан қопланган, узум пишадиган мавсум аллақачон ўтиб кетган бўлса... Табиийки, дарвешлар шайхига бир шингил узум топиб келишни истайди. Аммо буни қандай қилиш мумкин? Ахир бунинг иложи йўқ-ку!

Ҳамма таажжубда қолиб, нима дейишини ҳам, нима қиларини ҳам билмай ўтирган эди, бирдан Махмуднинг овози янгради:

– Афандим, ижозат берсангиз, тилагингизни бажо келтирай?

Махмуд шайхининг бу истаги беҳикмат эмаслигини сезган эди. Мен унинг бундай дейишини асло истамаган эдим. Энг қизиғи, уни бундай дейишга ташвиқ қилган мен эмас эдим. Бу менинг кўлимда эмас эди, лекин унинг қулоғига «Бу сўзда бир ҳикмат бор», деб мен шивирлаган эдим, у эса худди шундай ўйлаган эди. Ахир нафс менман-ку, нималар бўляпти ўзи? Мен ўзимни бошқара олмаяпманми? Унга илхом беряпманми? Қулоғига фасод ўрнига ҳикмат шивирладимми ҳозир? Аслида бундай қилишни истамаган эдим. Нималар бўляпти? Бу қанақаси ахир?

Кейин билсам, у мени мағлуб этган сари мен ҳам ўзгариб боряпман экан! Энди мен уни ўзимга эмас, Махмуд мени ўзига ўхшатаётган, Аллоҳ эса унга мадад бераётган эди. Устига-устак, унга айнан менинг кўлим билан ёрдам бераётган эди. Мен ўзимга ўхшамай қолибман, ўзгарибман. Мен уни тўғри йўлдан тўса олмаяпман!

– Ижозат Аллохдандир, – Уфтода шундай деб, Махмуд афандига рухсат берди.

Уфтода унга мумкин бўлмаган нарсани қилишга изн берган эди. Ҳамма дарвешлар ҳайратдан бармоқларини тишлаб, Махмудга тикилиб қолишди. Айниқса мен қалбига ҳасад, ичқоралик уруғларини ташлаган дарвешлар ҳаммадан ҳам ортиқроқ ҳайратда эди. Зеро, Махмуд имконсиз нарсага харидор бўлган эди. Қалбида ҳасади бор дарвешлар «Барибир кўлидан келмайди» деб ўйлаб, ичларидаги ҳасад оловини сал бўлса ҳам пасайтиришди.

Қози бошини эгиб, шайхига орқа ўтирмаган ҳолда қадам ташлаб, эшикдан чиқди. Эшикнинг ёнгинасида турган, новдадан тўқилган саватни кўлига олди. Хонақоҳнинг дарвозасидан чиқар-чиқмас юзига урилган майин, аммо совук шаббода уни бирпасда ўзига келтириб қўйди. Ташқарида қор бўрони бўлаётган эди, қорлар худди ёғмаётгандек, аксинча паға-паға тўкилаётгандек, атрофга оппоқ гиламлар тўшалгандек эди. Қорнинг рангидан ҳамма қоронғиликлар оққа бўялган.

Қози қорнинг устига қадам босганида оёқлари ботиб, зўрга юра бошлади. Қор учқунлари Махмуднинг қоп-қора соқолларига ёпишарди. Қор худди бутун дунёни тозалаш учун, инсонларни поклаш учун ёғаётгандек эди гўё... Қози совқотаётган бўлса ҳам, юришда давом этди. Соқолига қўнган қорларни силкиб ҳам ташламади. Совукқа сабр қилди, қор учун Аллоҳга шукр келтирди.

У қорларга бота-бота, хонақоҳнинг ёнбағридаги узумзорга қараб юрди. Бу пайтда, унинг устига бу қор-ёмғирли кишда узум топиб бўлмаслигини билар эди. Лекин шубҳага берилмай, умидсизликка тушмай, мақсади сари олға қадам босиб бораверди. Чунки у ноумид бўлиш шайтоннинг иши эканини яхши билади. Камига мен ҳам менлигимни қила олмаяпман, унга тўсқин бўлишга ярамаяпман.

Шуни билдимки, кимда-ким Махмуд афанди каби менга, яъни нафсга қарши сабру сабот билан жанг қилса, Аллоҳ мени ҳам унга хизматкор қилиб қўяр экан! Шундай экан, мен ҳам унга хизмат қилишга мажбурман. Истамайман, ammo қарши чиқиш ҳам қўлимдан келмайди! Ахир оёқ-қўлим боғланган...

Қози узумзорга етиб боргач, у ер ҳам оппоқ қор билан қопланганини кўрди. Узум новдалари қалин қор остида турар, табиат қонунига кўра қишки уйкуга кетган эди. Қози узум топиш илинжида бутун боғни айланиб чиқди, бир лахза бўлса ҳам умидсизликка берилмади. У интилганга толе ёр бўлишини яхши биларди. Бироқ у қидираётган, топишга уринаётган нарса ҳам имконсиз нарса эди. Шундай бўлса ҳам йўқдан бор қилувчи Зот борлигини англаб турибди.

Қози боғнинг деярли ҳамма жойини айланиб чиқди, ammo бир дона ҳам узум топа олмади. Топа олмаслиги аниқ эди, топиши мутлақо ажабланарли иш бўлар эди. Ахир қишнинг қок ўртасида узум қаердан бўлсин бу боғда! Лекин қози таслим бўлмади, мақсадидан воз кечмади. У мақсадига эришиш учун неча кун бўлса ҳам ҳаракат қилишга азму қарор қилган эди.

Нихоят, охирги узум токи қолди. Қози шу томонга қараб юрди. Қалин қор оёқларига ёпишиб, чоригини хўл қилар, соч-соқолини, қош-киприкларини музлатиб, котириб қўйган эди. Қози ўша энг охирги узум токининг ёнига борди. Қараса, у ҳам қалин қор билан қопланган. Бир дона ҳам узум йўқ. Шундай бўлиши ҳам керак эди-да! Ахир шундай қаҳратон қишда узум нима қилади? Энди ортига қайрилиб кетмоқчи эди, мен уни тўхтатиб қолдим.

Ё Худо! Менганималар бўляпти? Мен унга илҳом беряпманми? Бу иш мен учун жуда оғир, чунки мен нафсман! Лекин ҳозир мизожимга тескари иш қиляпман. Ё тавба! Менинг ишим уни йўлдан уриш эди-ку ахир! Мен бўлсам Махмудга «Ортинга

кайт!» деб шивирладим. У дарҳол менга қулоқ солди, қайтиб, усти қалин қор билан қопланган узум новдаларига қўлини узатди. Қўлини муздек қорнинг ичига суқди-ю, кўзларини юмиб, бир муддат шу ҳолатда қолди.

Бироздан сўнг қози қўлини қордан чиқарди. Унинг қўлида бир бош узум турарди! Бу қанақаси? Мен мутлақ ҳайратда эдим. Маҳмуд афанди кўзимга шу қадар ҳайбатли бўлиб кўриндики, кўрқиб, бирдан қочмоқчи ҳам бўлдим. Бўлиши мумкин эмас! Қишнинг ўртасида узум нима қилади бу ерда! Во ажаб!

Қози эса қўлини яна бир марта қорга тиқиб, яна бир бош узум чиқарди. Кейин яна бир бош... Маҳмуд афандининг кўзларидан ёшлар оқа бошлади. Билиб турибман, у ҳам бениҳоя таажжуб ичида эди...

Қози қўлини қор билан қопланган узум новдасига қайта-қайта тиқиб, қўлидаги сават тўлгунча узум олаверди. Кейин бирдан қор устига чўккалади. Кўзларидан оққан шашқатор ёшлар ердаги қорларни эритди. Қози қўлларини очди, шундай деди:

– Аллоҳим! Сен имконсиз нарсани ҳам мумкин қилувчисан, бўлмагани бўлдирувчисан, йўқдан бор қилувчисан! Сен борсанки, йўқ нарсанинг ўзи йўқдир. Алҳамдулиллаҳ!

Маҳмуд афанди шундай деб, яна бироз шу ҳолатда ўтирди, хўнграб йиғлади...

Кейин аста ўрнидан туриб, хонақоҳга қараб йўлга тушди. У ҳозиргина ўтирган жойда нималар бўлганини кўрмади, лекин мен кўрдим: у ўтирган жойидаги қорлар эриб, сув бўлди, ҳатто сўлиган майсалар униб, ўса бошлади. Лекин Маҳмуд буни кўрмади.

У оёқлари қорларга ботиб-ботиб, хонақоҳ томон кетяпти, кўзи эса саватидаги узумларда... Шу топда хаёлидан нималар кечмади дейсиз. Бўлиб ўтган воқеани изоҳлашга ақли ожиз қолди.

Буларнинг ҳаммасига ўз кўзи билан гувоҳ бўлди, чунки у бунга чин дилдан ишонган эди. Бу ҳодисалар бўлаётганда мен ҳеч қандай монелик қила олмадим. Бир йўлини топиб, шивирлашга уриниб кўрдим, аммо бўлмади. Деворга гапиргандек бўлиб қолдим. Аллоҳ уни мендан сақлаётган эди! Ҳа, худди шундай! Кимки Аллоҳга бир қадам яқинлашса, Аллоҳ унга минг қадам яқинлашади, Аллоҳни севгани Аллоҳ ҳам севади, уни «мен»дан, яъни нафсдан ҳимоя қилади.

Фурсатдан фойдаланиб қолайин деб, бир неча марта унга эски қилиқларимни қилиб кўрдим. Лекин у мени тингламади. Мен барибир тинмай пичирлай бошладим:

– Сен каромат кўрсатдингми ҳозир? Сен қилган бу иш кароматми?

У бирдан қадамларини секинлатди. У мени эшитди! Аммо ишондимми, йўқми? Буни билмайман. Нима бўлганда ҳам, мен ҳали ундан воз кечганим йўқ. Маҳмуд афандини мана шундай Аллоҳга етишган ҳолатида ҳам таъсир доирамга олишни умид қилдим...

Маҳмуд афандининг кўзлари ҳали ҳам саватдаги узумларда эди. Бир томондан мен қулоғига шивирлаган гап ҳақида ўйлаётти. У бироз ўйлаб тургач, секингина «Каромат», деди. «Каромат» деди-ю, яна жим бўлди. Кейин «Мен...» дер-демас, оёғи қорга ботди. Кейинги оёғини ҳам ташлаган эди, у ҳам ботди. Ботқоққа тушган одамдек, ҳаракат қилган сари ботиб кетаверди, чиқишга ҳаракат қилган сайин йиқилаверди. Қанча уринса ҳам, барибир чиқа олмади.

Сўнгра бирданига ҳаракат қилишдан тўхтади. Тиззасигача қорга ботган ҳолида хитоб қилди:

– Ё Аллоҳ! Менга ёрдам бер! Мен деб юбордим, Сен дея олмадим. Хато қилдим, мени афв қил! Мен йўқман, Сен борсан! Ҳар нарсага қодир бўлган Зот Сенсан! Менга мадад бер!»



Қози шундай деб, яна кўз ёш тўқди. Шу пайт бирдан узоқдан қандайдир товушлар эшитилди. Кимдир келяптмикан? Қози аввалига нима гаплигини тушунмади. Кейин эса узоқдан бир дарвеш кўринди. Келаётган дарвеш хонақоҳ томондан эмас, тоғнинг нариги томонидан чиқиб келди. Мен уни танийман, лекин Маҳмуд афанди уни танймайди. Илгари уни кўрмаган ҳам. Ўша дарвеш ёнига келгунича Маҳмуд афанди уни сезмади. Сал ўтгач, келган дарвеш: «Эй Маҳмуд! Қўлимдан тут, сенга ёрдам берайин!» деб, унга қўлини узатди. Маҳмуд унинг овозини эшитиб, бир чўчиб тушди. Унга ёрдам қўлини узатган дарвешга узоқ тикилиб турди. Кимлигини билмайди, чунки аввал уни кўрмаган.

– Сиз кимсиз? – деди Маҳмуд.

– Яқинда билиб оласан, – деди у ҳам.

– Қандай қилиб? – деди Маҳмуд.

– Саволсиз, – деди у.

– Мен... – деди Маҳмуд.

– Сен! – деди у.

Маҳмуд сукунат оламига чўмди. Бошқа ҳеч нарса демади. Зеро, унга ёрдамга келган дарвеш бошқа диёрнинг инсони эканини англаган эди. Нима сўраса ҳам, сўзласа ҳам, уларнинг бари савол эканини англади. Шунинг учун сукунатни танлади.

– Қани, қўлингни бер! – деди келган дарвеш. – Билиб қўй, бу қўл сендан бошқага узатилмайди.

Маҳмуд афанди қўлини унга узатди. Дарвеш уни ботиб қолган жойидан чиқариб олди. Маҳмуд ҳайрат ичида қолиб, ўзига ўзи саволлар бера бошлади: «Бу дарвеш нима учун келди? Қаердан келди? Нима деди? Нимага ундай деди?» Унинг миясида ана шундай саволлар айланар, ҳайратдан қўли ёқасида эди. Маҳмуд афанди усти-бошини тозалашга тушди. Кейин дарвешга қаради, аммо ҳеч нарса сўрамади. Дарвеш ортига қайрилиб, келган томонига қараб кетди.

Махмуд бир нарсага диққат қилди: дарвеш юрган қорни йўлда оёқ излари йўқ эди...

Қози бирдан кўркув ичида қолди, у ҳақда ҳеч нарса билмагани учун бироз саросимага тушди. Ердаги саватини кўлига олиб, хонақоҳга қараб шитоб билан юриб кетди. Бир неча қадам юргач, ўгирилиб, ортига яна қараб кўйди. Сўнг кўркқанидан югура-югура хонақоҳга чопди.

Хонақоҳнинг дарвозасидан ичкарига қадам босганида Махмуднинг юзи қордек оқариб кетган, пешонасидан реза-реза терлар оқаётган эди. Қаҳратон қиш куни, изғирин совуқда Махмуд афанди совқотиш ўрнига ёниб кетаётган эди. Кўлида бир сават узум билан хонақоҳ ҳовлисида туриб қолди, сўнг ичкарига кирди. Киргач, ҳамманинг нигоҳи унга қадалиб қолди. Айниқса уни кўра олмайдиган, ҳасадчи баъзи дарвешлар унга қараб, бақрайиб туришарди. Ҳаммасининг оғзи ланг очилган, кўзлари Махмуд афандида эмас, саватдаги узумларда эди. Яп-янги узилган бу узумларни кўриб, нима дейишни билмасди.

Махмуд совуқдан дир-дир титраб, Уфтоданинг олдига келди. Унинг ҳолати уммон ўртасида қолиб кетган кишининг бир ёғочни кўрганида унга ёпишган, уни маҳкам ушлаган кишининг ҳолати каби эди.

– Шайхим! Мен...

Уфтода Махмуднинг гапини давом эттиришига йўл қўймади. «Биламан, болам, биламан», деди-ю, Махмудни ўнг томонига ўтиргизди.

Дарвешлар ҳайратдан нима дейишини билмай, лол бўлиб қолишди. Ҳасад қилган дарвешлар эса дарҳол тавба қилиб, Аллоҳдан афв тилай бошлашди.

Махмуд бироз ўзига келгач, Уфтода сал эгилиб, унинг кулоғига биргина сўзни пичирлади:

– Хизр...



Ўша кеча дарвешлар хонақоҳнинг масжидидан тарқалгунича ҳам Маҳмуд афанди ўзига келмади. Овозларни эшитмади, сўзлар қулоғига кирмай, эриб кетаверди. Кўз ўнги қорайиб, бир бошқача бўлди. Кўзи кўраётган, аммо илғамаётган эди. Бошидан ўтказган воқеа ниҳоятда гаройиб, галати эди. Буни англаб етиш учун ичини тўкиб, йиглаши керак. Маҳмуд туни билан ҳеч кимга билдирмай, хўнграб йиглаб чиқди.

Вақт алламаҳал бўлган, дарвешлар ҳам секин-секин тарқалаётган бир пайт Уфтода Маҳмуднинг тиззасига кўлини кўйди. Бу – «Сени тинглашга тайёрман», дегани эди. Маҳмуд тушдан уйғонгандек сесканиб, кўзини очди, шайхига қаради. Уфтода унга табассум қилди. Бир-бирларини дарҳол англадилар.

– Болам, қани, гапир, – деди Уфтода.

Маҳмуд бу гапни англамади. Дарвешлар ҳам унинг оғзидан чиқадиган гапни кутиб ўтиришган эди. Нима дейиши мумкин? Нима учун? Шайхи нима демокчи бўлди?

Қози «Нима дейин?» дегандек, устози Уфтоданинг кўзларига мўлтираб қаради. Нима дейишини билмади. Шайхи жилмайиб, унга самимий табассум қилди.

Маҳмуд яна бошини эгди, кўзларини юмди. У ниманидир кутаётган эди. Зеро, энди мен ҳам унинг қулоғига ёмонлик ўрнига яхшилиқни, гийбат ўрнига илҳомни шивирлаётган, унга ҳеч қандай қаршилиқ қилмаётган эдим. Аввалига у нимадир деб гўлдиради. Кейин эса ҳамма эшитадиган даражада сўзлай бошлади. Унинг қалбига илҳом бериляпти, мен эса яна ҳеч нарса қила олмаяпман! Қози гулга ошиқ бўлган булбулдек сайрай бошлади... Кўзларини юмиб, дуо қилаётгандек хониш қилди:

*Агар тўғри йўлдан адашган бўлсам,  
Аллоҳим, Султоним, астагфируллоҳ!  
Изнингсиз не ишга ёндашган бўлсам,  
Аллоҳим, Султоним, астагфируллоҳ.*

Кулнинг иши гафлат, унутиши, хато,  
Илқингда афв яна марҳамат, ризо.  
Ўзингдадир дармон, ҳар дардга шифо,  
Аллоҳим, Султоним, астағфируллоҳ!

Эй айбни ётувчи, Сенга юзланиб,  
Ироданг қудрати қалблар уйғониб,  
Антал-Карим, антал-Гаффоруз-зунуб,  
Аллоҳим, Султоним, астағфируллоҳ...

Қози шуларни айтиб, яна сукунатга берилди.  
Яна дарвешлар таажжуб ичида қолишди.

Бироз аввал Маҳмуд ўқиган байтларда ҳақиқат уфуриб турибди. Хонақоҳни ҳақиқатнинг ифори тутиб кетди. Дарвешлар анграйиб, ўзларига келолмай қолишди. Аммо ҳаммадан кўп Маҳмуднинг ўзи ҳайрон эди. Бу байтларни қандай айтганини, нима бўлганини ўзи ҳам сезмай қолди. Кейин бирдан бу саволларнинг жавобини топиш учун шайхига юзланди. Уфтоданинг юзида ҳамон ўша гўзал табассум бор эди. Ранги қочган қизил лабларининг орасидан қордек оппоқ тишлари кўриниб турибди.

– Болам, бу ишлар – Худодан. Барчаси Худонинг иши. Бундан кейин сенинг исминг Худой бўлсин... Шундай бўлди ҳам...

## ИСТАНБУЛДАГИ БИР ЖОЙ. БУГУН

*Ҳар кимнинг топинган бир бути бор.*

- Болам, ейсанми? Ма, ол!

Мен бу овозни эшитиб, бошимни китобдан кўтардим. Бошида бироз тушунмай қолдим. Кейин ўриндикда ёнимда ўтирган кампирни кўриб, унга маъносиз қараб турдим. У эса яна табассум билан кўлидаги ширинликни менга узатди:

- Болам, ширинлик ейсанми, деяпман.

Жавоб бера олмадим, чунки ҳали китобнинг таъсиридан чикиб кетмаган эдим, ўзимда эмас эдим. Фақат бошимни чайқаб, «Йўқ, раҳмат», дегандек бўлдим. Бир оғиз ҳам сўзлай олмадим. Бошим говлаб кетган эди. Китоб борган сари ажойибу ғаройиб ҳолга буркана бошлади... Унда айтилган воқеалар – имконсиз нарсалар. Бундай бўлиши мумкин эмас... Ҳозир ҳам китобнинг таъсирида ўзим ўтирган боғдан, ёнгинамда ўтирган бу онахондан умуман узоқлардаман. Фақат жисмим шу ерда, холос.

Ўқиганларим зехнимни остин-устун қилиб юборди, фикру хаёлимни чалкаштириб ташлади. Китобнинг ҳар бир бўлимида бошқачалик, имконсизлик бордек. Масалан, Махмуд афанди кишининг қоқ ўртасида узумзордан узум териб келди. Бу – мен учун имконсиз нарса. Лекин шунинг билганимки, инсон ҳар бир қилган ишини Аллоҳдан деб билиши керак экан. Бир ишнинг урдасидан чиққанида нафсига берилиб, «Буни мен қилдим» дейдиган бўлса, албатта, адашиб, гуноҳ лойига ботар экан. У ҳолда Махмуд афандини ўша ботқоқликдан қутқарган ростдан ҳам Хизр эдими? Ростдан ҳам инсон бошига мушкул тушса, Хизр ҳар доим хозир нозир бўладими? Махмуднинг бирданига илҳом билан айтган шеъри-чи! Инсоннинг оғзидан тўсатдан шундай гўзал шеър чиқиши мумкинми?

Шулар ҳақида ўйлаб ўтирдим, рўпарамда бир йигит пайдо бўлди. У аста-секин менга яқинлашди. У бу ёққа келяпти, лекин билиб турибман, менинг ёнимга эмас.

Ростдан ҳам, у узокдан ёнимда ўтирган қари кампирга хитоб қилди:

– Она, юринг, уйга кетамиз.

Мен ҳеч кими йўқ, бечора кампир деб ўйлаган инсоннинг яқинлари борлигини кўриб, шундай севиндимки, адашганимга хурсанд бўлиб кетдим.

Ўғил онасининг қўлтигидан тутди, иккови бирга йўлга тушишди. Онахон кетаётиб, менга бир қайрилиб қараб қўйди. Нимагалигини билмадим-у, аммо бу қараш менинг ичимни эритиб юборди, қарашининг оғирлиги эса мени уялтирди.

Она-бола кетгач, мен ҳам боғда кўп ўтирмадим. Ўртоғим билан кўришишга келишган вақтимиз яқинлашиб қолибди, шунинг учун ортга қайтдим. Бироқ ўқиганларим, боғдаги онахоннинг кетаётиб, менга маъноли қараб қўйишлари

хаёлимдан кетмай қолди. Ўша боқиш кўз ўнгимда сурат бўлиб, қотиб қолгандек...



Бир неча соат аввал дўстим билан кўришган кафенинг ёнига келдим. Дўстим келиб, мени кутиб турган экан. Саломлашгандан кейин бирга кетдик. Қаерга кетаётганимизни билмаганим учун индамай унга эргашдим.

– Нималар қилдинг? Уйга бориб келдингми? – сўради у.

– Йўқ, бормадим. Бироз айландим, кейин бир чеккада ўтириб, яна китоб ўқидим, – дедим.

– Хмм. Хўш, кейин-чи? Қози Маҳмуд афанди нима қилибди? Нафси уни не кўйларга солибди, нималар қилдирибди? Ёки нималарни қилдира олмабди? – дўстим мени мана шундай саволларга кўмиб юборди.

Ўқиганларимнинг ҳаммасини бирма-бир айтиб бердим. Дўстим ҳаммасидан ҳам Хизр алайҳиссалом ва унинг кўмаги хақидаги гапни эшитиб, анграйиб қолди.

– Борадиган жойимизда мана шуни ҳам сўрайлик, майлими? Эсимга солгин, – деди у ҳаяжонланиб.

– Ҳа, майли, – дедим мен бошимни ирғаб.

Тик баландликлардан ошиб ўтиб, ора кўчалардан боряпмиз. Мен бу ерларни биламан, аввал ҳам ўтганман, лекин ҳозир қаерда кетаётганимизни чамалай олмадим. Ўн дақиқача юргандан кейин бир меҳмонхонанинг олдида тўхтадик. Унинг пештоқиға шундай деб ёзиб қўйилган экан:

**«Мовий Истанбул меҳмонхонаси».**

Эрталаб кўзимга чалинган жой эмасми? Ҳа, худди ўша. Яна тасодифми?...

Меҳмонхонанинг катта ёғоч эшигидан кириб, ичкарига ўтдим. Меҳмонхонадан ҳам кўра эски, тарихий уйга ўхшаб кетаркан бу бино. Меҳмонхонанинг киравериши кўпроқ

китоб ўқиш залларини эслатарди. Бир девор бошдан оёқ китоб жавони экан. Шундоққина кирганда ўнг томонида маслаҳатхона, қабулхонага ўхшаган жой бор экан. Ўша ерда бир ёш йигит ўтирибди. Эрталаб меҳмонхонанинг зинасида китоб ўқиб ўтирган бола-ку! Қўлида ҳам ўша бояги китоб, хали ҳам ўшани ўқияпти. У бизга эътибор ҳам қилмади. Бу ернинг бошқача ҳавоси бор экан. Меҳмонхонага келганингизни сезмайсиз ҳам. Чунки, ҳозир айтганимдек, меҳмонхонага ўхшамайди. Мўъжазгина, шинамгина жой экан, одамга уй ҳароратини, яқинлик ҳиссини берар экан. Меҳмонхона эмас, карвонсаройга ўхшайди. Менга шунақа нарсалар ёқади-да!

Сал нарироқдаги ёғоч стулларга ўтирдик. Бироздан сўнг ёнимизга бир киши келди. Дўстим: «Шу ерда Карим деган киши ишлар экан, ўша киши билан кўришмоқчи эдик», деди.

Бояги бола эса бориб, ўша мен айтган, китоб ўқиб ўтирган йигитни чақириб келди. У ҳам дарҳол биз турган жойга келиб, ниҳоятда мулойимлик билан саломлашди, «Хуш келибсизлар! Мени қидираётган экансизларми? Марҳамат, нима хизмат!» деди одоб билан.

– Мени отам юбордилар, исмлари Ориф. Бир неча йил аввал отам бу ерга тез-тез келиб турардилар. Бир яқин дўстлари бор эди шу ерда. Эрта тонгдан келиб суҳбат қилишарди, бир сафар мен ҳам келган эдим. Исмлари нима эди-я., ҳа, Умар бей бўлса керак! Ўша киши билан кўришмоқчи эдик, – деди дўстим.

Йигитнинг кўзлари қоронгилашиб, қарашларида маҳзунлик пайдо бўлди. Мен нима бўлганини сезгандек бўлиб, энди айтмоқчи эдим, йигит мендан олдин айтишга улгурди:

– Ҳа, Умар амаки эди исмлари... Лекин у киши вафот этганларига сал кам икки йил бўлди.

– Аллоҳ раҳмат қилсин! Билмаган эканмиз, – деди дўстим.

Ҳаммамиз бир оғиздан «Омин», дедик...



– Умар амакини нима учун қидираётгандингиз? – деди Карим.

– Ўзи жуда ҳам муҳим иш эмас. Биз бир китоб ўқиётган эдик, тўғрироғи дўстим ўқиётган эди. Мен ҳам қизиқиб қолиб, унга қўшилдим. Китобда нафс ҳақида кўп нарса айтилган экан. Шу масалада ким билан гаплашсак, кимдан маслаҳат олсак бўларкин деб, хаёлимизга Умар амаки келган эди. Илоё, Умар амакининг жойлари жаннатда бўлсин. Афсуски, энди у кишидан сўрашнинг иложи йўқ экан, – деди дўстим.

Каримнинг кўзлари бирдан чакнаб кетди. Нима учунлигини билмадим-у, дўстим айтган гаплар Каримга жуда ёққани кўришиб турарди.

– Китоб дедингизми? – сўради у. – Аллоҳ раҳмат қилсин, Умар амаки бўлганида, роса у киши билан гаплашадиган мавзу экан-да. Тўғриси айтсам, бу китобга мен ҳам қизиқиб қолдим. Номи нима экан?

Дўстим китоб ҳақида гапириб беришимни истагандек, менга қаради. Мен бир бошдан ҳикоя қила бошладим. Қози Маҳмуд афанди ҳақида, эскифуруш Маҳмуд ота ҳақида, Уфтода ҳақида, энг асосийси, нафс ҳақида гапирдим... Нафснинг шивир-шивирларини, инсоннинг нафси билан мулоқот қилишини, мени қизиқтирган саволларни, тушунмаган жойларимни – барча-барчасини айтиб бердим.

Карим ҳам ҳайрон қолди, ҳам жуда севиниб кетди. Яна билмадим, менга шундай туюлдими... Сўнг бироз тин олиб, нималарнидир ўйлади. Орада финжонда чой олиб келишди, ҳаммамиз бир-икки қултумдан чой ичдик. Менинг нигоҳим эса меҳмонхонанинг деворларида кезиб юрар эди. Ҳар бурчакда ўзгача сеҳр бордек эди. Бу ернинг ҳар бир қаричидан тарих уфуриб турар, ҳаётнинг ифори бордек эди. Энг қизиғи – меҳмонхонада китоб ҳиди анқиб турарди.

– Бу саволларга мен жавоб бера олмайман, – деди Карим. Аммо истасангиз, Умар амакининг кадрдон дўсти бор, эски китоблар сотади, сизларни ўша ерга олиб бораман.

Дўстим билан бир-биримизга кулиб қараб қўйдик. Иккимиз ҳам ҳозирок у ерга боришга тайёр эдик. Ўзи мен режасиз қилинган ишни ёқтирмайман, лекин бунга рози бўлдим. Демак, ўзгаряпман...

Чойларни ичиб бўлгунча бироз суҳбатлашдик. Кейин учаламиз меҳмонхонадан чиқиб, йўлга тушдик. Бир ярим соат юргандан кейин эски китоб сотадиган расталарга келдик. Энг чеккада жуда эски дўкон турарди. Қадимий ва нодир китоблар сотиладиган дўкон экан, ўша ерга кирдик. Ҳаммаёк китоб билан тўла, таъбир жоиз бўлса, оёқ босишга жой йўқ эди. Дўконнинг охири бурчагигача бордик. Ўша жойда ўнгу сўли, орқаси китоб билан ўралган, китоблар орасида ўзи ҳам деярли кўринмай қолган оппоқ соқоли қари амакини кўрдик. Қария кўзойнагини бурнигача тушириб олган эди. Ўзидан ҳам эски, ўзидан ҳам катта ёшдаги бир китобни ўқиб ўтирибди. Қария аввалига бизнинг келганимизни пайқамади.

Карим кекса амакига салом бериб, бизни таништирди. Саволларимиз, қизиқишларимиз ҳақида, ўқиётган китобимиз ҳақидаги ҳамма нарсани айтиб берди. Меҳмонхонада Каримнинг кўзида чакнаган учқун бу амакининг кўзида ҳам кўринди.

– Қани, келинлар, болаларим, – деди у бурнигача тушиб кетган кўзойнагини тўғрилаб.

Сўнг ёнига ўтиришимиз учун бир неча стулча қўйди. Биз унинг атрофига ўтириб олдик.

Китобчи амакининг исми Хусайнбей экан. Мен ҳаммасини яна бир бошдан айтиб бердим. Нима ўқиган бўлсам, окизмай-томизмай ҳикоя қилдим. Азиз Махмуд Худой, Уфтода – ҳамма-ҳаммасини айтдим. Айниқса нафс ҳақида, унинг

пичирлашлари, гаплашишлари, васвасаларини гапирдим... Мен хикоя қилар эканман, чой олиб келишди. Бугун роса чой ичадиган кунимиз экан. «Биз турклар чой ичмасак, ўлиб кетмасак керак», деб ўйлаб қўйдим. Бир томондан чойдан ўйлаб, бир томондан хикоя қилишда давом этдим. Улар ҳам жон қулоқлари билан тинглашди.

Гапларим тугагач, Хусайнбей кафтини иягига қўйиб, бир муддат ўйга толиб турди. Кейин эса секингина икки оғиз гапирди:

- Азиз Махмуд Худоий... Нафсини ўлдирмасдан ўлмаган авлиё...

У яна ўйга толди. Қариянинг юзидаги ажинлар диққатимни тортди. Мен унинг кўзойнагидаги бир-бирига уланган қисмларга тикилиб қолдим. Шимидаги ямоқлар ҳам кўзимга ташланди. Аммо негадир бу кекса одамнинг ҳолати менга ҳузур берди.

- Болаларим, сизлар айтган воқеалар жуда ажойиб! Шу баҳона бир авлиё зотни эслаган бўлдик. Китобда айтилганлар айти ҳақиқатнинг ўзгинаси. Дарҳақиқат, Азиз Махмуд Худоий мана шундай синовларни, риёзатларни бошидан кечирган. Тўғри, китобда хаёлий, тўқима образлар ҳам бор. Лекин шу нарса ҳақиқатки, авлиё зотлар машаққатли йўлни танлаганлар. Буюк зотларнинг синови ҳам буюк бўлади. Энди айтинглари-чи, сизлар мендан нима истайсизлар? Нимани сўрамоқчи эдингиз?

- Нафс! - деб юбордим мен бирданига. - Нафснинг нималигини билмоқчи эдик. У инсон билан ҳақиқатан гаплашадими ёки йўқми? Биз мана шу нарсаларга қизиқяпмиз. Қария менга табассум билан қаради, сўнг чойидан бир култум ичди.

- Эшит, болам. Бугунги одамлар дунё деган нарсани фақатгина исми ва жисми билан танийди. Биз - гафлат замонида туғилган гофил инсонлармиз. Биз «Дунё биз учун

яратилган, у бизники», деб ўйлаймиз. Ҳолбуки, дунё ҳар бир мусофирга «Мен сеникиман» деб, унинг қалбини ўғирлаб, ўзини ташлаб кетади.

Қадимда яшаган одамларнинг тилида дунё деган нарса фақат мол-дунёдан иборат эмас эди. Дунё – нафс дегани, хирс, орзу-хавас, кибр, шаҳват, гина-кудурат, нафрат дегани эди... Улар учун бу дунёда яшаш эмас, балки ундан қутулиб, омон қолиш муҳим бўлган. Бизнинг замонамизда эса дунёга эга бўлиш энг олий мақсад бўлиб қолди. Аввалги инсонлар яшашни мажбурият деб билишган, биз эса дунёни зарурат деб ҳисоблаяпмиз. Тилимизда «Ҳаёт фақатгина бу дунёдан иборат эмас», деймиз, лекин яшашимиз, хатти-ҳаракатимиз худди бу дунёда абадий қоладиган одамникидек.

Ўша аввалги одамлар дунё ва шайтоннинг асосий ҳамкори нафс эканини жуда яхши билишган. Нафс – шайтоннинг малайидир, унинг иши – инсонга шайтоннинг буйруғини бажартириш. Нафс инсонга дунёнинг ўткинчи завқларини севдиради. Нафс жуда маккор душмандир. «Нафс инсон билан гаплашадими?» деб сўраяпсан-ку! Ўша нафснинг яна бири исми «нафси нотиқа», яъни нутқ қилувчи, гапирувчи нафсдир. У ҳар доим сенинг ичингда яшайди, ҳеч қачон тўхтамайди! У сўз, калом, овоз билан эмас, балки ҳистуйғулар билан хитоб қилади! Бу нафс менинг ичимда ҳам, сизларнинг ичингизда ҳам бор, ҳаммада бор. Неча ёшда, қаерда, қачон, қай вазиятда бўлишингдан қатъи назар, у доим бор бўлади, унинг овози ўчмайди... Масалан, мен сизларга мана шуларни айтаётганимда, ичингизда бирор овоз гимирамдими? Кимдир гапиргандек бўлмادими?

У шундай деб, бироз сукунатга берилди.

Мен беихтиёр ичимга кулоқ солдим. Ҳа, ичимдан бир овоз: «Нима қилардинг шунча йўл босиб, танимаган одамингнинг ёнига келиб? Биттагина китобни деб нималар қилиб юрибсан ўзи?» деб шивир-шивир қиляпти. Ҳаммасини эшитиб

турибман, лекин ўрганиб қолганим учунми, бу менга оддий ҳоладек туюлди.

– Сизнингча, нима қилишимиз керак? – дедим.

– Фарқни англаб олишимиз керак, – деди Хусайнбей. – Нафснинг айтган гапларига кўнглимиз шунчалик кўникиб қолганки, уни тинглаётганимизни билмай ҳам қоламиз. Демак, аввало нафсни фарқлай олишимиз керак. У бизга кўпроқ қайси ҳолларда, қайси заиф нуқтамизга ҳужум қилади? Мана шуни билиб олишимиз керак. Чунки инсон ўзини яхши танийман деб ўйлайди, аммо аслида биз инсонлар ўзимизга бегонамиз. Инсон баъзи вазиятларда ўзи ҳам ўзини танимай қолади, ҳолатидан ҳайратланади. Яна ҳам очикроқ айтадиган бўлсам, ҳар бир инсоннинг сигинадиган «бути» бор. Қанчалик йўқ деса ҳам, бор ўша бут. Ана шу нафс – ичимиздаги бутхонадир. Қайси жиҳатимиз ожиз, нотавабон бўлса, у ўша томондан ҳужумга ўтиб, бизнинг нозик нуқталаримиздан кўнглимизда бут ясайди. Кимнингдир бути шон-шуҳрат, мансаб бўлса, яна бошқасининг бути шахватдир, кимнингдир бути пул, баъзиларнинг бути фарзанд ёки ҳаётдир. Буларнинг бари нафснинг севган нарсаларидир. Бу нарсалар Аллоҳга хуш келадиган хислатлардан устун тугилса, ана ўша энг катта гуноҳдир, жинойтдир. Бут бизнинг Аллоҳга юзланишимизга тўсқинлик қилаётган бўлса, у ҳолда бизларни Ундан узоқлаштирган ҳар бир иллатнинг номи – бутдир. Тўғри, биз бутпараст эмасмиз, лекин билингки, ҳар бир инсоннинг сигинадиган бир «бути» бор.

Мен ҳайрат ичида қолдим. «Менинг кўнглимда ҳеч қандай бут йўқ, ахир мен мусулмонман, алҳамдулиллаҳ», дедим ичимда. Лекин шундай бўлса ҳам, Хусайнбейнинг сўзлари ҳақида ўйлаб қолдим. Бу гаплар миямда айланиб тинмади. Менинг нафсим менга нимани яхши қилиб кўрсатяпти? Нима билан мени Аллоҳдан узоқлаштиряпти? Қандай қилиб буларнинг

хаммасини менга сездирмай қияпти? Мен нега буни хис қилмаяпман? Нима учун фарқига бормаяпман? Нуроний отахоннинг ўша сўзлари юзимга тарсаки ургандек бўлди:

– Хамманинг ҳам «бути» бор...

Хусайнбей билан кўп нарса ҳақида суҳбатлашдик. Унга кулоқ солиб ўтирибман-у, аслида уни онгли равишда тингламаяпман. Мени ҳали ҳам ўша жумла ўйлантиряпти. Жумланинг огирлиги мени эзиб қўйди. Ҳеч нарсани тушунмаяпман...

Хусайнбейнинг эски, нодир китоблар сотиладиган дўконида яна бир неча соат ўтирдик. Суҳбатимиз тугаб, у ердан чиқар эканмиз, Хусайнбей: «Яна келинлар, кутаман», деди.

Мен бу ерга яна келаманми, йўқми, билмайман. Хусайнбейга табассум қилиб, хайрлашдим-у, биргаликда дўкондан узоқлашдик. Бугунги тасодифларга тўла кундан миямда ўша биргина савол қолди:

– Менинг қалбимда ҳам нафсим ясаган бут борми?



Уйга жуда кеч келдим. Хусайнбейнинг китоб дўконида чикқандан кейин бир ўзим бироз сайр қилиб, пиёда кетаман деб, дўстим билан хайрлашдим. Бир неча соат йўл юрдим. Жисмим ҳолдан тойди, лекин зехним уйғона бошлаганини хис қилдим. Жуда ғалати бўлиб кетдим. Ичимда шивир-шивир қилиб гапираётган кимдир бор экан! Мен тинмай шу ҳақда ўйлаяпман. Қандай бемаънилик! Билмайман, мени негадир кўркув босиб қолди.

Уйга киргач, бироз телевизор кўрдим, лекин фикру хаёлим китобда. Ўқимоқчиман, лекин телевизорнинг олдида ҳам кета олмаяпман. Сўрасангиз, тузук-курук ҳеч нарса кўрмаяпман ҳам. «Ёки бунинг ҳам ортида нафс бормикан?» деб қўяман. Китобни очиб, ўқишга қўлим бормаяпти.

Истасам ҳам, нимадир орқага тортиб турибди...

Ўзимда куч тўплаб, биров нафсимни қийнашга аҳд қилдим. Чунки ичимдаги овозга енгилишни истамаяпман. Бир ҳаракат билан ўрнимдан туриб, телевизорни ўчирдим. Сумкамдан китобни чиқардим. Аввалига стол атрофида ўтириб ўқимоқчи бўлдим, кейин бу фикримдан воз кечдим. Ўтириб ўқисам, нафсим кўзларимни алдайди, яна ухлаб қолишим мумкин. Тик туриб, у ёқ-бу ёққа юрган ҳолда ўқий бошладим.

## ТҮРТИНЧИ МАРТАБА

# НАФСИ МУТМАИННА\*

*«Эй ҳузурга қовушган нафс!»\*\**

Нафси мутмаинна – кўнглидан шубҳалар ариган, қалби ҳузурли, ҳақиқатни англаб, қониқиш ҳосил қилган нафс деганидир. Бу мартабада инсон Аллоҳдан келган илҳом билан, маънавий куч билан кўнгил хотиржамлигига эга бўлади. Ҳар бир нарсанинг Аллоҳдан эканига ишонч ҳосил қилади. Нафси амморанинг белгилари бўлган ширк, зулм, ёлғончилик, шаҳватпарастлик, нафсининг ҳар қандай орзуйини қондириш, кибр, хасислик, ҳасад, кўра олмаслик, хиёнат каби ёмон сифатларни тарк қилган бўлади. Иймони кучайиб, тақво либосини кийган бўлади.

Нафси мутмаиннанинг сифати – амал ва ихлос (ҳар бир амални ихлос билан қилиш), таваккул, жўмардлик ва риёзат, нафсни қийнаш, ибодат, шукр ва рози бўлишдир.

\* Тасаввуфда нафсининг етти мартабасидан тўртинчиси. Бу мартабада Аллоҳнинг севгиси билан қалб кўзи очилган инсон ҳар заррада Аллоҳ таолони эслайди, қалбида шубҳа, кўркув қолмайди.

\*\* Фажр сураси, 27-оят.



БУРСА, 1579

## МАХМУД ХУДОЙЙ

*«Сенинг ишқинг сувни ҳам ёндирибди...»*

Кунлар ўтиб борапти. Ҳамма нарса, ҳамма жой, ҳамма одамлар ўзгарапти. Аммо энг кўп ўзгарган инсон – Маҳмуд афанди эди. Энди бой-бадавлат, обрў-эътибор эгаси бўлган ўша аввалги Маҳмуд афандидан асар ҳам йўқ, у бутунлай бошқа одамга айланган. Тавозе вужудининг ажралмас қисмига айлангандек. Кибр, дунё муҳаббати, мақом хирси унга бегона, энди унинг лугатида буларга ўрин йўқ. Қози бунга қандай эришяпти, очиги, мен ҳам била олмадим. Қисқа муддат ичида Маҳмуд афандининг машаққат йўлида эришган натижаларига хайрон қолмай иложим йўқ. Тан олишим керакки, у ҳар бир ишни чин дилдан, кучли ихлос ила адо қилди. Ахир мен унинг ичини жуда яхши биламан. Қози бу дунёни истамас, унга қизиқмас эди, бу ҳаётга мажбурликдангина чидаётган эди. Бу дунё карвонсаройида

ўзини меҳмон деб биларди. Олдинлари Маҳмуд афанди бундай эмас эди. Хонақоҳга келганига ҳали унча кўп бўлмаган бўлса ҳам, Маҳмудда катта ўзгаришлар юз берди... Энди унинг исми ҳам ўзгарди: Маҳмуд Худойй...

Одамлар унинг Маҳмуд деган исмини унутиб ҳам юборишди, фақатгина Худойй деб чақиришади. Халқ орасида ҳам Худойй деб танилди.

Унинг Аллоҳга тақвоси, риёзати кундан-кун ортиб борди. Кўзларига уйқу кирмас, деярли гапирмас, жуда кам кулар эди. Мен уни тўхтатишга қанчалик уринсам ҳам, менга кулоқ солмади. Гўзал илҳомлар келиб, тилида ажиб шеърлар айланар, ўшаларни айтиб юрар эди. У Рамазондан бошқа пайтда ҳам рўзани тарк қилмади. Бир куни шайхи «Қорни тўқ одамнинг қалби дунёга мойил бўлади», деган эди, ўша кундан бери рўзани маҳкам тутди.

У шайхининг эшиги остонасида ётар, кечалари ҳам унинг хизматига тайёр эди. Пири айтган ҳар бир гапни худди шахсан ўзига айтилгандек қабул қилар, уларга сўзсиз бош эгарди. Кези келганда мен, яъни нафс билан курашар, азобланса ҳам сабр қилар, менинг орзуларимни мутлақо бажармас, мен нафс бўлсам ҳам, унинг олдида ожиз қолар эдим.

Бир куни ярим тунда, ҳамма қаттиқ уйқуда ётган пайтда у кўлларини очиб, Аллоҳга ёлворди, тавбалар қилди. Тинмай сажда қилаверди, қилаверди. Мен унга уйқуни эслатиб, кўзларига уйқу илинтирган сарим менга ўчакишиб, кўллари билан кўзларини ишқалар, ухламасликка ҳаракат қилар эди. Бироқ, барибир у ҳам бир инсон-да! Уйқусизликка, менинг сўзларимга қачонгача чидай оларди? Мана, чидай олмади, мудроқ босиб, уйқусиради. Ниҳоят, қаттиқ ухлаб қолди. Мен яна голиб бўлдим!

Қози бомдод намозига айтилган азон овозидан чўчиб уйғонди, бир зумда ўзига келди. Аввалига кўзларини оча олмагандек бўлди, лекин кейин бирдан ўрнидан сакраб

турди. У шайхи учун хар куни иситадиган таҳорат сувини тайёрламаган эди! Кеч қолди! Азон эса деярли айтиб бўлиняпти...

«Нима қилиб қўйдим?»

Маҳмуд ўзини ўзи беаёв сўроққа тутди.

«Энди нима қиламан?»

Маҳмуд саросимага тушиб, довдираб қолди.

Чопиб бориб, у ёқдан-бу ёққа елиб-югуриб, ўчоққа ўтин териб келди.. Ахир бироздан кейин устози Уфтода хонасидан чиқиб келади-ку! Маҳмуд дарҳол бориб, обдастага сув тўлдирди. Ўчоққа ўтин қалашга уриниб кўрди. Лекин хаяжонданми, устозининг олдида хижолат бўлиб қолиш ҳиссиданми, қўллари қалтираб, олов ёқа олмади. Қандай қилиб сувни тезроқ иситиш ҳақида ўйлади. Кўзидан ёшлар тўкилди, аммо бошқа чораси йўқ эди. Мен эса ич-ичимдан яйраб, севиниб кетдим! Ахир Маҳмуд менга кулоқ солиб, гафлатда қолди-да! Хурсандлигимдан ўйин тушиб юбордим.

Маҳмуд алам билан ўчоққа қараб қўйди. Кўлидаги обдастани кўтариб, хонанинг ичида мақсадсиз у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Буни қарангки, минг уринса ҳам, ўчоққа олов ёқа олмади!

Азон айтиб ҳам бўлинди, лекин ҳали таҳорат суви тайёр эмас. Бирдан шайхи ўтирадиган хонанинг эшиги гичирлади. Маҳмуднинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди, турган жойида қокқан қозикдек қакқайиб қолди. Туришни ҳам, боришни ҳам билмас, чорасиз эди. Шу кичкина хато уни яна бошлаган жойига қайтариши мумкин! Маҳмуд ҳатто «Энди хонақоҳдан қувиламан!» деб ўйлади. Ахир бироздан кейин бу ерга устози кириб келади-ку! Сув эса муздек... У мана шуларни ўйлаб, хаёлга чўмди. Осмон узок, ер қаттиқ эди... Маҳмуд шайхининг қадам товушларини эшитиб турибди. Хар бир қадам унинг қалбини эзипти. Нима қиларини билмай, ерга чўккалаб ўтириб олди-ю, қўлларини дуога очди:

– Аллоҳим! Мен гафлат уйқусида қолдим. Чорасизман, мен фақатгина Сен ёрдам бера оласан! Бандангдан ёрдамнинг дариг тутма!

Махмуд шундай деб, қўлидаги совуқ сув тўлдирилган обдастани бағрига босди. Бечора шу билан сув хариғ бироз ялиб қолар деб умид қилди, шекилли. Мен эса голиб бўлаганимдан байрамни бошлаб юбордим. Чунки бу вазиятда фақатгина Махмуд Худойини эмас, балки Уфтодани ҳам енгиб, бир ўк билан икки қуённи урган эдим!

Уфтоданинг қадамлари борган сарияқинлашар, уяқинлашган сари Махмуд Худойининг кўзларидан шашқатор ёшлар оқар, музаск обдастани бағрига яна ҳам қаттиқроқ босар эди. Кўзлари йиғлаяпти, тилида эса Аллоҳни зикр қилар. титраб-қакшаб, тинмай шу сўзларни қайтарар эди:

– Ё Карим, ё Аллоҳ! Ё Ҳаким, ё Аллоҳ!

Махмуд Худой мана шундай ўзини йўқотган ҳолда ўтирар экан, Уфтода кириб келди. Уфтода ўша ердаги тош ўриндиқлардан бирига ўтириб, рўпарасида қўлида обдаста ушлаб турган Махмуд Худойга қаради. Махмуднинг юзи саргайган, лабларидан ранг қочган эди. У тинмай титрар, изиллаб, унсиз йиғлар эди. Уфтода аста-секинлик билан, шошиламай қўлларини шимарди. Бошидаги дўпписини бироз орқага суриб қўйди. Кейин эса қўлларини чўзиб, Махмуд Худойининг сув қуйишини кутиб турди. Махмуд Худой дир-дир титради. У сув қуядиган ҳолатда эмас эди. Ичида эса «Аллоҳим, Ўзинг яғонасан, менга мадад бер!» деб, обдастани бағрига яна ҳам қаттиқроқ босди.

Уфтода бошини кўтармай, Худойга ҳам қарамасдан, «Худой, сувни қуй, ўғлим», деди. Махмуд Худой эса қимирлашга ҳам мажоли қолмай, шайхининг қўлига сув қуймай тураверди. «Ҳазратим... ҳалиги... сув...» деб дудукланган эди, Уфтода уни гапиришига қўймади, гапини бўлиб, буюрди:

– Куй, болам, куй!

Махмуд афанди титраб турган қўллари билан обдастани бағридан чиқарди. У муздек сувни шайхининг қўлига куйишни истамас, аммо унинг сўзини ҳам ерда қолдира олмас эди, унга қарши чиқишга ботина олмас эди. Юрак-бағри пора-пора бўлиб, нима қилишни билмай қолди. Нафаси тўхтаб қолгандек, юраги эса қинидан чиққудек гурсиллаб урар, гўё учиб кетмоқчидек типирчилар эди.

– Сувни куйсанг-чи, болам! – деди Уфтода яна бир марта.

Махмуд Худой қалтираб-титраб, обдастани пирининг қўлига яқинлаштирди, кўзларини юмиб, нафасини ичига ютди, сўнг обдастанинг жўмрагини устозининг қўлига тўтрилаб, бироз энгаштирди.

Сув обдастанинг жўмрагидан чиқиб, устозининг кафтига оққан сари Махмуд афандининг жони чиқиб кетаётгандек эди. Ахир ҳозир обдастадан шайхнинг қўлларига муздек сув оқади! Махмуд Уфтодани ўз отасидек севиб, эҳтиром кўрсатгани учун унга нисбатан заррача ҳурматсизлик қилишни истамас, том маънода унга совуқ сувни ҳам раво кўрмас эди. Ахир уни тўқлик жаҳаннамидан йўқлик жаннатига Уфтода олиб кирган эди. Совуқ кунда ҳар куни илиқ сувга ўрганиб қолган кекса одамга муздек сув куйса, ўзини устозига нонкўрлик қилгандек ҳис қилар эди. Аммо айнан мана шу ҳис-туйғулар исканжасида устозининг айтганини қилмаслик, уни куттириб куйиш ҳам мислсиз одобсизлик кўринди. Махмуд ана шундай хаёллар билан Уфтоданинг оппоқ, ингичка бармоқларига сув куйишда давом этди. Аммо Махмуд обдастадаги сувнинг ҳолатидан хабарсиз эди...

Бу ҳолатнинг нимасидир ғалати эди.

Сув Уфтоданинг қўлларига теккач, бирдан сесканди, ҳатто қўлларини бирдан тортиб олмоқчи ҳам бўлди. Махмуд устозининг муздек сувдан сесканганини кўриб, адои тамом

бўлди. Аммо Уфтода бошини кўтариб, Махмуд Худойинга кулимсираб қараб, шундай деди:

– Болам, бу сув мунча иссиқ? Қўлимни куйдирай деди-я!

Тинмай Аллоҳдан ёрдам сўраётган, устозининг олдида айбдор қилмасликни умид қилаётган Махмуднинг кўзлари бирдан катта-катта очилди, аммо саволни тушунмагандек, гангиб қолди.

Уфтоданинг қўли совуқдан эмас, иссиқдан сесканган эди!

Обдастадаги сув қандай қилиб қўлни куйдирадиган даражада исиб қолганини мен ҳам тушунмай қолдим. Ахир hozиргина бу сув музлаб, қақшаб ётган эди-ку! Уфтода бўлса «Сув қўлимни куйдирай деди», деяпти. Махмуд Худойининг ёш тўла кўзлари Уфтодага ҳайрон тикилиб турар эди.

– Ўғлим! Бу сув ўтин билан иситилганга ўхшамаяпти. Бу сувинг ишқ оташида қайнагани учун бизни ҳам куйдирди.

Худойй турган жойида қотиб қолди. Гапира олмай, тили лол бўлди, нафаси ҳам тўхтаб қолгандек бўлди. Бу ҳолатдан ўзи ниҳоятда ҳайратда эди. Ҳеч нарсани тушунмай қолди... у фақатгина йиғлар, чунки ҳолатни биров англай бошлаган эди. Ахир устози Уфтода ўғитларида «Йиғласанг, англаб етасан», дер эди, «Англаб етсанг, йиғлайсан», дер эди.

Худойй фақат ва фақат йиғлади. У ҳаммасини англаган эди...

– Болам, – деди Уфтода Худойининг қоп-қора кўзларига қараб. – Энди бу хонақоҳ сенга торлик қилади. Сен имтихону синовлардан ўтиб бўлдинг! Ишқингнинг олови муздек сувни қиздириб юборибди...

БУРСА, 1580

## МАХМУД ХУДОЙЙ

*«Бутун дунё бизнинг хонақоҳимиздир,  
олисларда сени кутаётганлар бор».*

Ўша куни намоздан кейин бир дақиқа ҳам бир-бирларидан узоқлашмадилар. Уфтода сўзлади, Маҳмуд афанди тинглади. Маҳмуд айрилиқ они келганини сезиб, тўхтамай йиғларди. У ҳаммасини англаб етган эди. Мен ҳам уларнинг ёнида эдим. Бу қандай ғалати ишқки, мен ҳам уларни тушуниб турар эдим. Ахир мен нафс эдим-ку? Инсонни йўлдан оздириб, кингир ишларига шерик қилувчи нафс эдим... Ҳамма нарсага гувоҳ бўлиб, уларнинг энг яқинида бўлсам ҳам, тилдан қолган соқовдек эдим. Лом-лим дея олмадим. Менга нимадир бўлаётган эди. Мен Уфтоданинг ўғитларини Маҳмуд билан бирга эшитаётган эдим, бу икки улуғ зот ўртасидаги гўзал суҳбатга ҳайронлик билан термулиб қолган эдим.

Уфтода ҳар бир жумланинг охирини айрилиқ, видолашиш каби каломлар билан муҳрлади. Худойй ҳам айрилиқ билан боғлиқ сўзларни ҳар эшитганида жонини бериб, ўлиб-тирилгандек бўлди, ўзини тўхтата олмай, хўнг-хўнг йиғлади.

Нихоят, Уфтода оппок, ингичка бармоқлари билан Худойининг титраётган қўлларини тутди:

– Болам! Сен уч йилдек қисқа муддат ичида анча масофани босиб ўтдинг. Бу ҳазил иш эмас. Ким Аллоҳга дўст бўлмоқчи бўлса, У Зот унинг ёри, хабиби бўлади. Сен бу йўлга кириш учун бутун дунёдан воз кечдинг. Нафсингнинг шивир-шивирларини эшитсанг ҳам, унга асло қулоқ тутмадинг. Бу йўлдаги самимиятинг, ихлосинг, ишқингнинг олови ҳатто сувни ҳам ёндирди. Очиғи, мен ҳайратда қолдим. Қаерга қадам боссам, ўша ерда сенинг изингни кўрдим. Ҳар ерда сен борсан. Қани, энди менга айт-чи, бир жисмда иккита бош бўладими? Бир кўз устида икки қош, бир йилда икки ёш бўлиши мумкинми? Бундан буён сен бир жойда қолмаслигинг, йўлга чиқишинг, толиби илмлар қўлидан тутишинг, овозингни эшиттиришинг, талаба эмас, балки йўл-йўрик кўрсатувчи пири комил бўлишинг керак...

Худойий йиғидан жавоб бера олмас, кўксига ўқ санчилган инсондек типирчилар, йиғлар, аммо сўзлашга мадори йўқ эди.

– Болам, – деди яна Уфтода. – Бу дунёдаги инсонлар уйқусида юриб чиқувчилар кабидир. Улар уйқуларида ётоқларидан чиқадиладар, у ёқдан бу ёққа юрадилар, аммо ўз ҳаракатларидан беҳабар, гофилдир. Бу дунё инсонлари ҳам мана шундай. Қачонки оёғига бирор нарса ботиб, бошини бирор жойга уриб олсагина уйқусидан уйғонади, қаерга келиб қолганини ўшандагина пайқайди. Сен ҳам шундай эдинг, Маҳмуд! Шон-шуҳрат, мол-дунёдан маст-аласт эдинг. У пайтлар буларнинг бари туш эканини, уйғонганинга қўлинг бўш қолишини, ҳаммаси сароб эканини билмас эдинг. Мен сени ўзига келсин деб, оёғингга саалгина туртиб қўйдим, холос. Туш эканини англаб етсин деб, уйқудан уйғотдим. Дунё ишларидан қанчалик узоқлашсанг, Аллоҳга шунча яқинлашасан. Дунёга, нафсига муҳаббат қўйган одам



асло Аллохни севаман деб иддао қила кўрмасин! Бу қип-қизил ёлгон бўлади ёки ўзини алдаган саналади. Хайриятки, сен буларнинг фарқига бординг, бўтам. Нафсинг йўлидан юрмадинг, хақиқатни хаёлга, тушга алмаштирмадинг. Синовлардан муваффақиятли ўтдинг!

Худойнинг кўзлари қонгалаш бўлиб кетган, худди энди ҳеч қачон тўхтамайдигандек, шашқатор ёш тўкар эди. Бир неча соатдан бери мана шундай кўз ёш тўкяпти. У ҳам ҳайрон, ҳам маҳзун эди... Ахир Уфтода «Сен етилдинг, пишдинг», деди. Маҳмуд устозининг бу таърифига ўзини лойиқ кўрмай, ичида «Мен ким бўлибманки...» деган гапларни ўтказди. Менинг эса бу тавозе, хокисорликка сабр қила олмай, ичларим ёниб кетди.

Уфтода гапдан тўхтаб, жим бўлиб қолди. Орага қисқа фурсатли сукунат чўкди. Уфтода ҳеч нарсани билдирмади, аммо у ҳам жуда маҳзун эди. Бир томондан юраги сиқилиб, ичига чирок ёқса ёришмас, бошқа томондан, Худойнинг бу йўлга отланиши унинг кўнглини хурсанд қилар эди.

Сал ўтмай, Уфтода оёққа турди. Худой ҳам устози билан баробар турди, лекин бошини ердан кўтармади, устозига қараб ҳам қўймади, чунки қарашга юраги дош бермади.

Уфтода кўлларини салласига олиб борди, тилида бисмиллохни такрорлаб, бошидаги саллани ечиб, кўлида бирпас ушлаб турди. Дуо қилишда давом этди, лаблари титради. Сўнгра саллани Худойнинг бошига кўндириб, титроқ овозлари билан шундай деди:

- Ўғлим, энди йўлга отланиш вақтинг келди. Сафаринг қариди. Она юртинг Савриҳисорга бориб, у ерда ўз хонақоҳингни қургин. Қалбингдагиларни халққа улашгин. Ҳақни тушунтириб, уларнинг кўнглини ол! Сен қалбингни Аллоҳ севгиси билан тўлдирдинг, ишқ диёрига ялангоёқ кирдинг. Уларга ҳам ишқ эшиги барча учун бирдек очик эканини тушунтир. Нафсинг

оёқ-кўлини қандай боғлаганингни, бурнини ерга қандай ишқаганингни сўзлаб бер. Бу ўткинчи дунёнинг туш эканини, энг катта душманимиз нафс эканини эслаат. Яхши-ёмон кунда ҳам, тўқчилигу йўқчиликда ҳам, қийинчилигу фаровон кунда ҳам ризқ берувчи фақатгина Аллоҳ эканини англаат. Йўқчиликнинг ҳам, тўқчиликнинг ҳам Робби Аллоҳдир. Дарднинг ҳам, муҳаббатнинг ҳам Парвардигори У Зотдир. Одамзод эга бўлган бирон нарса йўқ, у ниҳоятда ожиздир, нотавондир. Буларнинг барини Савриҳисордагиларга тушунтириб бер. Шундай англаатгинки, йиғлай олсинлар! Шундай англаатгинки, Аллоҳни танисинлар! Уфтоданинг ҳамон кўллари қалтираб, овози титраб турарди. Худой эгиб турган бошини бирдан кўтариб, устозининг кўлларига эгилди. Энди унинг йиғиси оддий йиғи эмас, балки сел ёмғири эди. У Уфтоданинг кўлларида ўпди, аммо гапиришга ўзида зўрға куч топди:

– Ҳазратим... буни мен қилмадим... Ўша сувни мен қуйдирмадим, мен қайнатмадим. Мен фақат уни бироз иситмоқчи эдим, сизни совуқ сувда таҳорат қилмасин дегандим, холос. Менинг айбим йўқ. Мен ҳали пишиб етилмадим. Илтимос, мен кетмайин! Ёлвораман, мени бу ердан жўнатманг. Сизсиз нима қиламан ахир? Яна ўша нафсимнинг гирдобига тушиб, кўлида азоб чекаман-ку. У мени яна йўлдан оздиради, ўз йўлига буриб олади! Илтимос, мени бу ердан ҳайдаманг...

Худой биринчи марта устозининг бир сўзини икки қилаётган, унга «қулоқ солмаётган» эди. Аммо ҳаммасидан ҳам мен ўзимга ҳайрон бўлдим, газабландим, ўз ёғимда ковурилдим. Дарҳақиқат, оёқ-кўлим боғланди. Булар қандай инсонларки, уларга кучим етмаса? Шу пайтгача англаб ета олмаяпман. Улар мени ҳам ўзларига ўхшатиб қўйишди, энди уларга қаршилиқ қила олмаяпман.

Уфтода Худойнинг зафаронга айланган сариқ юзига жилмайибгина боқди. Унинг кўз қорачиқлари катталашган, йиғидан қизариб кетган эди.

– Худой, ўғлим! Сен ўзингга жуда паст баҳо бериб юборяпсан, ўзингни танимаяпсан! Сенда самимият бор, тавозе бор, сенда ишқ бор, унинг ҳарорати кўзларингда кўриниб турибди! Яна нафсинг кўлига тушишдан ҳадиксираяпсан, кўркяпсан. Тўғри, бундан кўрқиш керак. Лекин шуни ҳам билгинки, сен нафсингнинг оёқ-кўлини аллақачон синдириб бўлдинг. У сенинг ёнингга йўлашга ҳам кўрқиб қолган. Шундай экан, йўлингдан қолма, борақол, ўғлим...

– Ҳазратим! Ўтиниб сўрайман, мени хузурингиздан қувманг. Сизсиз қандоқ қиламан?

– Болам! Худой! Бизнинг хузуримиз – йўқлик диёри. Буни сенга доим айтаман. Хонақоҳ деганинг ушбу тўрт томони ўралган девордан иборат эмас-ку! Бутун дунё бизнинг хонақоҳимиз. Олисларда сени кутаётганлар бор...

Худой тинмай йиғлар, шайхининг кўлларини бир он бўлса ҳам қўйиб юбормас эди. У устозининг гапларига нима деб жавоб беришни билмай қолган эди. Чунки шайхи «йўлга отлан» деб буюрган, энди бу амрга қарши чика олмас эди.

Уфтода кўлини Худойнинг бошига қўйди. Ота боласининг бошини силагандек силади:

– Қани, бўлмаса йўлга отлан энди, болам! Бориб, ҳамма билан хайрлашиб, рози-ризолик олгин-да, манзининг сари отлан.

Худой ҳеч нарса демади. Истамайгина шайхининг кўлини қўйиб юборди. Етим қолган боладек қадини букди, боши эгди. Ортига ўгирилиб, бир-икки қадам ташлади, сўнгра яна қайтиб, Уфтоданинг кўлларидан такрор ўпди. Сўнг ўгирилиб, ортига қарамай йўлга равона бўлди.

Дарҳақиқат, менинг кўл-оёғим сингандек эди. Худойи мени ўлдирмаган, балки ўлгандан ҳам баттар қилган эди. Ўзимни унга тинглайтира олмадим. Энди у билан бирга бўлишни истамай, қочмоқчи бўляпман. Чунки Худойи нафсига, яъни менга азоб беряпти, жонимни оғритяпти. Ундан қочиб кутула олаяпман. Бу ҳам етмагандек, қаерга борса, мени ҳам судраб олиб кетяпти. Энди у мендан эмас, мен ундан кўрқяпман...

САВРИҲИСОР, 1580

## МАҲМУД ХУДОИЙ

*Олгувчи ҳам Сенсан, бергувчи ҳам  
Сенсан, бўлдирувчи ҳам Сенсан!*

Худойининг Савриҳисорга келганига олти ой бўлди. Худойий устозининг ўғит ва тавсияларини она диёри Савриҳисорда амалга ошириш учун аҳли аёли, фарзандлари ва қайноғаси Али Чалабийни ҳам бирга олиб келди. Ўзимча «Агар Худойий устози Уфтодадан узоқда бўлса, уни осонлик билан йўлдан ураман, истаган васвасамни истаганимда қулогига шивирлайман», деб ўйлаган эдим. Чучварани хом санаганимни кейинроқ тушуниб етдим. Маҳмуд Бурсада мендан қочиш, мени ўзидан узоқлаштириш учун қандай ибодат, қандай амал қилган бўлса, Савриҳисорда ўша амалларни икки баробар оширди. Кечалари ўқийдиган намозларининг ракаатига ракаат, рўзаларига рўза қўшди, ибодатларини янада кўпайтирди. Халқни ҳидоят йўлига бошлаш учун қилган суҳбатларидан бошқа ҳолатларда бирорга кераксиз сўз ишлатмади, лом-лим демай юраверди.

У менинг бир бурчакда пайт пойлаб, Уфтодадан узоклигидан фойдаланиб, хужум қилишимни билиб тургандек, эртаю кеч ибодат гамини еди.

Устозидан хар канча узокда бўлса ҳам, унга хурмати ва мухаббати асло камаймади. Уфтоданинг хонақохиға келган илк кунини, шайхидан тинглаган ўғитларни, унга қилган хизматларини бошқача эслар, эслаган сари азоб чекар, ўша дамларни қўмсар эди. Айникса Худойининг қалбидаги Уфтодага бўлган соғинч олови ҳеч сўнмади. Кечалари тинмай Уфтоданинг хузурида кечирган дамларини севинч билан, оҳ чекиш билан ёдига оларди. «Уфтоданинг дарвешларни тўплаб олиб қиладиган самимий суҳбатлари қандай яхши эди», деб эслар, яна Уфтоданинг хузурида бўлиб қолишни орзу қилар эди. Масалан, бир куни Уфтода дарвешларни атрофига тўплаб, насиҳат ва гўзал суҳбатлари билан уларнинг қалбига малҳам сураётган эди. Кейин бирдан «Қани, келинлар-чи, болаларим! Баҳор айёмидамиз, қани, хар бирингиз боғдан менга бирор гул, чечак олиб келинлар-чи», деб қолди. Дарвешлар ёш боладек севина-севина чечак тўплашга кетишди. Худойи ҳам бошқа дарвешлар қатори чиқиб кетиб, боғда у ёқдан бу ёққа айланиб юрди.

Бироз вақт ўтгач, бошқа дарвешлар бирин-кетин Уфтоданинг ёнига кириб келиб, қўлларида чечакларни унга тақдим қилишди. Бурсанинг қандай чиройли, турфа хил рангли, хушбўй, ифорли гуллари бор-а!

Худойи бошқа дарвешлар олиб келган гулларни кўргач, ўзи келтирган гулга қараб, уялиб кетди. Чунки у олиб келган гул алакачон қуриб, саргайиб бўлган эди. Аммо шундай бўлса ҳам, гулни Уфтодага берди.

Уфтода қўлидаги қуриган гулга қараб, Худойига деди:  
– Болам! Қара, ҳамма янги, ранго-ранг гуллар териб келибди. Сен нима учун бу саргайган, қуриб-қакшаб кетган гулни олиб келдинг?

Худой уялганидан қизариб, хижолатда қолган бўлса ҳам,  
устозига одоб билан деди:

- Ҳазратим, қайси бир гулни узиб олмоқчи бўлсам, ўз тилида  
Аллоҳни зикр қилаётганини кўрдим. Узиб олиб, уларни  
Аллоҳнинг зикридан тўсгим келмади. Шунинг учун мана шу  
куриб, саргайган чечакни олиб келдим. Бу чечак ўлиб бўлган,  
зикри ҳам тўхтаган эди.

Худой ўзининг бу жавоби билан дарвешларни ҳам ҳайрон  
қолдирган эди ўшанда.

Кейинроқ шайхи Худой томонга эгилиб, унинг кулоғига  
«Болам, ҳаммасидан ҳам сен олиб келган чечакни кўпроқ  
севдим», деган, Худойнинг севинчдан боши осмонга  
етган эди.

Шундан кейин ўша кеча қалбида бир илҳом пайдо бўлиб,  
тилида ушбу мисралар тўкилди:

*Бу қандай қўлу оёқ?*

*Бу қандай тилу дудоқ?*

*Кўзинг оч, ибрат-ла боқ,*

*Дунё томошагоҳ экан...*

*Барча синовлардан ўтиб,*

*Ул ягона Зотга етиб...*

*Не бор Зайду Амрга кетиб,*

*Афъоли кулл – Аллоҳ экан...*

Худой Савриҳисорда мана шуларни эслайверар эди.  
Тўғри, Худой халқни ҳидоятга бошлаётган, одамларга  
кўнгиб бераётган, қалбларни забт этаётган эди, аммо  
Уфтодага бўлган муҳаббати, соғинчи ичини ёндиришда  
давом этаверди.

Мен ҳаммасини сезиб, билиб турган эдим. Энг қизиги,  
ўзим ҳам Уфтодани соғинган эдим! Ўзимни бошқара олмас  
эканман, қандай қилиб Худойга ҳукмимни ўтказаман?...  
Очиги, мен Худойга ўхшаб боряпман...

Худой чидай олмади. Уфтодадан узоқда, унинг согинчи билан олти ойгина сабр қилди. Бир куни Аллоҳдан сўраб дуо қилди, яна тинмай йиглаб чиқди. Ғам-андух, йиглаш Аллоҳни хотирлашга сабаб бўлишини билар эди.

Устози Уфтодани ёнига бормоқчи, хонақоҳда қолишига ижозат бермаса ҳам, ҳеч бўлмаса дийдорлашиб, кўнглидаги согинч оловини пасайтирмоқчи эди.



Худой Бурса томонга отланди. Устозининг согинчига зўрга олти ой чидай олди. Бурсага, Уфтоданинг хузурига етиб бориш учун шошилаётган, ич-этини еяётган, дийдор учун сабрсизланаётган эди.

Худой дунёдаги бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйламас, улардан воз кечиб, кўнглини Аллоҳга берган, Унинг ишқига иймон келтирган эди. Аммо Худойнинг негадир юраги ғаш эди. Шунинг учун отини тинмай ниқтаб, учириб келди.

Бурсанинг бош дарвозасидан кириши билан ҳеч қаерда тўхтамай, отини тўғри хонақоҳ томонга қараб чоптирди. Уфтоданинг хузурига илм истаб келган илк кунидаги каби ҳаяжонли, ўша кундаги каби маҳзун эди. Нима учун бундай эди, ўзи ҳам билмас, менинг ҳам хабарим йўқ эди.

Хонақоҳга илк бор келишида йўлда оти ерга ботиб қолган жой бор эди, ҳозир ҳам ўша ерга етиб келди-ю, Уфтоданинг эшигида одамлар тўпланиб турганини кўрди. Аввалига нима бўлганини тушунмади. Кейин отини тезлатиб, чоптириб кетди.

Хонақоҳга яқинлашганида эса кўзлари жикқа ёшга тўлган дарвешларни кўриб, юраги орқага тортиб кетди. Ўзини йўқотиб қўйди. Кейин эса бир амаллаб хонақоҳ эшигидан ичкари кирди. Уфтода турадиган уйнинг остонасига етганида бирдан тўхтади. Нафас ростлади, ҳаммасини унутиб, «Бисмиллоҳ» деб, хонага кирди.



Уфтода тўшакда ётарди. Кўзлари киртайган, юзи заъфарондек саргайган. Дарвешлар Уфтоданинг атрофида тўпланиб олиб, тинмай Ёсин ўқишар, дуо-натижо қилишарди. Улар ажалнинг келишини кутишяпти. Уфтода ўлим тўшагида эди.

Худойи бу ҳолатни кўриб, гандираклаб кетди, сал қолса йиқилиб тушаёзди. Аммо кейин ўзини қўлга олиб, қадини ростлади. Устозининг бош томонига қадам ташлади. Уфтоданинг кўзларига боқди, кўлларидан тутди. Нима қилишни билмай, саросимага тушиб, унинг кўзларига тикилиб қолди. Сал ўтиб Уфтода юзини Худойига буриб, табассум қилди.

– Худойи, болам... – деди у титраган овози билан. – Сенмисан?

Худойи жавоб бера олмади. Фақатгина махзунлик билан жиммайиш орасида бир ҳаракат қилди.

– Болаларим! Унутмангки, бу дунё бўм-бўш бир тушдир. Агар сўрасангиз, «Кеча дунёга келдим, бутун эса кўчиб кетяпман», деб жавоб бераман. Бутун умрим бир кун мисоли... Аллоҳнинг ҳузурига кетаётганимга шукрлар бўлсин! Бироқ ичимда «кошки»ларим, «Қанийди,»ларим бор. Бу дунё – гафлат диёри экан. Қанчадан-қанча кераксиз нарсалар билан вақтни бекор ўтказиб, аслида билишим керак бўлган нарсани ҳам унутибман. Ўлим интиҳо эмас, ибтидодир. Асосий мақсад – бу дунёдан юзи қора бўлиб кетмаслик, У Зотнинг ҳузурига ёруғ юз билан боришдир. Қанийди, яна бир умр яшасам, йўлимни Унинг йўлидан бошқа томонга бурмаган, Унинг исмидан бошқа ҳеч қандай сўзни айтмаган бўлар эдим. Бу дунёга алданиб қолманглар, нафсингизга қулоқ солманглар, менинг орқамдан асло йиғламанглар! Зеро, бу дунёдан кўчган менинг жисмим, холос. Жисм – рухни Аллоҳнинг ҳузурига олиб борувчи маркабдир. Шунга ҳам эга эмас эканмиз, нима учун асл Соҳибни унутдик? Шунини эсингиздан чиқарманг, мен омонатни эгасига топшириш учун кетяпман. Шунча вақт хаёт деб

атамиш Гой\* кудутида яшашга, вақт кечиришга чидаб келдим. Аллох таоло бир марта бўлса ҳам «Бандам» десин деб, умримни фидо қилдим. Сизга тавсия қилган ўғитларимни аввало ўзимга бердим. Дунёга оид бўлган ўткинчи нарсаларни, дунёнинг ўзини тарк қилдим. Менликни тарк қилдим, тарк қилишни ҳам тарк қилдим. Орқамда кўтариб юрган юклардан қутулдим. Шунни билдимки, дунё елкамдаги оғир юк экан. Буларни англаб етгач, ҳаммасини ортда қолдирдим. Сизлар ҳам дунё юкини асло елкангизга ортиб олманг. Ундан вақтида қутулинг, менинг ортимдан асло йиғи-сиғи қилманг.

Уфтода шундай деб, бир неча марта ютинди. Кейин яна Худойнинг кўзларига табассум билан қаради:

– Худой, болам! Мен сендан мингдан-минг розиман. Сенинг ичингда ноёб бойлик, жавҳар бор эди, аммо усти чанг-тўзон билан қопланган эди. Мен устингдаги чангни тозаладим, холос. Бундан кейин сен ҳам кўнгилларнинг зангини олгин! Хидоят йўлидан адашма, нафсингга кулоқ тутма! Йўлдошинг Аллох бўлсагина йўлинг тўғри бўлади. Тилагим шуки, подшоҳлар отингнинг тизгинидан тутиб, сени етакласин. Мен сендан розиман, сен ҳам мендан рози бўл...

Уфтода шундай деди-ю, индамай қолди. Бошқа гапирмади. Шу ҳолатда ётаверди.

Уфтоданинг ёнбошида ўтирган дарвеш ҳали ҳам Ёсинни ўқияпти. Кўзлари жикқа ёш. Дарвеш охирги оятга етиб келганида Уфтоданинг юзида ажиб бир табассум кўринди. Лаблари билинар-билиномас кимирлади. Сўнгги оят тугагач, кўзлари юмилди.

Уфтода бу дунёдан кўчган эди. Жисм омонатини Эгасига топширди, умр чироғи сўнди...

Дарвешлар нима қилишни билмай, эсанкираб қолишди.

\* Жяханиамдаги бир кудукнинг номи.

Баъзилари бир бурчакда букчайиб қолган, яна кимдир маржон-маржон кўз ёш тўкар, кимдир қўлини дуога очиб, натижо қилар, яна кимдир овоз чиқармай, ичида фарёд қилар эди. Худой ҳам нима қиларини билмай, серрайганича қотиб қолди. Лекин асло йигламади. Мен унга «Йигла, йигласангчи!» деб пичирлайвердим. Чунки шу топда у менга кучсиз, иродасиздек туюлган эди... Лекин у мени асло тингламади. Фақатгина ичида «Ўзидан келганмиз, яна Ўзига қайтамиз», деди холос.

- Йигласанг-чи! – дедим жаҳлим чиқиб. – Шундай устозинг ўлади ахир! Дод солиб йигламайсанми, кўрнамак!

Йўк, у асло йигламади. Ҳар иш Аллоҳдан эканини билгани учун Аллоҳга том маънода таслимлигини билдириб турибди. Олти ойдан бери айрилгани, кечалари соғинч оловида ёнган, дийдорига тўймаган шайхи кўз ўнгида вафот этган бўлса-да, Маҳмуддан бир томчи ҳам кўз ёши чиқмади. Тирик устозидан айрилганида селоб бўлиб йиғлаган кўз энди устози бу дунёни тарк қилганида асло кўз ёш тўкмаяпти. Бу қандай ирода бўлди? Бу қандай таслимият бўлди? Очиғи, унга мен ҳам ҳайрон қолдим. Мен унинг иймонига, сабрига қойил қолдим! Лекин бу ҳолат менга шу қадар азоб беряптики, сал қолса ўлай деяпман...

- Бу дунё ўзи ёлгон, лекин ўзини ҳақиқат қилиб кўрсатади.

Худой шундай деб, бироз ўйланиб қолди. Ичида нималардир деди, лекин буни ҳеч ким эшитмади. Бу сўзларни фақатгина мен эшитдим-у, ноилож унга эргашдим:

*Ким кутар сендан вафони,*

*Ёлгон дунё сен эмасми?*

*Муҳаммади Мустафони*

*Олган дунё сен эмасми?*

*Сехр ила алдаб зотини,*

Майдонга солиб отини,  
Оламга дәрә сиртмогини  
Солған дунё сен эмасми?  
Қасд айлаб халқнинг ўзига  
Тупроқ тўлдириб кўзига,  
Ғафлат аҳлининг юзига  
Кулған дунё сен эмасми?

## БЕШИНЧИ МАРТАБА

# НАФСИ РИЗОИЯ

*«... Аллоҳ улардан рози бўлди,  
улар ҳам У Зотдан рози бўлдилар...»\**

Нафси ризоия – рози бўлган, шукрона қилувчи нафс демақдир. Бу олий мақом – валийларнинг мартабасидир, натижа қандай бўлишидан қатъи назар Аллоҳ таолонинг тақдирига буткул рози бўлиш, таслимият кўрсатишдир. Бу мартабага эришган инсон яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам бир хил қабул қилади, чунки ҳар иш Аллоҳдан эканини англаб етган бўлади.

---

\* Баййина сураси, 8-оят.

ИСТАНБУЛ, 1588

## МАҲМУД ХУДОИЙ

*«Шундай подшоҳга қул бўлгинки...»*

Худойй умуман бошқа йўлда эди, бутунлай бошқа одам бўлиб қолган эди. Энди у талаб қилувчи толиби илм эмас, талаб қилувчи олим эди. Мурид эмас, муршид эди, йўл қидирган эмас, йўл кўрсатувчи эди. Ишққа ошиқ эди. Менга қарши, яъни нафсига қарши ҳар доим жиҳодда эди. Орамиздаги кураш ҳали тугамади, аммо бутунгача бўлган жангларнинг барчасида Худойй ғалаба қозониб келяпти.

У мени жуда яхши таниб олган эди, мени беш бармогидек билар, отнинг қашқасидек танир, нима қилишимни, нима дейишимни олдиндан сезар эди. У ҳатто мени ҳам ўзига ўхшатиб қўйган эди. Ахир мен нафс эдим-ку? У қандай қилиб бундай қила оляпти? Аслида одамлар менинг ҳукмим остида бўлиши керак эди, Худойй эса мени ўзига қул қилиб олди. У нафсини, яъни мени Аллоҳга йўналтирди. Ўзи доим шунақа бўлади. Мени таниган одам ўзини ҳам таниб қолади.

Ўзини таниган эса Аллохни аниқ танийди. Ҳар ишни Ундан деб билади, асло исён қилмайди. Худойнинг тилидан «Нега? Нима учун?» деган саволлар чиқмайди, дунёга ҳам парво қилмайди. У ўзлигига содиқ бир инсонга айланган эди. Ўзи ўзгармаганга яраша, мени ҳам бутунлай бошқа нафсга айлантириб қўйди. Энди менинг шаклим ҳам ўзгарди. Унинг менга айланиб қолиши қийин, аммо менинг унга айланишим ҳақиқатга яқинроқ бўлиб қолди.

У ҳар бир саволининг жавобини ҳақиқат китобидан топади ва шунга қаноат қилди. Мен унга асло яқинлаша олмайдиган бўлиб қолдим. У менинг ҳақиқат ҳақидаги ҳар бир каломимни эшитар, унга эргашар, амал қилар эди, бироқ ботил ҳақида сўз очсам, оғзимга урар, унга асло амал қилмас эди. Вазият тескари бўлиб қолди, мен уни ўз йўлимга торта олмадим, аммо у мени ўз йўлига солиб олди. Йўл ҳам, вақт ҳам, сўз ҳам уники бўлди. Мен эса унга эргашишга мажбурман.

Шайх Уфтода фоний дунёдан боқий дунёга кўчиб кетгач, Худой Бурсада бир кун ҳам тура олмади, ҳар доим йўлда бўлди. «Йўлга чиққан инсонга йўллар шифо», дейдилар. Сафарга чиқишдан мақсад узок жойга етиб олиш эмас, балки йўл юриш, масофа босиш эди.

Устозидан кейин халқ унинг Бурсада қолишини ҳар қанча истаган бўлмасин, кўнмади. Чунки бундан анча аввал, Уфтода ҳаётлигида: «Энди сенинг манзилинг Ускудардир»<sup>\*</sup> деган эди. Худой шайхининг сўзини ерда қолдиришни истамади.

Бошида Румели<sup>\*\*</sup> вилоятида қишлоқма-қишлоқ, диёрма-диёр кезди, борган ҳар бир жойида Ҳақ таолони, ҳақиқий ишқни ваъз қилди. Нафсни, яъни мени қандай енгил мумкинлигини ҳикоя қилди. Бу узокдиёрларда билмаганларга

\* Истанбулдаги тарихий жой. Ҳозирда Истанбулнинг бир тумани.

\*\* Усманийлар салтанатининг ҳозирги Болгария, Сербия, Македония, Босния, Албания, Черногория хуудини ҳамда Юнонистоннинг ўртасини қамраб олган вилояти.

билганларини ўргатди, севганини севдирди. Бирор хонадон кўрса, у ерга кириб, дилидаги ҳикматларини тилига солди. Тўғри деб билган йўлидан асло тўхтамади, Аллоҳ йўлида тили гапиришдан толмади. Сукунат – дунёвий каломлардан узок туриш дегани эди. Сукунат бир ҳол тарзи эди, ҳатто муборак ҳол эди. Аммо энг асосий сукунат – тўхтамасдан Ҳақни англашмоқ эди. Худой ҳам дилидагини тилига тўкиб, сукут қилди. Зеро, Худой умрнинг қанчалар қисқа эканини, вақтнинг чегараланганини яхши билар эди, аммо унинг таяси буюк, йўли узун эди. Ҳар борган диёрида Уфтодадан ўрганган илмини ўргатди, чинакам, муносиб шогирд бўлишга гайрат қилди. Аммо у билмас эдики, Уфтоданинг ўзи анча йиллардан бери унинг йўлидан юраётган эди!

Худой ўзини худди нафси йўқдек, яъни мен йўқдек тутар, нафсини хизматкор қилиб олган эди. Мен, яъни кимсан нафс энди бир инсонга, Худойга кул эдим. Уни ўз томонимга ўзгартира олмаганим етмаганидек, аксинча, унга ўхшаб бораётган эдим... Гоҳида ёлғиз қолганида худди мени рўпарасига ўтиргизиб олгандек, менга насиҳат қилар, ҳидоят йўлига чорлар эди.

Бир куни Худой Булғор диёрида, ҳеч ухламай, кечани ибодатда ўтказаетган эди. Мен ҳам нафслигимга бориб, унинг ҳаёлини уйқу билан чалғитдим, кўзига уйқу илинтиришга уриндим. Шунда у мени гўё жисми бор инсондек билиб, худди мен рўпарасида ўтиргандек, менга қараб, шундай деди:

- Эй нафсим! Биламан, сен ҳам менга имтиҳон қилиб берилгансан. Вазифангни бажаряпсан, аммо бу курашда мен ҳам сени енгишни олий мақсадим қилиб олганман. Ахир билмайсанми, иккимизни ҳам Аллоҳ яратган! Инсоф қил, барака топкур! Жоним ҳиқилдоғимга келди. Мен билан ишинг тамом бўлган. Мени ўйламасанг ҳам, ўзингни ўйла, бу кетишда ҳалок бўласан-ку! Мени ҳам, ўзингни ҳам охири дуамат бўлган йўлга судрама! Сен кучли бўласанг ҳам, билгинки,



изингдан асло эргашмайман. Чунки мен ишқ нуруни кўраим.  
Бор-йўгимни Унга – Аллоҳ таолога фидо қилдим. Модомики  
мен кучли эканман, сендаги бунча ўжарлик, исён нима учун?  
Сабаби нима? Тафаккур қилмайсанми? Ҳали ҳам тушуниб  
етмадингми, мен асло Аллоҳ йўлидан, Унинг ҳидоятидан  
қайтмайман! Ё менга эргаш, ёки бас қил, эй нафс!

Бу гаплардан кейин кучсиз рақиб, жангнинг ўртасида қиличи  
синган, чорасиз ва мағлуб рақиб мен эканимни тушуниб  
етдим. Шунда ҳам воз кечмоқчи эмасман, аммо ўзим ҳам  
курашавериб, енгилавериб, ниҳоятда ҳолдан тойдим,  
тоқатим қолмади.

Худойи менга насиҳат қилиб, бас қилишимни буюриб, ўз  
йўлига етаклади. Кейин эса яна дилидагини тилига тўқди,  
илҳоми келиб, пичирлаб шеър айта бошлади. Биламан, бу  
шеър мен учун эди. У шеър орқали менга ўғит бермоқда эди:

*Эй нафс, етар бу залолат,  
Инсофга кел, инсофга кел!  
Ҳою ҳавасга илтифот,  
Инсофга кел, инсофга кел!*

*Бу одат, бидъат нимадир?  
Шухрату зийнат нимадир?  
Куруқ ҳирс-ҳавас нимадир?  
Инсофга кел, инсофга кел!*

*Бир кун эсар боди ажал,  
Жонингга беради халал,  
Ихлос билан қилгин амал,  
Инсофга кел, инсофга кел!*

*Қилма Яратганга исён,  
Бел боғла Ҳақ амри томон,  
Ёди учун топиб имкон  
Инсофга кел, инсофга кел!*

Худойнинг тилидан шу мисралар тўкиларди.

У охири нафасигача мен билан бўладиган жангидан кўнгли тўқ, ўзидан бенихоя амин турибди. Ўзига бу қадар ишончи қомиллигининг ягона сабаби – Аллоҳга таслимияти, кучли иймони эди.

Хар доим кўнгли хотиржам, дунё дардидан, дунёдан воз кечиб, бошига нима келса, Аллоҳдан деб билар эди.

Унинг дарди кучли эди, аммо дардни берган Аллоҳ шифосини ҳам беришини билар эди. Бу синовлар Аллоҳдан келгани учун ҳам сабр қилар, ҳатто бу дардни чин юракдан севар эди.

Румели вилоятида амри маъруф, наҳйи мункар қилиб, насиҳату ҳикмат улашгач, Худой отининг тизгинини Истанбул томонга бурди.

Истанбулга илк келган, Назирзода афандининг шогирди бўлган пайтлари у оддий талаба эди, уни ҳеч ким танимас эди. Ҳозир эса унинг номи, илму тақводаги шухрати ўзидан олдинда кетаётган, умрида кўрмаган инсонлари ҳам унга таъзим кўрсатаётган эди. Тўғри, бу ҳам шон-шухрат эди, аммо бу бирор мансабга чиқиш ёки бой-бадавлат бўлиш йўлидаги шухрат эмас эди. Бу – ҳурмат-эътибори, эга бўлган нарсалари туфайли эмас, балки кўзини чирт юмиб, дунёдан воз кечиб юборганининг мукофоти эди. Бундай шон-шухрат кулфатдан зиёда неъмат, захматдан зиёда марҳамат-ку!

Худой тинмай шукр қилар, шукр қилмай туриб бир сўз ҳам айтмас эди. Одамлар мол-мулк, шону шавкатга эга бўлдим деб шукр қилса, бизнинг Худой бойлигини, дунё матоҳларини тарк қилганига шукр қилар эди. Унинг шукри йўқлик учун эди. Худой тўқликни азоб деб билди, тўқлик кудугига тушиб қолмаслик учун ҳар он Аллоҳга ёлвориб илтижо қилди.

У Румели диёридаги вазифасини тугатиб, Истанбулга келгач, талабалик даврида ўзи таҳсил олган Кичкина Аё

София масжидида ваъз-иршод қила бошлади. Истанбул халқи ҳам Худойининг илмдаги, дарвешликдаги донгини эшитган эди. Айниқса, дунёга оид нимаси бўлса, барчасидан воз кечиб, оддий дарвеш бўлгани тилларда дoston эди. Энг олий мартабалардан бири бўлган қозилик мақомини, молдаватини, хуллас, ҳамма нарсасини ташлаб, бир шайхнинг хонақоҳида дарвешлик чопонини кийгани халқнинг нигоҳида Худойини юксакларга кўтарган эди. Шунинг учун ҳам, қачонки Худойи ваъз қиладиган бўлса, мадраса лиммо-лим тўлиб кетар, одамлар кўлидаги ҳар қандай ишини ташлаб, уни эшитиш учун келар эдилар.

Унинг каломида қандайдир сеҳр бордек эди. Чунки у олдиндан ўйлаб ўтирмас, нима дейишини ўйлаб, тайёрланиб олмас, балки Аллоҳ унга нима илҳом берса, кўнгли нимани деса, ўшани тилига тўқар, шу йўл билан инсонларнинг қалбига йўл топарди. Кўнгил олиш қийин иш, аммо кўнгил бермоқ ундан ҳам мушкулдир. Бироқ шу ҳам ҳақиқатки, меҳр қозонганлар – меҳр беришни биладиган зотлардир.

Худойи халққа мана шуларни айтиб, кўп насихатлар қилди. Энди у ҳамма синовларни ортда қолдирди, мен билан бўлган барча қурашларда ғолиб бўлди, нафсини жиловлаб олган иродали инсонга айланди. Энди бизнинг ўрнимиз алмашиб қолган эди: кучсиз, нотавон бўлган мен эдим, кучли, иродали эса Худойи эди.

Худойи саккиз йил мобайнида Кичкина Аё София мадрасасида илм ўргатди, насихатлар, ваъзлар қилди, Истанбулдаги қибор олимлар орасида ҳам алоҳида ҳурмат-эътиборга эга бўлди. Ҳатто Усманийлар давлатининг энг кўзга кўринган вазиру уламолари Худойининг сўзини тинглайдиган, тавсияларини оладиган бўлишди. Ўша даврдаги Усманийлар салтанати подшоҳи Султон Мурад ҳам Худойига ихлос қўйган, ҳар доим унга ҳурмат бажо келтирар эди. Зеро, дунёга ҳукмрон бўлган инсон дунё

ҳукмдорлигини ташлаб, уни рад қилган инсонга таъзим қилиши тўғри ва лозим эди.

Ана шунда мен англадимки, нафсига қул бўлмаган инсон дунёга ҳукмрон бўлар экан...

Асанда Султон Мурад Худойини эскидан танир эди. Султонлик даврининг илк йилларида ота-боболарининг қабрини зиёрат қилиш учун Бурсага келганида донги тилларда дoston бўлган Уфтоданинг хонақоҳига ҳам келган, ундан ўғитлар олган эди. Бурсадаги қозилигини, мол-давлатини ташлаб, мана шу ерга келган Худойи ҳақида ўшанда эшитган, аммо юзма-юз келмаган эди. Зеро, у пайтлар Худойи нафси билан, яъни мен билан кўрашаётган, қимматбаҳо, зарбоф қозилик тўни билан бозорда жигар сотаётган, бурнимни ерга ишқаётган эди. Султон Мурад Худойини ўз кўзи билан кўрмаган бўлса ҳам, унинг таърифини Уфтодадан эшитган эди. Ҳатто Уфтода гап орасида «Маҳмуд афанди сенга омонат», деган ҳам эди. Султон Мураднинг Худойига эҳтиром кўрсатишининг асосий сабабларидан бири ҳам шу эди.

Аммо подшоҳнинг эътибор қаратиши ҳам, халқ орасидаги ҳурмати ҳам Худойининг қалбида заррача қибрга сабаб бўлмади. Худойининг кўзида дунёнинг султони ҳам бир, султоннинг қули ҳам бир эди. Бирини подшоҳ, иккинчисини қул деб ажратмас эди. Унинг наздида ҳамма бирдек инсон эди, ўзини эса уларнинг хизматкори деб билар эди. Бу ҳам менга азоб берар, аммо аввалгидек оғриқли яралар қолдирмас эди, чунки энди мен ҳам Худойининг камтар, мутавозе бўлишини истаб қолган эдим. Аввал ҳам айтганимдек, мен ҳам ўзгариб, унга ўхшаб қолган эдим...

Худойининг Истанбулдаги илк йиллари мана шундай ўтди. Бирор кунини Аллоҳ йўлида бирор хайрли иш қилмасдан ўтказмади, мени бир дақиқа бўлса ҳам холи қўймади. Рўздан

воз кечмади, Аллохнинг каломидан бошқа калом айтмади, кам еди, кам ухлади, нафсини қийнашда тинмай давом этди. Нимага у бунчалар ўжар эди, нима учун «айтганим айтган» қабилада иш тутар эди – очиги, билмайман. Чунки мен энди унинг сўзидан чиқмай қолган эдим, унинг қулига айланган эдим. Аммо Худойга бу ҳам камдек туюлар эди... У тўхтамасдан, зерикмасдан, эринмасдан нафсига қарши жанг қилар эди.

Ана шундай кунлардан бирида Худой дарсини тугатиб, мадрасанинг ёнгинасидаги хужрага кирган ҳам эдики, эшик тақиллаб қолди. Ташқаридаги киши уч марта тақиллатгач, ижозат сўраб, ичкарига кирди. Меҳмон салтанат подшоҳи Султон Мурод эди! У ўша куни саройидан чиқиб, оддий кийимлар кийиб, мадрасага келиб, кўнглининг шифоси – Худойнинг суҳбатини бир чеккада тинглади. Худой яна ишқ билан тўлиб-тошиб, қайнаб-жўшиб, кўнглидагини тилга тўкди:

– Мол-мулк тутайди, севган нарсанг бир кун кўлингдан кетади, бу умр, албатта, ўтади. Фоний дунёга яланғоч келган инсон ундан яна яланғоч кетади. Биз мана шу ҳеч нарсасиз келган яланғоч ҳолимизга ошиқмизми? Эгнимизда ямоқ тўн бўлса нима-ю, ипак тўн бўлса нима? Дунё ҳеч қачон бизники бўлмаган, бўлмайди ҳам. Лекин сизларга бир мужда берайинки, нариги тарафда тўлиқ бизники бўлган бир дунё бор. Нариги дунёга тайёргарлик кўришингизга нима халақит қилаётган бўлса, оёғингиздан чалаётган бўлса, билингки, ана ўша нафсдир, у – сизнинг очикдан-очик душманингиздир... Нафс сизнинг султон ёки қуллигингизга қараб ўтирмайди. Охир-оқибат хизматкор ҳам, подшоҳнинг ҳам борадиган жойи қора тупроқдир... Бу дунё – йўлда таҳорат қилиш учун тўхтаб, кириб ўтиладиган карвонсарой, холос. Таҳоратни қилиб, яна йўлда давом этайлик, дўстлар!

Худой шундай деди-ю, дархол тилидан ушбу мисралар чиқди:

Бир подшоҳга банда бўл,  
Даргоҳи сароб бўлмасин!  
Мангу ишқий ватанда бўл,  
Сарғайиб, хароб бўлмасин!

Баҳр аро шўнги-ю, сайр эт,  
Ғаввосдек нафсда сабр эт,  
Кўнгил жавҳарин хайр эт,  
Топганинг жабр бўлмасин!

Чин ошиқ бўлса гар солиқ,  
Кўринур Биру Бор Холиқ.  
Шундайин мулкка бўл молик,  
Ҳеч кимса тортиб олмасин!

Бехуда сўз тарк айлагин,  
Инсоф камарин бойлагин,  
Кўнгил мулкин авайлагин,  
Рухинг шарманда бўлмасин!

Кун ўтказма қул сонига,  
Кўнглинг маҳв эт иймонига,  
Бўйсунгин Ҳақ фармонига,  
Охириг армон бўлмасин.

Ул остонада тур қойим,  
Ишқ мақомида бўл доим,  
Ғайб илмин очса Худойим,  
Ҳатто малаклар билмасин!

Султон Мурод бу гапларни эшитиб, кўнгли бўшаб, чидай олмай, Худойининг хузурига келган эди. Худой эшиқдан кириб келган кишининг Султон Мурод эканини кўриб, дархол ўтирган жойидан турди, Султон Муродни эшик олдида кутиб олди. Султон ҳам Худойга тавозе кўрсатди. Хужранинг меҳроби томон бирга кадам ташладилар, бир чеккага тиззалаб ўтирдилар.

– Султоним, – деди Худой. – Мени маъзур тутасиз, сизни меҳмон қилишга ҳеч нарсам йўқ.

Ҳақиқатан ҳам Худой рўзадор эди. Султон Мурод табассум қилди:

– Бизни султон деяпсиз, аммо биз дунё султони бўлганимиздек, сиз ҳам кўнгиллар султонисиз. Бизнинг мол-мулкимиз, султонлигимиз ўткинчидир, аммо сизники боқийдир. Бунинг устига, меҳмон қилишга ҳеч нарсам йўқ деманг, бироз аввал суҳбатингиз билан меҳмон қилдингиз. Руҳимизни озиклантирдик. Азбаройи таъсирланганимдан эшигингизга бош уришдан мени ҳеч нарса қайтара олмади.

– Кўнгил эшигингиз очик бўлгани учун сўзларим сизни сеҳрлагандир.

– Калом қаердан чиқса, ўша ерга таъсир қилади, деб эшитганман. Сизнинг сўзларингиз қалбдан чиққани учун ҳам борар жойи яна қалбдир, – деди Султон Мурод.

Худой табассум билан жавоб қайтарди. У хижолат бўлгандек, ўнгайсизланди. Султоннинг гаплари Худойнинг гурурини силагандир деб ўйлаб, кўлимдан келганича: «Кимсан – жаҳон салтанатининг ҳукмдори Султон Мурод эшигингизга келибди-я! Айт-чи, сендан ҳам буюк олим борми бу дунёда?» деб васваса қилдим. Аммо у ҳам анойилардан эмас. Қаердан ҳужум қилишимни билгани учун, тайёргарлигини кўриб қўйган экан. Мен қулоғига пичирлаган фитналар унинг пинагини ҳам бузмади, кибрини қитиқламади.

– Афандим, Али Пошо зовиясининг\* шайхлигини қилсангиз дейман, – деди Султон Мурод.

\* Усманийлар салтанатининг илк даврида аҳоли турар жойларидан ташқаридаги йўлларда, тоғ кечувларида ташкил этилган, диний-тасаввуфий эътиқод ва гоаялари тарғиб қилиш, минтақа хавфсизлиги ва тартибини таъминлаш, йўловчи-мусофирларнинг қорини тўйдириш, бошпана бериш каби вазифаларни ўз зиммасига олган, Онадўлининг туркийлашуви ва мусулмонлашувида катта роль ўйнаган диний-ижтимоий ташкилот.

«Аҳамадуллоҳ», деди Худой ичида. Кўзлари тўлиб кетди.  
«Эй нафсим! – деди у ўзига ўзи. – Ана кўрдингми, мен  
мансабдан қанчалик узоқлашсам, у менинг ортимдан қувяпти!  
Мен ҳеч қачон унинг хизматчиси бўлмадим, аммо у менинг  
қулим бўлишини биламан. Менга мансаб керак эмас!»

Дарҳақиқат, унинг айтган гаплари самимий эди.

Худой мол-дунё, мақому мансабнинг ҳар бири бир душман  
эканини, булардан бирортасига мойиллик кўрсатиб,  
мухаббат қўйса, нафсининг кучланишини билар, шунинг  
учун дунёвий нарсаларнинг ёнига ҳам йўламас эди.

- Мени маъзур тутасиз, султоним, – деди у. – Бир қошиқ  
қонимдан кечинг, аммо мен тилагингизни бажо келтира  
олмайман. Бунга ҳали тайёр эмасман. Дунёга оид ҳамма  
нарсани оёқларим остига олганман. Кўнглимда ўткинчи  
дунё матоҳларига асло жой йўқ. Аллоҳ кўрсатмасин, бир  
кичкина амал туфайли нафсим кўнглимга бало бўлишини,  
барча нарсадан воз кечиб, умримни фидо қилган бу  
йўлимдан озишни истамайман. Қачон дунёни батамом  
унутсам, шундагина нафсим менга қул бўлади. Ҳозир эса  
тайёр эмасман, Султоним! Ҳозир эмас!..



Худой Султон Муроднинг бу таклифини қабул қилмади.  
Аммо кўнглида бошқа бир ният бор эди. Уфтода устозининг  
«Энди сенинг манзининг Ускудардир», деган гапини бажо  
келтириш учун Ускударда бир хонақоҳ барпо қилиш, илмга  
чанқоқ қалбларнинг чанқоғини қолдиришни истар эди. Бор-  
йўғини, бир чеккада йиғиб қўйганларини, отасидан мерос  
қолган мол-мулкани сотиб, ҳаммасини сарфлаб, Ускударда  
хонақоҳ қуриш ниятида эди. Мақсади холис ва самимий  
бўлгани учун Аллоҳ ҳам унга ёрдам беряпти.

Бир куни у Ускудар томонларда бир ернинг сотувга  
қўйилганини эшитиб қолди. Кўнгли бир жойда тура



олмайдиган бекарор куш каби типирчилай бошлади. Ичида бир ажиб титроқ пайдо бўлди. Сотувга қўйилган ўша ер қачонлардан бери кўнглига туғиб юрган хонақоҳ барпо қилиш мақсадини амалга ошириш учун муносиб жой эди. Бу гариб булбулнинг бориб кўнадиган макони мана шунга ўхшади.

Худой бор ақчасини катта халтага солиб, ўзи дарс бераётган Кичкина Аё София мадрасасидан чиқди. У қаттиқ хаяжонда эди. Худди қадам босмаётган, балки қанот қоқиб учаётган эди. Ёш боладек ўзида йўқ хурсанд эди. Анчадан бери уни бундай хушчакчак, шодмон ҳолатда кўрмаган эдим. Айниқса бу дунё моли учун севинганидан хайрон эдим.

Кўнгиллар султони бўлган Худой юрмаяпти, балки югуриб югуриб кетяпти. У дунё моли билан боғлиқ ҳеч нарсани қабул қилмас, истамас эди. Аммо уни бунчалар хаяжонлантирган нарса нима экан-а?

У Саройбурни\* соҳилидан бир қайиққа ўтириб, қарши соҳилга ўтди. Қайиқдан тушар-тушмас тез-тез, катта-катта қадам ташлаб, Ускудар тепалигига юрди, ниҳоят, ўша сотувга қўйилган жойни топиб борди.

Ёрни кўриши билан кўнгли ёришиб кетди. Нимагадир жуда севинди. Бирдан хаёл оғушига чўмиб кетди. Мен чиқмаган жондан умид қилиб, уни ҳозир дунёвий хаёллар қимяпти, хашаматли бинолар қуриш режасини тузаяпти деб ўйлабман. Аммо хаёлида у бу ерга бир хонақоҳ қуради, ҳовлида толиби илмлар юрар, ўзи эса муҳаббат ва ихлос билан ваъз қилар эди. Унинг ҳатто зехнида ҳам мол-дунё йўқ эди... Аслида Худой мана шу дунё деб аталмиш зиндон ичида ўзига жаннат барпо қилиш учун ер қидираётган экан. Табассум ва севинчига қараганда у хаёлидаги жойни топган эди. Дунёда Худойдан бахтли одам йўқдек эди.

\* Истанбулдаги тарихий туманлардан бири.

унинг хаёл дунёсидаги саёхатини узоқлардан келган бир овоз бўлиб юборди. Қора соқолларига энди-энди оқ оралаётган, ўрта ёшлардаги бир одам экан.

-Келинг, бизга нима хизмат? – деди ҳалиги одам Худойига яқинлашиб.

-Бу ер сизникими? – деди Худойи.

-Ҳа, меники. Отамдан мерос қолган. Тинчликми?

-Тинчлик, – деди Худойи.

-Эшитаман, – деди ҳалиги одам яна.

-Мен бу дунё аталмиш зиндонда кўнгила уйи барпо қилишни истайман. Истанбул деб аталмиш бу жаннатмисол диёрга маънавий устун ўрнатмоқ истайман.

-Отаҳон, мен сизни тушунмадим. Нима истайсиз ўзи?

-Болам! Мен Махмуа Худойиман. Бор-будимни сенга бериб, мана шу ерга ижарачи бўлмоқчиман.

-Ота, – деди ҳалиги одам. – Бу ер ижарага берилмайди. Истасангиз, бу ерни сизга сотишим мумкин фақат.

-Мен бу мулкни сендан эмас, Аллоҳ таолодан истаяпман, – деди Худойи. – Сен уни менга сотсанг ҳам, мен пул бериб, сотиб олсам ҳам, барибир бу ерда ижарачилигимча қоламан. Ахир барча мулкларнинг эгаси Аллоҳ таоло эмасми? Мен Аллоҳнинг мана шу ерини ижарага олмоқчиман. Ижарани эса кўнгила бериб, халқни ҳидоятга бошлаш билан тўлайман.

Ер эгаси бироз ўйланди, лекин Худойи айтган гаплардан ҳеч нарсани тушунмади. Шундай бўлса ҳам, кўнгилада бошқача хис пайдо бўлди. У авваллари Худойининг исмини эшитган, уни ғойибдан танир экан. Аммо Худойининг ҳозирги девоналарча ҳолати унга ғалати туюлди.

-Ундай бўлса, бу ерни сизга сотай, – деди у.

Худойининг севинчдан кўллари титраб, нима дейишини билмай қолади. Ҳатто чопонининг ичида, белига боғлаб олган

ақчасини олиб, унга беришни бир он унутди. У севинчдан боши осмонга етгудек хурсанд, ёш боладек маъсум, бегубор эди. Бир мудаат вақт ўтгач, белбоғидан бор ақчасини, яъни дунёсини чиқариб, ер эгасига берди. Унинг дунёси шу эди, холос. Бир ховучга сиғадиган даражадаги тангалар эди...

Ҳалиги одам халтадаги ақчаларни кўлига тўқди. Кўзини қисиб, ақчани қанчалигини чамалаб кўргач, шундай асди:

– Ота, бу ақча камлик қилади. Етмайди.

Худоий яна ақча чиқиб қолар деб, кўли билан белбоғини яхшилаб титиб кўрди. Лекин бошқа ҳеч нарса йўқ эди. У индамай, кўзларини юмиб, бироз тин олди. Бир мудаат мана шундай сукунат ичида турди. «У нимани кутяпти, нима қилмоқчи?» Бунни мен ҳам тахмин қила олмадим. Нима қилишини сеза олмадим, тушунмадим. Ахир мен нафсман-ку! Унинг ичидаман-ку! Лекин Худоий менадан ҳам ичкарида эди!

Бироз вақт ўтгач, узоклардан бир одамнинг қораси кўринди. Оппоқ соқоли, ялангоёқ бу одамнинг эғнида, оёқларида заррача чанг йўқ эди. У кўлида бир ҳамён билан келяпти. Худоий унга табассум билан қаради. Шу лаҳзада мен ҳам уни танидим. Эсингиздами, Худоий киши кунларининг бирида узумзорга узум излаб келиб, қайтишда белигача қорга ботган эди? Бу келган нуроний одам ўшанда Худоийни қордан чиқариб олган зот эди. Уфтоданинг хонақоҳига қайтганида, Уфтода секингина эгилиб, Худоийнинг қулоғига «Хизр» асган киши мана шу эди!

У ҳамённи олиб келиб, Худоийнинг кўлига тутқазди-ю, шарт ўтирилиб, қайтиб кетди. Худоий умуман келмагандек, кўринмагандек эди. Ер эгаси унинг келиб-кетганини сезмади ҳам. Яна билмадим... Менимча, ўша Хизрни биргина Худоий ва дунёга унинг кўзи билан боқувчи мен, яъни нафс кўрган эдик.

У Худоий кўлидаги ҳамённи ер эгасининг ховучига қўйди. У ҳамённи очди-ю, кўзлари порлаб кетди. Чунки ҳамёнда оатин

тангалар ялтираб турар эди. Бу акчалар ер кийматидан бир неча баробар кўп эди.

– Мана шу олтинлар етар-а, болам? – деди Худой. – Бу акчалар сенга кифоя, бизга эса Аллох кифоя...

– Э, албатта, ота! Ерни сизга сотдим. Борига барака! – деди ернинг эгаси.

Шундай килиб Худой Ускудар тепалигида кейинчалик хонакоҳини бино килиб, кўнгил уйига айлантирадиган ўша ерни сотиб олди...

Ер эгаси кетгач, Худой дархол сажда қилди. Аввалига мен уни мана шу ерни сотиб олгани учун шукр қиляпти деб ўйладим. Лекин мен ўйлагандек эмас экан. У ўқларини яна бир бор кўксимга қадаб, шундай деди:

– Аллохим! Сенга шукрлар бўлсинки, энди менда дунёга оид бир дона ҳам акча қолмади. Сенга минг шукрлар бўлсин...

## ИСТАНБУЛДАГИ БИР ЖОЙ. БУГУН

### СЕН

*«Ҳар келгани Хиър деб билмоқ...»*

Эшик кўнгироғи хаёлимни бўлиб юборди. Китобнинг ичига юриб, унинг оламига шўнғиб кетган эканман. Асардаги ҳар бир воқеада худди у ердаги учинчи одамдек бўлиб қолибман.

Эшик кўнгироғи жирингламаса, икки соатдан бери тик туриб ўқиётганимни ҳис қилмаган бўлардим. Хаёлимда фақат китобдаги сўзлар учиб юрибди. Кечадан бери нималар юлаётганимга ўзим ҳам ҳайронман. Эҳтимол, ҳаётимда бир бўшлиқ борлиги учун ҳам мана шу қиссага маҳкам ёпишиб оладим, шекилли.

Заладан чиқиб, эшикни очиш учун бордим. Лекин китобни кўлимдан кўймадим, чунки яна ўқишда давом этмоқчиман. Кун ботиб, осмон қорая бошлабди, аста-секин уйга ҳам қоронғилик чўқди. Эшикнинг ён томонидаги асворда турган тугмани босиб, чироқларни ёқдим. Кейин эшикнинг тешигидан ташқарига қарадим. Ҳеч ким йўқ. «Ким у?»

деб овоз бердим. Жавоб келмади. Эшик қия очилсин деб, зулфинни илиб кўйдим. Сабабини билмадим-у, бироз кўрқун босди. Эшикни секингина очган эдим, илиб қўйилган зулфин эшикнинг тўлиқ очилишига халақит қилди. Ташқарига яна караб, овоз бердим. Ҳеч ким йўқ.

Зулфинни тушириб, эшикни катта очдим. Яна ҳеч ким йўқ. Балки эшик кўнгироғи чалинмаган-у, менга шундай туюлдимикин? Ёки кимдир қаватларни адаштириб, кўнгирокни адашиб босиб, кейин хижолат бўлиб, кетиб қолдимикин? Тўғриси, билмадим...

Эшикни ёпиб, яна зал томон қадам босган ҳам эдимки, кўнгирок такрор жиринглади. Энди ҳақиқатан ҳам чўчиб кетдим, бироз кўрқдим. Қадам товушларимни ҳеч ким эшитмаслиги учун оёқларимнинг учида юриб, эшикка яқинлашдим. Эшикнинг кўзидан яна қарадим. Рўпарада кекса бир одам турарди. Яна бир марта диққат билан қарадим, лекин танимадим. Оппок сочли, кўзойнакли, соқоли йўқ, аммо текис мўйловли, тахминан олтмиш-етмиш ёшлардаги киши экан.

– Ким у? – сўрадим яна.

– Кечирасиз, безовта қилдим, – асади у. – Мен сизнинг тепангиздаги уйда яшайман. Бир нарса сўрамоқчи эдим... Отаҳон юқорида яшайман асяпти, лекин ишончим қомилки, бу кишини ҳеч қачон кўрмаганман. Тўғри, бу бинодаги одамлар билан борди-келдим ҳам йўқ. Эшик ортида турган амакига яна бир бор назар соладим. Кейин эшикни очдим. Бироз ҳадиксираганим рост, аммо ичимда қандайдир ишонч ҳам бордек эди. Эшикни очгач, амаки ўзини бироз тўғрилагандек бўлди.

– Ассалому алайкум, келинг, бирор ёраам керакми? – асади у.  
– Ва алайкум ассалом, яхшимисиз, ўғлим? – асади у.  
Тепангиздаги кўшнингиз менинг ўғлим бўлади. Уни кўргани келган эдим. Эшик кўнгироғини роса босдим, лекин ҳеч ким

жавоб бермапти. Бахтга қарши, мен телефон ишлатмайман. Мамоа келмаса, телефонингиздан ўғлимга кўнгиروق қилсак бўладимми?

Халанги амакига яна бир марта диққат билан қараб кўйдим. Ишонса бўлармикан, деб ўйладим. Хаёлимдан «Ҳозирги замонада ҳеч кимга ишониб бўлмай қолди. Шунинг учун одамлар бир-бирига ёрдам бермайди», деган гаплар ўтди. Бироз кўрқдим, хатто «йўқ» деб, ундан тезроқ қутуломоқчи ҳам бўладим. Лекин кейин китобдаги гаплар эсимга тушди: «*Бирортасига ёрдам қўлини чўзаётганингда сени айнигиб, яхшилик йўлидан тўсадиган ҳам менман*», деган эди нафс.

Ичимга кўрқув солган ҳам нафсмикин, деб ўйлаб қолдим. Яна бир бор амакининг юз-кўзига зимдан қараб чиқдим. Ичимдаги овоз ёрдам беришимни истамаса ҳам, китобнинг овозини эшитишга қарор қилдим. «Албатта, бемалол!» деб, чўнтагимдан телефонимни чиқариб, амакига узатадим.

У аввалига чиройли табассум қилиб кўйди. Кейин эса: «Узр, ўғлим, мен бунга тушунмайман-да», деди. Сўнг костюмининг ички чўнтагидан унча қалин бўлмаган, эски дафтарча чиқариб, менга берди.

«Мана шу рақам ўғлимники... Рақамни териб берсангиз яхши бўлар эди», деди.

«Хўп» деган маънода бошимни силкитиб, амакининг кўлидаги дафтарчани олдим, ўғлининг рақамини териб, кўнгиروق тутмасига босиб, амакига узатадим.

Кўзимни амакидан узмадим. Ичимдаги овоз мени васвасага солади, «Телефонингни бегона одамга бекор тутқаздинг... Ёрдам бермаслигинг керак эди, бошидаёқ бир баҳона билан ўзингдан узоқлаштиришинг керак эди», деб шивирлади.

Амаки бир неча сония телефонни кулогига тутиб тургач, кайтариб менга узатади. Амакининг кўзлари тўлиб турган эди. Балки менга шундай туюлгандир...

– Кўтармади, – деди у бир неча бор ютиниб. – Майли, кутиб тура қоларман. Узок жойдан келган эдим. Айб ўзимда, хабар бермай келаверибман-да! Барибир келади-ку. Сизга катта раҳмат, ўғлим, рози бўлинг!

– Ҳечкиси йўк! Ҳеч нарса қилмадим-ку, амаки! Арзимайди, – дедим.

Амаки ортига ўтирилиб кета бошлади. Бирдан ўйланиб қолдим. Виждоним «Ахир бу одам узокдан келган бўлса, ўғли қачон келади, Худо билади. Бу бечора шунча вақт нима қилади? Уйга таклиф қилсаммикан?» деб шивирлади.

Аммо шу захоти нафс ўртага тикилди, «Э қўйсанг-чи, қаёққа борса борсин! Танимаган, билмаган одамни уйингга киритасанми энди?» деб вайсади.

Икки ўт орасида қолдим. Секин-секин қадам ташлаб кетаётган одамнинг ортидан қараб қолдим. Кўнглимдан «Мени яхшилик йўлидан қайтараётган нарса ростдан ҳам нафсиммикин?» деган савол ўтди-ю, беихтиёр: «Амаки!» деб чақирадим.

У охишта ортига бурилиб, кўзларимга қаради.

– Амаки, ўғлингиз келгунича бизникида ўтириб туринг», дедим.

Унинг қоп-қора кўзлари кўзимнинг ичига қадалди... Табассум қилади. Шундай табасум қилдики, энди ундан бутунлай кўркмай қолдим. Ҳадиксирашларимдан асар ҳам қолмади.

◆

Қўлимдаги китобни икки диваннынг ўртасида турган хонтахтанинг устига қўйиб, чой дамлаб келиш учун ошхонага кетаётиб, амаки китобни қўлига олганини кўраим. Патнисла чой олиб келиб, хонтахтанинг устига қўйдим. Амаки чойни қўлига олиш учун эгилаётиб, китобни олган жойига қўйди.

Мен амакининг рўпарасидаги аиванга ўтирадим.

Танимаган одамнингиз билан бир жойда ўтириб қолганингизда нима дейишни, нимадан сўз очишни



билмайсиз-ку, биз ҳам бирпас шундай ахволда ўтирдик. Лекин кекса одам гаплашишга мавзунни бирпасда топа қолди.

- Китоб ўқиншни яхши кўрар экансиз-а? - деди у.

- Йўк, амаки. Ўзи китобни кўп ўқимайман, - дедим.

- Йўт-е? Эшикни ҳам кўлингизда китоб билан очдингиз. Қириб-чикканда ҳам китобдан кўз узмаяпсиз. Билмадим, балки менга шундай туюлгандир-да.

Жилмайиб кўйдим.

- Йўк, ўзи унча кўп китоб ўқимайман, лекин мана шу китобга қизиқиб қолдим. Кечадан бери ўқияпман. Бекорчиликдан...

Кекса одам бир томондан чойни хўплар, бошқа томондан китобнинг муқовасига синчковлик билан қарар эди.

- Ана. Номи галати экан... Лекин жуда чиройли... «Ана» - арабчада «мен» дегани.

Қизиқиб, кўлимдан кўймай ўқийтган китобимнинг номи қандай маъно билдиришига қизиқмаганимга уялиб кетдим. Буни қаранг-а, «Ана» - мен дегани экан! Тўғриси, бу ном менга жуда ёқди.

- Мен ҳам бир пайтлар кўп китоб ўқир эдим. Ҳозир эса ҳаёт ташвишларидан ортиб, вақт ажрата олмаёпман. Одамзода шунақа экан-да! Ҳамма нарсага вақт топа олган одам китоб ўқишга қелганда оқсайди...

У бироз жим бўлиб қолди. Чойдан бир неча хўплам ичди.

- Китоб нима ҳақида экан?

Очиги, амакининг китобга бунчалик қизиқиб қолганига хайрон бўлдим. Лекин ичимда «Шунчаки, суҳбат қизисин деб сўрайпти, шекилли», деб ўйладим. Шундай бўлса ҳам, охириги ўқиган жойимдан эсимда қолганларини айтиб берадим.

- Бу китоб нафс ҳақида экан. Яна ҳам очик айтадиган бўлсам, воқеалар нафс тилидан баён қилинади. Нафс ўзи ҳақида

хикоя қилади, ҳамма гапни Азиз Махмуа Худойи орқали ифода қилади. Китобхонни фикр қилишга чорловчи, жуда бошқача китоб экан... Шунинг учун ҳам кўлимдан қўймай ўқияпман. Истайсизми-йўқми, ўзингизни сўроққа тутишга мажбурлайдиган китоб экан. Масалан, сал аввал ўқиган жойимда Азиз Махмуа Худойи гуллар билан гаплашибди. Кейин Хизр билан... Унинг исми бир неча марта зикр қилинди. Нима учунлигини билмадим-у, лекин у Азиз Махмуа Худойига керакли жойда ёрдам беряпти. Шунанга гаплар, амаки... Қани, охиригача ўқий-чи, нима бўлар экан?

– Жуда ажойиб экан, – деди амаки. – Азиз Махмуа Худойи ҳақларида кўп эшитганман. Нафсинг одамлар билан гаплашиши жуда қизик экан... Тўғриси, мен ҳам қизикиб қолдим. Бунинг устига Хизр... Ўзи бу исм инсонларга галати, имконсиз туюлади. Холбуки, илгари одамлар «Хар келганни Хизр бил» дейишар эди...

Амаки энди гапни давом эттирмоқчи эди, кўчанинг нариги томонидаги масжиддан азон овози эшитилди. Амаки дарҳол ўрнидан туриб, «Энди мен борақолай», деди. «Ўтиринг, амаки», дедим мен ҳам. «Мени чақиришяпти», деди у. Бирдан чўчиб кетдим. Ичимда титроқ пайдо бўлди. Амакининг гапни тушунмадим. У яна ўша чиройли табассуми билан жавоб берди:

– Азон айтиляпти, қаранг. Муаззин намозга чақирыпти-ку. Уни энди тушунгандек бўлдим.

– Майли, унда, яхши боринг, – мен шундай дедим, амакини эшиккача кузатиб кўйдим.

У эшикдан чиқаётиб яна табассум қилди:

– Китобни тугатгач, менга ҳам бериб турасиз, балки ўқиб чиқарман. Бир муадаат шу ерларда бўламан.

– Хўп бўлади, – дедим мен. У севиниб, масжид томонга кетди. Эшикни ёпиб, ичкари кирдим. Нималигини билмадим-у, кўнглимда қандайдир гашлик, хиралик пайдо бўлди. Қандайдир фурсатни, имкониятни бой бергандек

бўлавердим. Ёлғизлигимга хафа бўлиб кетдим, шекилли. Финжонларни ошхонага олиб бориб кўйдим. Кейин негадир деразадан ташқарига қарадим. Бояги амаки масжид томонга кетяпти. У кўзимга яна ҳам ёшроқ, тетикдек кўриниб кетади. Қомати тик, худди югуриб кетаётган эди. Кўчанинг охиригача келиб, бурилаётганда бирданги менга қаради-ю, кўзлари кўзларимга қадади. Мен сесканиб кетдим. Деразадан қараб турганимни касрдан билди? Кейин бирдан ўнг қўлини тепага кўтарди. Хайрлашиш учун кўл силкитади деб ўйлаган эдим, у бўлса шаҳодат бармоғини кўтарди-ю, масжидга қайрилиб, кўздан гойиб бўлди.

Кўзларим катта-катта очилиб, қўлларим титрай бошлади. Кўнглим ларзага келди. Нима демоқчи бўлганини тушунмадим. «Балки бу ишорани менга қилмагандир?» деб ҳам ўйладим. Нима қиларимни билмай, бирпас эсанкираб қолдим.

Шу заҳоти масжидда бўлмаса ҳам, уйда бўлса ҳам намоз ўқиш кўнглимга келди. Шу пайт ичимдаги овоз «Шошилиб нима қиласан? Кейинроқ ҳам ўқийверасан», деб шивирлаб қолади. Хонамга кириб, бироз ўтирдим. Ичимдаги овозни яна тингладим. Тўғриси, унинг гапи менга жуда ёқиб тушди.

Яна китобни кўлимга оладим. Очиғини айтсам, бу ёш ёзувчини кизгана бошладим, унга «хасад» қила бошладим. Ахир ёзган нарсалари мени ҳам ўзига мафтун қилди-да! Бошқаларнинг ҳам диққатини тортиши аниқ. Кейин эса бирдан, ҳозиргина ўйимда меҳмон бўлган кекса одамнинг гаплари ёлимга тушди: «*Хар келгани Хиър бил...*»

Бошқача бўлиб кетдим. Турган жойимда қотиб қолдим. «Наҳотки, бу кекса амаки...? Йўқ, бўлиши мумкин эмас!»

«*Этим жимирлаб кетади. Бироз чўчидим ҳам.*

«*Уша келган киши Хиърмиди? – аслим-у, кўркуваан титра-*

ганимни хис қиладим.

«Э, беъмани гапларни қўйсанг-чи! Тирик одам-ку. Яхшиямки, бир китоб ўкиб қолибсан-да, озиб-ёзиб! Эшигингдан кирган ҳар одамни Хизр биласанми энди?» деди ичимдаги овоз. Бироз ўзимга келгандек бўладим. Лекин барибир юрагим тез-тез уравсрди. Ҳадиксирашим ҳали ҳам турибди.

«Агар ростдан ўша бўлса-чи?» дедим ўзимга-ўзим.

Яна китобни олиб, ўқий бошладим. Ҳақиқатан ҳам, у ёғи нима бўлар экан деб, қизиқиб кетдим. Нималар бўлганини тезроқ ўрганишга шошилдим. Лекин ҳаёлимда саволлар учиб юрибди;

«Хизр ким ўзи? У доим шунақа, кутилмаганда кириб келадими? Менинг уйимга-я?»

ИСТАНБУЛ, 1595

## МАҲМУД ХУДОЙ

*Бу ёлгончи дунёга ишонма!*

Вақт асган нарса ҳаммадан бирон нарса олаётган бўлса, Худойга бераётган эди. Мен эса бунга чидай олмаяпман, бунинг устига, энг алам қиладигани – энди унга кучим етмаяпти! Ахир дунёга муккасидан кетган кишининг энг катта душмани – вақтдир. Вақт унинг бор-йўғини олиб, заиф аҳволга тушириб қўяди. Лекин худди ўша вақт асганлари дунёдан воз кечиб, охирач учун яшаётганларга яқинлашмайди, яқинлаша олмайди. Чунки вақт охирач учун ҳаракат қилаётганларни севганига, яъни Аллоҳ таолога яқинлаштиради. Севгиси фақат дунё бўлганларни эса ҳақиқий севгисидан, яъни Аллоҳдан узоқлаштиради. Вақт – аарди фақат дунё бўлганлар учун балодир. Вақт асган ҳакамнинг дунёда сабр қилиб, хидоят йўлига бош қўйганлардан оладиган ҳеч нарсаси йўқ.

Вақт мана шундай ўтиб борапти. Худойнинг ҳам умр қарвони ўз йўлида давом этапти. Ёлғиз бошлаган йўлида

яна ёлғиз кетяпти. Карвон ҳам, сарбон ҳам – ўзи. Йўлма қолганларни ўзига ҳамроҳ қилиб оляпти. Атрофидаги издошлари кундан-кунга ортиб боряпти. Ускулардаги ерни сотиб олгандан кейин дархол хасёидаги хонақоҳ ерни қиришиб кетади. Ўз кўллари билан тош ташиди. Қолган ишчилар билан тенгма-тенг, худди кўнгиларнинг султони эмас, ҳамма катори одаий ишчидек, мардикордек ишлади... У мана шундай қилишни маъқул кўрди. Ҳашарчилар катори лой қорди, оҳакка қум аралаштирди, гишт терди, хулмас, кўнгила уйи бўлган хонақоҳини ўз кўллари билан барпо қилди. Бу ишларни қибрга берилиб қолмаслик учун, нафсини – мени эзиш учун қилганига ишончим комил. Лекин ортиқча камтарлик кўрсатишга ҳам уринмади, чунки ҳаддан ташқари камтарлик ҳам ўзига хос такаббурлик эканини биларди. Шу даражага етдики, «Камтар бўлишга уринган киши ўзининг устунлигини билгани учун шундай қилади», деган хулосада эди. Унга кўра бу ҳам қибр эди. Худодий ҳамма синовлардан ўтиб, шу даражага етиб келди. Тан олиш керак, нозик тушунчага эга бўлишда унга етадигани йўқ эди.

Хонақоҳ қурилишида бемалол ишлаш учун аҳли оиласини ҳам Ускуларга яқин жойдаги Румий Пошо масжиди атрофига жойлаштирди.

Худодий бир неча йил Фотих масжидида ваъз қилади, толиби илмларга ҳадис илмидан дарслар беради. Энди уни тинглашга, кўнгила беришга келганларнинг кўпчилигидан масжидга одам сизмай қоладиган бўлди. Бутун умрини Аллоҳга дўст бўлиш учун сарфлаган Худодийнинг дўстлари, мухлислари ниҳоятда кўп эди. Лекин шунда ҳам менга қарши курашини бир зум бўлсин ташламади, ҳар доим тегик, сергак, хушёр турди.

У бошига тушган яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам шукр қилар, ҳамма нарсанинг сабабини Аллоҳдан деб биларди. Хушхабарга ҳам «Алҳамадулиллаҳ» аср, бало-қазою ёмон нарсага ҳам «Алҳамадулиллаҳ» аср эди. Яхшилик қилса

«Аллоҳ мадад берди» дەر, ёмонлик келганида эса «Аллоҳ мени севгани учун унутмади», деб севинар эди. Чунки у нафснинг ризоия мартабасида эди. Муваффақиятли амалга ошган ишга «Амалга ошди» деб севинмас, йўқотилган нарсага «Йўқотдим» деб қайгурмас эди. Ҳар бир ишини Алоҳ учун қилар, яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам «Хайрлиси шу экан, ҳаммаси Аллоҳдан» дەر, бошқа лом-лим дсмас эди.

Вакт – олий ҳакам! Ҳамма нарса ўзгараётган эди, Истанбул ҳам, инсонлар ҳам, замон ҳам, умр ҳам бошқача эди. Фақатгина ўлим ўша-ўша, ўзгармаган эди. Ҳамма айни ўша жойдан келар, борар жойи ҳам ўша эди. Бир куни Фотих масжидидаги ваъзларидан бирида бир масалани иштиёқ билан англаатаётган эди, кимдир жанозага чақираётганини эшитди-ю, бирдан жим бўлиб қолди. Гапира олмай, баданини титроқ босди. Сал қолса йиғлай бошларди, ранги оқариб кетди. Хаёли ҳозир ўтирган минбариде эмас, бошқа жойларга учиб кетди. Бутун умри кўз ўнгида гавдаланиб кетди. Бу кимнинг таъзияси экани, оламдан ўтган одам қандай банда бўлгани ҳақида фикр қилди. Масжидга келганлар нима бўлганини тушунмадилар. Худоий эса ҳеч нарса дсмай, сукунатга чўмди.

У бир муадат шундай турди. Хаёл оламига кетди. Ўзи шу ерда, хаёллари, руҳи эса бошқа оламда эди. Тўсатдан у хўнграб йиглаб юборди. Масжидга йиғилган жамоат ҳамон нима қиларини билмай, хайратада жим турар эди. Зотан, хайратга тушишдан бошқа иложлари ҳам йўқ эди. Талабалари ўринларидан туриб, Худоийнинг ёнига бора олмадилар, чунки бунга дармонлари ҳам йўқ эди. Тинмай йиғлаётган Худоийнинг тилидан эса ажиб шеърлар тўкилади:

*Бу дунёда хоҳ қари, хоҳ жавондир,  
Яланғоч келарлар, шундоқ кетарлар.  
Гоҳи гадо, гоҳи шоҳи жаҳондир,  
Яланғоч келарлар, шундоқ кетарлар.*

Менсимаса бунда эски абони,  
Кун келиб, бўлади ер хоки пойи.  
Ечарлар устиндан шойи матони,  
Ялангоч келарлар, шундоқ кетарлар.

Кўй ҳирс-ла тўла дунё амалин,  
Ўйла сендан қолар ҳусни амалин,  
Ортиқча юк эзгу ишга халалдир!  
Ялангоч келарлар, шундоқ кетарлар.

Ё Рабб, Худойга ҳидоят бергин,  
Сендан кетмасликка бир рағбат бергин,  
Иймонга йўллар бир насиҳат бергин,  
Ялангоч келарлар, шундоқ кетарлар.

Худой ушбу мисраларни ўкиб бўлгач, лом-лим ҳам асмай, хутба минбаридан тушди. У ердагилар ҳеч нарсани тушунмагандир, лекин мен ҳаммасини англаб турибман. Худой алақачон дунёдан воз кечган эди. Лекин дунё унинг ёқасини маҳкам ушлаган, хирсланиб, унга ҳужум қилар эди. Чунки агар дунё Худойни қўлга киритса, унинг ортидан эргашаётганларга ҳам эга бўлар эди. Ана ўша дунё ҳам мен эдим. Тинмай унинг атрофини ўз васвасаларим билан ўраб олдим. Аммо Худой дунёга асло майл қилмади. «Жанозага» деган овоз уни умрини сархисоб қилишга ундади. Ахир мен нафсман, енгилган билан эмас, жанг майдонида бурнимни ерга ишқаганга қарши бир умр курашишга ният қилганман. Аммо қаршидаги душман ҳам анойилардан эмас, ўша сабру саботи билан машхур Худой эди. У ҳеч кимга ўхшамайди. У ҳамма нарсасидан бир кунда воз кеча олган. Қандай қилиб ахир?



Бир куни Худой жазирама иссиқда, Рўза тугган хомила  
хонақоҳ курилишида ишлаётиб, елкасида оғир тошни  
кўтариб олди. Зўрга юриб кетар экан, хар бир нафасини «ху»



деб олиб, «ху» деб чиқарар эди. Мурилар унинг елкасидаги  
деб олимоқчи бўлишди, ҳатто ёлворишди, лекин Худоий  
тошни бермади. Бир мурида чидаб тура олмай, Худоийнинг  
руҳсат бермади. Бир муридан тутади:

- Ҳазратим! Ўтиниб сўрайман, мен кўтарай шу тошни!

Худоий бу талабага меҳр билан табассум қилади.  
Пешонасидаги терларни артди, кейин эса хаёлларга толди.  
Талабасига бошдан-оёқ разм солиб, ёшлигини эслади.  
Устозидан айрилишни асло истамай, Уфтодага «Мени  
хонақоддан Саврихисорга жўнатманг», деб ёлворгани эсига  
тўшди. Талабасининг ёлвориши унга ўша ўтмишни эслатади.

Албатта, Худоий бу хотираларни ёш талабага айтиб  
ўтирмади. Бирок унга ўша ернинг ўзида чиройли насиҳат  
берди, мен эса яна ҳеч нарса қила олмадим:

- Болам! Гоҳида кўнглимга гўлгула тушади. Қозилик  
қилган, мол-мулк дарёсида сузган, шону шухрат осмонида  
учиб юрган пайтларим эсимга тушади. Шунақа пайтларда  
қалбимнинг туб-тубида ўша даврларни соғиниш хисси  
ўйонгандек туюлади. Шунда мен мана шу оғир тошларни  
соғинч учқунини ўчириш, нафсимни эзиш учунгина  
ташийман. Нафсимга енгилишни, уни музаффар кўришни  
истамайман. Агар менга ёрдам бермоқчи бўлсанг, анави  
ердан яна бир парча тош олиб келиб, орқамга қўй.

Вакт тўхтаб қолгандек бўлди. Атрофда сукунат ҳукм сурди.  
Мен алақачон ўлган эканман, фақат хабарим йўқ экан...  
Кучсиз, мағлуб эканман. Бўлди, унга қарши жанг қилишни  
тўхтатадим. Орамиздаги жангнинг мутлақ голиби Худоий  
экан. Мен унинг қулига айландим. У ўзи ўлмай туриб, мени  
ўладириб бўлди. Мен Худоийнинг ишқини, азму қарорини,  
гайрату шавқини ўчира олмадим, аммо у менинг хирсимни,  
заботимни, нафратимни сўндаиради.

Худоий талаба йигит билан мана шуларни гаплашар экан,  
ўзоқдан бир кишининг қораси кўринди. Келаётган хабарчи

эди. У денгизнинг нариги томонидан, яъни саройдан келаётганди. Шошиб келаётганига қараганда шум хабар олиб келаётганга ўхшайди.

У хансираганча курилиш бўлаётган жойга етиб келди. Одамлар орасидан ўтиб, Худойининг ёнига келди. Унинг кўзлари жикка ёш, юмадиган бўлса, ёшлари яноқларига оқиб тушишга тайёр эди. Афтидан, ҳамманинг ёнида айтадиган хабар эмас. Зеро, саломлашгандан кейин Худойининг кулоғига эгилиб, нималардир аеди. Шу заҳоти Худойининг кўзларини ҳам маҳзунлик қоплади, аммо ҳеч нарса асмади. Тилидан фақатгина шу сўзлар чиқди:

— Аллоҳ раҳмат қилсин!

Кейин эса уст-бошини қоқиб, дархол саройга йўл олди.

Қонуний Султон Сулаймоннинг набираси, Султон Салим Иккинчининг ўғли Султон Мурод III омонатини топширган экан. Подшоҳнинг ўғли бўлса ҳам, алалоқибат бир банд эди, фармони олий келгач, бу дунёдан ўтибди.

Худойига эса яна илохий илҳом келган, тилида мисралар айланаётган эди. «Бу ёлгончи дунё, унга асло алданма», асмоқчи эди. Улим яқин эди, ҳақ эди. Худойий ўлимдан эмас, гуноҳларидан кўрқар, ҳар он ўлимни эслар эди.

*Ёлгончи дунёга алданиб қолма,*

*Бу мажлис тарқалар, девон завқланмас.*

*Икки эшик орасидир бу дунё,*

*Келган кетар, меҳмон завқланмас.*

*Боқма бунинг қорасига, оқиға,*

*Кўнгли берма бўстониға, боғиға.*

*Ўхшар ҳамон бола ўйинчоғиға,*

*Бунда оқил инсон завқланмас.*

Хидоят йўлидан бир бор кечиб кўр,  
Осмонўпар чўккўилардан учиб кўр,  
Дунё – мўмин зиндони, тарк эт, кечиб кўр  
Зиндон аҳли ғамгин, осон завқланмас.

Эй ғофил, нима деб билдинг шамолни?  
Кетмас деб билдингму фасли баҳорни?  
Юкинг енгиллади аввалдан, қара –  
Қайтмас йўлчи кетар, қарвон завқланмас.

Борингни сарф айла Аллоҳ йўлида,  
Сен нима изласанг, шуни топасан.  
Бир кун сафар бўлса Қиёматгача,  
Чодир ишқилган султон завқланмас.

Умр адо бўлар, дафтар бекилуру,  
Сўнгра Сирот билан Мезон тикилуру,  
Сўнгра у даргоҳга бандалар келуру,  
Буйруқ бажарилар, фармон завқланмас.

Худодий, не бўлди шунча пайгамбар?  
Умар, Усмон, Абу Бакр ва Хайдар?  
Буюк Хабибуллоҳ, сиддиқи акбар?  
Келган албат кетар, ҳеч жон завқланмас...

## ОЛТИНЧИ МАРТАБА

# НАФСИ МАРЗИЙЯ

(Аллоҳ рози бўлган нафс)

*«Эй рози бўлинган нафс! Сен Роббингдан,  
Роббинг сендан рози бўлган ҳолингда қайт»\**

Марзийя – рози бўлган, хотиржам нафс деганидир. Ризо мартабасидаги менлик барча амалларида Аллоҳнинг амрларини чин кўнгилдан, самимий адо қилса, Аллоҳ таолонинг лутфу карами билан марзийя мақомига юксалади. Бунда Аллоҳ таолодан рози бўлгани каби, Аллоҳ ҳам бу бандасидан рози бўлади.

Нафси мутмаиннанинг камолга эришган мартабаси ҳисобланган ризоия ва марзийя нафсининг хусусиятлари мутмаинна нафс билан бир хилдир. Бироқ марзийя мақоми соҳиблари илм ва комилликда илм уммонининг тубига шўнгиган валий зотлардир.

\* Фахр сураси, 27-28-оятлар.

## Султон Ахмадхон

«Шундай султонга кул бўлки, султонлар унга кул бўлсин», деган раҳматли султон отам. Ушбу сўзларни кўнгиларнинг султони Худойидан эшитганини айтарди. Бошида нима асмоқчи бўлганини ҳеч тушунмасдим. Ҳозир эса англагандек бўляпман.

Отам жаҳон султони эди, шунга карамай, бу дунёдан кўчар экан, на мол-мулкни, на шону шуҳратини орқалаб кетди. Отамдан давлат мерос қолди, аммо асосийси у менга Худойини мерос қолдирди.

Мен — Ахмадман. Энди ўн тўрт баҳорни каршиладим. Аммо бўйнимга жаҳоннинг юкини юкладилар. Бошида шахзода Ахмад эдим, кейин отам Султон Махмудхон омонатини эгасига топшириб, бокий дунёга кўчгач, Султон Ахмад бўладим. Аллоҳ таоло дунё салтанатининг подшоҳи бўлишни насиб қилди.

Одамлар ўз гуноҳининг юкини ташишга қийналиб ётса, мен бу ёшда бутун давлатнинг оғирликларини орқаладим. Шунинг билан, ас султонлик бу дунёда эмас, нариги дунёда англадимки, ас султонлик бу дунёда эмас, нариги дунёда экан. Фоний дунёда султон бўлиш — кул, хизматчи бўлиш дегани экан. Султон отамдан менга омонат қолган, мерос қолган зот — кўнгиларнинг султони Худойини Аллоҳ учун каттик яхши кўрадим.

Саройнинг харам қисмида мана шулар ҳақида, бутун кўрган тушим ҳақида ўйладим. Бутун бомбадан кейин бир туш кўрган эдим. Мутлақо бегона, нотаниш бир шаҳарда, нотаниш жойда эмишман. Қуёш бошимдан уриб, баданимни ёндайраётган эмиш, нималиги номаълум бир дара ичимни саяётган эмиш.

Аскарлар атрофимни ҳалқа шаклда ўраб олиб, менга тикилиб туришибди. Айримлари усмоний аскарлари, айримлари эса бошқа давлатнинг аскари. Нима учун бу ерда эканимни,

нима бўлаётганини билмас эдим. Шунчаки кутиб турдим. Бироз вақт ўтгач, рўпарамда бир одам пайдо бўлди. Мен уни танимайман, аммо унинг Австрия қироли эканини билдим. Ҳзи аввалдан Австрияни фатх қилиш, унинг минораларидан азон овозини эшиттиришни кўнглимга тугиб қўйган эдим. Бу туш шунинг нишонаси эди.

У бирадан қилич яланғочлаб, устимга ташланди. Мен ҳам ҳужум қилдим. Аскарлар кўз ўнгида курашга киришиб кетдик. Мен унинг елкасига ташландим. Бир пайт Австрия қироли мени елкасидан ошириб, курагимни ерга теккизди, мағлۇб бўлдим. Шу захоти чўчиб уйғондим. Юзимдан терлар оқарди. Тушимни яхшиликка йўя олмадим. Ичимни кўрқув, титроқ босди. Ҳеч нарсани тушунмай, анграйиб қолдим.

Дарҳол туш таъбирчиларини саройга тўпладим. Тушимни кимга айтиб берсам ҳам, хайрли туш бўлмагани учун таъбир қилишга кўрқишди. Охири бир зот шайх Махмуа Ҳудойнинг туш таъбири илмини билишини, ҳар қандай саволни ундан сўраш кераклигини айтди. Тушимни бир қоғозга ёзиб, хабарчи орқали Ҳудой хазратларига юбордим.

Ҳудойнинг ҳузурига юборган хабарчи саройга кутганимдан ҳам тез қайтди. Шайх Махмуа Ҳудой туш ёзилган мактубни олиб, ўқиб, кейин жавоб ёзиши керак эди. Ахир бунга анча вақт керак бўлади. Пешин маҳали юборган хабарчим шом пайти қайтади дсб ўйлагандим. Аммо хабарчи бир-икки соатдаёқ саройга етиб келибди:

– Султоним! Хабарни шайх Махмуа Ҳудойга етказдим.

Мана унинг жавоби.

Мактубни оладим-у, кўнглимаа шубҳа пайдо бўлди. Қанақасига? Хабарчи кутилганидан ҳам тез келди-ку!

– Қандай қилиб бунча тез бориб келдинг? – дедим унга.

У бошини эгтанча жавоб берди:

– Султоним! Ўзим ҳам тушунмадим. Сиз амр қилгандек, мактубни шайх Махмуа Худоййга топшириш учун уйларига бордим. Эшикни тақиллатдим, ўзлари очдилар. Мени гапиртиришга қўймай, қўлимга мактуб тутқазиб, «Бунни султонга олиб бор», дедилар. Мана, ўша мактубни сизга олиб келдим.

Хайратадан ёкамни ушлаб қолдим. Бир мuddат қўлимдаги мактубга қараб қолдим. Кейин очиб, ўқий бошладим.

«Султон ўғли Султон Аҳмадхонга салому дуолар бўлсин...

*Аллоҳ таоло инсоннинг вужудида курак қисмини, коинотда эса ерни қувватли, кучли қилиб яратди. Инсоннинг кураги ва ернинг бир-бирига тегishi – икки кучли нарсанинг бирлашиб, яна ҳам бақувват бўлишидир. Тушингизда курагингизнинг ерга тегishi ҳам шундан нишондир. Аллоҳнинг иродаси билан Ислом душманига қарши жангда музаффар бўласиз. Тушингиз сирдан қараганда кўрқинчли бўлса ҳам, аслида хайрли тушир. Яна Аллоҳ билгувчидир».*

Мен нима дейишни билмай қолдим. Тушимнинг энг тўғри таъбири мана шу эди. Аммо шайх менинг бундай туш кўрганимни қаердан билган? Нигоҳимни яна хабарчига қаратдим:

– Шайх мактубимни очиб ҳам кўрмади, дедингми?

– Ҳа, мактубни олмади ҳам. Мана, мактуб ёнимда. Мухри ҳам очилмаган.

У шундай дед, мактубни узатди. Дарҳақиқат, мактубнинг мухри очилмаган эди. Махмуа Худоййнинг кимлигини, нега султон отамнинг унга бунчалар хурмат кўрсатганини ўшанда англадим. Айни хабарчи орқали ҳаё ўларок бир ҳамён олтин юбордим.



Мен – Султон Аҳмадхон. Энди ўн тўрт баҳорни қаршиладим. Усманийлар салтанатининг султониман. Аммо кўнглаим бошқа бир султонники, султонлар султониники бўлишини истайман.

ИСТАНБУЛ, 1605

## МАҲМУД ХУДОИЙ

*Сен истаган дунё келди!*

Вакт Худойининг атрофида гирдиқапалак эди. У Фотих масжидидаги вазифасидан Ускудардаги Мехримох Султон масжидига ўтди. Энди шу ерда пайшанба оқшомлари ваъз ўқияпти. Ускудардаги хонақохи ҳам битай деб қолди. Энди Ускудар унинг маънавий нури билан порлаётган, гўё пойтахт ичида пойтахтга айланган эди. Хонақоҳнинг масжид қисми қуриб битказилгач, бир минбар ўрнатиб, хар куни шу ерда ваъз ўқий бошлади. Ўзига бир аунё барпо қилди. Худди бошқа оламда яшайётгандек, талабалар етиштирайётгандек, ваъзлар ўқийётгандек эди. Ёлғиз қолганида хонақоҳни айланади, тафаккур қилади, ёш болалардек севинади. Севинчининг сабаби фақатгина хонақоҳ эмас, балки пири Уфтоданинг дуоси амалга ошгани, бир кишининг бўлса ҳам кўлидан тутиб, ҳақ йўлига бошлаши учун Аллоҳ унга фурсат яратгани эди. Худойининг севинчи ичига сигмай қолди. Гоҳида эски пайтларни хотирлайди. Қози бўлган вақтларини эслаб,



«Агар қозилигимча қолиб, яна олимпиагим билан машхур бўлсам, мақомим, молу давлатим кўп бўлиб, улардан воз кечмаган бўлганимда ҳам Аллоҳ менга бу даражани насиб қилармиди?» дейди.

Шулар хақида ўйлар экан, Аллоҳ унга ато қилган неъматларга чин дилдан шукр қилади. «У ҳолда бу неъматларга шукр қилишнинг ягона йўли – ваъз-насихат қилишдир», дейди-ю, талабаларга тинмай ваъзлар бераверади.

У ҳеч бир кунига асло афсус чекмади. Унинг ўрнида бошқа одам бўлса, ортида қолдирган шунча бойликларни ўйлаб, юраги ёнган бўлар, улардан осонликча воз кеча олмасди. У эса дунё матоҳларини тарк этгани учун Аллоҳга шукр қилди:

*Илоҳий, Сен халос қилдинг мударрислик қазосидан,*

*Васли умидинг ила қутқар борлик азобидан..*

Дарҳақиқат, Худойй ғалати одам эди. Инсонлар жон-жаҳди билан интилаётган, неъмат деб билган мақомни «азоб» демоқда. У Аллоҳнинг розилигидан бошқа ҳеч нарсани истамайдиган бўлди. Дунё унинг кўзида бир қум заррасичалик ҳам қийматли эмас эди. Дунёни Аллоҳ яратгани учун севар, шундан бошқа сабаби йўқ эди.

Хонақоҳида бир кишини бўлса ҳам хидоят йўлига бошлаб, кўнглига кириб, унга Аллоҳни севадириб, жаҳаннамадан узоқлаштира олса, ундан бахтли одам йўқ эди. Дунёдан бундан бошқа вазифа, мақом истамас эди.

Султон Мурод вафот этгач, салтанат тахтига унинг ўрнига ўғли Махмуа ўтирди. У ҳам Худоййни хурмат қилар, ундан илм ўрганар эди. Султон Махмуа подшоҳ бўлса ҳам, халқим, виқорли, огир-босиқ инсон эди. Иймон-эътиқоади кучли эди, намозларини доим масжидада, жамоат билан ўқир, имкон топганда Худоййнинг ваъзларини тинглаб, қалбини юмшатар, дуосини олар эди.

Дунё ҳеч кимники эмас, ҳеч ким дунёни орқалаб, дунё олиб кетмайди. Бу дунёда ҳамма меҳмон, ҳеч ким гўрига қолмайди. Шох ҳам, гадо ҳам бу дунёдан ўтади, абадий қолмайди. Султон Мурод ҳам дунёдан ўтади, аммо ўзи билан Мана, Султон Мурод ҳам дунёдан ўтади, аммо ўзи билан макомини, салтанатини орқалаб кетмади. Ўтганларнинг қўлида факатгина иймони қолади, холос.

Ҳозир эса Султон Аҳмаднинг подшоҳлик даври. Жула ёш пайтида тахтага ўтирган бу подшоҳ ҳам отасидек ихлосли мусулмон эди. Ҳали ёш эди, тажриба орттириши, улғайиши керак эди. Аммо Аҳмад подшоҳликдан кўра бандаликни кўпроқ истар, шунга гайрат қилар эди.

Бир куни Худойи хонақоҳдаги дарсларини тугатиб, уйига кетди. Эшик олдада уни аёли кутиб олди, аммо юзи тунда, қовоғи солинган, ҳар доимги табассумдан асар йўқ. Худойи бу ҳолатни сезмагандек бўлиб, саломга алик олгач, бориб тўшакка ўтирди. Аёли ҳам рўпарасига келиб ўтирди. Бир неча дақиқа иккиси ҳам лом-лим демади. Ниҳоят, аёли ёрилади:

- Хўжайин! Мол-мулкни, қозиликни, мударрисликни тарк қилдингиз. Энди ҳолимизга бир қаранг! Ейишга ҳеч нарсамиз йўқ. Ҳаммасини ўзингиз учун тарк қилдингиз дейлик, лекин ақли аёлингизни, бола-чақангизни ўйламайсизми?

Худойи ҳеч нарса демади. У худди бу гапларни эшитмаётгандек эди. У ўрнидан туриб, хонтахта олдига келиб, нимадир ёзиш учун қоғоз-қалам олди. Худди кўнглига ихлом тушгандек эди. У қоғозга нималарнидир ёзди. Аёли эса ҳамон гапирар, ичидаги дардини тўкиб солар эди:

- Дадаси, майли, охират учун яшайлик, лекин дунёда ҳеч нарсамиз бўлмасинми? Дунёга оид мақсадимиз, насибамиз бўлмасинми? Сиздек мол-дунёсини, мансабини тарк қилган одам бормикан ўзи? Бу кетишда ахволимиз нима бўлади?

Худойи яна ҳеч нарса демади. Индамай ўтираверди. Шу

пайт эшик тақилаб қолади. У сал аввал қоралаган қогозини ҳам олиб, эшикни очиб учун кетади.

Эшикни тақилаб Султон Аҳмаднинг хабарчиси экан. Султон Аҳмад бир туш кўрибди. Тушини кимга айтса ҳам, унинг кўнгладагидек таъбир қила олмабди. Натижада тушини бир қогозга баён қилиб, Худойига юборибди. Келган хабарчи Султон Аҳмаднинг туши ёзилган хабарни олиб келган экан.

Худой эшикни очар-очмас, хабарчи нима учун келганини айтмоқчи бўлади:

– Ҳазратим! Бутун бомдодан кейин султонимиз...

Хабарчи ҳали сўзини тугатмасидан Худой кўлидаги хозиргина нимадир ёзилган қогозни хабарчининг кўлига тутказди:

– Бу мактубни султонимизга етказиб, мендан салом айтинг.

Хабарчи хайрон бўлиб қолади, лекин индамай мактубни олиб, отини сарқ учуриб, қайтиб кетади.

Худой хабарчига мактубни бергач, хонасига кириб ўтиради. Аёли ҳамон ўша гапини такрорлаб «Дунё, дунё...» дер эди. Худой яна жавоб бермади.

Тахминан бир соатлардан кейин дарвоза яна тақиллади. Худой бориб, эшикни очди. Бу яна ўша хабарчи эди. Бу сафар унинг кўлида бир ҳамёнча бор эди.

– Ҳазратим, буни сизга султонимиз юбордилар...

– Менга эмасдир, болам...

Худой шундай деб, ҳамённи олиб, уйига кирди. Хотинининг қовоғи ҳали ҳам бир қарич осилган, ўзига ўзи гапириб ўтирар эди. Худой ҳамённи хотинининг ховучига тўқди. Аёли ҳали «Бу нима, бунча олтин қасрадан келди?» дейишга уағурмасидан «Мана, ол, хотин! Сен истаган дунё моли келди. У менга эмас, сенга келибди. Менинг эса дунё моли билан ишим йўқ», деди.

Мен Худойини ҳеч тушунмади у биланман, унинг ичидаман гуноҳини – хуллас, ҳамма нарса уяладиган иш қилганини кўрм юксалаверди, мен эса заифлаш у менга азоб берди. Душман кўйдим. Аниқроғи, душман Нафс бўлсам ҳам, Худойининг энди унинг кўлида. Ўзим эса ҳамон қурашдан тўхтамаган, ё чарчамаган, жонимни оғрити. Мени ҳидоятга чорлашдан аямаяпти:

– Эй нафсим! Сени ҳам Алл ҳам севди. Аллоҳ учун сен қилиб, тузоғинга тушмай

ИСТАНБУЛ, 1609

## МАҲМУД ХУДОЙ

*Эй Маҳмуд, йилмама!*

Мен Худойини ҳеч тушунмадим. Мен нафсман, ҳар доим  
у биланман, унинг ичидаман. Яширган сирини, айбини,  
гуноҳини – хуллас, ҳамма нарчасини билман. Аммо бирорга  
уядадиган иш қилганини кўрмадим. Аксинча, кундан-кунга у  
юксалаверди, мен эса заифлашиб бораверадим. Мен унга эмас,  
у менга азоб берди. Душман бўлиб, душманликни унутиб  
кўйдим. Аниқроғи, душманлик қилишга ҳолим қолмади.  
Нафс бўлсам ҳам, Худойининг қулига айлаңдим. Тизгинларим  
энди унинг қўлида. Ўзим эса заиф, кучсиз бўлиб қолганман. У  
ҳамон курашдан тўхтамаган, ёмонлигимни юзимга солишдан  
чарчамаган, жонимни оғритишдан қайтмаган эди.

Мени ҳидоятга чорлашдан зерикмай, насиҳатларини  
аямаяпти:

– *Эй нафсим! Сени ҳам Аллоҳ яратган, шунинг учун сени  
ҳам севаман. Аллоҳ учун сени севаман. Аммо айтганингни  
қилиб, тузегингга тушмайман. Яратганинг буйруғидан*

огмайман. Сени Аллоҳ учун севганимдек, яна Аллоҳ учун сендан нафратланаман...

Мен бечора гапира олмайдиган бўлиб қолганман. Илгари гапирсам ҳам, мени тингламасди. Ҳозир эса оғзимни очишга ҳам мадорим йўқ. Номига тирикман холос, аслида ўлиб бўлганман. Худоий нима амал қилса, менинг овозимни ўчириш учун қилади. Чалажонлигимни билиб турса ҳам, бир кун ўзимга келишимни сезгани учун тинмай курашди. Шунинг учун ҳам энди мен билан бемалол гаплашяпти.

Ярим кечаси эди. У ўзини ҳар доимгидан ҳам ёлғиз хис қилади. Кўнглини маҳзунлик эгаллади. У дунёдан чарчаган эди. Ўтмишини, босиб ўтган умрини ўйлади. Гуноҳлари билан Аллоҳнинг ҳузурига қандай бориш ҳақида тафаккур қилиб, ўзидан уялади, йиғлади:

– Эй нафсим! Роббим сен ҳақингда сўраса, билгинки, мен сендан розиман.

У шундай деб, хўнграб йиғлаб юборди, оппоқ соқоллари жикка хўл бўлди. Аслида, йиғлашини истамас эдим. Чунки мен алақачон унга айланиб бўлганман. Худоийнинг жонини оғритган нарса мени ҳам азоблайдиган бўлиб қолган. Худоий эса онасини йўқотиб кўйган ёш боладек йиғлайверади.

У кучсиз, ожиз бўлиб қолгандек кўринди. Анчадан бери унга яқинлашишга фурсат топа олмаётган эдим, топилгандек бўлди. Қулогига пичирлаш учун қулай вазият эди. Титраб-қакшаб йиғлаётган Худоийнинг қулогига шивирладим:

– Эй Махмуа, йиғлама!

Худоий эртаси куни, ҳали ҳеч ким уйгонмасидан Ускударнинг энг тепа қисмида байроқдек хилпираб турган хонақоҳининг ҳовлисига чиқди. Мавжланиб турган аснгиз тўлкинларини кузатади, олам асб атаамини илоҳий китобни ўқишга уринди. Енгил баҳор шабболаси соқолларини тебратади, яноқларини силади. Чопонининг

этаклари Истанбул шамолида хилпиради. Кўзларини юмиб, тафаккур қилади, олам, инсон, иймон ҳақида ўйлади. Бироз вақт ўтгач, от туёғининг овозлари эшитилди. Худой кўзларини очмай, тафаккурда давом этади. Овоз тобора яқинлашаверди. Худди тонг вақти сукунат либосига бурканган Истанбулда фақатгина шу туёқ овози бордек, акс-садо бераётгандек эди. Ниҳоят, отнинг оёқ товуши тўхтаб, хонақоҳнинг ёғоч эшиги гичирлаб очилди. Худой ортига ўгирилиб қаради. Аммо кўзлари ҳамон юмук эди. Оёқ товушлари борган сари яқинлашиб, Шайх томонга келаверди.

Кўзлари ҳамон юмук.

Келган меҳмон Худойнинг ёнига яқинлашгандагина «Хуш келдингиз, султоним» деди-ю, сўнг кўзларини очди.

Келган ростдан ҳам Султон Аҳмад эди. Худой кўзи юмук ҳолда бунни кўнгил кўзи билан сезибди.

– Хуш кўрдик, ҳазратим, – деди Султон Аҳмад. – Юрагим сиқилиб кетди, кўнглимни ёзай, сиздан насиҳат олай деб келдим.

Худой табассум қилди. Султон Аҳмаднинг маслаҳат учун келганига, қалбида Аллоҳ кўркуви ва севгиси борлигига севинди. Аммо бу йигит навқирон ёшида давлат ва халқнинг юкини орқалаб олганини ўйлаб, бироз ташвишланди.

– Султоним! Эшитяпсизми? – деди Худой.

Султон Аҳмад саволни тушунмай, хайрон бўлиб қолди. Кейин эса икковлари ҳам денгизга қарадилар.

– Тўлкинларга кулок солинг-а! Улар ҳам Аллоҳни зикр қилмоқдалар! Қушлар, шамоллар Уни зикр қилмоқда. Тили бор нарсалар ҳам, тили йўқ нарсалар ҳам Унинг номини зикр қилади...

– Афандим... – деди Султон Аҳмад. Ўзи жаҳон салтанатининг султони бўлса ҳам, Худойга «Ҳазратим, афандим», деб хитоб қиларди.

– Афандим! Мен ҳаммасини эшитмоқчиман. Коинот кити.  
бининг тилини билмоқчиман, – деди у.

– Билиш бошқа-ю, билдириш бошқа... Олим бўлиш  
бошқа-ю, ориф бўлиш бошқа... Илм бошқа, ирфон бошқа, –  
деди Худойи худди ўзи билан гапашаётгандек.

– Ижозат берсангиз, талабангиз бўлсам. Керак бўлса, ҳамма  
нарсамдан воз кечиб, Аллоҳга ҳақиқий қул бўлайин. Дунё  
молини оёқларим остида эзайин...

Худойи сесканиб кетди. Ичидаги нафснинг овози ҳам ўчди. У  
Аҳмадхоннинг кўзларига тик қаради. Султоннинг кўзларида  
самимийлик порлаб турарди. Ҳа, султоннинг нияти жиддий.  
Унга қараганида ўз холини, ёшлигини кўради.

– Султоним, балки менинг йўлим энг қулайидир. Мен  
ҳамма нарсамни тарк қилдим. Борлик, тўқлик оламидан  
йўқлик оламига келдим. Аллоҳни шу ерда топдим.  
Энг қийин иш – борлик, фаровонлик оламида туриб  
курашишдир. Шундай экан, сизнинг мақомингиз  
меникидан устундир. Тўқлик, фаровонлик оламида  
туриб ҳам Аллоҳ билан қола олсангиз, билингки, мен  
сизнинг соянгизчалик ҳам бўла олмайман. Мен қозиликни  
тарк қилиб, нафсимни тарбияладим. Сиз эса жаҳон  
салтанатининг султонисиз. Бу мақомни тарк қилиш учун  
бир неча умр етмайди, ахир! Бу машаққатли иш, инсондан  
кучли матонат талаб қилади... Султонликни сизга Аллоҳ  
тақдир қилди. Шундай экан, Аллоҳнинг хукмига тобе  
бўлинг. Ана шунда менинг кичкина хонақоҳим эмас, бутун  
дунё хонақоҳингизга айланади. Бу ер сизнинг мақомингиз  
эмас, сизнинг хонақоҳингиз бутун жаҳондир.

Ёш Султон Аҳмаднинг кўзларида маъюслик кўринди. Бироз  
титради. Яна ёлвормоқчи бўлади-ю, тўхтади. «Модомики  
кўнгилар султони Махмуа Худойи мана шундай ўғит  
бердиларми, итоат қилиш керак», деб ўйлади.

- *Хазратим! У холда сиздан бир насихат олай, – деди у.*

- *Аллохни кўп-кўп зикр қилинг! Қачон юрагингиз сиқилса, қалбингиз қорайса, Уни зикр қилинг. Зикр эслаш деганидир, султоним! Эслашнинг тесқариси эса унутмоқдир. Аллохни зикр қилишни тарқ қилиш – Уни унутмоқ деганидир. Бизнинг ишимиз, бош мақсадимиз – зикр қилишдир, ҳар доим Уни эслашдир, Унинг борлигини унутмасликдир. Зикр қилинг, эсланг ва унутманг!*

*Сўнг кўзларини юмиб, ушбу мисраларни айтади:*

*Зоқир сафога эришар,  
Анвори зикруллоҳ ила.  
Ошиқ Худога эришар,  
Ансори зикруллоҳ ила.*

*Кўнгилар ҳайрон бўлар,  
Асрори зикруллоҳ ила,  
Йўллар ҳам осон бўлар,  
Асару зикруллоҳ ила.*

*Бўлай деб Ҳаққа яқинроқ,  
Аҳли ирфондан ол сабоқ,  
Кўринади ҳар варақ  
Ашжори зикруллоҳ ила.*

*Энда Султон Аҳмад ҳам кўзларини юмди. Унинг кўнглига ҳам илҳом келгандек эди. Ёш султон ўзида эмас эди. У мақомини, тахтини тарқ қилмасдан Аллоҳга содиқ қул, аўст бўлмоқчи. Бу эса жуда мушкул эди. Буну ўзи ҳам яхши биларди. Кўнглига тушган илҳомни тўхтата олмади, мисралар тилига тўкилди:*

*Кўнги уйи нурли бўлар,  
Анвори зикруллоҳ ила.  
Қалом уйи обод бўлар,  
Меъмори зикруллоҳ ила.*



*Ҳар не мушкул осон бўлар,  
Дил дардига дармон бўлар,  
Жонлар аро жонлар бўлар,  
Асрори зикруллоҳ ила.*

*Эй кўнгил, ҳар нафас зикр қил,  
Боқий Аллоҳни фикр қил,  
Борлигине ҳаққи шуқр қил,  
Тақрори зикруллоҳ ила.*

Иккиси ҳам суқунатга берилдилар. Гўё бутун борлик суқунатга чўмиб, денгиз, дарахтлар, куш, нафас, овоз, кун, кўёш, иклимлар уларни тинглаётгандек эди... Бу зикруллоҳ ўзгача илҳом билан келаётган эди.

## ЕТТИНЧИ МАРТАБА

# КОМИЛ НАФС

*«Ўз даргоҳимиздан раҳмат ва Ўз тарафимиздан  
илм ўргатган бандаларимиздан бирини топдилар»\**

Комил нафс (нафси комила) – мукаммал, покланган нафс деганидир. Бу мартабадаги нафсга нафси софия, нафси солих ҳам дейилади.

Бу мақомда бутун вужуд, ақл, рух, нафс – барчаси нур бўлади. Комил нафс эгалари – нафснинг барча босқичларидан ўтиб, энг юқори даражага эришган зотлардир. Улар нафсларининг бутларини парчалаб, ўзларини, «мен»ликларини унутган шахслардир. Комил нафс мартабасига эришганлар Аллох таолонинг илмидан, қуаратидан насибадор бўлган, баъзи сирларга вокиф бўлган бахтиёр зотлардир.

\* Кахф сураси, 65-оят.

ИСТАНБУЛ, 1612

## МАҲМУД ХУДОЙ

*Шайхимнинг васияти амалга ошсин деб...*

Султон Ахмад Аё София масжидининг рўпарасига ўз исми билан аталган масжид курaira бошлади. У ерда қилинадиган ибодатлар билан ўз мақомига яраша закот беради, Худойнинг насихатларига амал қилган бўлади. Чунки бу дунёда иншо қилинадиган энг қийматли бино – Аллоҳнинг уйи бўлмиш масжидлардир. У эса бунинг учун бутун умрини сарфлашга тайёр эди.

Масжид пойдевори қурила бошлагач, Худой хазратларини чақиради. Шайх қўларини очиб, чиройли дуолар қилди. Масжиднинг биринчи гиштини Махмуд Худой, шайхулислом Махмуд афанда, вазири аъзам Қуаукчи Мурад Пошо биргаликда қўйдилар. Масжиднинг қурилишига гувоҳ бўлиш учун тумонат одам тўпланди.

Баъзилари «Аё Софиядек улкан ва қадимий масжид турганда, унинг ёнига яна масжид қуриш керакмикин»,

Юраги сиқилади. Кўнгли гаш бўлади. Мен ҳаммасини билиб турибман, чунки мен унинг нафсиман, энг яқиниман. У азоб чеккан сари мен ҳам азоб чекдим. Тонггача у ёқдан бу ёққа ағдарилиб, ухлай олмади. Дарди катта, хузури йўқ эди. Намоз ўқиди, дуолар қилди, зикр билан машғул бўлди, барибир ичидаги дара тинмади. Унинг нимадандир хабари бор, аммо нималигини айтмади.

Ўша кеча кўзларига уйқу илинмаган фақатгина Худойи эмас эди. Ёш подшоҳ Султон Аҳмад ҳам бедор эди. У аввалига севинчидан ухлай олмади. Ҳазрати Пайгамбар алайҳиссаломнинг муборак оёқ изларини Истанбулга олиб келгани учун шундай бахтиёр, маст эдики, уйқуси тамоман қочган, шодмонлигидан еттинчи осмонда учиб юрар эди. Тинмай шуқр намози ўқиди, ёш тўла кўзлари билан Аллоҳга ҳамдлар айтди. Сал вақт ўтиб, чарчаганиданми, саждада ётган ҳолида уйқуга кетди-ю, даҳшатли туш кўрди. Қозининг хузурида тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада катта маҳкама ташкил қилинибди. Ислоом оламида яшаб ўтган барча буюк подшоҳлар йиғилибди. Тўрадаги ўриндикда нурларга безанган Пайгамбаримиз Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам ўтирибдилар. Ён томонларида мамлуқлар давлатининг ҳукмдори Қайитбой турибди. Ўртада эса Султон Аҳмад.

Мамлуқ ҳукмдори Қайитбой Султон Аҳмадга олов сочаётган кўзлари билан тикилиб, шундай деди: «Султон Аҳмаднинг устидан шикоятим бор! Мақбарамдаги сизга оид омонатни олиб кетибди. Одамлар сизнинг ва муборак оёқ изларингизнинг хурмати юзасидан келиб, мени ҳам зиёрат қилар, дуолар ўқир эдилар. Энди уни Аҳмад олиб кетибди...»

Султон Аҳмад турган жойида дир-дир титраб, нима аёйишини билмай, қотиб қолади. Вужудидан муздек терлар оқди. Лом-лим аёя олмади. Жавоб беришга мажоли ҳам йўқ. Ранги оқариб кетган, ўтирганларга маъносиз қараб тураверди.

Шу пайт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилдилар: «Омонатим ўз жойига қайтарилсин!» Бирдан ойдинлик ўрнини зулмат қоплади.

Султон Аҳмад уйқусидан йиглаб уйғонди. Эс-хушини йўқотган одамдек, нима қилишни билмай қолди. Дарҳол уламоларни саройга тўплади. Кўрган тушини кўзида ёш билан айтиб берди. Барча олимлар тушни эшитиб, ҳайрон қолишди. Сўнг ҳаммалари бир овоздан: «Султоним! Бу бир огоҳлантиришдир. Зеро, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг «Мен кимнинг тушига кирсам, ростдан ҳам мени кўрибди, чунки шайтон менинг шаклимга кира олмайди», деган мазмундаги ҳадислари бор. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Пайғамбаримиз алайҳиссалом сизни огоҳлантирибдилар. Шундай экан, Пайғамбаримизнинг омонатларини ўз жойига, яъни Қайитбой мақбарасига қайтариш энг муносиб ишдир», деб таъбир қилдилар.

Ёш султон бир неча бор курук ютиниб қўйди. Гапиришга ҳаракат қилди, аммо тили айланмади. У ҳамон кўрган тушининг таъсирида эди. Кўзлари жикқа хўл. Бутун баданидан тер оқиб турибди. Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалом томонларидан огоҳлантирилганини, омонатни ўз жойига қайтариши кераклигини ўйлаб, юраги сиқилди.

Кейин эса дудуклана-дудуклана, титроқ овоз билан «У холда...» деди-ю, бироз гапиролмай турди. Сўнг «У холда омонатни жойига қайтаринглар», деди.

Сўнг барчани ҳузуридан чиқарди. Улар чикқач, устидаги шоҳона тўни жикқа хўл бўлгунича йиглади. Дунё салтанатининг подшоҳи бўлса ҳам, мана шу ҳайҳотдай саройда яккаю ёлғиз эди, кўнглидаги оғрикни тушунадиган кимсаси йўқ эди. Жони қаттиқ азоб чекди. Кўнглидаги оғрик тилига шеър бўлиб тўкилди:

Не бўлур, тожум каби доим бошда олиб юрсам,  
Шоҳи Расул Мустафо муборак оёқ изларин,  
Ўша қадам эгаси – набийларнинг гултожидир,  
Аҳмадо, кўзингга сур ўша гул оёқ изларин...

Султон ушбу мисраларни қоғозга тушириб, ўлгунига қадар салласининг ичида сақлади.



Ўша куни саройда бу воқеалар бўлаётган пайтда Худойи ҳам хонақоҳининг чиллахонасида икки букилиб, азоб чекаётган эди. Унга нималар бўлаётганини тушунмадим. Унинг жанги мен билан эмас, ўзи билан эди. У ўзига қарши риёзат чекар, ичидаги овозларни ўчиришга уринар эди. Ўзидан кечиб, худди ўлиб, қайта тирилаётгандек эди. Тинмай Аллоҳни зикр қилди. Қоп-қоронғи хужрада қандайдир ёруғлик бор бўлиб, у Худойининг кўксидан чиқаётгандек эди. Тилидан тавбаси тушмас эди.

Мен унинг нима учун тавба қилаётганини тушунмадим. Мен ҳар доим у биланман, аммо бирор гуноҳ қилганини билмайман. Мен уни қанчалик гуноҳга чақирсам, у мени шунчалик ҳидоятга чорлади. Шундай экан, шунча кўз ёш нима учун? Сабаби нима ахир?

У қоронғи хужрада кўзидаги ёшлар куриб тугагунга қадар йиғлади, сўнг титроқ овоз билан «Тавбаларимга ҳам тавба қилдим», деди. Мен яна ҳеч нарсани тушунмадим. Одам деган тавбасига ҳам тавба қиладими? Нималар бўляпти ўзи? Бунақасини биринчи марта кўриб турибман. Йиғидан тузукрок гапира олмади ҳам.

– Тавбаларимга ҳам тавба бўлсин! Зеро, улар ҳам тавбага муҳтож, – деди у яна.

Бу қанақаси-а? Нималар бўляпти? Нималар деяпти бу одам? Ақлим етмай қолди. Худойининг қандай аҳволга тушиб қолганини англай олмадим. У билан боғлиқ бўлиб ўтган

хамма нарсани тафаккур қилдим. Зотан, унинг бу дунё билан иши йўқ эди. Аммо дарди охират ҳам эмасдек эди. Бу чигални еча олмадим.

– Нафсим! – деди Худой тўсатдан. У худди мени кўриб тургандек эди. Таажжубдан чўчиб кетдим, бармогимни тишладим.

– Эй нафсим! Дунё билан ишим йўқ, биласан. Ичимдаги дунё сен эдинг, сени аллақачон тарк қилганман. Сендан бутунлай воз кечганман. Охират учун ҳам ҳеч нарса истамайман. Қилаётган ибодатларим, зикрларим, Аллоҳга ёлворишларим жаннат учун эмас ёки жаҳаннамдан кўрққаним учун эмас. Буларнинг бари Аллоҳдан кўрққаним учун, Унинг жамолини кўриш учундир. Бошқа сабаби йўқ... Мен илгари олим эдим. Кейин эса Уни танимок учун орифликни танладим. Маърифатуллоҳ йўлига кирдим. Ҳозир эса ягона дардим – ошиқ бўлишдир... Эй нафсим, олимлик бошқа, орифлик бошқа, ошиқлик эса тамоман бошқадир. Мен ошиқ бўлишни истайман. Кўркувим фақатгина Аллоҳдандир. Бу кўркув У Зот менга азоб беради деб эмас, жаҳаннам азобидан кўркув эмас. Ошиқ севганидан узоқ қолишни истамайди-ку, мендаги кўркув ана шундай кўркувдир... Мен жаннатни интиқлик билан кутаман. Мукофотим жаннат деб эмас, балки ҳамма у ерда севгилиси билан кўришади, Аллоҳ таолони бир марта бўлса ҳам кўраман, деб кутаман.

– Эй нафсим! Дунё севгиси билан Аллоҳ севгиси бир қалбада жойлаша олмас экан. Мен шуни англадим. Севиладиган Зотга бир бўлмоқ, ягона бўлмоқ ярашади. Эй нафсим! Сен қалбимдаги дунё севгисисан. Сен ўлмасанг, қалбимга ишқ кирмайди, Аллоҳ ишқи кира олмайди. Асл севгилимга етишмоқ учун сени ўлдиришим шарт! Мен энди бошқа ҳол истайман. Бугунгача аҳволим куёшнинг жазирама иссиғидан бир дарахт соясига қочиб, соядан паноҳ истаган, шунга шукр

книган инсон каби эди. Ҳозир англаб етдимки, бу гўзаллик соядан эмас, балки дарахтнинг ҳимматидан экан. Мен Унга шукр қилишим керак.

- Эй нафсим! Авваллари очиқ-ойдин хужум қилиб, мени осонлик билан енгар эдинг. Энди эса яширин-яширин, писмиқларча хужум қиляпсан. «Сен етишдинг, ўзингни қийнама, шунча зикр, нафл ибодатнинг нима кераги бор?» деяпсан! Аммо яхши биласанки, ягона дардим Аллоҳ таолога лойиқ банда бўлишдир. У Зот ҳам мени севишини истайман. Аллоҳ шундай деди: «Кулим Менга энг кўп яқинлашадиган амал – фарз қилган амрларимни бажо келтиришдир. Сўнг у нафл ибодатлари билан ҳам яқинлашади. Охир-оқибат шундай яқинлашадики, энди Мен ҳам уни севаман. Шунда Мен бандамнинг эшитувчи қулоғи, кўрувчи кўзи, тутувчи қўли, юрадиган оёғига айланаман».\* Буларнинг барини яратган Аллоҳ мени севсин деб қиляпман...

Худойнинг бу гаплари менга ёқмади. Мен билан гаплашишини, мени ўлдиришини асло истамадим. Лекин бу Худой, барибир айтганини қилди...

«Дунёга оид ҳеч нарсани севмайсанми? Ахир сен ҳам инсонсан-ку!» дедим жаҳл билан. У анчадан бери менга бунақанги азоб бермаган эди. Аммо бу сафар жонимни жуда қаттиқ огритди.

- Ҳа, мен инсонман, – деди у. – Мен дунёда яшайман, истамасам ҳам севаман, аммо Аллоҳга бўлган муҳаббатим ундан кучлидир.

У яна менинг нозик жойимдан ушлади. Мени ўлдирди, жонимни огритди!

- Энди мен нимани севсам ҳам, фақат Аллоҳ учун севаман!

Худой шундай деди-ю, кўксимга ханжар санчди...

Охирги нафасимни олишга ҳам рухсат бермади, нафасим бўғзимда қолди. Худойни аллақачон кўлдан бой

\* Имом Бухорий ва имом Аҳмад Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилишган ҳадиси кудсий.



берганимни энди тушуниб стаим. Оғзимдан бошка калом чикмади. Энди у бошка одам. Нима десам ҳам кулоқ солмайдди. Энди мен унинг ичидаги зиндонда қолган бир асирман, холос. Бу зиндондан қочишга ҳар қанча уринсам ҳам бўлмади. Кучим етмади.

Худой яна бир мунча вақт тўхтамай йиглаб, Аллохни зикр қилди.

Кейин эса нимадир бўлди, шекилли, қандайдир хабар олган одамдек, ўрнидан сакраб туриб, хужранинг эшигидан чиқди. Эгнига чопонини кийди, салласини ўраб, хонақоҳдан ташқарига чиқди.

У тез-тез қадам ташлаб, шоша-пиша бозор майдонига қараб кетди. Худойга нима бўлди ўзи? Бироз олдинги сокин, зикр билан машғул одамга нима бўлдики, тўсатдан бу ахволга тушди? Қасққа кетяпти у?

Худой бозорга етиб келди. Кимнидир қидираётгандек, биров келишини кутаётган одамдек у ёқ-бу ёққа қаради. Кейин эса соҳил томон кетди. Шитоб билан кетаётиб, бирдан тўхтади-ю, бошини ердан кўтариб, рўпарасидан келган одамга қаради. Демак, шу одамни кутаётган экан. Келган Султон Аҳмад эди...

Султон Аҳмад ҳам кўрган тушининг таъсирида, Пайгамбаримиз соллалоху алайҳи васалламнинг муборак қадам изларини ўз жойига қайтариб юбориш гамида куйиб-пишиб, кайфияти тушиб, саройдан чиққан эди. Бу ерга Худойдан далада ва мадад олиш учун келди-ю, бозорда кўришиб қолишди.

Султон Аҳмад Худойни узоқдан кўрар-кўрмас, отидан тушди. Оаоб ва тавозе билан устози томон юрди. Худой Султон Аҳмадни жаҳон салтанатининг султони деб хурмат қилар, Султон Аҳмад эса устозини кўнгилаарнинг султони деб эъозлар эди. Бу манзара ҳатто мени ҳам сехрлаб қўйди.

Султон Худоййга яқинлашиб, салом берди.

– Ҳазратим! Юрагим сиқилиб кетди, дардимга дармон бўлинг асб, хузурингизга келаётган эдим.

Султон Аҳмад Худоййнинг жигар-багри ёнаётганини билмайди. Аслида иккисининг ҳам дарди, ичидаги ёнгини оғир эди. Аммо бир хил эмас эди. Бири ичидаги оловнинг сўнишини, наригиси эса ёнишини истар эди.

Худойй жавоб бермади. Жавоб беришни истамадими ёки жавоб беришга мажоли йўқми?

– Ҳазратим! – асди яна Султон Аҳмад. – Бир нарса бўлди-ю, мени ёқиб, кул қилади...

– Хабарим бор, султоним, – асди Худойй.

Қанақасига хабари бўлади? Қаердан билади?

Аммо у ростдан ҳам билар эди.

– Биладан... Сиз тўғри йўл тутдингиз. Лекин ўзингизни кийнаманг. Ахир тушингизга Пайгамбар солалмоху алайҳи васаллам ташриф қилибдилар. Аксинча, бунга севининг! Султон Аҳмад жавоб бермади. Худойй унинг тушини қаердан билганини ҳам сўрамади. Лекин Худоййнинг мақоми қай даражада улуғ эканини англади. Худоййнинг ёнида султонлик мақоми ҳеч нарса эмаслигини ҳис қилади.

– Қани, юринг, султоним! Отингизга мининг, хонақоҳга

борайлик, – асди Худойй.

– Майли, – асди Султон Аҳмад. Сўнг оти томон бир неча қадам босди-ю, биранига тўхтаб қолади. Худоййга қаради.

– Ҳазратим! Сиз пиёда бўлсангиз, мен қандай қилиб отга минаман? Марҳамат қилиб, отга сиз мининг. Мен сизнинг оладингизда пиёда кетаман, – асди.

Қанийди, хўп асса! Хўп асйишини жуаа истадим, аммо йўқ асйишини аниқ биламан. У бунга асло қабул қилмайди. Камтарлик асб атамиш кўйлагини кийган кунидан бери

бир марта бўлса ҳам счмаган. Ҳар доим ўша камтарлигини химоя қилиб келади. Ростдан ҳам, энди «Йўк, минмайман» демокчи эди, бирдан жим бўлди. Шайхи Уфтода эсига тушди. Уфтода ўлим тўшагида ётган ҳолида Худоийга: «Болам, мен сендан мингдан-минг розиман. Тилагим шуки, подшоҳлар отингнинг тизгинидан тутиб, сени «стакласин» деб дуо қилган эди.

У ҳеч нарса асмай, отга яқинлашди. Ростдан ҳам отга минармикин? Ҳа, отга минди!

Султон Аҳмад отнинг оламида пиёда, Худоий эса отда эди!

Худоийни от устида, жаҳон салтанатининг султони Аҳмадни от оламида пиёда кўрганлар хайронликдан оғизлари очилиб, кўзлари катта-катта бўлиб кетди.

Аллоҳ Ўзига кул бўлганларни султонлар устидан султон қилади. Султон Аҳмад ҳам кибр пардасини йиртиб, тавозени ўрганди.

Бир неча ўн қадам юргач, Худоий отдан тушди, Султон Аҳмад «Отда ўтираверинг», деб қанча қистаса ҳам, кулоқ солмади. Султон яна бир бор «Ҳазратим, тушманг, ўтираверинг!» асгач, Худоий унга бу ҳолнинг сабабини айтди:

– Аслида мен бу отга минмас эдим, лекин устозим Уфтоданинг дуоси бажо келтирилсин асбгина миндим...

Худоий шундай асли-ю, пиёда юриб кетди.

## ИСТАНБУЛДАГИ БИР ЖОЙ. БУГУН

### СЕН

*Бу овоз ҳамшиша ичимда эдимми?*

Ўқиганларимни тушуна олмаяпман. Оддий роман деб қарасам, ҳаммаси жойида. Лекин бу хикоялар ҳақиқатан ҳам бўлганми? Инсон ўқиб англамаяпти, Азиз Махмуа Худойи буларни бошидан ўтказиб, қандай қийинчиликларга дуч келган экан-а? Шундай бўлиши мумкинми? Бор нарсаларми ўзи?

Ундай бўлмаса ҳам, ўқиганларимга ишонгим келяпти. Ишоняпман ҳам.

Истайманми-йўқми, ўқиганларимдан анча таъсирландим. Бошқача бўлиб кетдим. Масалан, тушлар, Султон Аҳмадинг туши... Ҳозир ҳам шундай туш кўрадиганлар бормикин? Бу тушларни таъбир қила оладиганлар-чи? Бу тушларга ишонадиганлар қолдимми? Мен ҳам мана шундай туш кўришни истар эдим! Тушларимни эсласам, жуда ғалати. Маъносиз, алғов-даалғов тушлар. Боши бор, охири йўқ, узук-юлуқ тушлар... Нима учун тушларим бунақа, билмайман. Нима учун китобадаги каби тушлар кўрмайман?

Айникса, Азиз Махмуа Худойнинг шеърлари жуда бошқача экан. Инсон ўқиб, маза қилади. Самимий, содаа, ҳаётӣй шеърлар. Дунёни бундан ортиқ тасвирлаш қийиндир. Ўзи шеър ёза оладиганларга сал «хасадим» келади. Шеър ёзганларни кўрсам, бу иш кўлимдан келмагани учун ичим куйиб кетади. Ҳар доим уларга тасанно айтганман. Осон иш эмас-да! Китобда айтилганидек, бу илҳом берган нафсми? Маълум бир босқичдан кейин нафс инсонга хизмат қиладими, эгасининг айтганини бажо келтирадими?

Китобда энг таъсирланган жойларимдан бири Азиз Махмуа Худойнинг устози Уфтодага бўлган муҳаббати эди... Устози вафот қилиб, орадан йиллар ўтган бўлса ҳам, унинг сўзини, дуосини амалга ошириш учун ғайрат кўрсатяпти.

Китоб жуда ажойиб экан. Тўғриси, ҳайронлигимни яшира оламан. Яна бир гап шуки, китоб менга гуноҳларимни эслатади, «Ҳеч ким кўрмади-ку» деб қилган хатоларим кўз ўнгимда намоён бўлади. Буларнинг ҳаммасини нафсим ташвиқ қилган бўлиши мумкин эмас. Балки у васваса қилгандир, лекин амалга оширган яна менман.

Ёки бундай эмасми? Ахир нафсимнинг айтганини қилишга мажбур эмасман-ку! Унга қарши чиқиб, ўз йўлимда юришим ҳам мумкин-ку! Демак, барча гуноҳларимга ўзим жавобгарманми? Ҳаммаси ўзимнинг гуноҳларимми?...

Тавба қилиш кераклигини эсладим. Ўзимдан уялиб кетдим. Тавбаларимдан ҳам уяладим. Китобдаги шу жумлаларни энди тушундим:

**«Тавбаларимга ҳам тавба қиладим».**

Нимага бундай дейилганини энди англадим.

Бирдан бутун китоб ўқишдан оладин намоз ўқимоқчилигим эсимга тушди. Боя уйимда меҳмон бўлган амаки намоз овозини эшитиб, намозга кетгач, ўз-ўзимга мен ҳам

ёқийман деган эдим. Саа колса намоз вақтини ўтказиб юборай дедман. Нафс тўхтатади, оркага сурди, унуттирди.

Дарҳол ўрнимдан турдим. Енгимни шимариб, таҳорат қилдиш учун ҳаммомга кирдим. Ичимда бир овоз: «Намоз вақти алақачон ўтиб кетибди, барибир улгурмайсан», деди. Унга асло кулоқ солмадим, ишонмадим. Таҳорат қилдим-у, ичимдаги нафснинг васвасасига кулоқ солмай, иккиланмай, намозимни ўқидим.



Ичимдаги бу овоз тинмай гапиряпти. Бу нафс авваллари ҳам шундаймиди? Тинмай гапирармиди? Нега мен уни эшитмас эдим? Ёки фаркига бормас эдимми? Қанақасига? Ёки шу китобни ўқиганим учун шундай туюляптими? Ичимда нимадир шивирляяпти деб, ваҳимага тушяпманми? Бу овоз намозда ҳам тинмади! Мени ёлғиз қолдирмади. Нималар даяпман ўзи? Намозда нималарни ўйламадим-а? Шунчаки хонада ўтирсам шунча савол миямда айланмайди. Қизик, жуаа қизик...

Ўрнимдан турдим. Хаёлимда ҳамма нарса учиб юрибди. Деразадан ташқарига қарадим. Шаҳарни қоронғилик қоплаган, ҳамма ўйида. Ичимда «Қанийди, ёмгир ёгса, қандай яхши бўларди», дед қўйдим. Бирпас қоронғи кўчани, атрофни томоша қилдим. Нимага қараганимни ҳам билмайман, чунки ҳеч нарса кўрингани йўқ.

Кейин эса бирон нарса еб олиш учун ошхонага ўтаётиб, стулчанинг устида турган ён дафтарчага кўзим тушди. Уйимда бирпасгина меҳмон бўлган қари амакининг дафтарчаси! Унутиб қолдирибди!

Амакини ўйлаб, ҳам бироз хафа бўладим, ҳам «Ўғлини топдимикан, ўғли келдимикан ўзи?» дед хавотир оладим. Аслида ўша отахон хақида ажойиб фикрларим бор, аммо ишонгим келмайди. Дафтарни олиб бериб бермоқчи бўладим.

Кейин карасам, соат алламахаал бўлибди. Воз кечдим. Амаки китобни тугатганимдан кейин уни ўқимоқчи бўлган эди. Озгина қолибди. Китобни бутун туни билан тугатиб, кейин эрталаб дафтари билан бирга бериб келаман.

Ошхонадан ул-бул олиб, хонамга кирдим. Бирпас жим турдим. Ичимдаги овоз ҳали ҳам гапиряптими, пичирляяптими деб кулок солдим.

Ҳа, гапиряпти. Тинмай бир нималар асяпти. Мендан миллион хил нарса сўраяпти. Мен эса китобни тугатмоқчиман.

Китобни охириги марта кўлимга оладим...

ИСТАНБУЛ, 1617

## МАҲМУД ХУДОЙ

*Уни олиш учун эгилиш керак.*

Вақт сувдек оқиб, қумсоат ҳам қумларини тўкиб бўлди.  
Вақт деган олий ҳакам инсонларни ўзгартирди, сочларига  
оппоқ қор ёғдириб, бирпасда қаритди. Одамзода қариб  
боряпти, лекин мен ҳали ҳам ёшдекман. Тинмасдан,  
иштаҳою хирс билан хужум қилишда давом этипман.  
Одамлар нафсни, яъни мени кўпроқ ёшларнинг қонида  
юради деб ўйлашади. Йўк! Мен ҳар қандай одам  
зотининг ичида борман. Мен одам танламайман! Неча  
ёш бўлишидан, қасрда, қай ҳолатда, ким бўлишидан  
қатъи назар, инсонларнинг қонида кезиб юравераман.  
Мен касал бўлмайман, қаримайман, хуллас, менга вақт  
таъсир қилмайди. Ҳар доим ўз билган йўлимда, хирсим,  
навқиронлигим билан ҳаракат қиламан. Фақатгина  
инсоннинг ўзи гайрат кўрсатиб, сабр қилиб, менга қарши  
жангга киришсагина орзуларим парча-парча бўлади,  
тоқатим тугайди.

Мен одамзоднинг энг яқинида — ичидаман.



Махмуд Худойй ҳам етмиш ёшни қаршилади. Мен туфайли кўп азоб чекди. Менинг ҳам унинг дастидан кўрмаган азобим, машаққатим қолмади. Ичимда бирор ёмонлик қолмади. Аслида Махмуд мен томон бир қадам ташласа, орқасидан минглаб киши менга эргашади. Лекин биламанки, у бундай қилмайди. Аслида унга сўзим ўтмай қолганига анча бўлди.

Дунёвий ҳамма нарсасини, жумладан, шухратини тарк қилди, аммо Аллох таоло унга бошқа шон-шухрат ато қилди, ҳамма жойда исми зикр қилинадиган бўлди, ҳамма уни таниб бўлди. Исмини эшитганлар унинг ҳаққига узок диёрларда туриб ҳам дуо қилишади. Дуо одамзодни Аллохга боғловчи занжир экан. Бир инсон бошқасига дуо қилса, кўлларимга занжир урилиб, ўзимни банди бўлгандек хис қиламан. Дарҳақиқат, дуо деган нарса масофа, ҳад-хуауд, тўсиқ нималигини билмайди. Инсонлар кўлини дуога очиб, Худоййнинг ҳаққига дуо қилган сари мен кучсиз бўлавердим. Дуолар мени ҳолсиз, заиф аҳволга солиб қўйди. Демокчиманки, бир киши бошқасининг ҳаққига ёлвориб дуо қилса, ўша дуо қилинган одам мендан, яъни нафсинг ёмонлигидан сақланар экан. Одамлар эса буни билишмайди. Билишса, бир-бирларининг ҳаққига тинимсиз дуо қилган бўлишарди. Худойй бу сирни билгани учун ҳам тинмай мусулмонларнинг ҳаққига дуо қилади.

Шом кирди. Худойй хонасида тилида зикр, аилида дуо билан Аллохга илтижо қилиб ўтирибди. Бироздан кейин шом намозига азон айтилади. Худойй неча йиллардан бери ҳеч тўхтатмасдан тугаётган рўзасини очади. Рўза инсонни денгиздек ўраб олади, аммо чўктирмайди. Денгиздаги балиқларга олов ҳеч нарса қила олмаганидек, мен ҳам рўзадор одамга ҳеч нарса қила олмай қоламан, Рўза одамзодни мендан ҳимоя қилади.

Аллох таоло рўзадорни севади. Мен эса доим рўзадордан қочиб юраман. Чунки рўзадорга яқинлашсам, манфаат эмас, зарар кўраман.

Худой намоз вақти киришини кутиб ўтирган эди, эшик тақиллаб қолди. Эшикда икки ҳалқа бор. Бири паст, иккинчиси баландроқ овоз чиқаради. Агар келган одам аёл киши бўлса, паст овоз чиқарадиган ҳалқани уради, эркак киши бўлса, баланд овозли ҳалқани уради, қарабсизки, хонадон аҳли ким келганига қараб ҳаракат қилади.

Йўгон овоз эшитилади, демак, келган эркак киши экан.

Худой ўтирган жойидан туриб, эшикни очди. Ёш талабаларидан бири Исмоил экан. Худой қариб қолганидан бери ҳар окшом бир талаба уйига келиб, шом намози учун Худойни олиб, хонақоҳга бирга кетишади. Демак, бугун Исмоилнинг навбати экан. У бу вазифани бажариш учун биринчи марта келиши.

Худой йигитчани ичкари олди. Хонада ёниб турган битта шам, битта лавх, устига тўшак солинган супача бор. Худой супага ўтирди. Исмоил эса нима қиларини билмай, эшик ёнида кўзини ердан узмай турибди. Ҳам хаяжонда, ҳам ҳайрон. Кутиб туриши керакми? Ёки Худойнинг олдига бориб, ўтириши керакми? Билмас экан. Шунисини сўраб олмабди. Йигитча хижолат бўлиб, эшик олдига туриб қолди. Хонада сукунат хукмрон эди.

Жимликни Худойнинг йўгон овози бўлди:

– Кел, Исмоил болам!

Исмоил баттар хаяжонланди. Ахир устози уни исмини айтиб чакирай! Исмимни билмаса керак деб ўйлаган эди. Шунча талаба орасида ўзини ажралиб турадиган талаба деб ўйламаган эди. Лекин Худой Исмоилни билади. Исмоил ўйламаган эди. Оёқлари ердан узилиб, учаётгандек ҳис ўзида йўқ хурсана, оёқлари ердан айтман, бу самимий севинч ҳатто қилади. Ғалати бўлса ҳам айтман, бу самимий севинч ҳатто

мени ҳам хаяжонлантиради. Исмоил касрга ўтиришини билмай, у ёқ-бу ёққа аланглади. Исмоил устозининг ёнидаги супадан бошқа ўтирадиган жой Аслида устозининг ёнидаги супадан бошқа ўтирадиган жой ҳам йўқ эди.

– Кел, ўғлим, манави ерга ўтир, – деди Худойй.

Исмоилнинг кўзлари яна севинчдан чакнади. Чакнаган кўзларида мойчирок ёниб тургандек, хона яна ҳам ёришгандек бўлди. Бориб, хаяжондан титраб-қакшаб, Худоййнинг ёнига ўтирди.

– Ёшинг нечида, болам? – сўради Худойй.

Исмоил уялиб кетди. Бироз гапиролмай турди. Лаблари ҳам куриб қолибди.

– Ўн бешда, – деди у зўрга, томоғи кирилиб.

– Сенга бир маслахат берайми? – деди Худойй Исмоилнинг фонусдек порлаган кўзларига қараб. Исмоил «Албатга, беринг» дегандек бошини қимирлатади, чунки ҳали ҳам хаяжондан гапира олмаётган эди.

– Бу дунёда, – деди Худойй. – эшитган, кўрган ҳамма нарсанга ҳам ишонаверма! Чунки эшитган нарсанг ортида бошқа овоз, кўрган нарсанг ортида эса бошқа ҳол бор. Зеро, Пайгамбаримиз солаллоху алайҳи васаллам «Эшитган нарсасига дарҳол ишониб, уни бошқаларга айтавериш кишининг гуноҳкор бўлишига кифоядир», деганлар.

Исмоил ҳеч нарсга демади. Худойй нима демокчи бўлаётганини тушунмади.

Худойй гапида давом этади:

– Бир кун бу дунёнинг юкидан қутулиб, нариги дунёга кўчганимда, агар ёнимда бўлсанг, сенга айтадиган яна битта ўғитим бор.

Исмоилнинг чакнаб турган кўзларини биранига маҳзунлик эгаллади, чунки устози ўлим ҳақида гапирди. Исмоил ҳам, ҳатто мен ҳам Худоййнинг нима демокчи бўлаётганини англамадик. Аммо айтган гапида, албатга, чуқур маъно бор эди. Вақти келганда аён бўлади. Исмоил устозининг ўғитини англамади, аммо уни бир умр унутмайди.

Худойй сўзини тугатган эди ҳамки, азон айтилади. У ўрнидан туриб, қиблага юзланиб, азон тугагунча шундай туради.

Кейин ўтирган супасининг ёнидан бир парча сурп олди. Уни лизасига кўйиб, сурпни очди. Бир бурда қотган нон бор экан. Бу унинг ифторлиги эди. Буни кўрган Исмоил хайрон бўлди. Устозининг ифтори мана шу қотган қуруқ нонми, қолос? Унинг кўнгли бузилиб, йиғламсиради.

Шундай эътиборли Махмуд Худойидек зотнинг куни бир бурда қотган нонга қолдими? Бориб, устозига нималардир олиб келгиси келади. Кўнглидан ўтказганларини тилига тўқмоқчи эди ҳамки, Худой уни тўхтатади:

- Кўнглингдан кечирганларингни асло айтма! Зеро, у нафсинг васвасасидир. Бир бурда нонга тўйишга кўникиш учун қирқ йил азоб чекдим. Қирқ йилда бир қадам бўлса ҳам Аллоҳга яқинлашдим. Энди бир лужма учун орқага қайтмайман...

Исмоил хайратда қолади. Устозининг бу ҳолатини ўзига сингдира олмади. Кўз ёшини тўхтата олмаганидек, тилини ҳам ушлаб тура олмади:

- Ҳазратим! Султонлар эшигингизда тавозе билан туриб, сизга мурид бўлишни истайдилар. Истасангиз, этагингизни олтину қумуш билан тўлдирадилар. Шундай экан, нима учун қотган нонга қараб қолдингиз? Шунча жафо нимага керак?

- Болам, мен ҳам биламан бунни. Аммо оёқларим остига тўшалган хазиналарни олиш учун эгилиш керак. Мен эса дунё молига бош эгмайман. Бу бош фақатгина Аллоҳга эгилади...



Эртаси куни Худойининг уйига саройдан яна бир хабарчи келади. Султон Ахмад Худойини оқшом пайтига саройга тақлиф қилибди. Аслида Худой бундай тақлифларни раа қиларди, аммо ўша куни нимагадир қабул қилди.

Оқшомгача хонақоҳнинг майда-чуйда ишлари билан машғул бўлади. Кейин эса ваъз қилади, зикр қилади, илмий суҳбат қилади, дARS ўқитади. Оқшомга яқин уйдан чиқиб,

секин юриб, Ускулар соҳилига тушди. Истанбулни шамола камраб олган, йўлидан чиққан нима бўлса супуриб кетяпти. Истанбул осмонларини қора булутлар қоплаган, гўё шамола бу мухташам шаҳарнинг сочларини тўзгитиб юборган эди. Кўчада ҳеч ким йўқ, ҳамма уйда. Зотан, бу ҳавода уйдан чиқиш ақлли одамнинг иши эмас. Аммо Худойи ваъда берган эди, шунинг учун йўлга тушди.

Соқоллари шамолада у ёқдан бу ёққа хилпираб, соҳилга етиб келди. Атрофга назар солди. Бу ҳавода ҳеч ким қайиққа минмайди. Қайиқчиларнинг эшкак эшмаслиги аниқ эди. Худойи бир ёш қайиқчининг ёнига келди.

– Бўтам! Нариги томонга ўтишим керак...

Қайиқчи бошини кўтариб, шундай ёмон ҳавони кўриб туриб ҳам, бундай ғалати саволни берган одамга қаради-ю, Худойини дарҳол таниди. Одоб билан жавоб берди:

– Ҳазратим! Бу бўронли ҳавода денгиз йиртқич махлуқ каби бўлади, бизни денгиз қаърига ютиб юборади. Нариги бетга ўтишнинг имкони йўқ.

– Роббим истаса, албатта, ўтамиз, – Худойи шундай деб, қайиққа ўтириб олди.

Қайиқчи хайрон бўлди. Нима дейишни ҳам билмай, қаловланиб қолди. Ахир Худойини қайиқдан тушириб юбормайди-ку! Лекин бундай ҳавода эшкак эшиб ҳам бўлмайди.

Худойининг нияти жидадий эди:

– Келақол, болам! Эшқақларни эшсанг-чи!

Қайиқчи ноилож эшқақларни эша бошлади. Худойи эса тўхтамасдан дуою зикр қилишни бошлади. Унинг тилидан мана бундай мисралар тўкилди:

*Аллоҳумма, ё Ҳодий!*

*Осон қилгин йўлимиз.*

*Бу ўтишни осон қил,*

*Тез ўтказ, тут қўлимиз!*

Дуо қила-қила нариги бетга етиб келганларини ҳам билмай қолдилар. Шунча шиддатли тўлкиннинг, бўроннинг ичида қайик бир марта бўлса ҳам чайқалмади. Қайикчи ҳам бунгақасини биринчи марта кўриб тургани учун таажжуб ичида қолади, бир оғиз гап гапира олмади. У қайиғини қиргоққа яқинлаштиргач, Худой қайиқдан тушди. Шу пайт бирдан қайикчи ўзига келди:

- Ҳазратим! Дуоларингиз сабабли эсон-омон келиб олдик. Лекин мен бу бўронли ҳавода қандай қилиб қайтиб кетаман? - Болам! Сен келган йўлингдан қайтгин. Иншааллох, бундан кейин ҳам бўронли ҳаволарда бу йўлдан ўтганларга мусибат келмайди.

Худой шундай деб, саройга йўл олди.

Қайикчи Худойнинг ортидан хайрат билан қараб қолади. Кейин эса у айтгандек, келган йўлдан қайтиб кетди. Зикру дуо қила-қила эшкак эшаверди. Худди денгиз устига ипак рўмол тўшалгандек, у эса ўша ипак устида сирпандек равон кетди. Ускудар соҳилига етиб келгач, бўлган воксани қайикчи шерикларига айтиб берган эди, ишонишмади. Лекин бўронли ҳавода бу йўлдан кўп марта фойдаланиб, бирор марта талофат кўришмади. Шундан кейин қайикчилар бу йўлни «Худой йўли» деб атайдиган бўлишди.

Худой саройга боргач, Султон Ахмад билан кўнгиладан суҳбат қилди. Султон Ахмад савол берди, Худой ўғит берди. Ким султон, ким шайх – билиб бўлмай қолади. Иккиси ота-боладек, устоз-шоғирдек эдилар. Суҳбат соатларча давом этади. Бир маҳал Султон Ахмад шундай асди:

- Ҳазратим! Бир муҳаббат боғи, ишқ бўстони бор бўлса, сиз ўша бўстоннинг булбулисиз. Зеро, кўнглим каломларингиз туфайли ишққа тутилади.

- Йўқ, султоним! – асди Худой. – Мен фақатгина эшитганимни айтаман. Ишқ боғининг булбули шайхим Уфтода эдилар.

Худоийнинг кўзларида ҳамон Уфтодага согинч бор эди.  
Устозининг исмини зикр қилиши билан кўзлари ёшга тўлиб,  
йигламсиради.

*Ишқ боғининг булбули – ҳазрати Уфтодадир,  
Дардли ошиқлар дили – ҳазрати Уфтодадир.*

*Комиллик роҳи ила етмиш тавҳиди Зотга  
Ҳидоят йўлининг нури – ҳазрати Уфтодадир.*

*Ҳақдан ёрдам истаган эришгай муродига,*

*Ҳар мушкулот ечими – ҳазрати Уфтодадир.*

*Фақир Худоий абад ўлтирар эшигинда,*

*Ҳақ шуқи, қутблар қутби – ҳазрати Уфтодадир...*

Худоий устози Уфтодани ҳар эслаганида кўнглида  
бироз маъюслик пайдо бўлади. Ичидаги согинч оловини  
сўндиришнинг йўлини қидира бошлайди.

Султон Аҳмадга юзланиб: «Султоним, таҳорат қилайлик...»  
– деди.

Султон дарҳол хизматчиларга бир қумғон сув билан сочиқ  
олиб келишни буюрди.

Мен Худоийнинг ичидаги согинч ғалаёини фақат  
тахоратгина ўчира олишини биламан.

Сал ўтмай, кўлида қумғон ва сочиқ билан Волида Султон,  
яъни Султон Аҳмадинг онаси кириб келди. У қумғонни  
хизматкорларнинг кўлидан олиб, Худоийдек кўнглилар  
султонига хизмат қилишни шараф деб билибаи. Аслида  
У жаҳон салтанатининг султони бўлмиш ўғли «устозим,  
пирим» деб ҳурмат қилган зотни, яъни Худоийни ўз кўзи  
билан кўришга қизиққан эди. У юзида чачвони билан ичкари  
кирди. Султон Аҳмад онасининг кўлидан қумғонни олиб,  
тахорат учун кутаётган Худоийнинг кўлларига куя бошлади.  
Худоий ихлос ва ишқ оловида ёниб таҳорат қилгани учун  
баданига тушган сувлар худди ёнаётгандек туюлди.

Худой тахоратини тугатгач, Султон Ахмадинг волидаси унга орқа ўгириб турган Худойга сочиқни узатади. Волида «Шайх хазратлари бир каромат кўрсатсалар-у, мен уни кўрсам» деб, кўнглидан ўтказди.

Тахоратдан кейин бироз ўзига келган Худой орқасига карамай туриб, шундай асди:

– Бу қандай гаройиб иш эмиш, султоним? Баъзилар биздан каромат кутадилар-у, кўз ўнгида бўлаётган кароматнинг фарқига бормайдилар. Зеро, жаҳон салтанатининг султони тахорат сувимизни кўлимизга қўйди, волидаси эса сочик узатади...



ИСТАНБУЛ, 1621

## МАҲМУД ХУДОЙ

*Фитна – ҳаммани ёқадиган оловдир.*

– Болаларим, фитна шундай оловки, ўша оловни тутгани ҳам, теккан нарсасини ҳам ёқиб, кул қилади. Одамзод Аллоҳга иймоним бор деб, жуда кеккайиб кетмасин. Чунки кўнглида иймон билан бирга нафс ҳам бор. Ўзига, нафсига ишониш мусулмонлик аломати эмас. Мусулмон одам фақатгина Аллоҳга ишонади. Фитна олови иймонли одамда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Фитна олови юқумли касалик каби, бутун вужудни қоплаб, атрофга ҳам зарар кўрсатади. Бу иллатдан узок туриш керак.

Биз охирзамонда туғилдик, шу замоннинг инсонларимиз. Бу давр – фитна ўчоғидир. Ён-атрофимиз олов билан ўралган. Нимага тегинсак, куямиз. Бизни фитна оловидан қутқарадиган Зот – Аллоҳ таолодир. Сигинишимиз керак бўлган ягона маскан Аллоҳнинг хидоятидир. Имтиҳонимиз буюқдир. Кўзларимиздан тинмай ёш очиши шундан.

Болаарим! Шунн унутмангки, хеч бир мусибат сабабсиз эмас. Бошимизга тушган хар кандай кулфатни аввало ўзимиздан деб билайлик. Чунки Аллох таоло бандаларига зулм қилмайди. Лекин банда ўзига ўзи зулм қилганини билмай қолади.

Ҳозирги ахволимиз айнан шундай. Бу жаҳон давлатини бир томондан фитна, васваса эгаллаган, мусулмонларнинг қалбига мусибат бор. Бир томондан эса баданларимизни вабо иллоти қолабди. Биз эса сабабини яна бошқалардан кўрамиз, ўзимиздан билмаймиз! Чорасини бошқа жойдан кидирамиз. Бошимизга нима келган бўлса, дардимиз, қийинчиликларимиз бесабаб эмас. Сабаблар кандай бўлишидан қатъи назар, чора фақатгина Аллоҳдандир...

Худой атрофида тўпланган талабаларига шундай ваъз қилди.

Дарҳақиқат, огир вақтлар эди. Султон Аҳмад навқирон йигирмаёшида омонатини топириб, вафот этди. Бу хабарни эшитган Худой қаттиқ қайғуга ботди. Кейинчалик бу қайғу яна ҳам ортди. Чунки Султон Аҳмад севгилисининг, яъни Аллохнинг хузурига Худойдан аввал кетди. Дарҳақиқат, Султон Аҳмад қалбини Аллоҳга бериб, ҳақиқий кул бўлишга тиришган, султонлигидан кулликни афзал кўрган инсон эди.

Султон бўлса ҳам, дунё деган карвонсаройда бироз вақт кечириб, кейин кўчиб кетди. Ўлим шоху гадо деб ажратмайди ахир! Султон Аҳмад дунёда кўп қолмади, келдию кетди. Халқ Султон Аҳмад тириклигида ўз кўллари билан гишт ташиб қураирган масжидида уни кўп-кўп дуолар билан эслади... Тўхтамай Қуръони Карим ўқилди. Халқ бу масжидни унга бўлган севгиси хурматида Султон Аҳмад жомеъси деб атади. Султон Аҳмадни шу жомеънинг ёнгинасидаги ўзи қураирган макбарага дафн қилдилар.

Султон Аҳмаднинг вафотидан сўнг тахтга унинг укаси Мустафо ўтирди, аммо уч ойча ўтиб, у ҳам вафот этди. Унинг

ўрнига Султон Ахмаднинг катта ўғли Усмон тахтга чиқди. У ҳам отаси каби кичик ёшда салтанат ва подшоҳлик юкини ороқалади. У ҳам отаси каби Худойига хурмат кўрсатади. Худойининг ҳар бир сўзини ўзига ўғит қилиб олади. Аммо у ёш, тажрибасиз эди.

Султон Усмон Иккинчининг даври, халқ таъбири билан айтганда, «ёш Усмоннинг подшоҳлиги» бўлди. Фитна олови салтанатни қовураётган пайт бўлди.

Ёш подшоҳ янгиликлар қилишни истади, чунки лашкарнинг вазиятидан кўнгли тўлмади. Бундан хабардор бўлган яничарлар\* ёш Усмонга қарши тиш қайрай бошлашди. Фурсат келиши билан унга қарши фитна қилишга шай туришди.

Яничарлар фитна фурсатини кўп кутишмади. Ёш султон ҳажга отланди. Атрофидаги вазирлар, давлат одамлари уни сафардан қайтаришга шунча уринсалар ҳам, иложи бўлмади. Ҳатто бу ишга Худойи ҳам аралашиб, насиҳат қилиб кўрди. Султон аввалига ҳажга бормасликка қарор қилгандек бўлди, лекин кейин барибир ниятидан қайтмади.

Яничарлар «Султон ҳажга бориш бахонасида бошқа давлатлардан бизга қарши лашкар тўплайди», деб ўйлашган эди. Усманийлар салтанатида тартибсизлик, бошбошдоқлик ҳукм сура бошлади. Ким ҳақ, ким ноҳақ – билиб бўлмайдиган замон эди. Бу эса фитна, низо чиқармоқчи бўлганлар учун ажойиб имконият эди.

Шунинг учун Худойи талабаларига фитна олови ҳақида ваъз ўқиди. Толиби илмларнинг мақсади – фитна оловини ўчириш бўлиши кераклигини кўп уқтирани. Бу ҳам етмагандек, халқ орасида вабо тарқалди. Ҳар куни ўнлаб инсон вабодан ўлаверди... Одамларнинг дуо қилишдан бошқа чораси қолмади.

\* Усманийлар салтанатидаги пиёла аскар.

Бир куни Худоий навбатдаги ваъзларини айтиб, насихатларини тугатиб, минбардан пастга тушди. Талабалар иккита-иккита бўлиб тарқалишди. Шу аснода талабалардан бири Худоийнинг ёнига келиб, шундай деди: «Ҳазратим! Айтганингиздек, ҳеч нарса бесабаб эмас. Ягона чора Аллоҳдир. Инсонлар фитна олови туфайли ўлмадилар, лекин вабодан ўлиб кетяптилар. Қанийди, бир дуо қилсангиз, Аллоҳ вабо деган иллатни устимиздан олса!»

Худоий чуқур нафас олди. Энди у ҳам ёш йигит эмас. Бели букилиб, ҳамма қатори унга ҳам қарилик етган. Ёшини яшаб кўйди, қанчадан-қанча инсонларни, қанчадан-қанча ўлимларни кўрди.

– Болам! Фитна ўлдирмайди дединг. Йўк, фитна ҳам ўлдирди. У кўнгилларга, севгига, биродарликка, самимиятга зарар беради. Баданнинг ўлими кўнгили ўлимнинг ёнида бир онлик хушдан кетишдек гап. Мендан фитна балосини даф қилиш учун дуо сўрасанг эди, кеча-кундуз тинмай, малоланмай, ихлос билан, йиглаб дуо қилардим. Модомики сен вабо иллати учун дуо истадинг, ёнингга бир неча талабани ол-да, Қорача Аҳмад қабристонига бор. У ерда бир сарв дарахтининг остида кигиз солиб ўтирган кишини кўрасан. Исмини Ҳасирпўш ота дейдилар. У ташқи кўринишидан гариб, кимсасиз, саркаш одамдек. Аммо ҳамма нарса ҳам кўринганидек эмас. Дардингнинг давоси ўша кишида. Агар қабул қилмаса, мендан салом айтгин.

Худоий талабага шундай дед, нари кетди.

Худоийнинг талабаси ёнига бир неча кишини олиб, Қорача Аҳмад қабристонига борди. Дарҳақиқат, қабристонга борганларида сарв дарахтининг тагида, кигиз устида ётган, соч-соқоли бир-бирига аралашиб кетган одамни кўришди. Аввалига бироз чўчиб туришди, кейин эса дарааларини тўкиб солишди.

– Ҳасирпўш ота сизмисиз? – сўради талабалардан бири.

- Ұзинг кимсан? – сўради қария.
- Сиздан дуо истаб келган эдим.
- Қанақа дуо? – деди Ҳасирпўш ота.
- Вабо кундан-кунга қанчадан-қанча одамнинг ўлимига сабаб бўляпти. Дори-дармон ҳам қор қилмаяпти. Балки сизнинг дуоингиз чора бўлар...
- Мен ким бўлибманки, дуоим вабога даво бўлсин?
- Сизнинг дуоингиз қабул бўлар экан, устоз шундай дедилар.
- Қария бошини кўтариб, талабанинг кўзларига қаради. Ҳасирпўш ота ғазабга тўлиб турар, кўзларининг ичида олов ёнаётгандек эди. У талабага жаҳл билан жавоб берди:
- Менга қара, эй жохил! Биргина дуоим қабул бўлсин деб, бутун умр кутдим. Ягона дуоим Аллоҳга қовушишдир. Бир асраирки, шу дуоим қабул бўлишини кутяпман. Сен эса мендан дуо кутяпсан, шундайми?
- Худойининг талабаси жавоб бера олмади. У кўрқиб кетган эди. Бироз ўзига келиб, охишта: «Ҳалиги... Худой хазратим сизга салом айтиб, дуо қилсин дегандилар», деди.
- Қария Худойининг исмини эшитар-эшитмас, ўрнидан турди. Кўзидаги ғазаб ўрнини севинч эгаллади. Ўнг қўлини чап кўксига қўйиб, «Ва алайкум ассалом, эй Азиз Махмуа Худой!» деди. Сўнг қўлини дуога очиб, йиғлай бошлади:
- Ё Парвардигорим! Ё Аллоҳим! Эй Севганим! Мен ўз дуоимдан воз кечдим. Энда билсам, у дуо нафсим учун экан. Ҳозир ўзим ёки нафсим учун эмас, биродарларим учун дуо қилмоқчиман. Вабо иллатини уларнинг устидан ол! Улар умр деб аталмиш хорликни неъмат деб билаптилар. Гуноҳкор бандангнинг тилидан чиққан дуосини қабул айла! Агар қабул қилсанг, асмакки, мени эшитяпсан...
- Қария дуо қилиб, тўхтамай йиғлайверди.
- Бу воқеалар асносида Худой ёлғиз ўтириб, тафаккур қилади. Ҳасирпўш ота юқоридаги дуони айтганида, бирдан

Худойнинг юмук кўзлари очилиб, сесканиб кетади. Худай унинг сўзларини эшитгандек, кўзлари бошқа дийрда, Қорача Ахмад мазоридда эди. У Ҳасирпўш отанинг дуосини эшитди.

– Эй гариб Махмуд! Сен бир марта бўлса ҳам мана шундай дуо қилмадинг! Қабристонларни ўзига макон қилган ушбу биродарингнинг дуоси эса малакларни ҳам йиғлатади...

У ўзига ўзи шундай асб, бироз сукут сақлади, тафаккур қилди. Худой унинг дуосидан қандай хабардор бўлди? Қандай қилиб унинг ҳар бир сўзини эшитди?

– Эй гариблар гарибни Ҳасирпўш ота! Роббингга «Севгилим» асган қандай гўзал инсонсан-а?

ИСТАНБУЛ, 1628

## МАҲМУД ХУДОЙ

*Ҳақдан келдим, яна Ҳаққа кетурман...*

Одамлар умрни жуаа узок, у ҳеч қачон поёнига етмайди  
деб ўйлашади. Шунинг учун ҳеч ўлмайдигандек яшашади.  
Ҳолбуки, бироз атрофга қарасалар, ўлим шу қадар кўпки...  
Аммо шунда ҳам ибрат олишмайди. Ўлим деб аталмиш  
кескин ҳақиқат бир кун келиб, уларнинг ҳам эшигини  
тақиллатишини ҳаёлларига ҳам келтиришмайди. Фақат  
бошқалар ўладигандек ҳаракат қилишади. Инсонда унутишга  
мойиллик бор. Унутишга ўрганиб бўлган.  
Қимнинггаир ўлими уларга бир он бўлса ҳам ўлимни эслатса-  
да, кейин яна ҳеч нарса бўлмагандек, яшашда давом этишади.  
Ҳеч ким бу аунёдан кўчмагандек, атрофларидаги шунча  
қабристонни кўрмагандек ҳаракат қилишади. Кўрсалар ҳам,  
ўзларини кўрмагандек тугишади. Вафот этганлар қариндош-  
уруғлари, севган инсонлари бўлса, ўлимнинг излари маълум  
муадаат зехнларида сақланиб қолади. Лекин кейин барибир  
яна ўша эски гофил, маъносиз ҳаётларига шўнгийдилар.

Дунё хаёти инсонга ўлимни унуттиради. Инсон дунёни ўлимни унутадиган даражада қаттиқ севади. Ваҳоланки, аслида унутишга ҳеч қандай имкон ҳам, шароит ҳам йўқ! Чунки ҳар он, ҳар дақиқа кимдир бу дунёдан кўз юмиб туради. Одамлар эса худди ўлимни кўрганда кўзини юмиб олганга ўхшайди.

Дунёдаги энг чин нарса – ўлимдир. Ўлим ёлгон дунёнинг ҳақиқатидир. Шунинг учун ҳам мен билан, яъни нафс билан курашаётганлар ҳеч қачон ўлимни унутмайди. Дунёни унутганларидек, ўлимни ҳам кўп эслайдилар. Дунёда қиймати бўлган ҳамма нарсадан воз кечадилар. Ахир қийматсиз нарса тарк қилинишга маҳкум бўлиши керак-да! Тош, тупроқдан эмас, олтину кумушдан воз кечган одамгина мени мағлуб қила олади.

Худойи худди шундай қилди. Дунёда қийматли бўлган нарсалардан воз кечди, оламларнинг Робби учун, энг Қийматли Зот учун! Худойи ўлимни асло унутмади. Сал қолса йўлимга бурай деганимда, дарҳол ўлимни эсларди. Нафас олишни унутмаганидек, ўлимни ҳам ҳар он эслайди. Сўнги пайтларда Худойи тез-тез қабристонларни айланадиган бўлиб қолди. Тириклардан кўра ўликлар билан вақт ўтказишни истади. Ўзи ҳам саксонга бориб қолди. Бу дунёда шундоқ ҳам кўп яшаб кўйди. Худойи умри давомида жуда кўп ўлим кўрди... Ўз жигарбандлари, баъзи фарзандлари ҳам ундан аввал вафот этиб кетишди. Худойи фарзанд доғида кўйидаги мисраларни тилга келтирам:

*Олган Сенсан, берган Сенсан, яратган – Сен,*

*Неки бердинг, шудир. Ўзга нимамиз бор?*

*Ҳақиқат узра онгимиз етган – Сен,*

*Неки бердинг, шудир. Ўзга нимамиз бор?*

*Тутувчи қўл, юрар оёқ Сендан тухфа,*

*Кўрувчи кўз, сомеъ қулоқ Сендан тухфа,*

*Мутавозе тил ҳам дудоқ Сендан тухфа,*

*Неки бердинг, шудир. Ўзга нимамиз бор?*



Худоё, бу карим зотни қайда топдик?  
Бу ҳаракат, бахт-нажотни қайда топдик?  
Гардиши дунда саботни қайда топдик?  
Неки бердинг, шудир. Ўзга нимамиз бор?

Аҳволимиз кўргин, мана, эй Хайю Қайюм,  
Эй Жаноби Хақ, Ўзинга бори маълум,  
«Кун» дединг кун бўлди, эрта «якун»,  
Неки бердинг, шудир. Ўзга нимамиз бор?

Худоийни эриштиргин муродига,  
Хукминг ила йўлла олий нажотингга,  
Зотинг ҳаққи, ободлик бер ҳаётига!  
Неки бердинг, шудир. Ўзга нимамиз бор?

Кейин эса буларни тилга келтиргани учун ўзини айблади.  
Чунки мол-дунё, фарзандлар инсон учун бир имтихондир.  
Демак, тақдирда бор экан. Ўлим инсонга маҳзунликдан  
зиёда насиҳат, дарс бериши керак.

Охири пайтлар унинг кўзидан ёш аримай қолди. Тўхтамай  
кўз ёш тўқади, ҳатто дуоларини ҳам кўз ёшлари билан ювади.  
Давр ҳам аввалгидек эмас. Порлаган ойдинликлар зулматга  
айланди.

Султон Усмон ҳам бу фоний дунёдан зўравонлик билан  
кўчирилди: ўз вазири томонидан ўлдирилди. Дунё зулмхона  
бўлиб қолган эди... Шохни гадо ўлдираётган, оловни шам  
сўндираётган давр эди. Мен буларнинг барчасини билиб  
турибман. Ахир мен фақатгина Худоийнинг ичида эмасман-  
ку! Фақатгина уни васваса қилмайман-ку! Одамзоа борки,  
ичида мен ҳам борман. Худоийга гапим ўтмаса ҳам, бошқа  
одамлар чангаллимга тушиб бўлган. Шунинг учун уларга

истаганимни қилдириб, йўлимаа юргизяпман.  
Султон Муроднинг даври келди. Бу подшоҳ Усманийлар  
саатанатида исми Мууро бўлган тўртинчи султон эди.  
Жаҳон саатанатининг пойдевори дарз кетаётган, оёқ-қўли

боғланган, кўзларига мил тортилган, лабларида каломи тугаб бораётган эди. Султон Муроднинг салтанат қиличини Айюб Султон жомеъ масжидида Худойининг ўзи боғлаган эди. Шундан кейин Худой халқ орасида кўп кўринмади. Саройга борди-келдисини ҳам камайтирди. Худой бор кучини ваъз-насихатларга ажратди. Кеча-кундуз инсонларни хидоятга эриштириш учун гайрат кўрсатади. Бошқа ҳеч нарса қилмади. Уни ваъз-насихатлардан тўсадиган нимаики бўлса, улардан воз кечди. Талабаларини ҳам ўзига ўхшатиб тарбиялади. Унинг ўрнини эгаллай оладиган етук шогирдлари бор эди. Талабаларини тўрт томонга вазифага юборди. Инсонларга моддий ва маънавий ёрдам кўлини чўздаи.

Худой энди қариб қолган, аввалги кучи йўқ эди. Аммо у сўнги нафасига қадар Аллох йўлида сўз айтади, хидоят йўлига чақиритишдан чарчамади. Мен ундан яна бир нарса ўргандим: раҳмат билан захмат сўзининг фарқи харфдаги биргина нукта экан. Худой захмат-машаққат чекканларга раҳмат берилишини жуда яхши билиб олади. Шунинг учун кекса ёшида ҳам барча машаққату мусибатларни бўйнига олгиси келди. Аммо бу ҳолга кўпам чидай олмади.

Бир куни бемор бўлиб ётиб, тўшагидан тура олмай қолди. Лекин шунда ҳам гайратини йўқотмади, кайфиятини туширмади. Талабаларга дарс ва ваъз ўқиш учун хонакоҳга бора олмай, уларни уйига чақиртирди. Ётган жойида қалбадагиларни англади:

– Болаларим! Ҳар келишнинг кетиши бор. Ҳар туғилишнинг бир ўлими бор. Дунёдан оладиган ҳеч нарсам қолмади. Аллох шохидки, мен дунёни севмайман. Аллох номини зикр қилмаган, унинг учун ҳамма айтмаган тил нимага керак? Аллохни зикр қилмай юрилган йўлни охири боткоқликдир. Асосий гоёси Аллохнинг йўли бўлмаган одамнинг умри беҳуда кетибди, қуруқ жасадини суараб, бу дунёдан яна қуруқ кетибди. Мен бир олим,

қози, султон деб эсланишни истамайман. Мени бир кул ўлароқ ёдга олишларини истайман. Унутмангки, нафсига эргашган кимса ҳалок бўлади. Зеро, нафснинг ҳар томони тикандир. Қайси томонидан тутсангиз ҳам, қўлингизга ботиб, жонингизни ёқади. Агар мақсадингиз мана шу қийматсиз дунё бўлса, билингки, нафсингиз сизни унга кўмиб ташлайди. Бирок мақсадингиз охират, боқий дунё бўлса, у ҳолда нафсингиз билан у диёрга қира олмайсиз. Нафс – Аллоҳга олиб борадиган йўларда йўлтўсарлик қилувчи қароқчидир. Аммо нафсини енгган одам бутун дунёни енгади...

Шундан сўнг Худоий ўрнидан турмади, тура олмади. Талабаларининг кўзлари жикқа ёшга тўлди. Худоийнинг видалашаётгандек бўлиб гапирганини талабалар ҳам сезиб туришибди. Талабалари кетгач, беихтиёр кўзларидан дув-дув ёш оқди, тилидан дуо тўкилди:

– Аллоҳим, менга шунча умр бердинг! Сенинг йўлингга юра олдимми? Билмайман... Бу кўз ёшларга эътибор қилма! Зеро, улар шикоят мақомидадир. Мен бу дунёда эга бўлмаган нарсалар учун йиғламайман, аммо эга бўлган нарсаларни ўйласам, кўнглим ғаш бўлади, маҳзун бўламан. Ғафлатда қолган, нафсим билан гуноҳга шерик бўлган онларим учун йиғлайман. Аллоҳим, Сени жуда соғиндим. Биргина Сени соғиндим. Сенинг хузурингга кетганларни кўриб, хавасим келди. Бу дунёдан кўчганларни кўриб, уларнинг ўрнида бўлишни истадим. Қабристонларда уларнинг ўлимини эмас, тўйларини томоша қиладим... Ҳамма Сен томон югурар экан, мен хузурингга қайси юз билан чиқаман деб кўрқдим. Кўрққанимдан йиғладим. Сенга муносиб кул бўлмаганим учун йиғладим. Ҳозир эса ўлим кийимини кийишни кутиб турибман. Аллоҳим, Сенга қайси юз билан борайин? Бу дунёга Сендан келдим, изн бергин, афв қилгинки, яна Сенга борайин...

Худой шундай деб, бошидаги дўпписининг ичидан бир коғоз чиқарди. Бу ёзувни қачон ёзди, нима ёзди, нима учун ёзди, қачон дўпписининг ичига қўйди? Тўғриси, буни мен ҳам билмас эканман... Анчадан бери мендан яширин ҳоллари бор эди. Инсон нафсидан ҳам яширин иш қила олар эканми? Худой шундай қилибдими, асмак, қила олар экан. Чунки у мени сираош деб билмас эди.

Қоғоздаги сўзлар дуо каби тилида айланиб туради. Кейин эса коғозни буқлаб, ховучлари билан маҳкам сиқиб олди. Ёддан оятлар ўқиди. Бутун умрини хаёлидан бирма-бир ўтказди. Кўзлари мозийга толди, тили эса зикрдан тўхтамади.

Бир неча талабалари ичкари киришди. Бу ҳолда ётган устозларини бир он бўлса ҳам ёлғиз қолдиришни ишташмади. Йўлдан қайтиб келишди. Келганларида Худойнинг юзи саргайиб кетган бўлса-да, ҳали табассум бор эди. Одам ўлим оннда ҳам табассум қиладими?

Талабалар бунга хайрон эдилар.

Аввалига нима қилишни билмай туришди. Кейин Худойнинг бош тарафига келиб ўтирдилар. Энг яқинига Исмоил ўтиради. Худой бетиним дуо ўқиди, Исмоил ҳам Қуръондан оятлар тиловат қилди. Ҳамманинг кўзида ёш эди. Бошларини эгган жойларидан кўтара олмадилар.

Исмоилнинг бутун бадани титради. Кўзидан оққан ёшлар яноқларини кўйдирди. Худойнинг юзига қаради, йиғламасликка қанча уринса ҳам, кўлидан келмади. Худойнинг кўзи Исмоилнинг кўзларига тушди-ю, титрок овоз билан шундай асди:

– Болаларим, йиғламанглар! Биз бу дунёга келган кунимиз даёқ ўлганларданмиз.

Худой шундай деб, калимаи шаҳодат келтирди. Сўнг кўзларини охишта юмди. Унинг нурли юзидаги ширин табассум сақланиб қолади.

Талабалар Худойининг кўз ёшдан хўл бўлган юзини артадилар. Келиши кутилган, албатта, бир кун хар биримиздан омонатимизни олгани келадиган элчи келди, Худойий севганининг хузурига йўл олади.

Талабалари тинмай дуо ўқидилар. Бошқа чоралари ҳам йўқ-ла!

Исмоил оятлар ўқишда давом этади. Нима қилса ҳам, кўз ёшларини тўхтага олмади. Сал ўтмай, устозининг ингичка, оппок бармоқлари орасидаги букланган қоғозга кўзи тушди. Бир пайтлар Худойининг унга «Бу дунёдан кўчганимда ёнимда бўлсанг, сенга бир насихат бераман», деган гаплари эсига тушди.

У титраган бармоқларини Худойининг бармоқларига узатади. Худойининг бармоқларига кўли тегиб, бироз чўчиди. Сўнг дадилланиб, қоғозни олади. Нўхат рангли қоғозни очди. Қолган талабалар ҳамон бошларини ердан узмай ўтиришар эди.

Исмоил кўллари титраб, қоғозни букланган жойидан очди. Қоғозда ёзилганларни титрок овози билан ўқиди:

*Ошиқлар, содиқлар, сўзларим тингланг,  
Ҳақдан келдим, яна Ҳаққа кетурман.  
Аллоҳдан ўзгаси фонийдир, англанг,  
Ҳақдан келдим, яна Ҳаққа кетурман.*

*Товуси қудс\* эдим, учдим инимдан,  
Ёт бўл бир-икки кун ога-инидан,  
Охири қўл силтаб фоний дунёдан,  
Ҳақдан келдим, яна Ҳаққа кетурман.*

*Меҳмон каби келдим, кездим жаҳонда,  
Далил бўлмоқ учун сиру ниҳонга,  
Севгилим ҳурмати келиб иймонга,  
Ҳақдан келдим, яна Ҳаққа кетурман.*

Хақ ишқи бир ишқдир, ҳикоят қилсин!  
Ажал бир кун келса, риоят қилсин,  
Роббим ҳар бандасин ҳидоят қилсин,  
Хақдан келдим, яна Хаққа кетурман...

Худой суратда бир сиқим ҳокман,  
Лек маъно юзундан бир дурри покман.  
Мосуводан кечдим, сийнаси чокман,  
Хақдан келдим, яна Хаққа кетурман.

Талабалар бу шеърларни эшитиб, жим бўлиб қолдилар.

Мен ҳам сукунатга шўнғидим...

Худой ҳам....

## ҲАР ДОИМ

## НАФС

*Мажбурсан...*

Инсон зоти шунақа экан. Бу дунёга яшаш учун келмадинг. Аслида туғилган кунинг ўлгансан, ўлган кунинг туғиласан. Аммо бундан хабаринг йўқ...

Нимага хабаринг йўқ, биласанми? Чунки буни МЕН истамайман. Шунинг учун унуттирганман. Унутган нимаики нарсанг бўлса, билгинки, уларни Мен эсингдан чиқартирганман. Менга қулоқ солсанг, дунё сеники бўлади. Мендан воз кечиб, васасаларимга қулоқ солмасанг, дунё сен учун сарик чакадек қийматсиз бўлиб қолади. Аммо МЕН сенга дунё молини зийнатли қилиб кўрсатаман.

Энда дунёни нақадар қаттиқ севишингни ўйлаб кўр! Сенга дунёни қанчалик севадирганимни кўраингми? Аллоҳнинг хузурида, намозда эканингда ҳам хаёлингга пул, мол-давлат, эртага нима сотиб олишинг, касрга бориб, нима ейишинг ҳақидаги дунёвий нарсаларни келтираман. Ҳар

доим сенга «Одамлар нима дейди, мен одамларга нима дейман?» каби саволларни берираман. Атайлаб «Аллоҳ нима дейди, Унинг хузурида ҳолим нима бўлади?» деган саволларни эслатмайман. Қандай ўлишингни эмас, бу ҳаётда қандай яшаб, кайфу сафо қилишингни ёдингга солиб, умрингни ўтказиб юбораман. Сени мағлуб қилиб, ногорамга истаганимча ўйнатыпман.

Бир кун бу оламдан кўчиб кетишинг ҳақида ҳеч бош қотирмаяпсан. Худди ҳеч қачон ўлмайдигандек яшаяпсан. Бу ҳаёт тугамайди деб ўйлаяпсан. Дунёдан яланғоч, бир сурпга ўралган ҳолда ўтиб кетишингни билмайсанми? Биласан. Аммо билмагандек, яна шу тарзда яшашда давом этяпсан. Буларнинг барининг сабабчиси – МЕН. Буни жуда яхши билсанг ҳам, менга қарши курашмайсан...

Мени жуда яхши танийсан. Сен билан бир тан, бир жонмиз. Ҳар он, ҳар нафас сен билан гаплашаман. Ҳатто сен ҳам мен билан гаплашасан. Мени ўзингдан ажрата олмайсан. Ахир мен бўлмасам, сен ҳам бўлмайсан! Мен сен билан ҳар доим жанг ҳолатидаман. Ё сен ғолибсан, ё мен. Мен – сенман, эй инсон! Нафсингман!

Сенга айтиб берган хикоямдан ибрат олдинг, шундайми? Ичингдан ўтган овозлар ҳақида ўйлаяпсан, тўғрими? «Қайси бири нафсим, қайсиси виждоним?» деб саволлар беряпсан ўзингга. Худодий ҳақида ўйлаяпсан! Уфтода ҳақида, бу сатрларни ёзган муаллиф ҳақида, аммо ҳаммадан кўп МЕН, яъни нафс ҳақида ўйлаяпсан, тўғрими? Ичингдан келган васвасаларимни, айтган ҳар бир гапимни, хатога бошлаганларимни, гуноҳга олиб борганларимни бирма-бир эслаяпсан. Пушаймон бўлиб, тавбалар қилганинг, иродасизлик қилиб, тавбаларингни бузганларинг ҳақида ўйлаяпсан. Ҳаммасидан хабарим бор. Сени сендан яхши билганим учун ҳам мағлубиятга учрайпсан.



Бу хикоя иккимизнинг ҳам хикоямиздир. Сенга Азиз Махмуа Худой билан қандай кураш қилганимизни айтиб бердим. У мени мағлуб қилди, мени ўзига асир қилди.

Ҳар бир инсоннинг ичида МЕН борман. Лекин Худой мен билан бўлиб, менсиз қолишнинг уадасидан чиқди. У бу дунёдан кўчиб кетди. Энди МЕН – СЕН биланман!

Мени эшитяпсанми? Сен билан гаплашяпман, демак, эшитяпсан. Китобни тугатиб, ёпсанг ҳам, йўқ қилсанг ҳам, унутсанг ҳам, ҳатто бу китобдан хабаринг бўлмаса ҳам, ҳар доим ичингда МЕН бўламан. Юрагингнинг туб-тубидан сенга хитоб қиламан. Бу хитоб қилаётган МЕН эканимни билмай ҳам қоласан. Тўғри, мен Худойга енгилдим, лекин сенга асло мағлуб бўлмайман. Бир сир каби ичингда яшайман. Ҳатто кечалари туриб, дуо қилганингда тилингга ёпишаман. Кўнглинг яхшиликка мойил бўлса, сени ёмонлик ботқоғига тортаман. Эзгу ишга киришганингда йўлингга гов бўламан. Эй инсон! МЕН ҳар бир ўлган одам билан бирга ўламан, аммо ҳар бир туғилган одам билан яна қайтадан туғилавераман. Хулас, ҳар бир инсоннинг ичида яшайман. Ҳозир ҳам «Ишонма! Ёлгон» деган овозлар эшитяпсан, шундайми? Ана ўша ҳам МЕН. Ўша овоз – МЕНнинг овозим...

Эй инсон! МЕНдан асло қутула олмайсан. Бунга йўл қўймайман ҳам. МЕНдан фақат ўлиб қутуласан!

Балки китобнинг охири саҳифаларини ўқиётгандирсан? МЕНи, яъни нафсингни танийман деб ўйлайсан. Бир неча дақиқа, балки бир неча соат МЕН ҳақимда, менинг тузоқларим, сенга қилган ёмонликларим ҳақида ўйлайсан. Менга эргашганинг учун пушаймон бўлиб, тавба қиласан. Кейин яна янги тонг отади, кун бошланади. Мени ҳам, тавбангни ҳам унутасан. Уни унуттирган ҳам яна МЕН. Ўзингни руҳан, маънан энг кучли деб ҳисоблаган пайтингда қутилмаган томондан, энг заиф нуқтанга хужум қиламан. МЕНдан қутулишга тэйр пайтингда ниятингдан қайтараман.

Ўлимдан кейин МЕН ташвиқ қилган ишлар юзасидан сўроққа тортиласан. Пушаймон бўласан, аммо барибир ўласан. МЕН эса ўлмайман. Дунёда охириги одам боласи қолгунига қадар бор бўламан.

МЕН – нафсман, эй инсон! МЕН – сенман. Сен билан тўхтовсиз, чарчамай, эринмай, зерикмай гаплашяпман.

Эшитяпсанми?

Эшитяпсан...

Чунки бунга мажбурсан...

## ИСТАНБУЛДАГИ БИР ЖОЙ. БУГУН

### СЕН

*Баъзилар кўради, аммо билмайди...*

Тилим айланмай, гапира олмай, қотиб қолди. Зехним парча-парча бўлиб кетгандек. Китобда ёзилган гапларга ақлим бовар қилмай қолди. Нафс тилидан айтилган гаплар хайратимни оширди. Ҳали ҳам ўзимни туш оламида ҳис қиляпман. Китоб ичимдан ўтказган ҳисларимни нафс тилидан баён қиляпти.

**«Балки китобнинг охири саҳифаларини ўқиётгандирсан? МЕНИ, яъни нафсингни танийман деб ўйлайсан»,** деяпти. Тўғриси, мен ҳам шу фикрни хаёлимдан ўтказдим.

Ростдан ҳам, китобнинг охири жумлаларини ўқиёпман. Тўғриси, ёнимда мени кузатиб турган кимдир бор деб ўйлаб, бироз чўчидим десам, хато бўлмайди. Ҳудди уйда мендан бошқа одам ҳам яшайтгандек, атрофга қараб кўйдим. Китобда ёзилганлар бошидан бери хайратимга сабаб бўлди. Бироқ охири қисмда айтилганлар худди мени таърифлаётгандек...

Ростдан ҳам, ўзимни шундай хис қиляпман. Сесканиб кетдим. Хаёлимда минг хил савол айланиб турибди. Бир неча саҳифа оркага қайтиб, яна ўқий бошладим:

*«Сенга айтиб берган ҳикоямдан ибрат олдинг, шундайми? Ичингдан ўтган овозлар ҳақида ўйлаясан, тўғрими? «Қайси биринафсим, қайсисивиждоним?» деб саволлар беряпсан ўзингга. Худодий ҳақида ўйлаясан! Уфтода ҳақида, бу сатрларни ёзган муаллиф ҳақида, аммо ҳаммадан кўп МЕН, яъни нафс ҳақида ўйлаяпсан, тўғрими? Ичингдан келган васвасаларимни, айтган ҳар бир гапимни, хатога бошлаганларимни, гуноҳга олиб борганларимни бирма-бир эслаяпсан. Пушаймон бўлиб, тавбалар қилганинг, иродасизлик қилиб, тавбаларингни бузганларинг ҳақида ўйлаяпсан. Ҳаммасидан хабарим бор...»*

Шу жойларни яна ўқидим. Худоди шундай хис қиляпман. Бу сатрлар менинг ичимдаги гапларни ўқиди. Ибрат оладим, деб ўйлаяпман. Ичимдан келган овозлар ҳақида ўйлаяпман. Эсимни еб кўйдим, шекилли...

Аслида бу айтилган гапларни илгари ҳам озми-кўпми билар эдим. Қандай унутдим-а? «Унуттирган – МЕН», деяпти китобдаги нафс. Китобнинг таъсир кучи остида қолганимга ўзим ҳам ишона олаяпман. Кўрсам ҳам кўра олмаганларим, эшитсам ҳам, эшита олмаганларим, билсам ҳам тафаккур қила олмаган нарсаларим ҳақида ўйладим.

*«Бу дунёда кўрган, эшитган нарсангга дарҳол ишониб кетма! Чунки эшитган нарсанг ортидан бошқа овоз, кўрган нарсангнинг ортида бошқа ҳол бор»,* дейди китоб Худодийнинг тилидан. Ишондим....

Китобда ёзилган сатрларнинг ҳақиқатлиги мени чўчитай. Кўларимда титроқ пайдо бўлганини хис қиладим. Нима қилишни билмай қолдим. Китобни кўйдим. Ўрнимадан туриб, ошхонадан бир пиёла сув оладим. Аммо зехнимдаги гапларни ўчира олмадим. Ичимдаги овозга кулоқ солиб кўраим. «Э, олдий бир китоб-ку! Шунчаки эртақ бу! Сен

бу гапларга ишонма», асган овозлар янгради. Китобдаги шү жумлалар хаёлимдан ўтди:

**«Хозир эса «Ишонма! Ёлгон» деган овозлар эшитяпсан, шундэйми? Ана ўша – МЕН. Ўша овоз – МЕНинг овозим...»** асган эди нафс. «Бўлиши мумкин эмас!» деб юбордим.

Йўк, ҳаммаси хақиқат. Кўлларимдаги титрок янада кучайиб кетди. Ичимдаги овозни ўчира олмаяпман.

Кўрқяпман, каттик кўрқяпман. Китоб турган хонага кирмадим. Ётоқхонамга кирдим-у, ўзимни ётоқка отдим. Кўрпани бошимгача тортиб олдим. Китобдаги гапларни ўйлашни истамаяпман. Қанийди, ухлаб қолсам...

Ёки бу фикрни ҳам ичимдаги нафс бердимми? Яна ўйланиб қолдим. Аммо буларнинг барчасини унуттишга уриндим. Кўзларимни маҳкам юмиб олдим. Ўзимни бошқа нарсалар билан чалгитдим. Бўлмади. Хаёлимда Худойи хазратлари, нафс ва китоб...

Ичимдаги овозни эшитмаслик учун қулогимни бармоқларим билан беркитдим. Барибир бўлмади. Чунки ичимдаги овоз қулоқ билан эшитадиган овоз эмас. «Бас қил, эй нафс!» асдим ўзимга. Шундай дейишга асдим-у, энди кўрқа бошладим. Бир соатча мана шундай ётдим. Кейин секин-секин бадамим оғирлашгандек, устимни кимдир босиб тургандек бўлди. Кўзимга тушлар илина бошлади. Истамасам ҳам тилимга китобдаги жумлалар ёпишаверди:

**Эшитяпсанми?**

**Эшитяпсан..**

**Чунки бунга мажбурсан...**

Қаттик бош оғриги билан уйғондим. Соат ўн иккидан ошиб кетибди. Хадемай пешин бўлди. Бунчалик кўп ухлаганимга ўзим ҳам хайронман. Роса туш кўраям,

аммо эслай олмайман. Ҳаммаси узук-юлук тушлар. Кечагига қараганда камроқ бўлса ҳам, ҳамон нафс ҳақида бир нарсаларни ўйлаяпман. Нафсни бунчалик тез унутганимдан хайратаман. Китобда ҳам «Мен унуттираман», деган эди нафс. Ростдан у унуттира оладими? Ҳеч нарса ўйлагим келмаяпти.

Ётоғимдан бошим гангиган ҳолда турдим. Бориб, юз-кўлимни ювиб, бироз ўзимга келгандек бўлдим. Ошхонага бориб, чой кўйдим. Кейин меҳмонхонага кириб, деразаларни очдим. Тоза ҳаво айлансин, асдим. Ўриндик устига кўйган китобга кўзим тушди. Асарни китоб жавонига кўйиш учун кўлимга олдим. Бирдан кресло ёнидаги стол устида турган дафтарчага кўзим тушди. Кеча уйимда меҳмон бўлган амакининг дафтари... Унутиб қолдирибди. Айтганча, амаки ҳам кўлимдаги китобни ўқимоқчи эди. Китобни амакига олиб чиқиш ҳақида ўйладим. Бошқалар ҳам бу китобдан мен каби таъсиранармикан? Тўғриси, қизиқиб қолдим.

Дафтарча билан китобни олиб, уйдан чиқдим. Амаки «Ўғлим сенинг тепангда яшайди», деган эди. Тепадаги қаватга чиқдим. Эшик олдига келгач, яна иккиландим. Ичимда бир овоз фикримдан воз кечишимни истар эди. Мен унга кулоқ солмадим. Эшик кўнғирогини босдим. Ҳеч ким очмади. Яна кўнғирок тугмачасини босдим. Яна ҳеч ким йўқ. Учинчи марта босмоқчи эдим, зинадан пастга тушиб келаётган қадам товушларини эшитдим. Энг тепа қаватаа яшовчи киши экан... Аввал ҳам бир неча марта салом-алам қилгандик. Шунинг учун танидим.

– Яхшимисиз? – асади у мени кўриб.

– Яхшимисиз, ассалому алайкум! – асдим.

У «Тинчликми?» дегандек, бошини силкитиб қаради. Ўзимни нимадир аёйишга мажбур хис қилгандек бўлдим.

– Кўнгирокни босяпман, лекин ҳеч ким очмайпти. Уйда эмас, шекилли, – дедим.

– Очмайдиём-да! – деди у кулиб.

Нима деганини, нега кулганини тушунмадим.

– Нега? – дедим кўзларимни ярим юмиб.

– Чунки бу уйда ҳеч ким яшамайди. Уй бўм-бўш, – деди у.

Ичимда нимадир узилгандек бўлди. Нима дейшни билмай, доваираб қолдим. Дудукланиб, бир амаллаб «Ростданми? Қачондан бери бўш бу уй?» деб сўрадим.

– Анчадан бери бўш. Ҳеч ким яшамайди бу уйда. Ўзи нега кўнгирокни босяпсиз, тушунмадим?

Турган жойимда эсанкираб, қотиб қолдим. Ҳеч қандай жавоб кайтара олмадим. Нима дейин ахир? Қанақасига бу уй бўш бўлади? Анчадан бери ҳеч ким яшамайди, дегани нимаси? Унда кечаги амаки ким эди? Кап-катта одам мени алладими? Ким ўзи у?

– Майли, раҳмат, – мен шундай дед, зинадан пастрга тушдим. Кўлларим титраб, эшикни зўрға очиб, ичкари кирдим-у, дархол эшикни қулфладим. Хаёлимга келган илк фикр – «Уйимга келган амаки ўгрими ёки ўғри эмасми?» деган савол бўлди. Тезда бутун уйни қараб чиқдим. Ҳамма нарса жойида.

Креслога ўтирдим. Нималар бўляпти ўзи? Тепада ҳеч ким яшамаса, бу амаки ким эди? Нима учун келган эди? Юрагим тез-тез ура бошлади. Нафасим тўхтаб қолгандай бўлди. Полицияга телефон қилмоқчи бўлдим. Кейин бирадан кўлимдаги дафтар эсимга тушди. Ёдимга тушди! Амаки «Ўғлим» деган эди-ку, «Телефон рақами бор», деган эди-ку! Дафтарни титкилаб қарай бошладим. Ха, мана, тоқдим! Бир телефон рақами турибди. Дархол ўша рақамни териб, чақирув тугмасига босиб, кутиб турдим. Аммо телефондан келган овоз бундай рақам йўқлигини айтади. Қайга-қайга

телефон қилдим, аммо ҳар гал шу жавобни олавердим...  
Ақлдан озиб қолганга ўхшайман...

Дафтарда яна нималар ёзилган экан деб, қараб чиқдим.  
Кўларим қалтиради. Наҳотки бошқа ҳеч нарса бўлмаса!  
Йўк, йўк! Ҳамма саҳифасини қараб чиқдим. Ҳеч нарса топа  
олмадим.

Факат энг охириги саҳифанинг пастки қисмида бир ёзувга  
кўзим тушди:

**«Баъзилар кўради, аммо билмайди. Баъзилар билади, аммо  
кўрмайди».**

Тушунмадим... Баданимни тер босди. Сал қолса йиглаб  
юбораман. Лабларим титради. Кекса амаки ҳақида эслашга  
уриндим. Амакининг севимли, нуроний юзи кўз ўнгимда  
гавдаланди. Ҳаслимга ҳеч қандай кўрқинчли ёки ёмон нарса  
қелмади.

Амаки айтган гапларни эслашга ҳаракат қилдим. Эслай  
олмадим. Яна бироз уриниб кўрадим. Ниҳоят, унинг биргина  
гапи эсимга тушди:

**«Ҳар қелгани Хизр бил...»**

Ҳайратдан қотиб қолдим.



Бу воқеадан кейин бир ҳафта ўтди. Ақлдан озган одамаск  
юрибман. Шу бир ҳафта ичида уйимга фақатгина ухлаш учун  
қелдим. Ҳар жойда, ҳар маконда ўша амакини қирирам.  
Амакининг кўча бошида бурилаётиб, менга қараб, ўнг кўла  
шаҳодат бармогини тепага кўтариб турган ҳолати ҳамон кўз  
ўнгимда турибди. Суратаск қотиб қолган.

Кекса амакини ҳеч қасрдан топа олмадим. Лекин топиш учун  
қиришда давом этаман, нафсимнинг овозини ўчираман!

Китобнинг ёзувчиси ҳақида ҳеч қандай маълумотим йўқ.  
Факат исми Фотиҳ эканини биламан. Нимага? Балки бундан



ортиги кизик эмасдир? Балки билмоқчи эмасдирман. Ахир ёзувчи мен китобни ўқиётганда хис қилган тушунчаларимни, ҳолатимни қаердан билсин!

Бир куни ярим кечаси яна амакини қидириб, кўчада кетаётиб, «Балки ёзувчининг ҳаммасидан хабари бордир?» деган фикр ҳаёлимга келди.

Компьютеримни очиб, интернет саҳифасида ёзувчининг исмини қидиртирдим. Бир интернет саҳифасидан электрон почта манзилини топдим. Мактубим ёзувчига етиб борадимми-йўқми, билмайман, лекин хатимда ўша китобни илк қўлимга олган кунимдан бошлаб ҳозиргача бўлган ҳисларимни битдим:

«Аллоҳим, бунча узун бўлмаса бу йўл! Бир неча соатдан бери йўлардаман. Худди тугамайдайгандек. Оёқларим эса ўзимга бўйсунмаяпти.

Ҳа, Истанбулни севишим рост! Аммо бир севги дея шунча машаққатга чидашга мажбурманми? Ҳар бир гўзал нарса мана шундай машаққатчектирадими? Бир шаҳарга ошиқман деб, ҳар доим ўша шаҳарда яшашга мажбурми инсон? Узоқдан севиш кифоя қилмайдими? Бу стресс, тинмай бир жойларга ошиқиш, шошилиш ва машаққатлар мени ҳам безовта қиляпти. Аммо бу шаҳарга келишга мажбурман. Шу ерда бўлишим керак, шу ерда қолишим зарур.

Бўлмаса бир лақиқа ҳам турмайман. Бошимни олиб, кимсасиз, танҳо, ҳеч ким бўлмаган, тоғ этагидаги ёғоч уйга ёки сокин бир қишлоққа кетаман. Билмайман...

Истанбул ҳар севгили каби баъзан инсонни бўғайди, ўзидан бездиради. Ундан қочиб кетгим келади, аммо қўлимдан келмайди. Чунки исташ бошқа, истагингни амалга ошира олиш бошқа экан...»

Ичимда бир овоз бор. Дунёга келибманки, ўзимники деб ўйлаганим ўша овоз бор... Ҳеч тўхтамаган, ҳар доим шивирлаб турган овоз... Кимдир уни «ички овоз» деса, яна кимдир уни «менлик» деб атайди, аммо эскилар буни «нафсининг овози», «нафс» деб аташади...

Нафс – захардир, нафс – душмандир... У ҳеч қачон тин олмайди... Сизнинг ҳам ичингизда бир овоз сиз билан гаплашадими? Сиз жим бўлган пайтингизда ҳам у гапираверади, шундайми? Қулоқларингизга нималарнидир пичирлайдими? Ёлғиз қолган пайтингизда бу ғалати овоз сиз билан сўзлашадими?

Мен сиз билан дардлашадиган ўша нафс ҳақида ҳикоя қилиб бераман. Шундай экан, бу китобни нафсингиз тилидан хитоб қилинадиган бир ҳикоя деб қабул қилгайсиз...

Аммо шуни билингки, қалбимизга мана шуларни васваса қилган ҳам нафсимиздир. Бизларни ишдан қолдирган, алдаб-сулдаган ҳам нафсдир. Ва ҳатто, ичингиздан бир овоз сизга «Бу китобни асло ўқима!» деяётган бўлса, билингки, бу ҳам ана ўша нафсининг овозидир. Гапиришдан кўра ёзиш осонроқдек, яхшироқдек туюлади гоҳида. Гарчи қийин бўлса-да, мен ҳам гапирмай, фақатгина ёзавердим. Саҳифаларни қоралайвердим. Сиз учун, айнан сиз учун ёздим...

«Ҳар бир китобнинг ўз эгаси бор», дейдилар. Ажаб эмаски, бу китоб фақатгина сиз учун ёзилган бўлса!

 NASIM KUTUB	МЕН Фотих Думан
№	Туркум номи
2	Қисса
	
9 789943 836525	